“Она тили дарсларида грамматика ўқитишдан мутлақо воз кечамизми?” деган саволнинг жавоби қуйидагича: Мақтаб она тили машғулотларида ўқувчиларга 3 турдаги қоидалар сингдирилиши зарур:

1) орфография қоидалари (Бу қоидалар умр бўйи кишининг ёзма саводхонлигини тартибга солиб туради);

2) орфоэпия қоидалари (Бу қоидалар умр бўйи кишининг оғзаки нутқини адабий меъёрларга мослаштириб туради);

3) пунктуация қоидалари (Бу қоидалар умр бўйи кишининг ёзма нутқида нима демоқчилигини кўрсатиб туради).

Қолган барча дарслар амалий характерда бўлиб уларда ўқувчини сўз мантиғини англаш, сўз ва бирикмаларни ўз ўрнида қўллаш олиш малака ва кўникмаларини, шунингдек, шарқона нутқ одобини ўргатиш зарур.

Шунда умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган она тили дарслари ўқувчига тилшунослик асосларини эмас, тилнинг чексиз имкониятларидан фойдаланишни, яъни тилни ўргатади.

Аксариятимизга таниш бир манзара бор. Тонгни қаршилаётган туриб телевизор мурувватини бураймиз. Юртимизнинг давлат мадҳияси янграйди. Телелавҳаларда мактаб остонасига қадам қўйган болажонлардан тортиб халқаро аренада ғолибликни қўлга киритган спортчиларимизгача, бободехқону шифокор, ўқитувчию муҳандис, ҳарбий аскарар юрт раҳбаригача қўли кўксидан миллий қўшиғимизга жўр бўлишади. Бу кўпчилигимиз учун оддий ва одатий ҳол. Бироқ эътибор беринг-а, мадҳия бўлиб жаранг сочаётган она тилимиз каттаю кичикнинг юрагига бир хилда ифтихор туйғусини солмоқда. Биласизми нега? Сабабки, тафаккуримиз, шууримиз, қўйингки, бутун борлиғимиз, сийратимиз она тилимиздаги ҳар бир ширин, ҳикматли каломдан маънавий озуқа олади.

Мен тилпарастман. Ўзбекпарастман. Шунинг учун баралла айтаманки, она тилим бетақдор, унинг дунё тиллариаро жозибдорликда қиёси йўқ. Ўзбек тилидек сўзга, иборага, ибрату ҳикматга бой тиллар санокли. Жумладан, тилимизда биргина *соғинмоқ* феъли билан боғлиқ градуал қаторда *ичикмоқ* сўзи ҳам туради ва соғинчдан ҳатто хаста бўлиб қолиш даражасини ифодалайди. Ёки биргина *ийгламоқ* феълнинг антонимини ўндан ортиқ бирликларда ҳам ижобий, ҳам салбий маъноларда ифодалай оламиз: *жилмаймоқ – кулимсирамоқ – табассум қилмоқ – табассум ҳада этмоқ – кулмоқ – қаҳ-қаҳламоқ – қаҳқаҳа урмоқ – қаҳқаҳа отмоқ; илжаймоқ – иржаймоқ – тиржаймоқ – ишшаймоқ – иршаймоқ – иршангламоқ; оғзининг таноби қочмоқ – оғзи қулоғига етмоқ – ўттиз икки тишини кўрсатмоқ – даҳанини йиғиштиролмаслик – оғзи ёпилмайди* каби.

Хўш, айнан *ичикмоқ* сўзини (*соғинмоқ* феълени эмас) дунё тилларига таржима қилиб кўрингчи?! (Рус тилидаги *скучать* ёки инглиз тилидаги *get bored* ўзбек тилидаги *соғинмоқ* маъносини беради, холос.) Ёки *кулмоқ* сўзининг йиғирмага яқин муқобили яна қайси тилда учрайди?

Бу сингари ҳамма тилларда ҳам учрайвермайдиган мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Бу фақатгина заррадек кўзга илинмас менинг ифтихорим эмас, туркий тилга “адабий ёдгорлик” ўрната олган бобокалоним Маҳмуд Қошғарийнинг эътирофидир. М.Қошғарий туркий тилларнинг бошқа тиллардан қолишмайдиган жозибасини нозик тарзда очиб берганлигини, унинг мавқеи, мақомини кўтариш масаласида бор маҳоратини ишга солганлигини, бунга умрининг “гул даври”ни бахшида этганлигини яхши биламиз. Ўз даврдаёқ олим “*араб тили билан икки улоқчи отдек тенг пойга қилиб ўзиб бораётган туркий тилни ўрганиш*”ни “*вожиб амал*” деб ёзган эди. Қошғарий мазкур фикрининг тўғрилигини исботлаш учун “ишончли бир бухоролик ва яна нишопурлик бошқа олимдан шундай бир хабар эшитган эдимки, улар бу сўзни пайғамбар (с.а.в.)га нисбат бериб айтган эдилар: “...турк тил (лисон)ини ўрганинг, чунки уларнинг ҳукмронлиги узоқ давом этади. Ҳадиснинг

сахих ёки сахих эмаслигининг жавобгарлиги айтган кишилар гарданига. Агар тўғри бўлса, турк тилини ўрганиш вожиб (зарур)дир”, деган далилни келтиради ва фикрини давом эттириб бу масалада катъий хулоса қилади: “ҳадис тўғри бўлмаган тақдирда ҳам, уни ўрганиш зарурлигини ақл тақозо қилади”.

Шундай экан, мен ҳам борлигимга она алласи бўлиб кирган, ақли ҳушимнинг (бир инсонга хос) тетапоясидан камолотига қадар мени етказган, шодлигимда энтикиб, ютуқларимда ардоқлаган, туйғуларимни қулоғимга шивирлаб, қайғуларимда тўкилиб ўғит берган онажон тилимдан нега ифтихор этмай...

Ўзбек тилим жаҳон минбарида ҳам янгради! Бугун бизни, тилимизни, элимизни дунё тан олаётганининг ёркин исботи эди– бу! Аждодларимиз Маҳмуд Қошғарий, Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, хожа Аҳмад Яссавий, ҳазрат Алишер Навоий, шоҳ ва шоир Заҳириддин Бобур, “туркийларга туркона айтган” Абулғози Баҳодирхон, Мунис, Фурқат, Муқимий, Аваз Ўтар, Комил Хоразмий, Фитрат, Чўлпон, Боту, Абдулла Қодирий сингари минг-минглаб тилдошларимиз руҳи олдида юзи ёруғликка юз тута бошладик. Хайрли ишларимиз бардавом бўлсин...

“Тил – миллат қалби. Тил бор – миллат яшайди. Шундай экан, миллатини севган ҳар бир инсон тилининг тақдирига бепарво қараб туролмайди”, деймиз, минг афсуски, бепарво қараб тураверамиз. Фикримизни қуйидагилар далиллайди:

- кейинги бир-бир ярим йил ичида *сартарошхона*ларимиз (аниқроғи, эркаклар сартарошхоналари) *барбершоп* (barbershop)га, *сартарош* бирлиги *барбер* (barber)га айланди (барбер Салим, барбер Фарҳод деган ёзувларга ҳар куни кўзимиз тушяпти – узоғи билан борса, энса қотириб ўтиб кетяпмиз, холос);

- янгидан очилаётган маиший савдо шаҳобчаларидан тортиб каттароқ тижорат дўконларигача «Мы скоро откроемся» ёки эндига очилганлари «Мы открылся» деб ёзган эълонлари биз учун табиий ҳолга айланиб қолди;

- емакхоналаримизнинг пештоқларидаги “Лавитта”, “Кусок”, “Голубые купола”, “Шафран”; маиший хизмат жойларидаги “Мэри”, “Куколка”, “Барби”, “Сюзанна”, “Багира” каби номлар бизни ташвишлантirmаяпти ва ҳ. Зотан, Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг 20-моддасида «Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин» деб аниқ ёзиб қўйилган.

Тил – уммон. У шевалардан, бошқа тиллардан оқиб келган жилғалар ҳисобига тўлиб-тошиб туради. Шунинг учун тилнинг луғат таркиби очик система дейилади. Жамият тараққиётида янги-янги тушунчаларнинг дунёга келиши билан тилда уларнинг номлари ҳам пайдо бўлади. Ёки бир нарсанинг турфа номлари майдонга келиб, ифода имкониятларини кенгайтиради. Аммо бу ўз тилинда борини топтаб “хўрозқанд четники экан” деса, “ётиб ялаш керак” дегани эмас!

Ҳазрат мир Алишер Навоий сўзни дуру гавҳарга, сўзловчини ғаввосга қиёслайди. Сўз дурига нотик сайқал беради ва нотикнинг маҳорати билан сўз жилваланиш қобилятини намоён этади, деб таърифласа, сўз латофатини юракдан ҳис этган халқ шоири Эркин Воҳидов сўзни забаржад, гавҳар, олтинга, шоирни заргарга қиёслайди. Заргар олтинни ҳавас билан кафтига олиб, ундан машаққатли меҳнати орқали гўзаллик яратса, шоирлар сўзга меҳр қўйгандагина, таъсирчан мисралар ярата олишини айтади.

“Она тилимни севмасам, сўзларига маҳлиё бўлмасам, ҳайратланмасам менга шоирлик қайда эди!” деганда шоир ҳақ!

Манбаларда луғат бойлиги жиҳатидан рўйхатларнинг олд қаторидан уч ярим миллиондан ортик лексик бирлиги билан араб тили, икки ярим миллиондан ошиқ сўзи билан инглиз тили ўрин эгаллайди. Ўзбек мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, адабий тилимизга сўз танлашда “ҳасис”лик қилмасликни инглизлардан ўргансак (инглизларнинг луғатларидан маҳаллий шева сўзлари ҳам деярли тўлиқ ўрин эгаллаган), ўзбек тилининг сўз ва иборалари (шева ва адабий тил, касб-ҳунар сўзлари ва атамалар, эскирган ва янги пайдо бўлган сўзлар) замону макон нуқтаи назаридан чекланмай йиғилса, дунёда энг кўп сўзли луғатлардан ҳам каттароқ луғат тузишимиз мумкин экан. Ўзбек тилининг бошқа тил қолипларига тушмайдиган, ўзига хос ривожланиш йўллари мавжудки, бу унинг ҳар куни (баъзан ҳар соату дақиқада) бойиб боришини таъминлайди.

Она тилимизнинг софлигини сақлаш, талаффуз меъёрларидаги чалкашликларга барҳам бериш ва унинг таълими борасида бажаришимиз зарур бўлган ишлар, эгаллашимиз зарур бўлган билим, малака, кўникмалар бисёр. Она тилимизга эътибор учун ҳар биримиз масъулмиз, унинг таълими замирида ҳам шу масъулиятни кучайтириш вазифаси туради. “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинганлигига 33 йил тўляпти. Мутахассисларимиз ўтган йиллар давомида тилимизнинг

мавқеини орттириш учун кам ҳаракат қилдик, дейишяпти; бу борадаги камчиликларни санаб ўтишяпти; ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги мақомини ошириш учун қилиниши лозим бўлган ишларни таклиф қилишяпти. Бу яхши. Аммо статистик таҳлил шуни кўрсатади: ўзбек тили шу давр ичида мақомини тиклади. Қонун ўз вазифасини бажарди. Қонунни янада мукамаллаштириш вақти келди. Қонунни қайта ишлаш жараёнида давлат тилини қўллашга қатъий талаб қўйиш, уни бошқа давлатларнинг давлат тили ҳақидаги қонуни билан солиштириш, ижобий томонларидан намуна олиш вақти аллақачон етган. Бугун ўзбек тилининг давлат тили мақомини янада кучайтириш ҳақида бош қотиришимиз, бу йўлда собитқадамлик билан амалий ишлар қилишимиз керак.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида” Фармони қабул қилинган тил сиёсати борасидаги ишлар сезиларли даражада амалга оша бошлади. Демак, юртимизда миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг қўламли ишларни амалга ошириш учун расмий дадил қадам ташланди. (Бу аждодларга армон бўлган орзуларнинг рўёби; юксак шараф, улуғ эътироф намунасидир.)

Ўйлаймизки, бу Янги Ўзбекистонда истиқлолнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий кадриятларимизни асраш борасида халқимиз, аждодларимиз улуғлаган йўлни оғишмай давом эттиришимизда ҳуқуқий асос бўлиб қолади. Зеро, бугун биз қалбан, маънан, руҳан, сийрату суратан ўзбек деган номга муносиб бўлиб яшашга тўла ҳақлимиз.

LINGVOKULTUROLOGIYANING TARIXIY BOSQICHLARI VA IJTIMOIIY-MADANIY O'ZIGA XOSLIKLARI

Irgasheva Feruza Baxtiyorovna

Buxoro davlat universiteti

tarjimashunoslik va lingvodidaktika kafedrasida katta o'qituvchisi

f.b.irgasheva@buxdu.uz

Annotatsiya: Tarjima inson faoliyatining eng asosiy turlaridan biri sifatida uzoq tarixiy bosqichlarga ega. Maqolada lingvokulturemalar tadqiqotining tarixiy bosqichlari hamda ularning sotsiolingvistik aspektlari haqida nazariy fikr bildirilgan. Til, fikrlash, jamiyat tushunchalarining o'zaro aloqadorligi, ularning ijtimoiy funksiyasi, shuningdek, tilshunoslar tomonidan til, millat va madaniyat tushunchalarining tarixiy bosqichlarda ilm-fan terminologiyasidan o'rin egallashi tahlil qilingan. Tarjimaning sotsial vazifalari, tarjimoni sotsial hodisa sifatida o'rganish, sotsiolingvistikaning tarkibiga kiruvchi tarjimaning muhim xususiyatlari tizimlashtirilgan.

Kalit so'zlar: til, madaniyat, tarjima, sotsiolingvistika, badiiy tarjima, madaniyatlararo yondashuv, fikrlash, muloqot.

Аннотация: Перевод, как один из самых основных видов человеческой деятельности, имеет длительные исторические этапы. В статье представлен теоретический взгляд на исторические этапы изучения лингвокультуры и их социолингвистических аспектов. Взаимосвязь понятий языка, мышления, общества, их социальная функция, а также место понятий язык, нация и культура в исторических этапах с точки зрения терминологии науки были проанализированы лингвистами. Систематизированы социальные задачи перевода, изучение перевода как социального явления, важные черты перевода, входящие в состав социолингвистики.

Ключевые слова: язык, культура, перевод, социолингвистика, художественный перевод, межкультурная коммуникация, мышление, коммуникация.

Abstract: Translation, as one of the most basic types of human activity, has long historical stages. The article presents a theoretical opinion about the historical stages of the study of linguocultures and their sociolinguistic aspects. Interrelationship of the concepts of language, thinking, society, their social function, as well as the place of the concepts of language, nation and culture in historical stages from the terminology of science were analyzed by linguists. The social tasks of translation, the study of translation as a social phenomenon, the important features of translation that are part of sociolinguistics are systematized.

Keywords: language, culture, translation, social linguistic, literature translation, intercultural communication, thinking, communication.

Kirish. V.Gyote aytganidek, "tarjima jarayonida tarjima qilib bo'lmaydigan unsurlarga qadar yetib borish kerak bo'ladi, faqat shundagina boshqa xalq, boshqa tilni yaqindan bilib olish mumkin". Tarjima inson faoliyatining eng asosiy turlaridan biri sanaladi. Insonlarning alohida guruhlar bo'lib yashashi oqibatida ularning muloqot tillari bir-biridan farq qila boshlagan, buning natijasida turli dunyo tillari yuzaga kelgan. Turli til vakillarining o'zaro muloqotga kirishishi, tovar yoki ma'lumot almashinishi uchun tilmochlar ko'magidan foydalanilgan. Vaqt o'tishi bilan og'zaki tarjima bilan bir qatorda yozma tarjimonlik faoliyati ham rivojlana borgan. Tarjima eng boshdanoq muhim ijtimoiy funksiyani bajarib, insonlarda madaniyatlararo muloqot qilish imkonini bergan. [5]

L.K.Latishevning fikriga ko'ra, tarjimaning sotsial maqsadlari uning mavjud barcha amalga oshirish mumkin bo'lgan xususiyatlarini doimiy tasniflovchisidir. Uning izlanishlariga ko'ra, bunday sotsial maqsadni namoyon etish, tarjimoni boshqa til vositachiliklari bilan solishtirishdan yiroqlashgan holda, uning jamiyat maqsadini aniqlovchi mohiyatini tasvirlash zarur. L.K.Latishevning ta'kidlashicha, bunday qiyoslash tarjima – tillarda aloqa qilishning yagona yo'li bo'lib, uning maqsadi turli lingvomadaniy to'siqlarni bartaraf etish orqali muloqot qilish imkonini beradi.

Asosiy qism. Tarjimaning sotsial aspektlari u yoki bu shaklda tarjima bo'yicha qilingan nazariy izlanishlarida yoritilgan. A. Lilovanning ta'kidlashicha, tarjimaning sotsial vazifalari – turli xalqlarning kitoblarida saqlangan, shuningdek, umumxalq mulkiga aylangan, til to'sig'i tufayli ko'pchilik uchun erishib

bo'lmaydigan vazifalardir. Tarjima insonlar va xalqlarni birlashtirib, ularning o'zaro aloqa qilishlari uchun ko'makchi hisoblanadi.

Tarjimaning sotsial vazifalarini aniqlashda, A.Lilova ularni quyidagicha tizimlashtiradi:

- kommunikativ vazifa;
- umummadaniy vazifa;
- kognitiv-tarbiyaviy vazifa.

Tarjimani sotsial hodisa sifatida o'rganish sotsiolingvistikaning tarkibiga kiruvchi tarjimaning muhim xususiyatlarini aniqlamasdan turib imkonsizdir. A.D.Shveysar ta'kidlaganidek, tarjima nazariyasi uchun sotsiolingvistik nuqtai nazardan qaraganda shu narsa muhimki, til sotsial-madaniy hodisa sifatida qaraladi va tilda ijtimoiy hayot bilan bog'liq bo'lgan turli ko'rinishdagi variativlik mavjud. [4]

Madaniyat tushunchasi o'zida tilni mujassamlashtirishi ma'lumligi sabab tilning lug'at tarkibi ijtimoiy-madaniy tushunchalarini o'rganish ahamiyatlidir. Har qanday tarjimon, hatto eng mohir tarjimon ham tarjima qiyinchiliklariga duch keladi, chunki u zaxiradagi boshqa bilimlari yordamida matnni o'zga madaniyat doirasiga olib kirishi kerak. Bunda tarjimon original uslubni qayta yaratishi va milliy stilistik uslubni yo'qotmasligi lozim. Madaniyatlararo muloqot jarayonining yagona vakili sifatida, tarjimon o'zining gnoseologik davomlilikida original fikrlash modelini yaratadi, uning adekvatligi ko'plab omillarga bog'liq bo'ladi:

- tarjimonning ma'lumotga egalik darajasi;
- original matn muallifi va tarjimon orasidagi masofa;
- tarjimonning fikrlash xarakteri. M.Rilskiy aytganidek, har qanday mohir tarjimada nafaqat millat alomati, balki individuallik alomati ham namoyon bo'ladi.

Ijtimoiy-madaniy o'ziga xos unsurlar tarjimasi muammolarining ahamiyati va dolzarbligining ahamiyati tarjima nazariyasi va amaliyoti bilan shug'ullangan L.I.Borisova, V.D.Ivshin, I.G.Jirova, L.K.Latishhev, V.N.Komissarov, L.L.Nelyubin, G.T.Xuxuni, A.M.shveysar kabi olimlar tomonidan tadqiq qilingan.

Ushbu muammoning qo'yilishi zamonaviy davrda tarjima sifatini baholashning yuqori mezonlariga asoslanib, tarjimonning kasbiy kompetensiyasini shakllantiruvchi bilimlar va mahoratni egallashni nazarda tutadi. Tarjimonlik kompetensiyasining asosini chet tilini egallash tashkil etadi, chunki chet tilini bilmay turib mazkur sohada faoliyat olib borish haqida gap ham bo'lishi mumkin emas. Tarjimonning kasbiy mahoratining muhim mezonlaridan yana biri uning yuqori darajadagi lingvomadaniyati, ya'ni madaniy va o'lkashunoslik bilimlari sanaladi. Ammo shu narsani ta'kidlab o'tish joizki, tajribali va bilimdon professional ham o'zida dunyo haqidagi barcha bilimlarni mujassamlashtira olmaydi, bundan tashqari, bir tildan boshqa tilga aniq ijtimoiy-madaniy komponentni yetkazib berish jarayonida tarjimon xato va g'alizliklardan qochish maqsadida ma'lumotlar katoligi va lug'atlardan foydalanadi. Shunday qilib, nafaqat milliy til va o'zga til madaniyati haqidagi yuqori bilimlar, balki madaniyatlararo va tillararo muloqotda tamoyil va yondashuvni ham egallash muhim sanaladi.[1]

Badiiy adabiyot muallif tomonidan berilgan ma'lumot asosida, uning dunyoqarashidan kelib chiqib o'quvchilarga yetkazilgan hisoblanadi. Ya'ni asar muallifi dunyo tasvirini qanday anglashini o'z asarida mujassamlashtirgan holda keng omma ongiga taqdim etadi.

Janr va adabiy yo'nalishiga qarab vaqt va makonda aniqlangan real yoki uydirma haqiqatga taqlid qilib, unda o'quvchilar tomonidan real qabul qilinadigan personajlar ishtiroki bilan rivojlanadigan voqealar mavjud. Yozuvchi mahorati o'quvchini nafaqat uydirmaning real hodisa ekanligiga ishonitirish, balki uni muallif tomoniga og'dirish, ya'ni dunyo va ijtimoiy qiymatga ega jamiyat muammolarini yozuvchi tomonidan asoslanishi va to'g'riligiga ishonitirishga majbur qiladi. Badiiy matnning sotsiomadaniy tarkibi o'zida personajlar yashaydigan va faoliyat yuritadigan dunyoni aks ettirib, ularning barchasiga muallif egalik qiladi.

Bu badiiy tarjimaning boshqa tilga nafaqat muallif o'y-fikri va matn mazmunini yetkazib berish bo'lgan ahamiyatli jihatini ko'rsatadi, balki badiiy asar tarkibini tashkil etuvchi uydirmalarning sotsiomadaniy elementlarining tarjimasi muhimligini namoyon etadi.[6] Madaniyatlararo yondashuvning o'zlashtirilishi ham ushbu vazifalarni bajarishda ko'makchi bo'lishi mumkin. Tarjimashunoslikda lingvokulturologik yondashuvning o'rnini aniqlash uchun uning taraqqiyot bosqichlarini ko'rib chiqish kerak.

1. Lingvokulturologiya tarixida ilmiy yo'nalish sifatida V. fon Gumboldtning ilmiy ishlari orqali ilm-fanning shakllanishi, shuningdek uning ilmiy izdoshlari bo'lgan L.Vaysberger, E.Sepir, V.I.Vernadskiy kabilar ham ilk bosqich namoyondalari sifatida keltiriladi. Til, madaniyat, millatlar aloqadorligi muammolari XIX asr tadqiqotchilari qiziqishlarini doirasida bo'lgan.[2]

Til va madaniyatning o'zaro aloqadorligi borasidagi falsafiy tushunchalar V. fon Gumboldtning milliy tilshunoslik nazariyasida va ko'plab Yevropa lingvistik an'alarida o'z ifodasini topgan. Muallif gumanitar fanlarga doir fundamental masalalarga nisbatan qarashlarini o'zining butun ijodiy biografiasini qamrab olgan xronologik ishlarida bayon qilgan. So'z va fikrlashning o'zaro aloqadorligi haqida so'z yuritir ekan, muallif, tilni nafaqat anglangan haqiqat vositasi sifatida emas, balki undan ham ortiqroq – yangi, anglanmagan olamning ochilishi deb tushunadi. Olib borilgan izlanishlari natijasida u shunday fikrga keladi: til – inson fikr-o'ylarini shakllantiruvchi organ, inson faqatgina tilde o'ylaydi, his qiladi va yashaydi hamda sun'iy til orqali mavjud emaslikni til orqali anglashi avval boshdanoq u, ya'ni inson tomonidan shakllantirilishi kerak.

Keyingi izlanishlarida V. Fon Gumboldt tillarni o'rganishni ularning o'z shakllanish qatori tizimida qo'llanilishi kerak degan fikrga keladi. Tillarni chog'ishtirishni milliy o'ziga xosliklarni tadqiq qilish metodlarini o'rganish sifatida qaraydi: insonning gapirish qobiliyati va ehtiyoji butun millat tomonidan yaratilgan. Til konkret bir insonning erkin mahsuli bo'la olmaydi, u butun millatga tegishli va cheklangan individuallikdan butun qamrovli mavjudlikning o'zgaruvchan vositasi hisoblanadi. Har bir konkret millat madaniyati shu millat individlarida bosqichma-bosqich shakllanib borishiga asoslanadi. Turli xil yosh, jins vakillari orasida til aynan o'sha millatning turli xarakter va intellektlarida aralashadi, tozalanadi va qayta shakllanadi. Bu jarayon millatlararo xarakterga ega bo'lib, so'z va tillar, tor doiradagi muloqot vakillari doirasida butun insoniyatni qamrab oladi. Barcha tillarning bu tarzda diqqatga molikligi shu bilan izohlanadiki, barcha tillar grammatika va leksikasida barcha til sharoitlaridan ayro tarzda olingan predmetlarning salmoqli miqdori mavjud. Har bir til jamoasi gnoseologik o'ziga xosligi bilan shartlangan g'oyasiga alohida olingan har bir til tushunchalari qurilishi o'ziga xoslik idioetnizm g'oyasiga qarshilik qilmasligi isbotlanmagan. V. Fon Gumboldtning qarashlarida tilning shakllanishi faqatgina jamiyat ichida muloqotni tutib turishga intilish sifatida emas, balki insoniyatning tabiatiga o'rnashib qolgan, ulardagi ruhiy kuchning rivojlanishi va dunyoqarashining shakllanishida almashtirib bo'lmaydigan ehtiyoj deya ta'kidlanadi. [3]

2. Keyingi bosqichni postgumboldtizm deya atash mumkin. V. fon Gumboldt tomonidan aytilgan ko'plab fikrlar tanqidiy bahoga yuz tutdi, qayta ishlandi va aksincha uning izdoshlari tadqiqotlari natijasida keyingi taraqqiyot bosqichiga ko'tarilib neogumboldtchilar sifatida inson verballashtiradigan til va fikrlash, til va mavjudlik o'zaro aloqadorligini o'rganadi.

Nemis lingvisti K.Abel idioetniklikning gumboldtcha g'oyasiga sharh keltirib, tillarni bir-biri bilan qiyoslashni begona o'lkalarga sayohat qilishga o'xshatib, biz ko'rib turgan narsalar, binolar arxitekturasidan to kiyim-kechak bichimiga, rasmiy marosim nutqidan to qiziqarli hazillargacha, ammo milliy o'zgargan ko'rinishda va qayta shakllangan. Millatlar orasida munosib o'rin egallash uchun o'sha tilning o'ziga dunyo fikrlash bo'yicha tadqiqotlariga kafolatlay oladi. X.G. von der Gobelensning qarashlarida tilning milliy o'ziga xosliklari birinchi o'ringa qo'yilgan bo'lib, uning fikricha, biz o'rganadigan har bir til bizga yangi dunyoni emas, o'sha biz ko'rib turgan dunyo haqida, ammo biz unga boshqacha nigoh bilan nazar solamiz, uni boshqa doirada ko'ramiz. Shuning uchun biz shu paytgacha e'tibor bermagan narsalarimiz ko'zimizga tashlanadi va biz ko'nikib qolgan elementlar nigohimizdan chetda qoladi, predmetlar oldingiga nisbatan boshqa qonuniyatlar, boshqa munosabatlar va vositalar orqali bog'langandek tuyuladi. Shu sababli dunyo ham biz uchun boshqachadek ko'rinadi. Millatning ruhiy g'oyalari F.N.Finka konsepsiyasida namoyon etilgan bo'lib, unda millatning ruhiy o'ziga xosligi o'zining tarkibiy qismlaridan biri bo'lgan dunyoqarashni ham o'zida mujassamlashtiradi. Muallifning xulosasiga ko'ra, tilning ruhiy o'ziga xosligi va ichki shakli, ya'ni til qurilishi, orasida o'zaro aloqadorlik mavjud, til bo'yicha asoslar esa millat tilining psixologik o'ziga xosligi va uning grammatik qurilishi borasida bahs yuritadi. [7]

Inson va mavjudlik orasidagi vositachi sifatida til haqidagi V. fon Gumboldtning g'oyalariga ko'ra insonning obyektiv borliqqa munosabati va o'zini tutishi E.Sepir va B.Uorflarning etnolingvistik konsepsiyasi asosini tashkil etib, unga ko'ra til unga egalik qiluvchining fikrlashini shartlantiradi, o'rab turgan borliqni anglash fikrlash amalga oshgan tilga uzviy bog'liqligini namoyon etish vositasidir. Turli tillarda so'zlashuvchi va turlicha madaniyatga aloqador odamlar dunyoni har xil qabul qiladilar, til esa mavjud muhrlangan borliq haqidagi tushunchalar oqimini tartibga soladi. Biz tabiatni tilimiz vositasida taklif etilgan yo'nalish bo'yicha qismlarga ajratamiz. Biz dunyodagi mavjud narsalarni ularning turlicha ekanligi aniqligidan u yoki bu kategoriyalarga ajratmaymiz, balki aksincha, bizning ongimizda tashkil etilgan, bu deganiki, bizning ongimizda saqlangan til tizimi orqali, taassurotlarning koleydoskopik oqimi sifatida namoyon bo'ladi.

Y.L.Vaysberger gumboldtcha lingvofalsafiy tadqiqotlarning davomchilaridan biri sifatida e'tirof etilgan. Ilmiy terminologiyaga "dunyoning lisoniy tasviri" tushunchasi aynan u tomonidan kiritilgan, ammo uning fikricha, bu tushuncha uning ustozlari izlanishlari natijasidir. Ushbu tushunchaning nazariy asoslari bizni

o'rab turgan olamni til vositasida verballashtirish holati bo'lib, u olamni g'oyaga aylantiradi, tilning ichki shakli tushunchasini va shu ichki shakl orqali boshqa til olamiga sho'ng'ishni anglatadi. Har bir til o'zining mazmun doirasida o'z dunyo lisoniy tasviriga ega. Konkret til dunyosining lisoniy tasviri bu uning umummadaniy mulkidir. Y.L.Vaysbergerning tadqiqotlariga ko'ra, dunyoning lisoniy birligi – ushbu til jamoasi tarixiy ongida shakllangan va dunyo haqida tushunchalar umumiyliigi, mavjudlikning konseptualizatsiyasi aniq usulidir. Konkret tilning dunyo lisoniy tasviri uning qayta shakllantiruvchi kuchi bo'lib, til mansub shaxsga til orqali “oraliq dunyo” sifatida o'rab turgan olam haqidagi tasavvurdir. Dunyoning lisoniy tasviri til jamiyatining bir turkumda o'ziga xos o'z-o'zini anglash mavjud bo'lib, til vositalari muhrlanishi vositasida keyingi avlodga dunyoqarash, xulq-atvor normasi, hayot tarzi orqali o'tib boradi.

3. Lingvokulturologiyaning zamonaviy bosqichi fundamental ilm-fan sifatida shakllanishi va uning yutuqlari hamda natijalaridan gumanitar yo'nalishlarda qo'llanilish imkoniyati bilan xarakterlanadi. Madaniyatni til orqali o'rganish yuqorida keltirilgan tarixiy bosqichlarga ko'ra bu g'oya yangi emasligini ko'rish mumkin. Shu sohadagi tadqiqotlardan olingan natijalarga ko'ra XX asr oxirida lingvistikada quyidagi holatni qabul qilish mumkin bo'ldi, ya'ni, til madaniyat bilan faqatgina bog'liq emas, u uning orqali shakllanadi va uning yordamida ifodalaydi. Til madaniyatni hosil qilish, rivojlantirish, saqlash qurolining bir qismi, chunki til yordamida moddiy va ma'naviy madaniyatning obyektiv mavjud namunalari hosil bo'ladi. Shu asosda ilmiy o'nalish – lingvokulturologiya paydo bo'lib, u lingvistika va madaniyatshunoslikning mexanik bog'liqligi emas, balki yangi ilmiy tushunchalarni shakllantiradigan va dalillarni isbotlay oladigan mustaqil fanlararo fandır. [8]

Xulosa. Xalqlarning bir-birini o'zaro anglashi uchun lingvistik tadqiqotlarning zaruriyati, milliy madaniyat muloqoti umumiy qabul qilingan dalil bo'lib, E.Sepirning fikriga ko'ra, til ijtimoiy mavjudlik doirasida madaniyatni ilmiy o'rganishda yo'lboshchi sifatida borgan sari katta uning ahamiyati orta boradi. Til milliy madaniyatning shakllanishi va rivojlanishiga ta'sir ko'rsatish qobiliyatiga ega. Shunga ko'ra, til, madaniyat va shaxs muammosi asosiy o'rinda qo'yish kerak, chunki aynan madaniyat orqali insonlarning ma'naviy muloqoti, xalqlarning bir-birini tushunishi va hamkorligi boshlanadi, madaniyatlar muloqoti esa shaxslarning muloqotida yangilanib boradi.

ADABIYOTLAR:

1. Bernstein, B. *Elaborierter und restringierter Kode: Eine Skizze/ Aspekte der Soziolinguistik.* - Frankfurt am Main.: 1971.
2. Wilhelm von Humboldt. *UberdieVerschiedenheitdes menschlichen SprachbauesundihrenEinflussaufdiegeistigeEntwicklungdesMenschengeschlechts.*F. Dümmler.1968.
3. Wilhelm von Humboldt: *Werke in fünf Bänden.* Herausgegeben von Andreas Flitner und Klaus Giel, Darmstadt: Wissenschaftliche Buchgemeinschaft, 1963.
4. Швейцер, А. Д. *Социоллингвистика / А. Д. Швейцер.* - Электрон.текст. дан. - Режимдоступна: <http://www.philology.ru/linguistics1/shveytser-90.htm>.
5. Irgasheva Feruza Bakhtiyorovna. (2021). *INTEGRATION OF LANGUAGE AND CULTURE INTO THE TRANSLATION PROCESS .CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE*, 2(1), 32-34.
6. Baxtiyorovna, I. F. (2022). *Sources of Linguocultures and Linguoculturological Field.* *Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture*, 3(6), 56-60. Retrieved from <https://cajlp.centralasianstudies.org/index.php/CAJLPC/article/view/379>
7. Bakhtiyorovna, I. F. . (2021). *Translation of linguocultural peculiarities in hafiza kochkarova's translations.* *Middle European Scientific Bulletin*, 12, 247-249.
8. Irgasheva, F. (2022). *Представление лингвокультур в переводе и их структурных компонентов (на примере немецкого и узбекского языков).* *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 8(8).извлечено от https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/4070

PHONOPRAGMATIC CHARACTERISTICS OF APOCOPE

Norova Mavluda Fayzulloyevna,

an associate professor

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sino

(e-mail: mavluda.norova.90@mail.ru)

Abstract. Phonostylistically, in the pronunciation of words with phonetic changes, various additional meanings are formed. Such meanings are clearly manifested in the phenomenon of apocope. In particular, connotative meanings in the phonopragmatic phenomenon of apocope are important in poetic, prose, and dramatic works. The phenomenon of apocope is characteristic of colloquial speech in both languages, revealing the presence of expressive meanings such as love, caress, intimacy, and diminution.

So, emotional-affective meanings in the phenomenon of apocope, which is formed by the phenomenon of dropping the sound in the pronunciation of words, are various and different.

Keywords: emotional expressiveness, prose, colloquial speech, phonostylistics, pronunciation, connotation, phonetic phenomena, apocope, syllable, phonostyleme, phonopragmatics.

Introduction. The role of linguo-pragmatic analysis is important in the study of units of language levels. That is why the study of phenomena related to the pragmatic properties of phonetic units is one of the urgent tasks of linguistics.

The expression of the author's attitude as a result of the use of sounds and tones in speech with a certain hidden purpose is considered a phonopragmatic phenomenon.

Phonetic changes are of particular importance in the formation of a pragmatic seme in the lexeme seme.

The modification of speech sounds come out mainly in two cases in both languages: 1) positional (according to its place) sound change; 2) combinatory (by interaction) sound change. Positional sound modification is the change of speech sound depending on the position in the word. The combinatory sound change is the change of speech sound with certain sound effect in the word during the speech.

In general linguistics, words with phonetic changes in pronunciation and their semantic-stylistic features are thoroughly studied [1 – 5]. Nevertheless, a more in-depth study of phonostylistic features of words with phonetic changes remains the demand of the time.

Research method. In this article, we aimed to study the phonopragmatic features of the phenomenon apocope on the example of the English and Uzbek languages. To reach this aim we used semantic-stylistic, descriptive and comparative methods in it.

Apocope. In English, the term apocope [ə'pɒkəpi] refers to the dropping of the last sound or syllable in the pronunciation of a certain word, that is, to cut and shorten it. In other words, apocope is a rhetorical term that refers to the dropping of one or more sounds at the end of a word.

The phenomenon of apocope occurs for two reasons. Firstly, the use of a double consonant at the end of the word and an attempt to get rid of it. Secondly, to emphasize the stress on the last syllable of polysyllabic words.

The above-mentioned cases serve to express the characteristics of colloquial speech in both languages.

For example, when pronouncing the word *child* in English, the consonant «d» at the end of the word is dropped and it is pronounced as *a chile*, and when pronouncing the word *olde*, the vowel «e» is dropped at the end and it is pronounced as *an old*. In English language most words have a shortened form of pronunciation as a result of apocope. For example, the word *cinema* is shortened from the word *cinematograph*, and the word *photo* is shortened from the word *photograph* [2, 23]. This can also be seen in the following examples:

– In many poor neighborhoods, the Sandinista Front has more street *cred* than the local youth gang (Tim Rogers. Even Gangsters Need Their Mamas).

– Season your admiration for a while with an *attent* ear (William Shakespeare, Hamlet).

– After he left the city, thousands of people toasted him with beer at a *barbie*, an Australian barbecue (“Pope in Australia”, The New York Times).

Connotative meanings specific to the style of colloquial speech are realized in the words highlighted above.

In English language many anthroponyms, meaning personal names, have their last sound or syllable shortened and pronounced with an apocope. Bryan Garner's book *Garner's Modern American Usage* lists the anthroponyms Barbarossa, Bengermine, Deborah, Stephanie, Theodore, Vincennes as Barb, Ben, Deb, Steph, Theo, Vince and it is noted that they have a number of connotative meanings such as love, caress, closeness, shrinking in the speech of the characters [3, 51].

About apocope, Oliver Sacks in "Favorite Words of Famous People" describes the phenomenon of apocope as the result of speech thriftiness, conciseness resulting from the reduction of syllables and writes: "One of my favorite words is apocope – I use it (for example) in "A Surgeon's Life": "... the end of the word omitted by a tactful apocope" (Vintage, "Anthropologist on Mars"). "I love its sound, its explosiveness (as do some of my Touretic friends – for when it becomes a four-syllable verbal tic, which can be impaired or imploded into a tenth of a second), and the fact that it compresses four vowels and four syllables into a mere seven letters" [4, 102].

The phenomenon of apocope also occurs in the pronunciation and spelling of toponyms in English language. Apocopal toponyms are polysyllabic toponyms formed by omitting the last syllable to achieve brevity in colloquial speech. Such a pronunciation is often noticeable in English dialects. For example, *Brummagem* is the local name for the city of *Birmingham*. While the pronunciation of the trisyllabic name in the dialect is said as a monosyllabic *Brum*.

A number of place names in England, such as Wakefield – Wakey, Skegness – Skeggy, Scunthorpe – Scunny, Pontefract – Ponte, Huddersfield – Hudds, Doncaster – Donny, Darlington – Darlo, Chichester – Chy, Bournemouth – Bomo, Accrington – Accy, are also pronounced with apocope.

In fiction, it is used to realistically reflect situations such as striving for brevity in the speech of various characters, encountering difficulty in pronouncing some toponyms, and in some cases deliberately distorting them.

Results and discussion. As mentioned above, the dropping of sounds or syllables at the end of the word in pronunciation, i.e., phonostylistic apocope, occurs in colloquial and artistic speech styles of the Uzbek language. Apocopal words in the Uzbek language are found mainly in borrowed words that end with a double consonant. For example, the double consonant at the end of the words *baland – balan, go'sht – go'sh, xursand – xursan, g'isht – g'ish, farzand – farzan, payvand – payvan* is apocopated.

In polysyllabic words, the final consonant can also be apocopated due to emphasis on the last syllable: *hamroh – hamro, Alloh – Allo, guvoh – guvo*.

Also the last vowel of some words borrowed from the Russian language is pronounced with an apocope: *fabrika – fabrik, mashina – mashin, gazeta – gazet* etc.

The apocopal pronunciation of the mentioned words is that they have the following connotative meanings such as unfamiliar, unknown, foreign, strange, extraneous, unusual, out of the ordinary etc [5, 440].

Apocope occurs in the pronunciation of anthroponyms and toponyms, just like in English language.

In the Uzbek language the anthroponyms *Nigor(a), Khurshi(da), Sabo(hat), Vasi(la), Foti(ma), Azi(z), Soli(h), Abdu(Allah)* express a number of connotative meanings such as caressing, adoration, love, closeness, passion, etc., by dropping the last sound and syllables in pronunciation. In toponyms such as *Samarkan(d), Toshken(t), Vobken(t)* the dropping of the last consonant conveys connotative meanings reflecting the nature of colloquial speech.

The phenomenon of apocope is in all cases unique to expressive, lively, excited, and imaginative language [6, 74].

Dropping of sounds in speech is an active phenomenon in Uzbek language dialects, and various connotative meanings are expressed in it. This case is actively used in poetry, mostly in the language of folk epics.

In poetry, the phenomenon of apocope is also used in the demand of eurythmic meter and to correct the rhyme. In the poem "Ko'kan", G.Ghulam skillfully used this to create an additional meaning of rhythmic melodiousness:

... *Ahyon-ahyon gazetlarda ko'rinasan. O'qiguncha yopishaman juda jazman* [7, 91].

It can be seen in pronunciation by dropping the sound «a» at the end of the word "gazeta".

An example of the apocope phenomenon can be cited from the text of the epic poem "Khaldorkhan": *Qistagandan qistadi, yo'l yurmoqqa ustadi(r). Ko'lda suqsur so'nadi(r), aqlidan begonadi(r)*.

In the text of the epic, the apocopated sound is indicated in parentheses. The reason for the fall of this sound is the need to rhyme and associate one word with another in the microtext. Such phonetic variants served to express additional connotative meanings, such as rhyme and melodiousness in speech.

So, the phenomenon of apocope also performs an important phonostylistic function.

Apocope occurs not only in the pronunciation of denominative words, but also in the pronunciation of anthroponyms and toponyms.

Apocopated words are used in colloquial and artistic styles and express various connotative meanings.

Conclusion. Apocope is a diachronic and synchronic phenomenon, which mainly occurs as a result of carelessness in speech and speech thriftiness.

The phenomenon of apocope formed by dropping a sound in the language has phonopragmatically important semantic and stylistic significance in both languages. Also, such a phenomenon serves to individualize the speech of the characters in the artistic image, to increase emotional expressiveness, and to create a local color.

In literary translation, it is important to deeply understand the pragmatic meanings of apocopated words and convey them to the reader.

REFERENCES:

1. Сапарова К.О. Сопоставительно-типологическое исследование фоностилистики русского и узбекского языков (на материале фоновариантов слов): автореф. дисс. д-ра филол. наук. – Т.: УзГУМЯ, 2009. – 50 с.
2. Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти: филол. фан. номз. дисс. автореф. – Т., 1998. – 29 б.
3. Ҳайдаров А.А. Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши: филол. фан. номз. дисс. – Т., 2009. – 136 б.
4. Халлиева Г. Компаративистик тадқиқотларда илмий натижага эришиш шартлари. Филология масалалари. Илмий методик журнал. - Т., 2020. №1. – Б. 40.
5. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Едиториал УРСС, 2004. – 571 с.
6. Mary Louise Edwards and Lawrence D. Shriberg, Phonology: Applications in Communicative Disorders. College-Hill Press, 1983, – P. 23.
7. Bryan Garner, Garner's Modern American Usage. Oxford University Press, 2009, – P. 51.
8. Oliver Sacks, quoted by Lewis Burke Frumkes in Favorite Words of Famous People. Marion Street Press, 2011. 168 p.
9. Norova M.F. Connotative meanings in phonetic variants of verbal root-stems (As an example of English and Uzbek languages) // Theoretical & Applied Science. – 2020. - №1(81). – P. 439-442.
10. Норова Мавлуда Файзуллоевна. Фоностилистика. Монография. – Бухоро: “Дурдона” навириёти, 2021. – 120 б.
11. Қиличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1985. – Б. 159.

CLINICAL FEATURES OF THE HUMAN LINGUISTIC SYSTEM

Ruzieva Makhfuza Khikmatovna,
PhD student, Bukhara State University
ruzieva.mahfuza@gmail.com

Abstract:

Introduction. The paper examines clinical linguistics as one of the significant branches of linguistics as well as the common clinical disorders that occur in people, especially the young. Indeed, clinical linguistics is the study of communication difficulties using linguistic theories, methods, and strategies. One or more of the following language components may be impaired or broken, resulting in these disorders: prosody, phonology, morphology, syntax, semantics and pragmatics. Some language issues appear throughout childhood (neurodevelopmental disorders), whereas others appear later in life (late childhood and adulthood) (obtained language abnormalities).

Research methods. The study was done employing various methods such as descriptive, contextual, comparative, conceptual and cognitive analysis.

Results and discussion. All speech deficits limit a person's capacity to speak freely with others in a variety of situations. As a consequence, impairments are primarily communication issues. Verbal pathology (also called as speech therapy in the UK) is the clinical discipline responsible for the examination, diagnosis, and treatment of individuals with a variety of communication impairments (and not just language disorders). Clinical linguistics, on the other hand, is a unique linguistic science that is not absorbed by speech-language pathology in any way. Aside from having a thorough understanding of linguistic disciplines, the speech-language pathologist must also be aware of a variety of medical problems and their potential effect on language ability in youth and adolescents.


Conclusion. In the paper clinical linguistics was described according to the core definitions of famous linguists and the author attempted to compare the differences & similarities between clinical linguistics and other branches of linguistics. All in all, clinical linguistics is the study of language disorders in all of their manifestations using linguistic disciplines.

Key words: linguistics, clinical linguistics, language disorders, pathology, treatment, communication, analysis, concept

INTRODUCTION. This article will expose the reader to a branch of linguistics that professionals sometimes overlook. Clinical linguistics is the name of this branch. Despite the fact that clinical linguistics is mostly ignored in most university linguistics courses, it will be shown that this crucial application of linguistic concepts and theories has the capacity to broaden the study of language in new and intriguing ways. In fact, clinical linguistics is a discipline of applied linguistics involved in the description, analysis and treatment of language disorders, especially in the application of linguistic theory to the field of speech pathology [1, 16]. The study of the linguistic aspect of communication disorders is relevant to a broader understanding of language and linguistic theory. The International Clinical Phonetics and Linguistics Association is the area's informal organization and was formed in 1991. Practitioners of clinical linguistics usually work in departments of speech pathology or linguistics. They conduct research to improve the assessment, treatment, and analysis of speech and language disorders, and offer insight into formal linguistic theories. While most journals in clinical linguistics still focus only on English linguistics, there has been a movement towards comparative clinical linguistics in several languages.

LITERATURE REVIEW. The study of communication disorder has a history that can be traced back to the ancient Greeks. Modern clinical linguistics, however, largely has its roots in the twentieth century, with the term clinical linguistics gaining wider currency in the 1970s, with its use as the title of a book by prominent linguist David Crystal in 1981. Widely regarded as the father of clinical linguistics, Crystal Clinical Linguistics has become one of the most influential books in the field as this new discipline has been detailed, and his definition of the discipline is as follows: "The use of linguistic ideas and methodologies to the analysis of abnormalities of spoken, written, or signed language" according to clinical linguistics. He claims that *disorder, dysfunction, disturbance, disadvantage, deficiency, deprivation, and handicap* are some of the terms that have been used to describe the challenges involved in this domain [2, 192-193]. These designations vary in their nuances and expectations, as well as their position in terms of professional status; some are even emotionally charged and politically charged. But, from the standpoint of clinical linguistics, what matters is how they suggest the presence of an area of disordered language usage

that, due to its breadth and complexity, demands professional inquiry. In at least two ways, Crystal's definition is crucial. In the first instance, it establishes a foundation for applying any theoretical framework or linguistic method to the study of language disorders. The second way Crystal's definition is significant is that it broadens the scope of language disorders to include both written and signed language disorders as well as spoken language disorders. There's no denying that the clinical study of language has been overly focused on speech and oral communication at the expense of other language modalities. The application of linguistic science to the analysis of speech and language disorders has always been necessary but not well understood. Roman Shobson, a Russian structural linguist, was one of the first to attempt to apply linguistic theory to the study of speech pathology. Published in 1941, his book, *Aphasie und Laute*, documented the results of his analysis of language use in children's language and in adults with acquired aphasia. Although Shobson's book gained influence only in the English-speaking world with the publication of a translated version of "Child language", "Aphasia and Phonological Universals" in 1968, its influence was felt in the US and UK, among others, where changes in approach were adopted for phonological, semantic, and other areas of language disorders [3, 89]. His observation that deviant sound patterns obeyed rules analogous to those of ordinary language systems remains a principle in clinical linguistics even today. Notably, the same approach was also taken by Crystal and his colleagues when developing a set of language profiling routines. Mostly, clinical linguistics is understood by many linguistics as follows [4, 58]:



MATERIALS AND METHODS. It's impossible to discuss language disorders assessment and therapy without mentioning the physicians who make it possible. These doctors are known in the United Kingdom as speech & language therapists or speech-language pathologists in the United States, and according to Cummings clinical linguistics is the study of how the unique human potential for language can be disturbed in a variety of ways. This includes what are commonly referred to as "linguistic disorders". It also covers problems that arise as a result of disruptions in the larger processes of language transmission and reception. Most significantly, it encompasses all of the diseases that speech and language therapists encounter in a variety of therapeutic settings [5, 109].

This enlarged definition, like Crystal's, emphasizes all of the ways in which language is received and transmitted. Reading, writing, and signing are among the "challenges raised", in addition to speech and hearing [6]. Therefore, this extended definition keeps Crystal's emphasis on non-oral forms of language while also emphasizing the clinical profession that analyzes and treats individuals with language disorders. These disorders are assessed, diagnosed, and treated using linguistic concepts and theories. Psycholinguistics and sociolinguistics are frequently related with these theories and concepts. Clinical linguists use the above-mentioned expertise of language and linguistic sciences to explain language abnormalities and explore treatment options. The applications of languages for clinical goals, as Crystal has pointed out, are extremely interrelated. He mentions a number of well-known language disorders in his book *Clinical Linguistics*. Some instances from his book are in the following:

a) **Voice orders** include sub- and supra-laryngeal settings involved in dysphonia; syllabic and polysyllabic discrepancies to account for voice volume and timbre; the distinction between synchronous and diachronic must be used for a more recognizable voice quality; and the interaction of non-segmental phonetic and phonological variables.

b) phonological variables and utterances in **cleft palate syndrome** must be evaluated in terms of perception and production; segment distribution in utterances.

c) **Fluency** - segmental phonetic level (taking into account lengthening, violation of muscle tension) can affect speech reproduction phonologically; smooth transition at the prosodic level (tempo, pause, etc.) can affect speech reproduction phonologically; semantic factors, such as the avoidance of certain lexical terms combined with grammatical structure between adult and child.

d) The notions of segment, feature, and process can aid in the examination of phonological issues. **Aphasia** - the understanding and reproduction of speech necessitates a non-segmental organization of speech involvement.

e) For phonological realization, **dyspraxia** necessitates several analyses in terms of segments, features, and processes; more significant instances would necessitate examination of non-segmental phonological abnormalities.

f) **Deafness** - a systematic investigation of segmental and non-segmental phonological organizations and phonetic abilities; semantics, grammatical structure, and sociolinguistic interaction studies are all important aspects of deaf oral production and interpretation.

Many speech and language diagnostic tests are built on the foundation of linguistics. Some speech and language examinations, such as the Malayalam Articulation Test and etc., include an articulation test that analyzes phonetic articulation based on the pronunciation of certain phonemes. Examining language aspects determines a minor's language age (markers, synonyms, etc.). The Early Reading Skills Test looks at Phon-Graph matching to diagnose learning impairments, whereas the Emergent Expressive Morphology (TEEM) test looks at morpheme understanding. Other language pathology testing tools (SLP) include the Br Basic Concept Scale (BBCS) and the Clinical Assessment of Fundamentals of Language (CELF), which assess a wide range of language skills in children, including color concepts, letters, numbers, wording words and sentences, and other language and cognitive skills. Instead, tests like the Piabody Picture Vocabulary Test (PPVT) examine children's and even adults' receptive vocabulary.

RESULTS AND DISCUSSION. Clinical linguistics highly differs from other branches of linguistics. This is because the clinical linguist's knowledge base is extremely extensive. A clinical linguist must comprehend important areas across a variety of medical specialties in addition to knowing linguistic notions and theories. A solid understanding of parts of neurology, otolaryngology, and psychiatry is required to understand aphasia in adults who have had a cerebrovascular accident or stroke, a voice abnormality in people who develop laryngeal cancer, and language abnormalities in people who have schizophrenia [7, 11]. Understanding the enormous number of genetic and chromosomal illnesses with severe language, speech, and hearing problems necessitates knowledge of genetics and embryology. A clinical linguist must be knowledgeable in fields such as child development, cognitive psychology, and neuroscience in addition to medicine. These are not subjects that academic linguists must embrace, but they are an important aspect of clinical linguists' professional expertise. This will become clearer as we look at some of the diseases addressed by clinical linguists. First and foremost, the clinical linguist is a linguist, because he approaches the study of language disorders with concepts, terminology, and procedures that any academic linguist should be familiar with. There have been numerous theoretical advances in linguistics that have aided in the understanding of language difficulties.

1. Clinical phonetics. Phonetics is a branch of linguistics that studies the sounds of human speech. Clinical phonetics includes the application of phonetics to describe speech differences and disorders, including information about speech sounds and perceptual skills used in a clinical setting. The study of the articulatory movements required to produce speech sounds (articulatory phonetics); the measurement of the physical dimensions (e.g., frequency) of speech sounds (acoustic phonetics); and the study of how people perceive speech sounds (auditory/perceptual phonetics) are all sub-disciplines of the field. To describe all aspects of the generation of speech sounds, phoneticians have a large vocabulary at their disposal. Phonetics is so important to the clinical linguist's work that it's impossible to describe it without using phonetic vocabulary and concepts. It is phonetics that allows us to classify the speech distortions of a kid with a cleft palate or an adult with dysarthria as noticeably deviant in nature, rather than simply variations in regular speech production like those found in regional dialects.

2. Clinical phonology. Phonology is one of the branches of linguistics that deals with the organization of sounds in ken languages and signs in sign languages. In contrast to clinical phonetics, clinical

phonology focuses on the application of phonology to interpretations of speech sounds in a particular language and how it treats phony. The patterns of phonemes in a language, and how these patterns might be utilized to communicate meaning, are a key topic of phonology. The contrastive function of phonemes is reflected in these patterns. When one of two sounds is replaced by the other, the meaning of the other is altered. This contrastive role of phonemes in language can be shown in a variety of ways. The phonemes /p/ and /b/, for example, act differently in word-initial and word-final positions in English, as in 'pat' and 'bat'; 'pall' and 'ball'; 'lap' and 'lab'; 'pike' and 'bike'. Even properly developing children may find it difficult to employ phonemes to communicate meaning in a language. Phonology is another important aspect of linguistic understanding of a clinical linguist. Phonological problems are particularly common in young children – up to 60% of preschoolers, according to some estimates [8, 125] – and make up a significant portion of pediatric speech and language therapists' caseloads. These problems can develop without other factors like neurological impairment or craniofacial abnormalities. They can also be found in children with a variety of other problems, such as intellectual disability and hearing loss, as one of numerous areas of language breakdown. Apart from children, phonological issues can also affect adults with aphasia, resulting in errors known as phonemic paraphasias.

3. Clinical prosody. In linguistics, prosody refers to elements of speech that are not separate phonetic segments (vowels and consonants), but properties of syllables and larger units of speech. Prosody is necessary in communicative functions such as the expression of emotions or affective states.

4. Clinical morphology. Morphology is the study of words, how they are formed, and their relationship to other words in the same language. It analyzes word structure and part of words like stems, root words, prefixes and suffixes. Children and adults with language difficulties make a lot of morphological mistakes. The child with specific language impairment can omit inflectional suffixes from nouns and verbs and utilize them when they are not required. Inflectional morphemes may be omitted in the spoken output of an adult with aphasia who has diminished expressive language.

5. Clinical syntax. Syntax is a set of rules, principles, and processes that govern the structure of sentences in a given language, usually including word order. Each language has a different set of syntactic rules, but all languages have some form of syntax. The sequence in which the determiners appear in a noun phrase is also specified by syntactic rules, thus while *he respected his three elderly aunts* is a syntactically valid sentence in English, the combination *he respected three his elderly aunts* is not. Syntactic rules explain the types of motions that must occur between the deep and surface structure of a sentence in order to arrive at a grammatical phrase of the language in one popular approach to syntax, generative grammar. Because grammatical problems are widespread in children and adults with language difficulties, syntax is an especially significant portion of the clinical linguist's understanding. Auxiliary verbs are omitted, object pronouns are used instead of subject pronouns, and lexical verbs are used incorrectly in sentences by children with specific language impairment. Interrogative forms can be immature, and grammatical classes like prepositions can be left out entirely. Many of the same aberrant and immature grammatical traits can be noticed in children with intellectual disabilities, especially when a syndrome is present [9, 17].

6. Clinical semantics. Semantics is the study of the interpretation of signs or symbols used in agents or communities in particular circumstances and contexts. The concept of sense refers to the intrinsic meaning of a language and is defined in terms of lexical relationships between words. Synonymy (words with the same or similar meanings), hyponymy (the relation of inclusion between words), meronymy (a part-whole relation between words), polysemy (a word with two or more related senses), homonymy (a word with two or more unrelated senses), and antonymy (a word with two or more unrelated senses) are examples of these relationships (the relation of opposition between words). The foundation of language-external meaning is the reference. For the clinical linguist, semantics is an essential branch of linguistic study because of its diverse set of concepts and theories. Children and adults with language problems frequently have semantic deficiencies. Children with a specific language handicap may make several name errors, many of which are related to the target term (such as the use of "spoon" for "food"). A youngster with an intellectual handicap may have trouble categorizing words into semantic domains like fruit and transportation. Many semantic paraphasias produced by people with aphasia can be classified according to lexical relations like hyponymy and antonymy. Some lexical substitutions made by aphasic clients can be broken down into components or primitives.

7. Clinical pragmatics. Many linguistic expressions have significance that isn't limited to their truth-conditional or semantic content. For instance, the speaker who says, "What a wonderful kid!" in front of a rambunctious 5-year-old is plainly trying to make his listener notice his ironic purpose. The speaker's belief that the child is anything but delicious is revealed not by the speech alone—indeed, the utterance communicates that the kid is wonderful by the utterance in tandem with contextual cues, most notably the

presence of a disruptive kid. Pragmatics is the study of language that analyzes the type of language meaning shown in this sample in context. Pragmatics is concerned with how one and the same phrase could perform distinct roles in various settings, in addition to explaining how utterances that express one thing can be perceived to implicate something quite different. As a result, the phrase *presupposition* (meanings assumed between speakers and listeners), *deixis* (terms such as 'here' and 'today' that refer to the spatiotemporal context of an utterance), courteous, and facets of speaking activities such as turn-taking and topic management are all important concepts in pragmatics. Pragmatic impairments can occur in conjunction with structural language disorders (e.g., grammar, semantics) or independently of structural language abnormalities. Cummings delves into these issues in great detail [10, 84]. They have included a child's inability to retrieve the implicature of a speaker's statements, to employ deictic expressions effectively, and to add themes into a conversation that will be of value to the listener. Adults who have suffered right-hemisphere injury may understand metaphors and idioms in literal, tangible ways. People with schizophrenia are prone to making rude remarks. Furthermore, these customers' failure to follow Grice's maxims of relation, quantity, and method may result in irrelevant, lengthy or under-informative, and irrational utterances, accordingly. Adults with traumatic brain injuries may have inadequate subject management abilities or ineffectively swap turns with others during discussion.

CONCLUSION. Clinical linguistics, which is suggested in this work, has been underappreciated as a subject of linguistic study, especially when compared with fields including syntax and semantics. By highlighting the fundamental importance of linguistics in the description and evaluation of language and speech problems, this article aims to address the relative neglect of clinical linguistics by researchers in traditionally prominent disciplines of language studies. Each discipline of linguistic study, from phonetics, phonology, and morphology through syntax, semantics, pragmatics has been found to give crucial insights to the knowledge of language disorders. Clinical linguistics, as the term suggests, is the process of effective of the same concepts and practices that all linguists are familiar with. It would be a misrepresentation of the core character of this crucial linguistic science to treat it any other way. Admittedly, linguists' work has been applied to a wide spectrum of communication difficulties at all linguistic levels. However, with the influx of new concepts from areas like genetics, cognitive neuroscience, and neurology (among others), focusing solely on the language aspects of a speech impairment is no longer sufficient. One of clinical linguistics' current concerns is discovering strategies for bringing together knowledge from various domains to provide a more comprehensive understanding. Another area where more work is needed is the translation of broad research findings into useful clinical practice tools.

REFERENCES:

1. Perkins, M. (2011). "Clinical linguistics: past, present and future". *Clinical Linguistics and Phonetics*. 25(11-12) (November-December 2011): 922-927. DOI: 10.3109/02699206.2011.599471. PMID21787145. Retrieved 10 April 2019.
2. Crystal, D. (1997). *The Cambridge encyclopedia of language* (2nd ed.). Cambridge: Cambridge University Press.
3. Cummings, L. (2008). *Clinical linguistics*. Edinburgh: Edinburgh University Press.
4. Jacobson, R. (1941). *Kindersprache, aphasie und allgemeine lautgesetze*. Uppsala, Sweden: Almqvist and Wicksell; Jacobson, R. (1968). *Child Language, Aphasia, and Phonological Universals*. The Hague: Mouton.
5. Cummings, L. (2009). *Clinical pragmatics*. Cambridge: Cambridge University Press.
6. Crystal D., Fletcher P. & Garman M. (1976). *Grammatical analysis of language disability*. London: Arnold.
7. Ravi, SK (n.d.). *Field of clinical linguistics and applications of clinical linguistics*. Academia. Retrieved from https://www.academia.edu/1759317/The_Scope_of_Clinical_Linguistics_and_Applications_of_Clinical_Linguistics
8. Howard, S. J. (1993). *Articulatory constraints on a phonological system: A case study of cleft palate speech*. *Clinical Linguistics & Phonetics*, 7(4), 299-317; Mackay, L., & Hodson, B. (1982). *Phonological process identification of misarticulations of mentally retarded children*. *Journal of Communication Disorders*, 15(3), 243-250.
9. Schuele, C. M., & Dykes, J. C. (2005). *Complex syntax acquisition: A longitudinal case study of a child with specific language impairment*. *Clinical Linguistics & Phonetics*, 19(4), 295-318.
10. Muller, N. (2000). (Ed.). *Pragmatics in the pathology of speech and language: research in clinical applications*. Amsterdam: John Benjamin Publishing. Retrieved from <https://books.google.com/books?>
11. https://hmong.ru/wiki/Clinical_linguistics
12. <https://voluntary.ru/termin/klinicheskaja-lingvistika.html>
13. <http://ru.knowledgr.com>

INGLIZ TILIDAGI QO`SHMA GAPLARDA SINTAKTIK MUNOSABATLAR SINKRETIZMINING FUNKSIONAL TADQIQI

Sirojova Zarnigor Nasriddinovna

Buxoro davlat universiteti tarjimashunoslik va lingvodidaktika

kafedrası o`qituvchisi

sirojova1994@gmail.com

Annotatsiya. Ushbu maqola ingliz tilidagi sintaktik, sintaktik-semantik, sintaktik-struktur munosabatlar va ularning sinkretizm hodisasiga uchrashi va bunda uning vazifalari funksional tahliliga bag`ishlangan bo`lib, ilmiy ishimizda Frensis Skot Fitzjeraldning "Buyuk Getsbi" asarida qo`shma gaplarning qo`shimcha ma`nosi bo`yicha sinkretik komponentli konstruksiyalarni tahlil qildik.

Kalit so`zlar: sintaksis, semantik-struktur munosabatlar, sintaktik munosabatlar, sinkretizm, qo`shma gaplar, bog`lovchilar, tobe va hokim munosabatlar, ergash gaplar.

Abstract. This article is devoted to the functional analysis of syntactic, syntactic-semantic, syntactic-structural relationships in the English language and their encounter with the phenomenon of syncretism and its functions. We analyzed the constructions with syncretic components.

Keywords: Syntax, semantic-structural relations, syntactic relations, syncretism, conjunctions, conjunctions, subordinate and dominant relations, subordinate clauses.

Аннотация. Данная статья посвящена функциональному анализу синтаксических, синтаксико-семантических, синтаксико-структурных отношений в английском языке и их встрече с явлением синкретизма и его функциями. Мы проанализировали конструкции с синкретическими компонентами.

Ключевые слова: Синтаксис, семантико-структурные отношения, синтаксические отношения, синкретизм, союзы, подчинительные и доминирующие отношения, придаточные предложения.

Kirish. Zamonaviy ingliz tilining sintaktik birliklarini, aloqa va munosabatlarini, bog`lovchilarni o`rganish, ularni tadqiq qilish doimo tilshunoslarning diqqat e`tiborini tortgan. Ko`pgina sintaktik-lisoniy birliklar va hodisalar, grammatik kategoriyalar va ularning o`rtasidagi differensiyalar zamonavoiiy tilshunoslar tomonidan tasniflangan. Ammo, shunga qaramay, sintaksisda shunday birliklar va grammatik hodisalar borki, ular turli sintaktik kategoriyalarga mansub bo`lib, ularning kombinatsiyasi sinkretizm bilan ifodalanadi. Maqolani yozar ekanmiz, quyidagi vazifalarni o`z oldimizga maqsad qilib qo`ydik:

- ingliz tilida qo`shma gaplar shakllanishi hamda o`ziga xos xususiyatlarini tahlil qilish;
- ingliz va o`zbek tilida qo`shma gaplarda sintaktik munosabatlar, ularning qamrovi va mohiyatini aniqlash;
- sintaktik munosabatlar bo`yicha amalga oshirilgan tadqiqotlarda bayon etilgan nazariy asoslarni belgilash;
- sintaktik munosabatlarda sinkretizm tamoyillarini aniqlash, ularning nutqdagi funksional ahamiyatini yoritib berish;

Ilmiy ishda biz sinkretizmni ratsional va hissiy fikrlashga xos bo`lgan va tilda namoyon bo`ladigan kompleks, o`zaro qarama-qarshi leksik, sintaktik va grammatik ma`nolarni ifodalaydigan yagona universal til hodisasi sifatida ko`rib chiqamiz.

Xo`sh, unda sinkretizm o`zi nima va u qanday ma`no anglatadi?

"Sinkretizm" (sinkretizm) so'zi yunoncha "bog`lanish" degan ma'noni anglatadi. "Sinkretizm" atamasi maxsus adabiyotlarda tez-tez ishlatiladi. Ushbu atamaning mazmuni tadqiq sohasiga qarab o'zgaradi.

Lingvistik atama sifatida "sinkretizm" atamasiga murojaat qilsak, ushbu atama o`zining lingvistik ma`nosida L.Elmslev tomonidan taklif qilingan, deb hisoblanadi, uning asarida sinkretizm tushunchasi tilning umumiy mulki sifatida keltirilgan. Biroq dastlab bu atama oldinroq morfologik tadqiqotlarda paydo bo`lgan desak adolatdan bo`ladi. B.K. Juravlevning so`zlariga qaraganda hol sinkretizmini ilk bor B. Delbryuk tomonidan 1907-yilda qayd etilgan.

Kognitiv tilshunoslik nuqtayi nazaridan qaraganda, sintaktik munosabatlarning ayrimlari obyektiv dunyodagi predmetlar, voqealar, belgilar o'rtasidagi munosabatni ifodalaydi. Ayrimlari esa inson tafakkuriga xos bo'lib, hukm qismlari bo'lmish tushunchalar o'rtasidagi munosabatlarni anglatadi. Masalan, sintaktik munosabatlarning birinchi turiga misol sifatida shart, natija munosabatlarini keltirish mumkin.

Sintaktik munosabatlarning soni hali aniqlanmagan. An'anaviy tilshunoslikda odatda to'rtta sintaktik munosabat tilga olinadi. Ular predikativ, attributiv, obyektiv, holat (adverbial) munosabatlari bo'lib, ularning ayrimlari bir qancha ko'rinishga ega. Biz qo'limizdagi mavjud adabiyotlardan foydalangan holda va o'z kuzatuvlarimizga asoslangan holda sintaktik munosabatini quyidagi ro'yxatini tuzdik: shart, natija, to'siqsizlik (konsesiv), payt, joy, sabab, maqsad va h.k.

Qo'shma gaplarda sintaktik munosabatlarning sinkretizmi deganda biz bir murakkab sintaktik qurilmada bir necha oppozitsiya hosil qiluvchi qarama-qarshi munosabatlarning birga qo'llanilishi deb ataymiz.

Tadqiqot ishining amaliy qismida qo'shma gaplar funksional sintaktik tadqiqida ingliz va o'zbek tillarida ergashgan qo'shma gaplarda sintaktik munosabatlarning sinkretizm hodisasiga uchrashida o'ziga xos o'xshash va farqli tomonlari mavjudligi aniqlandi.

Metodlar. Maqolani yozishda va ma'lumotlarni tahlil qilishda quyidagi metodlardan foydalanildi:

- induksiya tamoyiliga asoslangan lingvistik tavsif usuli: xususiydan umumiyga, faktlarni tahlil qilishdan ularni umumlashtirish va xulosalar chiqarishgacha;

- gradatsiya usuli, qo'shma gaplarda bosh va tobe bo'laklarning komponentlarini o'rganish imkonini beradi;

- transformatsion tahlil va uning varianti sifatida qo'shma gaplar strukturasi va semantikasidagi tashqi yashirin tafovutlar yoki ularning muayyan umumiylikni aniqlash uchun foydalaniladigan lingvistik eksperiment usuli.

- har xil turdagi yadroviy qo'shma gaplarning oppozitsiyaga asoslangan va murakkab tuzilmalar tizimidagi sinkretik holatlarni ko'rishga yordam beradigan oppozitsion tahlil, xususan, ushbu tahlilda tranzitivlik holati qo'llanildi;

- har xil funksional semantik maydonda qo'shma gaplar o'rtasidagi munosabatni tasavvur qilish imkonini beruvchi modellashtirish usuli;

- eng tez-tez uchraydigan sinkretik periferik qo'shma gaplarni hisoblash uchun ishlatiladigan materiallarni qayta ishlashning statistik usuli.

Olingan natijalar va ularning tahlili. Buyuk Sovet Ensiklopediyasida ham sinkretizm tushunchasi o'z aksini topgan. Shunisi qiziqki, unda sinkretizmga bag'ishlangan ikkita maqola mavjud: birinchisi adabiy-falsafiy talqiniga asoslangan bo'lsa, ikkinchisi atamaning lingvistik talqiniga asoslangan. Tilshunoslikda sinkretizm "ilgari rasmiy ravishda ajratilgan grammatik kategoriyalarning (ma'nolarning) bir shaklga qo'shilib, natijada polisemantik (ko'p funksiyali) bo'lib qolishi" deb ta'riflanadi. Quyida lotin ablativiga misol keltirilgan. E'tibor bering, gap "nafaqat morfologiyada, balki sintaksisda ham namoyon bo'ladigan" grammatik sinkretizm haqida ketmoqda.

Sintaktik tizimni nafaqat tipik, balki sinkretik konstruksiyalarni ham hisobga olgan holda strukturaviy-sintaktik va semantik tahlil qilish maqsadga muvofiq hisoblanadi, chunki u tipik va o'zgaruvchan sintaktik hodisalar o'rtasidagi qarama-qarshiliklarni neytrallash, ularning o'zaro ta'siri va o'zaro aloqaga kirishishini ko'rsatish, ularni farqlash qobiliyatiga ega munosabatdir. Bu jarayonlar, ayniqsa, murakkab gaplar tizimida yaqqol namoyon bo'ladi.

Sintaktik tizimni nafaqat tipik, balki sinkretik konstruksiyalarni ham hisobga olgan holda strukturaviy-sintaktik va semantik tahlil qilish maqsadga muvofiq hisoblanadi, chunki u tipik va o'zgaruvchan sintaktik hodisalar o'rtasidagi qarama-qarshiliklarni neytrallash, ularning o'zaro ta'siri va o'zaro aloqaga kirishishini ko'rsatish, ularni farqlash qobiliyatiga ega munosabatdir. Bu jarayonlar, ayniqsa, murakkab gaplar tizimida yaqqol namoyon bo'ladi.

Hozirgi vaqtda morfologik xarakterdagi tranzitivlik hodisalari - zamonaviy ingliz tilidagi sintaktik munosabatlarning sinkretizmi V.V.Babaitseva, A.Ya.Bauder, I.V.Vysotskaya va boshqalar tomonidan batafsil ko'rib chiqilgan. Sintaktik tranzitivlikni tavsiflash, xususan, qo'shma gaplar sinkretizmi bilan bog'liq muammolar hali ham chuqur o'rganishni talab qiladi. Ushbu maqolada biz tipik va sinkretik qo'shma gaplarni yagona tizimga - "Murakkab bo'ysunuvchi jumlar" funksional-semantik maydoniga birlashtirish, ushbu sohada boshqa, kichikroq, turli qo'shma gaplarga tegishli bo'lgan sinkretik periferik qo'shma gaplarning o'zaro kesishmasida o'z yadrolari va sinkretik periferiyalari mavjud bo'lgan maydonlarni ajratish haqida gapiramiz. Bularning barchasi tadqiqotning dolzarbligini belgilaydi.

Qo'shma gaplar sintaktik, morfologik, leksik sinkretizm turli til darajalarining tarkibiy va semantik komponentlarini birlashtiradi, bu bizga qo'shma gaplar tizimini funksional semantik maydonning maxsus

turi sifatida ko'rib chiqish imkonini beradi. Qo'shma gaplarning har bir struktur-semantik turi o'z navbatida, ushbu tipning o'zagi va periferiyasini tashkil etuvchi funksional-semantik turlarni birlashtirgan tizimdir. Qo'shma gaplarning barcha turlari periferiyalarining o'zaro ta'sirini tahlil qilarkanmiz, qo'shma gaplarni sinxroniya va diaxroniyada o'rganish hamda qo'shma gaplarning har bir strukturaviy-semantik turini maydon tizimi sifatida tavsiflashni nazarda tutuvchi kompleks qamragan holatda amalga oshiriladi.

1966-yilda "sinkretizm" atamasi Tilshunoslik terminlari lug'atining korpusiga kiritilgan, unga alohida izoh berilgan: "Sinkretizm - bu turli xil ifoda shakllarining funksional birlashuvi, qarama-qarshiliklarni (opozitsiyalarni) neytrallash; turli belgilovchilar uchun belgilovchilarning mos kelishidir. Til taraqqiyoti jarayonida ma'lum bir grammatik kategoriyani amalga oshiradigan kategorik shakllar sonining qisqarishi, qolgan kategorik shakllarning funksiyalarining o'zgarishi (kengayishi) bilan birga keladi va grammatik omonimiyaga olib keladi. Lotin tilida instrumental va mahalliy ma'noni ifodalovchi ablativdir".

Sinkretizm lisoniy omofoniyaning o'ziga xos shaklidir. Omofoniya deganda talaffuzi (shakli) bir xil, ammo ma'nosi boshqacha bo'lgan ikki so'z yoki morfemaning har qanday misoli tushuniladi. Sinkretizm - bu ma'lum bir paradigma ichida yuzaga keladigan omofoniya turi bo'lib, unda Agar bir xil paradigmatic shakllar majmui umumiy xususiyat bilan bog'langan bo'lsa va ona tilida so'zlashuvchi bu shakllar orasidagi farqni ayta olmasa, bu sinkretizm deyiladi.

Sinkretik hodisalarning paydo bo'lishi til resurslarini tejash tendensiyasi bilan bog'liq. Bu ko'p jihatdan ularning xususiyatlarini belgilaydi: 1) semantikaning kondensatori sifatida harakat qilish qobiliyati, 2) bir-birini taqozo qilish imkoniyatlari (odatiy hodisalarga nisbatan), 3) ko'p funksiyalilik va 4) maxsus ekspressivlik.

Maqolada qo'shma gaplar strukturaviy-semantik tasnifining zamonaviy varianti taqdim etilgan bo'lib, u tranzitivlik va sinkretizmni hisobga olgan holda semantik jihatdan takomillashtirilgan. Ilmiy ishda V.V Babaitseva tomonidan taklif qilingan o'tish shkalasi yordamida turli xil va ko'rinishdagi qo'shma gaplarning ko'p o'lchovli munosabatlari tahlil qilinadi.

"Whenever you feel like criticizing any one, just remember that all the people in this world haven't had the advantages that you've had." - Fitzjeraldning romanidan ushbu ergash gapli qo'shma gapni tahlil qilarkanmiz, *"Whenever you feel like criticizing any one"* - ergash gap bo'lib, shart munosabatini ifodalasa, *"just remember that all the people in this world haven't had the advantages that you've had."* - hokim qismida natija munosabatini bildiradi va bir qo'shma gapda ushbu ikki munosabat sinkretlashadi.

"After boasting this way of my tolerance, I come to the admission that it has a limit." - ergash gapli qo'shma gapida payt munosabati va natija munosabatini sinkretlashganini kuzatish mumkin, bunda:

After boasting this way of my tolerance – payt

I come to the admission – natija

Yozuvchining quyidagi gapida ham ushbu ikki munosabatning sinkretlashuviga guvoh bo'lishimiz mumkin: *"When I came back from the East last autumn, I wanted no more riotous excursions with privileged glimpses into the human heart."*

Quyidagi tahlil qilinadigan hol ergash gapli qo'shma gapda esa shart va natija munosabatini kuzatish mumkin: *"If personality is an unbroken series of successful gestures, then there was something gorgeous about him"*, bunda *"If personality is an unbroken series of successful gestures"* – tobelangan qismida shart ma'nosi aks etsa, *"then there was something gorgeous about him"* - hokim qismida natija munosabatini kuzatish mumkin.

"There was some heightened sensitivity to the promises of life about him, as if he were related to one of those intricate machines that register earthquakes ten thousand miles away." – asardagi ushbu gapda esa natija sintaktik munosabati o'xshatish munosabati bilan sinkretizm hodisasiga uchraydi. Quyida

berilgan asardagi hol ergash gapli qo'shma gapda ham imkoniyat, ham natija (Adverbial Clauses of Result) munosabatini ko'rish mumkin, garchi bularning ikkisi ham hol ergash gaplarga tegishli bo'lsa ham, ular alohida-alohida guruhlardir va ular qisman sinkretizm hodisasiga uchraydi deya olamiz: *"I enjoyed the counter-raid so thoroughly that I came back restless"*. *"Instead of being the warm center of the world, the middle-west now seemed like the ragged edge of the universe, so I decided to go east and learn the bond business"* – qo'shma gapda esa ikki emas balki ko'proq munosabatlarning sinkretlashuvi tahlil qilindi, bunda:

- *Instead of being the warm center of the world* – konsessiv munosabat (adverbial clauses of concession)

- *the middle-west now seemed like the ragged edge of the universe* – o'xshatish (adverbial clauses of comparison)

- *so I decided to go east and learn the bond business* – maqsad (adverbial clause of purpose)

“They were both in white and their dresses were rippling and fluttering as if they had just been blown back in after a short flight around the house.”- ushbu gapda bosh gap “They were both in white” natija munosabati bo`lib, “their dresses were rippling and fluttering as if they had just been blown back in after a short flight around the house.”- o`xshatish, qiyoslashga asoslangan hol ergash gapli qo`shma gap (adverbial clause of comparison) hisoblanadi va ikkisi bir sintaktik tuzilmada sinkretlashadi.

“He took down his drink as if it were a drop in the bottom of a glass”- gapida esa natija va o`xshatishni kuzatish mumkin, bunda “He took down his drink” - natija, “as if it were a drop in the bottom of a glass”- esa qiyoslash sintaktik munosabatlaridir va ular birgalikda ushbu qo`shma gapda birikib keladi, qaysiki bu sinkretizmning asosiy belgisidir.

Quyidagi gapda esa hokim bo`lakda o`rin-joy sintaktik ma`nosi ifodalansa, tobe bo`lakda esa izohlash munosabati aniqlovchili ergash gapda o`z aksini topadi. “It was sharply different from the West where an evening was hurried from phase to phase toward its close in a continually disappointed anticipation.”

“I saw that turbulent emotions possessed her, so I asked some sedative questions about her little girl.”- qo`shma gapni tahlil qiladigan bo`lsak, bunda ushbu gapning hokim qismida sabab munosabati tasvirlansa, tobe qismida maqsad sintaktik munosabati aks etadi.

Ta`kidlash joizki, qo`shma gaplarda sinkretizm hodisasini tadqiq qilishda ergash gaplarning ustunligi namoyon bo`ldi.

Hamma gaplarda ergash gap semantikasining asosiy tashuvchisi ish-harakatning sifat xususiyatini beruvchi yoki uning bajarilish usulini ko`rsatadigan harakat shaklining holati vazifasini bajaradigan ergash gap bo`ladi.

Sinkretik atributiv ma`noga ega bo`lgan konstruksiyalar soni kam. Ularni M.A. Pavlovskaya, T.A. Alekseeva, A.A. Isaeva, A.M. Ustinov, E.G. Kolyxanova va boshqa tilshunos olimlar sanab o`tishadi [12-15]. Bu qo`shma gaplarning ergash gapi shart yoki sababni bildiradi, bosh gapda aytilgan gaplarga zid ravishda bajariladi, ya`ni ergash gap mazmuni bosh gap mazmuniga mos kelmaydi yoki hatto unga zid keladi. Tarkibiy jihatdan qaratqich kelishigi yordamchi so`z - otga ishora qiladi, uning atributini ochib beradi, shuning uchun qo`shma gaplarda atributiv munosabatlar ham amalga oshiriladi.

Quyidagi jumlada bog`lovchi so`z *which* bilan teng ravishda ma`no jihatdan shart munosabatiga yaqin bo`lgan *though* ishlatilishi mumkin. “This responsiveness had nothing to do with that flabby impressionability which is dignified under the name of the ‘creative temperament’”= “This responsiveness had nothing to do with that flabby impressionability though it is dignified under the name of the ‘creative temperament’”.

Sabab-oqibat munosabatlari qo`shma gaplarda mantiqiy sababning konstruksiyalari, ya`ni teskari bo`ysunuvchi tuzilmalardir. Bu yerda ma`ruzachi obyektiv voqelik faktlarini tasvirlamaydi, balki sabab va oqibat haqida mantiqiy ravishda bahs yuritadi, demak, bu faktlar haqidagi fikrlar o`rtasidagi munosabatlar bunday konstruksiyalarda ifodalanadi: *In college I was unjustly accused of being a politician, because I was privy to the secret griefs of wild, unknown men.* Sabab-natija konstruksiyalarda bevosita asosiy jumladagi xulosaga ishora qiladigan yashirin bog`lanishni tiklash mumkin: *he was unjustly accused* kelib chiqqan natija bo`lsa, *his being privy to the secret griefs of wild* unga sababdir.

Semantikaning sabab va obyektiv komponentlarini o`zaro birlashtirgan gap a`zolari va ergash gaplarning sinkretizmi to`ldiruvchi shakllarining sabab ma`nosini ifodalash uchun qanday moslashtirilganligini aniq ko`rsatadi.

Bundan tashqari, shuni ta`kidlash kerakki, ko`p sabablarga ko`ra izohlovchi qo`shma gaplarda bog`lovchi birikma *because*ni nafaqat sababiy bog`lovchi **so** bilan almashtirilishi mumkin, balki izohlovchi konstruksiyalarda ham qo`llaniladigan polisemantik birikma bilan ham almashtirilishi mumkin.

Xulosa. “The Great Gatsby” romandagi qo`shma gaplarning tahliliga yuzlanadigan bo`lsak, bunda turli xil paradigmadagi munosabatlarning sinkretizmini kuzatishimiz mumkin. Misol uchun, shart- natija, payt-natija, natija –o`xshatish (qiyoslash), imkoniyat (konsessiv) – o`xshatish- maqsad, o`rin-joy – izohlash, sabab-maqsad, sabab-natija munosabatlari va ular orasida eng ko`p tarqalgani shart-natija, payt-natija va natija –o`xshatish munosabatlaridir.

Maqolada sintaksisning eng katta fikr ifodalovchisi sifatida gap, xususan qo`shma gaplar tahlil qilindi. So`zlar, ularning bir – biri bilan bog`lanishi natijasida yuzaga keladigan so`z iboralari, boglanishlar turlari va buning natijasida yuzaga keladigan gaplar hamda qo`shma gaplar o`rganildi.

Ingliz tilida ergashgan qo`shma gaplar - teng bo`lmagan gaplardan tashkil topgan gap, chunki ulardan biri bosh, ikkinchisi esa tobe bo`lib, bosh gapni izohlaydi. Bosh gap (principal clause) - mustaqil mazmunga ega. Bosh gapni izohlovchisi esa ergash gap deyiladi.

Qo`shma gapdagi barcha ergash gaplar gap bo`laklaridan birining vazifasini bajaradi: ega, predikat, hol, to`ldiruvchi yoki aniqlovchi. Tobe ergash gaplar yuqorida sanab o`tilgan gap a`zolari bilan bir xil savollarga javob beradi.

Ingliz tilida ergash gaplarning quyidagi turlari mavjud: ega ergash gaplar, kesim ergash gaplar, to`ldiruvchi ergash gaplar, atributiv gaplar; hol ergash gaplar va ular yana kichik guruhlarga bo`linadi.

Qo`shma gaplarda sintaktik munosabatlarning sinkretizmi deganda biz bir murakkab sintaktik qurilmada bir necha oppozitsiya hosil qiluvchi qarama-qarshi munosabatlarning birga qo`llanilishi deb ataymiz.

ADABIYOTLAR:

1. Sirojova Z. . (2022). *Syncretism of syntactical relations in uzbek complex sentences*. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 2(11), 119–122. *извлечено от* <https://www.in-academy.uz/index.php/ejsspc/article/view/4694>
2. Nasriddinova S. Z. (2022, April). *Classification of syntactic relations in compound sentences*. In *International Conference on Research Identity, Value and Ethics* (pp. 121-123).
3. Nasriddinova S. Z. (2021). *Functional study of syntactical relations of compound sentences in uzbek linguistics*. *International Journal on Integrated Education*, 4(5), 125-128. Retrieved from <https://journals.researchparks.org/index.php/IJIE/article/view/1863>
4. Qosimova N. (2021). *Tarjima jarayonida diskurs tahlilining roli* . *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 1(1). *извлечено от* http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/2164
5. Qosimova N. (2022). *Замонавий лингвистика нуқтаи назаридан парадигмалар моҳияти ва уларнинг кўчиши сабаблари*. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 8(8). *извлечено от* http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/5808
6. Ubaydullayeva D. . (2022). *English language systems and problems in teaching them*. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 2(11), 123–130. *извлечено от* <https://in-academy.uz/index.php/ejsspc/article/view/4695>
7. Subxonova M. (2022). *Роль языка и культуры в лингвокультурологическом анализе английских и узбекских пословиц*. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 8(8). *извлечено от* http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/5895
8. Izomovich R.Z., & Fazliddinova, U. D. (2021, November). *The Problems of Second Language Acquisition and Writing in Teaching English Language*. In "Online-conferences" platform (pp. 229-233).
9. Бабайцева В.В. Место переходных явлений в системе языка (на материале частей речи) // *Переходность и синкретизм в языке и речи*. -М., 1991.-С. 3-14.
10. Baxtiyorova I. F. (2022). *Sources of Linguocultures and Linguoculturological Field*. *Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture*, 3(6), 56-60. Retrieved from <https://cajlp.centralasianstudies.org/index.php/CAJLPC/article/view/379>
11. F.B. Irgasheva. *Die Bestandteil der Phraseologismen nach inneren struktur und ihre Übersetzungsmöglichkeiten ins usbekische*. *Учёный XXI века* 2 (7), 12-14
12. Павловская М.А. *Функции сложных предложений с определительными придаточными*. *Уч. зап. ЛГПИ им. А.И. Герцена*. - Л., 1958. - Т. 144. - С. 39-70.
13. Алексеева Т.А. *О структурных особенностях присубстантивно- атрибутивных сложноподчиненных предложений в современном русском языке*. *Материалы XIII Межзональной конференции языковедов Поволжья*. - Астрахань, 1970.-С. 158-161.
14. Исаева А.А. *Лексические противопоставления в частях сложноподчиненного предложения с присубстантивно-атрибутивными придаточными*. *Вопросы синтаксиса и лексики современного русского языка*. - М.: МГПИ, 1973.-С. 104-110.
15. Устинов А.М. *Синтаксическая семантика сложноподчиненного предложения*. - Иваново: Ивановский гос. университет, 1987.-68 с.

LINGVOMADANIY BIRLIKLARNING DO‘STLIK HAQIDAGI INGLIZ VA O‘ZBEK MAQOLLARIDA IFODALANISHI

Subxonova Madina Otabek qizi

Buxoro davlat universiteti

tarjimashunoslik va lingvodidaktika kafedrası o‘qituvchisi

madinasubhonova2@gmail.com

Annotatsiya: Ushbu maqolada ingliz va o‘zbek tillaridagi frazeologik birliklar, ya‘ni maqol va matallar talqini va ifodasi ko‘rib chiqildi. Maqollarning bir tildan ikkinchisiga tarjima qilish yoki muqobil ekvivalent topish jarayonida yuzaga keladigan muammolar misollar orqali tahlil qilindi. Asosan do‘stlik ma‘nosidagi tilda berilgan maqollar ajratilib, ularning til sathlaridagi o‘rni, tahlili va ishlatilish o‘rinlari o‘rganildi. Tahlillar jarayonida xalq madaniyati, urf-odati, turmush tarzini ifodalovchi lingvomadaniy birliklarning ifodasi va ularning tarjima qilishdagi muammolari ifodasi berilgan. Ingliz va o‘zbek maqollarining semantik xususiyatlarini o‘rganish jarayonida, ayrim mavzudagi maqollarning o‘zaro o‘xshash va farqli jihatlarini ko‘rib chiqildi.

Kalit so‘zlar: maqol, matal, frazeologiya, mehnat, mehnatsevarlik, folklorshunoslik, lingvomadaniy birliklar, do‘stlik ma‘nosidagi maqollar.

Abstract. In this article, the interpretation and expression of phraseological units in the English and Uzbek languages, that is, proverbs and proverbs, was considered. The problems that arise in the process of translating proverbs from one language to another or finding an alternative equivalent were analyzed through examples. Proverbs in the language of friendship were separated, and their place, analysis and usage in language levels were studied. In the course of the analysis, the expression of the linguistic and cultural units representing the people's culture, tradition, and lifestyle and their translation problems are given. In the process of studying the semantic features of English and Uzbek proverbs, the similarities and differences of proverbs on some topics were considered.

Keywords: Proverbs, sayings, phraseology, labour, diligence, folklore, linguoculturemes, proverbs about friendship.

Аннотация: В данной статье было рассмотрено толкование и выражение фразеологизмов в английском и узбекском языках, то есть пословиц и поговорок. На примерах проанализированы проблемы, возникающие в процессе перевода пословиц с одного языка на другой или поиска альтернативного эквивалента. Были выделены пословицы на языке дружбы, изучено их место, анализ и употребление на языковых уровнях. В ходе анализа даются выражения языковых и культурных единиц, репрезентирующих народную культуру, традиции и образ жизни, и проблемы их перевода. В процессе изучения семантических особенностей английских и узбекских пословиц были рассмотрены сходства и различия пословиц по некоторым темам.

Ключевые слова: пословицы, поговорки, фразеологизмы, труд, трудолюбие, фольклор, языковые и культурные единицы, пословицы со значением дружбы.

Kirish. “Do‘stlik” tushunchasi bilan bog‘liq bo‘lgan ingliz va o‘zbek maqollari xalqning mentaliteti, madaniyati va an‘analarini o‘zida aks ettirib, bu xalq tilida muhim o‘rin tutadi. Ikkala tilda ham do‘stlar haqidagi maqollar xilma-xil bo‘lib, ular orasida sinonim yoki antonim maqollarni uchratish mumkin. Lekin ularning sinonimik va antonimik munosabatlari mutlaq deb hisoblanmaydi, chunki ular kontekstga qarab tanlanadi, natijada ularning ma‘nolari ham biroz o‘zgarishi mumkin. Demak, maqolni tegishli o‘rinda qo‘llash nutqni aniq va ravon qiladi. Chunki yuqorida ta‘kidlanganidek, maqollar nutqda ko‘p qo‘llaniladi va ular zamon, o‘rin, holat va boshqa pragmatik omillarga qarab tanlanadi. Bundan tashqari, jamiyat va ijtimoiy jarayonlar maqollarning qo‘llanilishi, ma‘no ifodaliligi va boshqa xususiyatlariga bevosita ta‘sir qiladi.

Maqollarni bir tildan boshqa tilga tarjima qilish jarayoni tarkibiy yoki tuzilmaviy yondashuvdan ko‘ra ko‘proq narsani talab qiladi, tarjimada maqolning asosiy g‘oyasini aniq berish kerak. Ilmiy tadqiqot ishining asosiy natijasi sifatida ingliz va o‘zbek maqollarida do‘stlik haqidagi maqollar o‘rtasida semantik, strukturaviy yoki uslubiy jihatdan o‘xshashlik mavjudligi hamda ularda ko‘plab farqlar mavjudligi isbotlangan. Lekin bu maqollarning lingvomadaniy o‘ziga xosliklari o‘rtasidagi o‘xshashlik bu tillarda uchramaydi. Chunki ular jahon tillarining genetik tasnifiga ko‘ra nisbiy tillar emas. Qolaversa, har bir

xalqning o'z madaniyati, urf-odatlar va, albatta, ushbu xalq tilida madaniyat qismlarini aks ettiruvchi madaniyatlar bor. Bu madaniyatlar maqollarning o'ziga xos semantik va lingvomadaniy xususiyatlarini ta'minlashga xizmat qiladi.

Yuqoridagi kuzatishlar nuqtai nazaridan shuni ta'kidlash kerakki, maqollarda real yoki tasvirlash mumkin bo'lgan ijtimoiy amaliyotlar mavjud. Qolaversa, til hamisha kundan-kunga o'zgarib turadi, buning uchun undagi maqollarning miqdori ham o'zgaradi; ba'zi maqollar yo'qolishi mumkin, odamlar o'z suhbatlarida boshqa ba'zi yangi maqollarni qo'llashni boshlashlari mumkin.

Asosiy qism. Lakoff va Tyorner maqollarning kognitiv jihatdan tahlil qilish bir qator tafsir jarayonlarini faollashtirishni o'z ichiga oluvchi, Buyuk Zanjir Metaforasi (The Great Chain Metaphor) nomli nazariya orqali amalga oshiriladi degan fikrni ilgari surdilar. Ushbu nazariya to'rtta bilim vositasini o'z ichiga oladi, bu esa maqollarni butun bir kontekstda talqin qilishga yordam beradi.

Birinchi, Umumiy ma'lumot (Generic is specific) metaforasi, "*Life is journey*" kabi misolda ko'riladigan umumiy kontseptual metaforalardan ajralib turadigan umumiy metafora hisoblanib, bu metafora maqollar foydalanuvchilari yoki tarjimonlariga maqollarda kodlangan aniq ssenariy haqidagi bilimlaridan bahramand bo'lishda va ko'plab o'xshash vaziyatlarni tushinishda foydalanishga imkon beradi.

Ikkinchi, Yaratilishning Buyuk Zanjiri (The Great Chain of Being) madaniy modelida aks ettirilgan e'tiqodlar to'plami mavjud bo'lib, ular o'zimiz va biz yashaydigan dunyo haqidagi tushunchamizni shakllantiradi.

Ushbu model tizimning uchinchi qismi, "Narsalarning tabiati" (The Nature of Things) haqidagi amaliy bilimlarimiz bilan birgalikda, dunyoning qanday ishlashi to'g'risida nazariyalarni shakllantirishga imkon beradi. Buyuk zanjir subyektlarni iyerarxiya bo'yicha tartiblaydi, shunda zanjirdagi har bir mavjudot quyida keltirilgan subyektlarning barcha ko'zga ko'ringan xususiyatlariga, shuningdek, yuqori darajadagi atributlarga ega. Aql-idrok va nutq xususiyatlariga ega bo'lgan va shu tariqa quyi darajadagi murakkab jismoniy narsalar, o'simliklar va hayvonlardan ustun bo'lgan bu iyerarxiyani eng yuqori pog'onasi egallaydi.

Nazariyaning to'rtinchi qismi bu Og'zaki Iqtisod prinsipi (The Principle of Verbal Economy) bo'lib, u iyerarxiyadagi ma'lum bir darajadagi shaxs haqida gap ketganda, agar bunday ma'lumotni istisno qiladigan boshqa ma'lumotlar bo'lmasa, uning eng yuqori darajadagi xususiyatlarini nazarda tutishi kerak. Bularning barchasiga qo'shimcha ravishda, biz ikki tildagi maqollar bilan tanishganimizdan so'ng, ular odamlarning hayot jarayoni va bajaradigan ishlariga taalluqli ekanligini anglab yetamiz [Lakoff & Tyorner, 1989: 175.p].

Ushbu nazariyaga bir qator e'tirozlar ham bo'lgan. Honeck va Temple (1994) Buyuk Zanjir Metaforasining bir vaqtning o'zida juda murakkab va juda cheklovchi ekanligini ta'kidlaydilar. Bu juda murakkab jarayon, sababi uning murakkab texnikasi talqinning umumiy prinsiplari bilan izohlangan narsalarni hisobga olish uchun maxsus ishlab chiqilgan, ya'ni nutq konteksti lingvistik iboraning qaysi birliklariga tegishli ekanligini va ular qanday talqin qilinishini belgilab beradi. Bu cheklov qo'yilgan masala hisoblendi, chunki nutq konteksti maqollarni nafaqat inson tomonidan bajariladigan ishlarni izohlashga, shu bilan birga hayvonlar kontekstiga nisbatan qo'llashga imkon beradi [Norrik, 2007: 389.p]. Boshqacha qilib aytganda, maqollarning insoniy ishlarga taalluqli bo'lgan aniq prinsipiga rioya qilish o'rniga, biz maqsadli talqinni ishlab chiqish uchun so'zlashuv kontekstiga to'g'ridan-to'g'ri maqol mazmunini qo'llaymiz. Norrikning so'zlariga ko'ra, maqollar xalq og'zaki ijodi asoslari bo'lganligi sababli, hikoyalar mazmuni va boy madaniy uyushmalar oldida ahamiyatsiz bo'lib qoladi". Masalan, Ezopning taniqli "Toshbaqa va quyon" masalida biz sekin, ammo barqaror ravishda harakat qilinib g'oliblik qo'lga kiritilganini guvohi bo'lganmiz. Toshbaqa va quyon inson obrazini namoyon etishiga qaramay, baribir sekin va tez harakatlanuvchi hayvonlar misolida insonlarga taqqoslash uchun stereotiplar bo'lib qolmoqda. Masalda sekin va barqaror harakatli jonzorlar majoziy tarzda anglaniladi.

Misol uchun, ingliz tilidagi "*When cat's away, the mice will play*" maqolini qiyosiy kognitiv tahlil qilsak "*cat*" va "*mice*" so'zlari orqali insonlarning majoziy obrazlari ifodalanadi va o'zbek tilidagi "*Sulaymon o'lib devlar qutildi*" maqoliga ekvivalent bo'la oladi. Yana bir misolda hayvon obrazlari orqali ingliz va o'zbek tillarida insonlar qiyofasi juda chiroyli va tushunarli ochib berilgan. "*Dog does not eat dog*" maqolida "dog" obrazi orqali inson termini izohlanadi, maqolni o'quvchi uning mazmunini juda oson va tez tushuna olishi uning kognitiv tuzilishi to'liq ochib berilganligidir va bu maqolning o'zbekcha muqobil varianti "*Qarg'a qarg'aning ko'zini cho'qimas*" tarzda ifodalanadi. "Dog" va "qarg'a" so'zlari orqali bir kasb yoki mansabdagi insonlar obrazlari nazarda tutiladi.

Yuqorida berilgan nazariyadan tashqari ingliz va o'zbek maqollari yana boshqa usullarga ko'ra ham guruhlarga ajratib tahlil qilinadi. Bunda maqollarning kognitiv shakli bilan birga ularning tildagi muqobil variantlari bor-yo'qligi ham hisobga olinishi zarur, Shuni ta'kidlash kerakki, ko'plab ingliz va o'zbek maqollari va so'zlari polisemantik bo'lib, ularni izohlash, tushuntirish va taqqoslashni juda qiyinlashtiradi. Inglizcha maqol uchun eng maqbul o'zbekcha ekvivalentni tanlashda yoki hech bo'lmaganda birlikning

asosiy ma'nosida yozishmalar kabi mezonga amal qilishni talab etadi. Jumladan, o'zbek tiliga osonlikcha tarjima qilinadigan va ularning to'liq ekvivalenti deb atash mumkin bo'lgan bir qator maqollar va so'zlar mavjud:

- "Lightly come, lightly go"* - *"Yengil topilgan, oson ketar"*.
"The bad news has wing" - *"Yomon xabarning qanoti bor"*.
"Better late than never" - *"Hechdan ko'ra kech"*.
"Mind your own business" - *"O'zingni bil, o'zgani qo'y"*
"Wait and see" - *"Sabrning tagi sariq oltin"* [2].

Berilgan maqollarning ingliz va o'zbekcha ma'nolari bir-biriga yaqin. Maqollarning so'zma-so'z tarjimasi ularning ma'nosiga to'la mos keladi va bu maqollarni har ikki tilda tinglaganda ham kognitiv jihatdan aynan bir narsa tushuniladi.

Ayrim maqollar esa, struktur jihatdan tubdan farq qilib, ular izohtalab hisoblanadi. Va bunday hollarda maqollarning ongda kognitiv aks etish jarayoniga ba'zi izohlar lozim bo'ladi.

- "Between the devil and deep blue sea"* - *"Ikki o't orasida"*.
"To know what is what" - *"Ko'zing borida yo'l tani, esing borida el tani"*.
"Forbidden fruit is sweetest" - *"Qo'shninig tovug'i g'oz ko'rinar, kelinchagi - qiz"*
"After a storm comes calm" - *"Zamonaning zindoni ham, xandoni ham bor"*.

Masalan, *"Forbidden fruit is sweetest"* - inglizcha maqoli o'zbek tiliga *"Qo'shninig tovug'i g'oz ko'rinar, kelinchagi - qiz"* deb tarjima qilingan. So'zma-so'z tarjimadan foydalanishda esa quyidagicha tarjima qilinadi: *"taqiqlangan meva eng shirinidir"*, shuningdek, maxsus tushuntirishga hojat bo'lmagan *"o'zga bog'ning olmasi shirin"* degan so'zlarga mos keladi.

Shuni ta'kidlash lozimki, o'zbek va ingliz tillarida maqol va matallarda bitta o'xshash (yoki bir xil) narsa yoki g'oyani bildirish uchun turli xil tasvirlardan foydalaniladi; bu tasvirlar ikki millatning turli xil ijtimoiy standartlari va turmush tarzlarini aks ettiradi. Masalan, *"The grass is always greener on the other side of the fence"* degan maqol tom ma'noda «to'siq ortidagi o't doim yashil boladi» deb tarjima qilingan. Ammo o'zbek tilida bunday maqol yo'q. Bu qisman o'zbekcha «*Yo'qolgan pichoqning sopi oltin*» [1] maqoliga mos keladi va insonlar ongida shunday g'aydalanadi.

Shuni ham yodda tutish kerakki, har bir so'zning semantik va grammatik ma'nosini tushunilsa ham har bir tilda so'zma-so'z qabul qilinmaydigan so'z va iboralar mavjud. Bu holatda maqol yoki so'zning g'oyasi tushunarsiz va g'alati tuyuladi. Ushbumaqollar yoki matallarni so'zma-so'z tarjima qilishga urinishlar kutilmagan va ko'pincha g'alati natijaga olib kelishi mumkin. Masalan, *"No room to swing a cat"* degan inglizcha ibora (so'zma-so'z «mushukni silkitishga joy yo'q») o'zbek tilidagi ekvivalenti *"Sichqon sig'mas iniga, g'alivir bog'lar dumiga"* maqoliga to'g'ri keladi.

Inglizcha iboralar, frazeologik birliklar, maqollar va matallar uchun ekvivalentni tanlashda biz har ikkala iborada ham grammatik yoki semantik mosliklarni topishga harakat qilishimiz kerak. Masalan, ba'zi tanish nutq qismlarini (ismlar, fe'llar, sifatlar) o'zaro bog'lash uchun: *green with envy* - *"xasaddan yashil bo'ldi"* yoki shunga o'xshash sintaktik tuzilmalarni izlash uchun:

- *As a man sows, so shall he reap* - *Har kim ekkani o'rar*
- *As you make your bed, so must you lie in it* - *"Qanday ish boshlasang shunday tugatasan."*

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, maqollar ingliz va o'zbek tillarining juda ko'p qismini tashkil qiladi. Ular semantik, strukturaviy, stilistik va hatto pragmatik jihatdan bir-biridan farq qiladi. Maqollar xalq madaniyatining ko'plab kamchiliklarini qamrab oladi. Maqollar o'zi mavjud bo'lgan til madaniyatini tasvirlash, belgilash va ifodalashga xizmat qiladi. Tilning paremiologik fonida milliy tushunchalar, narsalar, tuyg'ular, an'analar, taniqli ajdodlar, hatto joy nomlari - madaniy nuqtalarni ko'rish mumkin.

Xulosa. Ingliz va o'zbek maqollarining semantik xususiyatlarini o'rganish jarayonida, ayrim mavzudagi maqollarning o'zaro o'xshash va farqli jihatlarini ko'rib chiqildi. Har ikkala tildagi eng faol mavzudagi maqollarning tahlillarini qilgan holda quyidagi xulosalarga keldik:

- Ingliz maqollarini o'zbek tiliga yoki o'zbek maqollarini ingliz tiliga tarjima qilish va maqollarning muqobil variantlarini keltirish jarayonida aynan ma'no mazmunini saqlab qolish juda muhim hisoblanadi. Shuning uchun ham maqollar bilan ishlash avvalo ularning semantik xususiyatlarini, har bir maqolning asl ma'no-mazmunini chuqur o'rganib chiqishni talab qiladi.

- Aks holda xato tahlil qilingan maqol boshqa tilda o'zining asl ma'nosi butunlay yetkaza olmasligi mumkin;

- Ingliz va o'zbek tilidagi mehnatsevarlik mavzusidagi maqollarning katta ko'pchiligi semantik jihatdan bir-birini ta'minlaydi. Har ikki tildagi mehnatsevarlik mavzusidagi maqollarda insonni mehnatkash bo'lishga undash, dangasalik va ishyoqmaslik insonning eng jirkanch illati sifatida qaraladi;

• O'zbek va ingliz tillaridagi ko'pchilik yaxshilik va yomonlik mavzusiga oid maqollar ham deyarli bir xil ma'no-mazmunga egadir. Faqat har ikki tilda aynan bir-biriga mos keladigan so'zlardan foydalanilmagan. Odatda tarjimada turlicha ma'noga ega bo'lgan maqollarni semantik jihatdan chuqur tahlil qilish jarayonida bir xil ma'no anglatishi kuzatiladi. Yaxshilik va yomonlik mavzusiga doir ingliz va o'zbek maqollarining barchasida yaxshilik eng buyuk ezgu ish sifatida baholangan bo'lsa, yomonlik insoniyatning eng razil va jirkanch tomoni ekanligi ko'rsatiladi;

• Ingliz va o'zbek xalq maqollarining ko'pchilik qismida hayvon obrazlari ifodalangan bo'lib, ularning asosiy funksiyasi inson xarakterini ifodalashdir va hayvon obrazlari qatnashgan maqollar insonlarning asosan ijobiy va salbiy xarakterlarini tavsiflaydi;

• Hayvon obrazlari keltirilgan ingliz tilidagi maqollarning o'zbekcha muqobil variantlarida aynan bir xil hayvonning nomi ishlatilmasligi yoki umuman hayvon nomi qatnashmasligi maqolning har ikki tildagi umumiy ma'nosiga ta'sir ko'rsatmaydi.

ADABIYOTLAR:

1. Rahmatullayev Sh. *O'zbek frazeologiyasining ba'zi masalalari* – Toshkent. Fan, 1976 55-bet.
2. K.M.Karomatova, N.S.Karomatov. *Proverbs. Maqollar. Пословицы. Ташкент -«Мехнат» -2000.*
3. Савенкова М.Е. *Структура и семантика пословиц и поговорок современного русского языка. Автореф. Дис. канд. филол. наук. -Москва, 1989, с 6.*
4. Sodiqova M. *Qisqacha o'zbekcha-ruscha maqol-matallar lug'ati. - Toshkent. "O'qituvchi". 1993.*
5. Salomov G` *"Til va tarjima" T., "Fan" 1974.*
6. Salomov G`. *Maqol va idiomalar tarjimasi. T., O`ZFA., 1971.*
7. Salomov F`. *Tarjima nazariyasiga kirish. T., "O'qituvchi". 1978.*
8. Shukur Xolmirzayev *"Bir ko'rgan tanish".-T.:Sharq, 2015.-18-26-b*
9. Otabekovna, S. M. . (2022). *Comparative Analysis of Proverbs and Sayings in English and Uzbek Expressing Youth and Senility. Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT, 2(5), 114–119. Retrieved from <https://literature.academicjournal.io/index.php/literature/article/view/360>*
10. Subxonova, M. (2022). *Роль языка и культуры в лингвокультурологическом анализе английских и узбекских пословиц. Центр научных публикаций (buxdu.Uz), 8(8). Извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/5895*
11. Ibragimovna, G. M. Subxonova Madina Otabek qizi. (2022). *Mehnat va mehnatsevarlik haqidagi ingliz va o'zbek maqollarining semantik tahlili. Integration of Pragmalinguistics, Functional Translation Studies and Language Teaching Processes, 311-313.*
12. Izomovich, Rasulov Zubaydullo, and Ubaydullayeva Dilafruz Fazliddinovna. *"Implications from syntax for teaching a second language." Integration of Pragmalinguistics, Functional Translation Studies and Language Teaching Processes (2022): 320-323.*
13. Nasriddinova, S. Z. (2022, April). *Classification of syntactic relations in compound sentences. In International Conference on Research Identity, Value and Ethics (pp. 121-123).*

THE ROLE OF NATIONAL VALUES IN TEACHING THE NATIVE LANGUAGE

*Sulaymanova Mahfuza Shavkat kizi,
Bukhara State University
Department of Uzbek Linguistics and
journalism, master*

Abstract. *Each advanced, cultured people have their own language, customs, traditional material and spiritual wealth. Along with language and character, a person has traditions and values that enter a person by blood. Spirituality is always national, and at the same time there is nothing in it that contradicts universal human values because, in an independent spiritual world, the spiritual image of each nation at the same time reflects its inner essence, and core veins, different ones will have common aspects with the spirituality of peoples, common elements, uniting all mankind.*

It is extremely important to form national values in the minds of students in the mother tongue classes of secondary general education schools.

Keywords: *value, education of youth, education in the native language, tradition, nationality*

National Independence made it possible for the scope of studying aspects related to values to expand from year to year in our republic. More precisely, a philosophy of values is being formed. Today, our scientists are conducting scientific research on values, national values, the essence of universal values, their interrelationship, the role of values in human life, their educational impact, and their use as educational tools in the process of education and training. With the achievement of the independence of Uzbekistan, universal democratic values that meet the requirements of modern civilization began to enter the lifestyle of our people. Respect for human rights, freedom of entrepreneurship, and freedom of the press are among them. "If the body of society is economy, then its soul and spirit are spirituality. As we decide to build a new Uzbekistan, we rely on two strong pillars. The first is a strong economy based on market principles. The second is a strong spirituality based on the rich heritage of our ancestors and national values" [1]. Today, it is no secret to any of us that it is impossible to return to the values, traditions and lifestyle of the past in a chaotic manner, and sometimes this chaos can lead to another tension, a denial of the need to renew society.

First of all, any value is a product of human consciousness and activity. More precisely, any value is created by the people, the values created by the ancestors are updated by other generations, are absorbed into the minds and consciousness of people, give power to their practical activities, and become a great social force. Values are the product of the socio-economic, cultural and spiritual development of the society, which express the spirit of the times, opportunities, hopes, wishes, demands and needs of the people who lived in that time. It is important to pay attention to the fact that the content of values changes over time, and it is necessary to always take into account specific historical conditions when assessing their educational value.

People's dreams, intentions, and hopes, in a word, "ideal lifestyle" live in values. As philosophers say, values create an independent universe that never depends on an object or a subject. This universe transcends the laws of space and time. Also, values, which are the great spiritual treasure of humanity, never change, but people's ideas about values change. In fact, the whole reality consists of a unique display of values [3]. In this regard, the opinions of value experts complement each other. For example, in the opinion of J. Tolenov: "Values are material and spiritual things that are not only important for the past, but also have a positive effect on the present and future development, and are absorbed into people's minds and gain social importance. , a set of natural, religious, moral, philosophical and other riches is understood... Values mean value" [5]. According to M. Tugarinov, "value should be understood as a set of natural and social phenomena that serve the interests and goals of the nation, people and social groups, which are important for people and humanity" [6]. According to E.Y. Yusupov: "Values are material and spiritual assets formed and developed in the course of the historical development of society, which have a positive effect on social development in the past, present and future, and gain social importance by being embedded in people's minds" [7]. Scholars such as O. Musurmonova, D. Roziyeva explain this concept as follows: "Values are those that have emerged on the basis of the spiritual needs of a person, have successfully passed the test of time in their practical activity, and in their form and content are the values of this or that nation. "is a set of spiritual and spiritual actions, things and events that embodies the spiritual world and has been valued as a source of formation of the spiritual culture of the people for centuries" [5]. Values are also formed and developed on

the basis of specific laws, which are not subject to human will. Since values are a subjective reflection of the objective world, they have an impact on people's practical activities. Even people change their lifestyles. That's why people change their lifestyles according to the values created by humanity. Values are divided into several types according to their content. Regional values: maintaining peace, hatred of war, respect for neighbouring nations...

In our country, a person and his life are the highest value, therefore, it is not for nothing that the year 2022 focuses on the issue of "glorification of human dignity". Humanity exists so that its dignity is glorified; honouring the dignity of a person, improving his life, developing his knowledge and cultural level, strengthening his health, and protecting his life are the main directions of the policy of our state. This is the essence of the changes, reforms, laws and regulations taking place in our country. Values can be divided into national and universal, class or religious values, as well as values specific to people's age and professional characteristics, depending on their place in the life of the society, the nation, and their social character. Natural values are also very important in meeting human needs.

Natural values include land and underground resources, water, air, forests, flora and fauna. The land of Uzbekistan is also rich in various minerals. All mineral resources, forest and animal life on earth are considered material resources. When they are mastered by a person, their importance and value increases even more. Material values include various material assets created as a result of mental and physical labor of a person, factories, production forces, vehicles, equipment, housing, property, pleasures and so on. Cultural and spiritual values play an important role in human life. "Spiritual values and wealth are not a phenomenon that is created in a revolutionary way, they arise due to the needs of society at all stages of development and reflect the life of that time, they do not disappear with the change of life, for the next generations remains a spiritual heritage. Each generation does not create spirituality anew, it relies on spiritual heritage, but it does not accept it blindly as it is, it accepts and develops it from the point of view of development, humanity, and justice" [7]. Spiritual values include scientific, technical and intellectual opportunities, education, training, medical services, national heritage, cultural masterpieces in various forms, language, literature, art, folk craft products, unique historical and cultural monuments. , architecture and others. Materiality and spirituality are inextricably linked. It is clear to everyone that since the first days of our independence, a lot of work has been done to restore our national values, to improve the cultural and spiritual life of the people, to form a new outlook, to develop national and legal consciousness, and the work to be done in the future has also been determined. "We set before ourselves the issue of creating a new image of our society, building a new Uzbekistan as a strategic task"[1]. When we remember the words of our President with this clear goal, which were made with noble actions in the way of the prosperous life of our people, it is understood that every civil servant must approach his duties responsibly.

Therefore, value is a dialectical unity consisting of a set of phenomena of nature and society, which are important and have value for a person, and serve the interests and goals of people. Human dignity, honor, honor, national pride are directly related to national values. National values are the sum of the language, religion, history, literature, art, paintings, customs, holidays, etc., in other words, the cultural and spiritual heritage, human qualities and characteristics of each person. National values are an indicator of the humanity created by each person belonging to that nation, human qualities, traits, characteristics, and contribution to the treasure of national-cultural heritage. National values are directly related to the development or crisis of the nation. In other words, national values are related to the nation's past and present. Therefore, national values develop with the development of the nation and depreciate when it encounters a crisis. Therefore, the nation is the real owner of its values in the sense that it creates its own values, polishes their new aspects and aspects, and improves them in the process of development. is the main object to deliver to.

National values convey the cultural and spiritual heritage created by the nation, in particular, all the human qualities and characteristics of the people of the nation from the past to the present. That is why every nation is responsible for preserving national values. In any situation, for example, when a nation is free and prosperous, even when it falls into slavery and subjugation, it has an internal opportunity to preserve national values. National values are formed in the ethnic space that ensures the historical unity of people and is manifested in various forms. It affects people's minds and activities. It is clearly visible in people's daily lifestyle, their material and spiritual needs, interests, and interests. Also, national values do not freeze in one place, they change and improve in the course of historical development. New in content and form. With this feature, national values are considered to be the people who connect the unique values of the nation with universal human values. The most important thing is that national values develop in dialectic unity in interaction with national values. Values that are important for one nation can later become national values. For example, the discoveries of Ibn Sina in the field of medicine, the achievements of Beruni or Al-

Khorazmi in the field of mathematics, the contribution of Imam Bukhari to the development of the Islamic world, the science of astronomy of Ulughbek, the historical monuments built by Amir Temur, Z.M. Babur's administration of the country in India, beautification works, A. Navoi's contribution to the property of poetry are considered universal value today. Because these values are used by the countries of the whole world and are considered valuable and important for the development of all sciences. Therefore, national values are considered a complex socio-spiritual phenomenon, which includes the language, religion, history, culture, customs, traditions and material and spiritual wealth of this nation, all aspects of the socio-political life of this nation. . Also, national values are divided into material and spiritual values according to their types. National-spiritual values have a viable character compared to material values. The formation and development of national values is connected with each nation's unique history, language, literature, culture, moral and psychological characteristics, living conditions, lifestyle, and production activities. As long as the nation exists, the importance of national values does not diminish at all. National values are one of the main criteria that determine the essence of each nation, its independent social and ethnic unity. Therefore, national values are a complex of material and spiritual wealth characteristic of a certain nation, which reflects the past and future of this nation, created by its ancestors, and which is important and valued for this nation today. National values, in turn, are manifested in the form of material and spiritual, educational and political values. The material values of our nation include folk applied art, and folk crafts (craftsmanship, carpentry, painting, carving, jewellery, jewellery, chest-making, cradle-making, blacksmithing, carpet-making, embroidery, etc.). In the context of Uzbek national and spiritual values, humanitarianism - mutual cooperation and sympathy, loyalty and mutual respect, mutual support and good neighbourliness, respect for childhood and parents, kindness and loyalty ideas lie. The basis of national and spiritual values is formed by traditions, that is, traditions, customs, festivals, etc. Traditions have a viable character because they have been introduced and strengthened in society for centuries. For this reason, it is not correct to discard them or condemn them as "obsolete". Tradition is a social phenomenon, it is the order and rules that have found their place in people's minds and way of life, are passed from ancestors to generations, are repeated, accepted in all spheres of life. So, traditions include various spheres of people's spiritual life. Each nation has its own specific traditions that decorate people's lives, increase the value of national values, and make their lives meaningful. Each new generation receives the experience of the previous generations through traditions. Traditions are a broader concept than customs. Traditions are characteristic of all aspects of the social life of the nation, they exist in all forms of social consciousness, and they can be found not only in ethics, law, and religion, but also in politics, science, art, and sometimes in the work activities of people. There are the following manifestations of national traditions: 1) traditions that form faith in the homeland (such as the holding of various events that educate patriotism, the organization of examinations, and the celebration of the military day); 2) labour traditions (organization of mass khachkars, appreciation of the work of growers, grain growers, rice farmers, holding of cleanliness days); 3) national games, sports (bridge, national wrestling, races...); 4) family-household traditions (hospitality, mutual respect, honouring parents, etc.); 5) traditions based on religious beliefs (Eid of the Sacrifice, Eid of Ramadan); 6) traditions held out of respect for representatives of other nationalities (Russian, Tatar, Tajik, even organization of days of foreign countries...). Family traditions can be conditionally divided into the following groups:

- national traditions (Welcoming the New Year, Mother's Day, Youth Day);
 - personal traditions (birth of a child, aqeeqah, birthdays...);
 - traditions related to the child's life path (first call, membership in youth organizations, obtaining a citizenship passport, last call);
 - traditions related to national customs (calling a call to the baby's ear, tying it to the cradle, smallpox, celebrating the birthday of a child, circumcision weddings, etc.). [4]
- Just as every nation has its own traditions, the Uzbek people's colourful traditions, customs, and ceremonies are age-old. There are peoples who have a unique place in the world culture with these traditions, customs, and roots that are deeply rooted in the past, and are distinguished from each other by these traditions. Traditions, ceremonies and holidays have become the most important and integral part of human life since ancient times. In particular, the life of the Uzbek people cannot be imagined without them. The holidays of the Uzbek people are unique, such as "Navruz holiday", "Harvest holiday", "And mehrjon holiday" occupy an important place in the life of the people. In particular, they can be an important source in educating the young generation about love for the motherland and respect for traditions from primary school. The direct participation of students in these holidays ensures the formation of respect for our national values, faith in

the motherland, and national pride. There are many varied materials designed to inculcate our national values in the mother tongue classes of secondary general education schools. For example, in the 5th grade, the following topic can be chosen in the form of an examination dictation or an educational statement:

Chuqurcha

Dadam mashinani darvozadan yo 'lakka olib kirar ekanlar, gapirib qoldilar:

– *Ko 'chamizga buriladigan joy o 'yilib chuqurcha bo 'lib qolibdi, har safar mashina shu chuqurga tushib ketyapti.*

– *Ha, ehtiyot bo 'lib o 'ting-da, – dedilar ayam oshxonadan chiqib.*

– *Ehtiyot-ku bo 'lyapman, – dedilar dadam kuyinib, – baribir yomon-da. Erta-perta yog 'ingarchilik bo 'lsa, yo 'lovchilarga ham jabr bo 'ladi.*

– *Ha endi, ko 'cha – ko 'cha-da, dadasi, – dedi ayam.*

– *Ko 'chaligi to 'g 'ri, – dedilar dadam allaqanday ta 'kid bilan. – Savobtalablar ham yo 'qmi deyman, hech bo 'lmasa, tuproq bilan to 'ldirib qo 'yishsa bo 'lardi.*

Ayam o 'zingiz-chi, deganday dadamga ma 'noli qaradilar. Bir nima demoqchi bo 'ldilar-u, biroq negadir indamay oshxonaga kirib ketdilar. Buni sezdilar, shekilli, dadamning ovozlari gunohkorday pasaydi:

– *Mening-ku vaqtim bo 'lmayapti, erta ketib, kech kelayapman, – shunday deb kiyimlarini almashtirgani xonalariga kirib ketdilar.*

Ertasi maktabdan kela turib o 'sha chuqurga razm soldim. Haqiqatan ham, ikki-uch chelak tuproq bilan to 'ldirsa bo 'larkan. Shuni o 'zim qilib qo 'ysam bo 'lmaydimi? Savob bo 'ladi, dedilar-ku. Haydovchilar qiynalmasdi. O 'tgan-ketgan yo 'lovchilar ham xursand bo 'lib, rahmat, derdi.

Uyga kelib yechindim-da, ayam tushlikka tayyorlab qo 'ygan taomlar bilan qornimni to 'ydirdim. Keyin yerto 'laga tushib, eski paqir bilan belkurakni olib chiqdim. Hovli chetini o 'yib tuproq olmoqchi bo 'ldim.

– *Tuproq solsam hozircha bo 'ladi, – o 'yladim belkurakni yerga botirar ekanman, – lekin erta qor-yomg 'ir yog 'sa, loy bo 'lib, mashina o 'tganda hammayoqqa sachramaydimi? Sachraydi. G 'isht parchalarimi, toshmi bo 'lsa yaxshiydi. O 'rtog 'im Rahimning dadasi oshxona qurayotgan edi. Balki singan tosh-g 'ishtlari bordir, degan o 'yda ularnikiga chiqdim.*

– *Kel, – dedi Rahim, – uyga kir.*

Ovozimni eshitib Rahimning oyisi ayvon derzasini ochib so 'radi:

– *Abduazimboy, kelaver. Tinchlikmi?*

– *Ha, opoqi, tinchlik, ko 'chamiz oldidagi chuqurni to 'ldirib qo 'ymoqchi edim.*

– *Juda yaxshi ish bo 'lardi, – xursand bo 'ldilar opoqim. – Savob bo 'ladi, bolam, – keyin Rahimga qaradilar, – sen ham qarashib yubor, o 'g 'lim.*

– *Xo 'p, – dedi Rahim.*

– *O 'zim qilib qo 'yaman, opoqi, – dedim shoshib.*

– *Albatta, ko 'maklashadi, savobga sherik bo 'lsin bu ham. Ana, mayda-chuyda tosh-g 'ishtlar bor. Paqirda olib borib to 'kinglar-da, ustidan tuproq solib shibbalanglar. To asfalt bo 'lguncha qotib turadi.*

Opoqi aytganday qildik: mayda-chuyda tosh-g 'isht parchalarini solib, chuqurni to 'ldirdik, ustidan tuproq to 'kib shibbaladik. Endi o 'tgan-ketgan mashinalar chuqurga tushib, silkinmaydi. Dadam ham xursand bo 'ladilar.

(Abdulhay Nosir)

Traditions are rules of behaviour that are embedded in people's lifestyles, repeated for a certain period of time, and approved and accepted by many people. For example, children greeting adults, getting up early to put the house and yard in order, showing special respect to guests, receiving news from the sick, weak, and suffering on the eve of the holiday, visiting those who need help, etc. are good traditions of the Uzbek people. is one of the habits. Ceremonies are symbolic events that are considered to be a component of traditions and customs and are aimed at celebrating important events in people's lives. For example, naming ceremonies, wedding ceremonies, funeral ceremonies, memorial ceremonies and others. So, traditions, holidays, traditions, and rituals cover the processes from the birth of a person to the end of his life. Birth of a child, call to prayer, teething, cradling, walking, hair cutting, circumcision, wedding, Prophet's age wedding, centenary, silver wedding, golden wedding There are many aspects of our listed rituals, in other words, our values. Among these, it is appropriate to add proverbs, fairy tales, and riddles typical of folk art. The celebration of such ceremonies, whether in the family or in society, has a positive effect on the upbringing of the child. Through these values, faith in the motherland, hardworking, nature-loving, knowledgeable, generous, and self-sacrificing qualities for the motherland are formed and developed in the young generation [3; 4; 5] Our above comments are based on national values, traditions, holiday, traditions, paintings and folk art, folk oral creativity in the formation of the spiritual world of the students, and the

homeland. can be an important source in the education of the faith. Our task today is to use them wisely and effectively in class, in extracurricular activities, in family situations, and in public places. So, the types of national values and their importance in educating the foundations of faith in the motherland are incomparable. They can be effectively used in the mother tongue classes of secondary general education schools.

REFERENCES:

1. Video selector meeting on "Fundamental improvement of the system of spiritual and educational work in the Republic, issues of strengthening cooperation of state and public organizations in this regard", held under the chairmanship of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev. 10.01.2021. <https://www.gazeta.uz/>
2. Law of the Republic of Uzbekistan "On Education". 24.09.2020. <https://lex.uz/docs/-501300>
3. Jabbarov I. Lifestyle, customs and manners.-T.: Teacher, 1980.-112 p.
4. Rozieva D. Scientific-pedagogical foundations of forming a sense of national pride in students of higher educational institutions. DDA.- T., 2005.
5. Yusupov E., Ismailov F. Human perfection.- T.: Uzbekistan, 1990.- 240 p. <http://www.ziyonet.uz>
6. www.ilm.uz
7. <https://uzspic.uz/ru>
8. <http://www.metodika.ru>
9. <https://www.uzedu.uz>

MAQOLLARNING NOMINATIV-SEMANTIK XUSUSIYATLARI*Xamdanova Gulshan Xamroyevna,**Buxoro davlat universiteti, Fakultetlararo chet tillar
kafedrasida katta o'qituvchisi
khamdamova2020@inbox.ru*

Annotatsiya. *Lisoniy birliklarning ma'no jihati hamda ularning alohida tizimdagi o'zaro munosabatlarini tadqiq qilish masalasi zamonaviy tilshunoslikning oldida turgan muhim vazifalardan biridir. Ushbu maqolada o'zbek va ingliz tilidagi maqollarning nominativ-semantik xususiyatlari haqida fikr yuritiladi. Maqol ma'nosi tizim ichidagi bo'laklarning semantik birlashuvidan iborat tuzilmadir.*

Kalit so'zlar: *nominativ birliklar, diskursiv, lisoniy belgi, sintaktik andoza, valentlik ko'rsatkichlari, frazeologik kontekst.*

Аннотация: *Вопрос исследования значения языковых единиц и их взаимоотношений в отдельной системе является одной из важных задач, стоящих перед современным языкознанием. В данной статье рассматриваются номинативно-семантические особенности узбекских и английских пословиц. Значение пословицы представляет собой структуру, состоящую из смыслового сочетания частей внутри системы.*

Ключевые слова: *номинативные единицы, дискурсив, языковой знак, синтаксическая модель, показатели валентности, фразеологический контекст.*

Abstract. *The issue of researching the meaning of linguistic units and their mutual relations in a separate system is one of the important tasks facing modern linguistics. This article discusses the nominative-semantic features of Uzbek and English proverbs. The meaning of a proverb is a structure consisting of a semantic combination of parts within a system.*

Keywords: *nominative units, discursive, linguistic sign, syntactic pattern, valence indicators, phraseological context.*

Kirish. Zamonaviy tilshunoslik nazariyasining taraqqiyoti lisoniy birliklarning ma'no jihati hamda ularning alohida tizimdagi o'zaro munosabatlarini tadqiq qilish masalasini dolzarblashtirdi. Til lug'at sathining tizimiyligi va nominativ imkoniyatlarini o'rganish, bir tomondan, lisoniy birliklarning assimetriyasi muammosi bilan bog'liq bo'lsa, boshqa tomondan, ularning semantik variantlashuvi hamda nominativ-diskursiv maqomini belgilash uchun zarurdir.

Ma'lumki, to'liq ma'noli lisoniy birliklar (shu jumladan, maqollar ham) bir paytning o'zida nominativ va semantik qiymatga ega, yani ular o'z lug'aviy ma'nosiga bog'liq holda matn tarkibida boshqa nominativ birliklar bilan munosabatga kirishish qobiliyatini namoyon qiladi.

Alohida lisoniy tuzilmalarning semantik-nominativ tarkibi tavsifi, birinchidan, til tizimining xususiyatlari bilan belgilansa, ikkinchidan, mazmun va shakl uyg'unligining dialektik tabiatiga tayanadi. Bundan tashqari, voqelikda predmet, lisoniy ifoda birligi va tushuncha munosabati, nominativ tuzilmalarning harakatchanligi hamda ularning diskursiv faollashuvi kabilar e'tiborga olinishi lozim.

Tadqiqot obyekti. Maqol ma'nosi tizim ichidagi bo'laklarning semantik birlashuvidan iborat tuzilmadir. Ushbu bo'laklar qatoriga lisoniy belgi shaklidan tashqari, sintaktik andoza, valentlik ko'rsatkichlari, frazeologik kontekst kabi boshqa sathlarga oid vositalar ham kiradi. Bu jihatdan lisoniy belgilarning imkoniyatdagi va faollashgan ma'nolarini tahlil qilish ahamiyatga molikdir. Ushbu ko'rinishdagi ma'nolar munosabati lisoniy hodisalarning struktur tuzilishini belgilashdan tashqari, ularning olamni bilish kategoriyalarining qaysi turlari doirasida faollashuvini aniqlaydi. Bunday kategoriyalar qatoridan, masalan, umumiylik va xususiylik, doimiylik va o'zgaruvchanlik, mavjudlik va yaratuvchanlik munosabatlari o'rin o'ladi [5].

Maqollar an'anaga binoan tilning frazeologik zahirasi tarkibiga kiritilib, ularning ma'nosi denotativ, signifikativ va konnotativ aspektlarda tavsiflanadi [12].

Maqol semantikasining denotativ belgisi uni atrof-muhitdagi obyekt, narsa-hodisalar bilan bog'laydi. Maqol tuzilmalarining ushbu ko'rinishda ma'no bo'lagini ajratish qiyin vazifa, chunki maqol denotat bilan to'g'ridan to'g'ri bog'lanmasdan, balki assotsiatsiyalar orqali munosabatga kirishadi [1]. D.Lutfullayevaning ta'rificha, tashqi olamning lisoniy voqelanishi voqelik-ong-til uchligi munosabati doirasida sodir bo'ladi. "Tashqi olamdagi voqeliklar, - deb yozadi olim, - inson ongida ular bilan bevosita aloqador bo'lgan makon, zamon, sabab, maqsad kabi omillardan ajralgan holda aks etmaydi. Muayyan voqelikning obyektiv mavjud

bo'lish sharti sifatida yonma-yon yuruvchi bunday omillar inson ongida voqelik obrazining hamrohlari sifatida gavdalanib, u bilan assotsiativ bog'langan zanjirni hosil qiladi" [2]. Olimaning "assotsiativ bog'lanishlar zanjirini" yuzaga kelishi haqidagi fikriga ergashgan holda maqollar vositasida bajariladigan nominativ jarayonni psixologik va lisoniy assotsiatsiyalar uyg'unligida kechadigan holat sifatida tasavvur qilish lozim deb hisoblaymiz.

Aytish joizki, yaqin-yaqingacha onomasiologiya sohasi yoki nomlash nazariyasining obyektini "tushunchalar, predmetlarni leksik va leksik-frazeologik birliklar vositasida atashning tamoyil va qonuniyatlarini" o'rganishdan iborat" [6] deb hisoblanib kelinar edi. Bu esa ushbu jarayonning faqat til tizimiga tobe hodisa sifatida qaralishiga sabab bo'lib, uning nutqiy faoliyatga tegishli jihatlarning inobatga olinmasligiga olib keladi.

Bir qator tilshunoslarning ishlarida onomasiologiya keng ma'noda talqin qilinib, ushbu nazariya "vaziyatdagi til" yoki boshqacha aytganda "qo'llanishdagi til" bilan qiziqishi ta'kidlanadi. Mazkur vaziyatning lisoniy ifodalanishi muhimdir. Bunday yondashuvda voqelik unsurlarini nomlovchi vositalar sifatida nafaqat lug'at birliklari, balki turli sathlarga oid birliklar va ularning o'zaro munosabati doirasida hosil bo'ladigan tuzilmalar ham qaraladi. Shunday fikr tarafdori bo'lgan V.G.Gakning ta'biricha, nominativ birliklar qatoridan, leksik birliklardan tashqari, "Til tizimining o'z ma'nosini yo'qotmagan obyektlar, aloqa, sifat va munosabatlarni atovchi har qanday element o'rin oladi. Til tizimi turli sathlariga qarashli elementlarning bir xildagi o'xshashligi, jumladan, yagona bir voqelik unsurlarining turli vositalar orqali nomlanishi mumkinligida namoyon bo'ladi" [8].

Nominatsiya nazariyasining bu tarzda keng talqin qilinishi natijasida onomasiologik tadqiqotlar ko'lami yanada kengaydi va nazariyada, "inson tashqi va ichki tajribasi alohida unsurlarining nomlanishini" o'rganuvchi leksikologiya bilan birgalikda, "yaxlit hodisalarning lisoniy voqelanishini" o'rganuvchi sintaksis qismi ham paydo bo'ldi [3].

Fanning u yoki bu sohasiga oid tadqiqotlar ko'lamining oshib borishi, o'zaro yaqin turadigan sohalarida yangi g'oyalar tug'ilishi, oraliq hodisalarga bo'lgan qiziqishning kuchayishiga turtki berishi muqarrar. Shuningdek, lisoniy birliklar nominative imkoniyatlarining tadqiqi biror-bir alohida sathga to'lig'icha qaram bo'lmagan sathlararo, oraliq birliklar tahlilini ham talab qiladi.

Parememalar frazeologizmlar kabi xuddi shunday sathlararo birliklar namunasidir. Maqollar semantikasi va nominativ xususiyatlarini o'rganishga onomasiologik yondashuvning tatbiq qilinishi yangi bir tadqiqot yo'nalishi shakllanishiga turtki beradi va bu yo'nalishning "paremiologik onomasiologiya" deb atalishini biz ma'qullaymiz.

Natija va tahlillar. Mazkur tadqiq yo'nalishi bir nechta muammolar yechimini izlashni taqozo etadi. Bular, jumladan, quyidagilardan iboratdir:

- 1) olam lisoniy manzarasini yaratishda paremiologik birliklarning ishtiroki;
- 2)voqelik tavsifining maqollarda aks etadigan qismini aniqlash; 3)paremiologiyaning onomasiologik ko'rsatkichlari; 4) maqollarning onomasiologik strukturasi; 5) paremiologik nominatsiyaning turlari (bevosita yoki bilvosita nomlash) va boshqalar.

Umuman, tilshunoslikda maqolning nominative birlik maqomiga egaligi masalasining muhokamasi uzoq paytdan buyon davom etib kelmoqda. Frazeologlarning ko'pchiligi maqol va iboralarning faqat ma'lum qismigina nominativ vazifani bajarishga qodir deb hisoblaydi [10].

V.L.Arxaevskiy esa, turg'unlashgan tuzilmalar hech qanday tashqi olam narsa-hodisalarni nomlash vazifasiga ega emasligini ta'kidlamochi bo'lib, frazeologizm va maqollarni "odatda tashqi olam denotatlarini qo'zg'atuvchi kuchga ega emas", deb ta'riflaydi [4].

O'zbek tilshunoslari, aksincha, maqollarning mazkur vazifani bajarishga qodir ekanligini inkor etmaydilar [18]. Paremiologik birliklarning bunday vazifani bajarish qobiliyatidan xoli deb qaralishi sababini ular tarkibida shakl va mazmun munosabatining kuchliligiga bog'lash odat tusiga kirgan. Shu bois ba'zi tadqiqotchilar maqollarning ma'nosida nominativ xususiyat aks etmaydi, degan fikrni isbotlamochi bo'ladilar. Ularning ishonishicha, ikkilamchi lisoniy tuzilmalarning (ular qatoriga maqollar ham kiradi) mohiyati asosan pragmatik vazifa faollashuvida, yani ma'lum maqsad sari qo'llanilishida namoyon bo'ladi.

Darhaqiqat, maqollarning pragmatik tabiati ahamiyatga molik, zero ular nutqiy muloqot muhitida u yoki bu nutqiy akt vazifasini o'tay oladigan lisoniy birlikdir. Lekin pragmatik mazmun ifodasi faqat maqollarga xos bo'lmasdan, balki lisoniy birliklar uchun ham yot emas. Har qanday birlikning qiymati uning nutq jarayonida qo'llanilishi, kommunikativ maqsadni ro'yobga chiqarishdagi ishtiroki bilan belgilanadi. Samarqand frazeologiya maktabining asoschisi bo'lgan L.I.Royzenzon o'z paytida qayd etganidek, "kommunikativ qiymatga ega bo'lganlarning barchasi ayni paytda nominativ birlikdir, chunki tildagi barcha birliklar u yoki bu darajada voqelik parchalarini ifodalash uchun xizmat qiladi" [19]. Biz ham aytilgan fikrga qo'shilgan holda maqollarni nominativ tuzilmalar qatoriga qo'shish tarafdorimiz.

Paremiologik birliklarning mazmun-mundariyasi murakkab, ko'p jihatli hodisa ekanligi ko'p bora qayd etilgan. Maqollar semantik strukturasi markazini konseptual ma'no (referentning ondgagi aksi) tashkil qiladi va ushbu ma'noni denotatga munosabati (denotativ ma'no) hamda nomlanayotgan tushunchaga (signifikativ ma'no) nisbatan tavsiflash mumkin. Maqol mazmunida, konseptual ma'nodan tashqari, qo'shimcha emotsional, ekspressiv, stilistik ma'no bo'laklarining o'rin olishi tabiiydir.

Shuningdek, lisoniy birliklarning muloqot matnidagi faollashuvi jarayonida ularning ma'nosi muloqot maqsadiga moslashadi. Bunday moslashuv, o'z navbatida, konseptual ma'noning ayrim belgilar pragmatik mazmuniga muqobil ravishda o'zgarishiga olib keladi. Moskvalik semasiolog M.M.Kobozevaning "nutqiy tuzilma mazmunning propositiv qismi voqelikda kechayotgan holati axboroti bo'lsa, uning intensional bo'lagi esa – so'zlovchining haqiqiy (yoki xayol qilinadigan) intensiyasi - niyatidir" [11], degan fikriga izoh berayotgan Sh.Safarov "nutqiy tuzilma mazmunining shakllanishida voqelikning aniq, real qiyofasidan ko'ra, uning so'zlovchi tomonidan tanlab olinayotgan va tavsiflanayotgan ko'rinishi muhimroq" ekanini qayd etadi [20].

Maqollar ma'nosidan nominativ va kommunikativ vazifalarning o'zaro munosabati yaqqol namoyon bo'ladi. Ma'lumki, maqol tuzilishi jihatdan to'lig'icha gap qurilishi talablariga javob beradi, u sodda yoki murakkab gap ko'rinishiga egadir. V.G.Gakning "har qanday gap ma'lum bir fakt, voqea, hodisaga ishora qiladi yoki ularni tavsiflaydi va shu bois uni ushbu fakt yoki hodisaning nomlanishi sifatida talqin qilish mumkin" [9] degan qaydiga asoslangan holda maqollarning ma'lum turdagi hayotiy vaziyatlar va munosabatlarni lisoniy voqelantiruvchi birlik sifatida qarash lozim bo'ladi. Haqiqatdan ham, ular voqelikning ma'lum bir parchasini nomlash vazifasini bajaradi. Masalan, qiyoslang:

O'zbek tilida:

***Bo'ynida illati borning oyog'i qaltiraydi;
Ayiq o'z tovonini yalab jon saqlaydi;
Ishtoni yoq tizzasi yirtiqqa kulibdi.***

Ingliz tilida:

***Two heads are better than one;
Many hands make light work;
Put not your hand between the bark and the tree;***

Yuqoridagi misollardan ko'rinib turibdiki, maqollar ishtirokida bajariladigan nominativ faoliyat ikki bosqichdan iborat: dastavval maqol tarkibidagi birliklarning har biri atrofda, olamdagi u yoki bu predmet, hodisani nomlaydi va so'nggi bosqichda maqol yaxlit tuzilma ko'rinishida tarkibidagi unsurlar ishtirokida voqelikning alohida bo'lagini izohlaydi. Mazkur holatda maqol tarkibidagi birliklarning ma'lum darajada o'zgarishlarga uchrashi turgan gap. Biroq ular tub ma'nosini tamoman yo'qotmaydi, zero maqolning yaxlit ma'nosi shakllanishida ushbu birliklar ma'nosining ishtiroki sezilib turadi. Bu esa, tub ma'noning kommunikativ-pragmativ mazmun bilan o'zaro munosabatidan darak beradi. Shu yo'sinda, maqol ma'nosining referenti voqelikdagi biror vaziyat ekanligini isbotlash mumkin.

Signifikativ ma'no, o'z navbatida, predmet hodisa haqida yuritilayotgan tafakkur faoliyati natijasidir. Binobarin, maqolning tushunchaviy ma'nosi voqelikda sodir bo'layotgan bir xil vaziyatlarning mavhumlashtirilishi natijasida hosil bo'ladi. Olamni idrok etayotgan shaxs ongida vaziyatning muhim jihatlari aks etadi va shu asnoda konseptual mazmun yuzaga chiqadi. Xuddi shu xususiyat maqollar sifnifikatini tashkil qiladi.

Maqollar turli vaziyatlarni nomlashi mumkin, ammo bunda har xil mazmundagi axborot voqelanishi ham kuzatiladi. Misol tariqasida quyidagi maqollarni keltiramiz:

***Bosh boshlaydi, oyoq tashlaydi;
Ahmoq boshning og'irligi ikki oyoqqa tushadi;
Bosh qayerga borsa, oyoq ham o'sha yerga boradi.***

Keltirilgan maqollarning ma'nosida kishining yaxshi yo'lga yurishi ham, yomon yo'lga yurishi ham, avvalo boshga, yani miyadagi o'ylovga bog'liq bo'lishi, mazmunidagi konseptual tushuncha mavjudligi aniq ko'rinib turibdi.

Ingliz maqollari qiyosida ham xuddi shunday holatni kuzatish mumkin:

***Keep your mouth shut and your ears open;
Fields have eyes, and woods have ears.***

Ushbu maqollarning konseptual asosida "so'ylaganingni o'ylab, mulohaza qilib gapir" mazmunidagi o'git yotadi.

Xulosa. O'zbek va ingliz tillaridan keltirilgan maqollarda turli obrazlar gavdalansa-da, lekin ular umumiy assotsiativ o'xshashlikka asoslangani kuzatiladi va ushbu o'xshashlik munosabati aniq denotatlardan mavhumlashuv zahirida yuzaga keladi. Oqibatda ular ifodalayotgan tushunchalar bir-biriga

yaqinlashadi.

Aytilganlardan kelib chiqib, maqollar mazmuniy shakllanishini o'xshashlikni mavhumlashtirish, yani nomlanayotgan narsa-hodisalarning farqli jihatlarini oldinga surish jarayoni ko'rinishida tasavvur qilishni ma'qullash mumkin. Bunday mavhumlashtirish natijasida umumiy tushuncha-ma'noning konseptual asosi shakllanadi.

ADABIYOTLAR:

1. Heda J. *Proverbs in Society. The Problem of Meaning and Function // Proverbium.* – Helsinki, 1971. №17.
2. Lufullayeva D.E. *Assotsiativ tilshunoslik nazariyasi.* – T.: Meriyus, 2017. – 140 b.
3. Арутюнова Н.Д. *Синтаксис // Общее языкознание (Внутренняя структура языка).* – М.: Наука, 1972.- С.299.
4. Архангельский В.Л. *Устойчивые фразы в современном русском языке // Основы теории устойчивых фраз и проблемы общей фразеологии.* - Ростов-на-Дону, 1964. – 344 с.
5. *Аспекты соматических исследований.* – М.: Наука, 1980.-356 с.
6. Ахманова О.С. *Словарь лингвистических терминов.* – М.:1969- 607.
7. Бакиров П.У. *Номинацентрические пословицы в разносистемных языках (на материале русского, узбекского и казахского языков).* Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. -, 2008.
8. Гак В.Г. *К типологии лингвистических номинаций // Языковая номинация.* - М.: Наука, 1977. – С.230-293.
9. Гак В.Г. *Повторная номинация на уровне предложения // Синтаксис текста.* - М.: Наука, 1979.- С.92-102.
10. Жуков В.П. *Русская фразеология.* – М.: Высшая школа, 1986. – 309 с.
11. Кобозева М.М. *Лингвистическая семантика.* – М.: Эдиториал УРСС, 2000.
12. Кунин А.В. *Курс фразеологии современного английского языка.* – М.: Высшая школа, 1986.
13. Лисс А.И. *Сопоставительный анализ пословичных фразеологизмов английского, русского и киргизского языков в научно-лингвистическом и методическом аспекте.* - Ош, 1986.
14. Маджидова Р.У. *Антропоцентрические пословицы: семантика и лингвостатистика (на материале узбекского и русского языков.* Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 2008. – 25с.).
15. Маматов А.Э. *Ўзбек тили фразеологиясининг шаклланиши масалалари.* Филол.фан. докт. ... дисс. автореферати. Т., 2000.
16. Насиров А.А. *Француз, ўзбек ва рус тилларидаги провербиал фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий-маданий хусусиятлари.* Филол.фан. докт. ... дисс. автореферати. – Т., 2016.
17. Пиазбекова А.Д. *Лингвокогнитивный аспект репрезентации временных отношений в пословицах английского, русского, узбекского и казахского языков.* Автореф. дисс. ... докт. философии (PhD) по филол. наук. – Т., 2018. – 54.с.
18. Расулов И. *Фразеологизмларда шакл ва мазмун муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти.* 1987. №3. -Б.62-66.
19. Ройзензон Л.И. *Лекции по общей и русской фразеологии.* - Самарканд: Издательство СамГУ, 1973. – 153 с.
20. Сафаров Ш. *Семантика.* – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. - 344 б.
21. Khamdamova G.Kh. *Folk proverb - as a national and spiritual wealth. Middle European Scientific Bulletin. Volume 5. October, 2020.*
22. Xamdamova G.X. *Problems of studying somatic expressions in modern linguistics. International journal of social science & interdisciplinary research. ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429. Volume 11. №2.p.70-73.*

SHAXS SEMALI LEKSEMALAR VALENTLIGI VA SO‘Z BIRIKMASI

Xojiyeva Maxfirat Yusupovna,
 Buxoro davlat universiteti o‘qituvchisi
 xojiyevamaxfirat8@gmail.com

Annotatsiya. Ushbu maqolada o‘zbek tili leksemalari ma‘no, ya‘ni semantik jihatdan turli lug‘aviy-ma‘no to‘dalarga birlashishi va leksik-semantik guruh ma‘no o‘xshashligi asosida bir paradigmani tashkil etishi, so‘zni leksik sistemaning birligi sifatida o‘rganishda, so‘zga, uning mohiyatiga substansial nuqtayi nazardan yondashilganda ikki tomonlama tilda – til birligi, nutqda nutq birligi sifatida olinishini aytish, so‘zlarning nutqda nutq birligi sifatida o‘rganilishi ilmiy-amaliy jihatdan muhim ahamiyatga ega masala ekanligi ifodalangan. Shaxsni tavsiflovchi lug‘aviy-ma‘noviy guruhlar ichida shaxsni jinsi, millati, qarindoshlik, yaqinlik munosabati, ijtimoiy mavqeyi va shu kabi guruhlarga ko‘ra tasniflash fanimizda shaxs otlarini leksik mikrotizim sifatida o‘rganish natijasi ekanligi ta‘kidlanib, ularning lisoniy imkoniyatlari va nutqiy xususiyatlariga alohida to‘xtab o‘tilgan. Shu bilan birga, so‘zlarning o‘zaro birikishi, ular orasidagi mantiqiy bog‘lanish, so‘z valentligi struktur hodisa sifatida bevosita so‘zning xususiyati, uning semantik qobiliyati ekanligi, valentlik lisoniy hodisa bo‘lib, leksemalarning o‘zaro semantik imkoniyatlari asosida nutqqa sintaktik aloqa bo‘lib voqelanishi, valentlik va sintaktik aloqa til birligi va nutq birligi sifatida o‘zaro oppozitsiyada turishi, leksemalarning valentlik imkoniyati nutqda nominativ hamda kommunikativ birliklar hosil qilishi haqida so‘z boradi.

Kalit so‘zlar: til, nutq, tafakkur, leksema, semema, valentlik, so‘z, so‘z birikmasi, lug‘aviy-ma‘noviy guruh, shaxs, nominativ, kommunikativ, sintaktik aloqa.

Аннотация. В данной статье лексемы узбекского языка объединены в разные лексико-семантические группы, а лексико-семантическая группа образует парадигму, основанную на сходстве значения, слово определяется лексической системой при изучении как единицы, при подходе к слову и его сущности с содержательной точки зрения утверждается, что имеет научное и практическое значение сказать, что оно взято за единицу речи в двойном языке - единица языка, единица речи в речи.

Подчёркивается, что классификация человека по полу, национальности, родству, родству, социальному положению и подобным группам среди лексико-духовных групп, описывающих человека, является результатом изучения в нашей науке имен личных существительных как лексической микросистемы, а также их языковые возможности и особенности речи обсуждаются отдельно. Таким образом, сочетание слов, логическая связь между ними, валентность слова как структурное явление есть свойство непосредственного слова, его семантическая способность, валентность есть языковое явление, взаимные семантические возможности лексем основаны на том, что оно выступает как синтаксическое отношение к речи, что валентность и синтаксическое отношение противостоят друг другу как единица языка и единица речи. Говорят, что валентность лексем может образовывать в речи номинативные и коммуникативные единицы.

Ключевые слова: язык, речь, мысль, лексема, семема, валентность, слово, словосочетание, лексико-семантическая группа, лицо, номинатив, коммуникатив, синтаксическая связь.

Abstract. This article the lexemes of the Uzbek language are combined into different lexical-semantic groups, and the lexical-semantic group forms a paradigm based on the similarity of meaning, the word is defined by the lexical system. when studying as a unit, when approaching the word and its essence from a substantial point of view, it is stated that it is a matter of scientific and practical importance to say that it is taken as a unit of speech in a double language - a unit of language, a unit of speech in speech.

It is emphasized that the classification of a person according to gender, nationality, kinship, relationship, social status and similar groups among the lexical and spiritual groups describing a person is the result of studying personal nouns as a lexical microsystem in our science, and their linguistic possibilities and Speech features are discussed separately. thus, the combination of words, the logical connection between them, the word valence as a structural phenomenon is the property of the immediate word, its semantic ability, the valence is a linguistic phenomenon, the mutual semantic possibilities of lexemes based on the fact that it appears as a syntactic relation to speech, that valency and syntactic relation stand in mutual opposition as a language unit and a speech unit. It is said that the valency of lexemes can form nominative and communicative units in speech.

Keywords: language, speech, thought, lexeme, sememe, valence, word, phrase, lexical-semantic group, person, nominative, communicative, syntactic connection.

Kirish. O'zbek tilshunosligida tilning lug'at qatlamini yaxlit bir tizim sifatida o'rganish sohasida keyingi yillarda qator tadqiqotlar amalga oshirildi. Fan taraqqiyotining turli davrlarida amalga oshirilgan bir qator ilmiy izlanishlarda sistem leksikologiya hamda sistem sintaksis asoslari rivojlanib borayotganligini ko'ramiz. Shuni alohida ta'kidlab o'tish kerakki, jahonning ilg'or ilmiy leksikologiyasi to'raligicha leksikani sistem tahlil qilish yo'ldan o'tib bo'lgan bir davrda o'zbek tilshunosligi ham rivojlanish va takomillashish pallasida ekanligini alohida qayd etish lozim. Harqanday sohadagi istalgan yangilik, yangi nazariya va talqin shu nazariya yartilguncha bo'lgan davrda fan qo'lga kiritgan yutuq va nazariy materiallarga tayanadi, shu sababli fan taraqqiyotida yangi bosqich paydo bo'ladi. Fanning mavjud taraqqiyot bosqichidan batamom uzilgan yangi nazariya fanda hech qachon uzoq yashamaydi, shunday ekan fanda hamish mavjud holat va yangilik o'rtasida davomiyat va qabuliyat, ya'ni izchillik, bog'liqlik mavjud bo'ladi.

Sistem qurilishning mohiyati shundan iboratki, til strukturasi so'zlar – izohli lug'at yoki ters lug'atlarda joylashgani kabi tasodifiy belgilar asosida emas, balki so'zlar orasida ma'no hamda vazifa o'xshashliklari hamda farqlari asosida ma'lum guruhlariga leksik-semantik guruhlariga birlashgan holda yashaydi.[1,4]

Leksik-semantik guruh ma'no o'xshashligi asosida birlashishini, bunday guruhga kiruvchi so'zlar esa o'zaro assotsiativ munosabatlarda turishini, paradigma birliklari o'zaro oppozitiv ekanligini, ya'ni o'xshashlik asosida farqlarga ega bo'lishini tushuntirish lozim. Shunday ekan, leksik-semantik guruh birliklari o'zaro ma'no o'xshashligi asosida birlashishi va ayni vaqtda, o'zaro muayyan farqlarga ega bo'lishi zaruriy bo'lib, bu leksik-semantik guruh birliklarining o'zaro qarama-qarshilikda ekanligini ta'kidlash joizdir.

O'zbek tili leksemalari ma'no, ya'ni semantik jihatdan turli lug'aviy-ma'noto'dalarga birlashadi. Misol uchun, o'simlik nomlarining leksik-semantik to'dasi, hayvon nomlari leksik-semantik to'dasi, meva nomlari leksik-semantik to'dasi, shaxs nomlari leksik-semantik to'dasi va boshqa nom ostidagi ma'no to'dalarini sanab o'tishimiz mumkin. Bugun biz diqqatimizni faqatgina shaxs semali leksemalarning tildagi imkoniyatlariga qaratmoqchimiz.

Tilshunoslikda shaxs tushunchasi antropolingvistik paradigmaning asosiy ilmiy istilohi bo'lguniga qadar semantik, morfologik, sintaktik jihatlardan tahlil qilinganligi ma'lum. Chunonchi, shaxsni nomlovchi leksemalar "Shaxs tavsifi nomlari" ostida ot mikrotizimida alohida lug'aviy ma'no to'dasini tashkil etishi substansial tahlil asosida aniqlangan. O'zbek substansial morfologiyasi mazkur lug'aviy ma'no to'dasi lug'aviy-ma'noviy guruhlariga bo'linishini va bunda semantik farqlovchi belgilarga tayanilganligini ko'rsatadi.

Asosiy qism. Shaxsni tavsiflovchi lug'aviy-ma'noviy guruhlar ichida shaxsni jinsi, millati, qarindoshlik, yaqinlik munosabati, ijtimoiy mavqeyiga ko'ra tasniflash fanimizda shaxs otlarini leksik mikrotizim sifatida o'rganish natijasidir. Ammo nutq jarayonida shaxsni jinsi, kasbi, millati, yaqinlik munosabatiga ko'ra tavsiflovchi ot leksemalarning sintaktik munosabatdan hosil bo'luvchi so'z birikmalarining yuzaga chiqishi kuzatiladiki, bu shaxs kategoriyasi uning muayyan belgi-xususiyatlarini ifodalovchi sintaktik birliklarda namoyon bo'lishini ko'rsatadi.

So'zni leksik sistemaning birligi sifatida o'rganishda, so'zga, uning mohiyatiga substansial nuqtayi nazardan yondashilganda ikki tomonlama tilde – til birligi, nutqda nutq birligi sifatida olinishini aytish, so'zlarning nutqda nutq birligi sifatida o'rganilishi ilmiy-amaliy jihatdan muhim ahamiyatga ega masala ekanligini ta'kidlash joiz. Bunda so'zning har qanday so'z birikmasi va gapning konteks va matn kabilarning moddiy asosi, materiali ekanligi fanda ayon. So'z,so'z birikmasi va gapni shakllanishi uchun asos bo'lar ekan bunda so'z leksik ma'nosining aniqlashuvi, muayyan semalarning nutqiy faollashuvi, boshqa leksema sememalari bilan bog'lanishida ma'lum semantik sintagmaning tuzuvi yuz beradiki, so'zning nutqdagi faoliyatini o'rganish – uni nutq birligi sifatida tekshirish tilshunoslikning asosiy masalalaridan biri sanaladi. So'zni nutqda o'rganilishi, uning boshqa so'zlar bilan birika olish imkoniyati semantik sintagmaning tuzuvi, o'z ma'nosini to'la ochish uchun muayyan so'z va so'z shakllarini talab etishi valentlik nazariyasining asosi sanaladi, bundan darak beradiki, so'z valentligi substansial – semantik hodisa sifatida so'z ma'nosi bilan, so'z ma'nosining so'z birikma va gapda voqelanishi bilan bog'liqdir. Bu o'rinda valentlik nazariyasining obyektivligi, muhimligi, ilmiy-amaliy mohiyati so'zning leksik-semantik kuchi, mavqeyi bilan belgilanishi – valentlik nazariyasining lingvistika fani uchun ilmiy-amaliy qimmatini qay darajada muhim ekanligi, valentlik so'zga sistem-struktur yondashuvning natijasi sifatida, so'zning semantik imkoniyati, so'zga xos muayyan ichki xususiyat ekanligini alohida ta'kidlash lozim.

Soʻzlarning oʻzaro birikishi, ular orasidagi mantiqiy bogʻlanish dastavval til birliklarining, yaʼni leksemalarning semantik imkoniyatiga koʻra amalga oshadi. Soʻz valentligi struktur hodisa sifatida bevosita soʻzning xususiyati, uning semantik qobiliyati ekan, bundan mantiqiy ravishda soʻzning mantiqiy valentligi tushunchasi kelib chiqishini taʼkidlash lozim. Valentlik lisoniy hodisa boʻlib, leksemalarning oʻzaro semantik imkoniyatlari asosida nutqqa sintaktik aloqa boʻlib voqelanadi. Shunday ekan, valentlik va sintaktik aloqa til birligi va nutq birligi sifatida oʻzaro oppozitsiyada turadi. Leksemalarning valentlik imkoniyati nutqda nominativ hamda kommunikativ birliklar hosil qiladi.

Yuqorida tilimizda mavjud lugʻaviy-maʼno toʻda va uning guruhlari haqida qisman toʻxtalib oʻtdik, ayni shu lugʻaviy-maʼno toʻdalar orasida shaxs semali leksemalar ham oʻrin olgan edi. Tilimizda mavjud boʻlgan shaxs semali leksemalarning oʻzaro valentlik imkoniyatidan shaxs tavsifidagi soʻz birikmalar nutqda reallashadi. Nutqimizda qoʻllaniladigan *qozoq mirshab, kosib yigit, lattafurush chayqovchilar, boʻzagar kampir, chol baqqol, oshpaz xotin, moshkichiripaz xotin, uzumchi chol, hasharchi qoʻni-qoʻshnilar* kabi soʻz birikmalari shaxs semali leksemalarning oʻzaro valentlik imkoniyatidan nutqda nominativ birlik sifatida voqelangan va kommunikant bilan axborot almashinuv jarayonida shaxsing kasbi, yoshi, jinsi, yaqinlik munosabati, qarindoshligi, millati haqidagi maʼlumotni nutq jarayonida reallashishiga imkon yaratyapti. Nutqiy shart-sharoit, vaziyat, kommunikativ ehtiyoj va maqsad, asosiysi, inson omili tilning mavjud imkoniyatlarini yuzaga chiqarishga sabab boʻladi. Inson tafakkurining zuhurlanishi tilning nafaqat leksik, balki nomlash vazifasini bajaruvchi sintaktik sath birliklarini ham ishga soladi. Nominativ vazifa birlashtiruvchi bir paradigmada turli sath –sintaktik va leksik sath birliklari sathlararo aloqadorlikni yorqin namoyon etadi. Axborot almashinuv jarayonida kommunikantlar nutqida shaxsning jinsi yoki kasb farqlanishning muhimligi shaxsni atovchi til birliklari orasidan sintaktik sathda shaxsni tavsiflash vazifasiga xoslangan soʻz birikmalaridan foydalanishni taqozo qiladi. Masalan:

Qozoq mirshab,

– *Ey Xudo, quruq tuhmatingdan asra, qanday baloga yoʻliqdim, Oʻzing saqla! — deb javob berar edi u.*

— *Qancha aqchang bor edi? — deb soʻradi qozoq mirshab, Sulton kissavurdan[8,24].*

Kosib yigit.

– *Shu topda Sultonning koʻzi men bilan Omonga tushib qoldi.*

— *Mana bu bolalar ham guvoh!*

Hang- mang boʻlib qolgan Omon: “Iye, iye”, — deganicha dadasiga toʻqli olib borishni ham esidan chiqarib orqasiga qarab qochdi. Men bezrayib turaverdim.

— *Seni qancha aqchang bor edi? — deb soʻradi mirshab shoʻrlik kosib yigitdan.*

— *Meniki ham olacha tik hamyon. Men ham qoʻy olgani kelgan edim. Pulim sakkiz soʻm-u mirikam ikki tanga[8, 25].*

Lattafurush chayqovchilar.

Ikkovini yetaklab bir tomonga olib ketdilar. Biz orqalaridan bormadik. Bir-ikkita samovarga borib koʻrdik, hammasini savdogarlar, lattafurush chayqovchilar egallab olibdi, yotar joy yoʻq.

— *Endi qayoqqa boramiz — dedi Omon[8,25].*

Boʻzagar kampir.

— *Qoʻrqma, bultur togʻam bilan shu yaqin orada bir boʻzagar kampirning uyida yotib qolganmiz. Yaxshiqiz degan kampir meni taniydi. Oʻshaning oʻtovida tunab qolamiz[8,25].*

Chol baqqol.

– *Uch soat yoʻl yurgandan keyin Tepaguzar degan bir mavzega yetdik. U yerda bir chol baqqol endigina doʻkonini ochgan ekan. Undan yoʻl xarajatlarini, safar anjomlarini oldik[8,32].*

Oshpaz xotin.

– *Oshpaz xotin oʻchoqning olovini tortdi, biroq qozondagini ikki laganga suzib, bir lagandagisini qaytarib qozonga qoʻydi-da, ikkinchi laganni koʻtarib chiqib ketdi[8,47].*

Moshkichiripaz xotin.

– *Oradan yana bir oz oʻtib, eshikdan moshkichiripaz xotin kirib keldi[8,49].*

Hasharchi qoʻni-qoʻshnilar.

– *Boshqalarga gal bermasdan hash-pash deguncha togʻorani boʻshatdik. Biz bilan sabzi kovlaganlar hasharchi qoʻni-qoʻshnilar ekan. Ular ovqatdan keyin fotiha oʻqishib, oʻz uylariga tarqalishib ketdilar [8,81].*

Til istalgan birlik orqali oʻz vazifalarini bajaradi, yaʼni birlik tizimni tashkil etuvchi sifatida tizim qonunlariga boʻysunadi. Tilda nomlovchi, yaʼni nominativ birlik sifatida talqin etilgan soʻz va soʻz birikmasi

o'rganilish aspektiga ko'ra turli sathlarda ajraladi, ammo ma'no xususiyatiga ko'ra bir nuqtada kesishadi. Har qanday til birligi bir-birini to'ldiruvchi va imkoniyatlarini voqelantiruvchi sifatida bir paradigmada birlashadi, alohida xususiyatlariga boshqa bir paradigmani yuzaga keltiradi. Shaxs semasini voqelantirish, uni nomlash so'z hamda so'z birikmalari imkoniyatida mavjud. So'zga nisbatan so'z birikmasi shaxs haqidagi axborotni konkretlashtirishi bilan, ma'noni aniqlashtirishi bilan kommunikant nutqida ko'proq qo'llaniladi. Kuzatishlarimiz natijasida so'zlar orasidagi sintaktik aloqa asosida so'zning valentlik imkoniyati yotishini, sintaktik aloqa so'zning valentlik qobiliyatiga ega ekanligini, shaxs semali leksemalarning valentlik qobiliyatidan nutqda shaxs tavsifli so'z birikmalarining turli ko'rinishlari reallashishining guvohi bo'ldik.

Atash vazifasi so'z va so'z birikmalarini nominativ birliklar paradigmasida birlashtirib turganidek, nutqda reallashgan ayrim so'z birikmalari ham leksik ma'noni ifodalashga xoslangan so'zlar bilan baravar bu vazifani bajara oladi.

O'zbek tili sintaksisining ilmiy tadqiqida so'z birikmalarining substansial tahlili o'tgan asrning 90-yillarida boshlangan bo'lsa ham, hozirgi davrda o'z dolzarbligini yo'qotgan emas. So'z birikmalarining lisoniy qurilishini o'rganish natijasida aniqlangan lisoniy qurilish qoliplari substansial sintaksisning so'nggi ilmiy xulosasi bo'lib qolmasligi shubhasiz. Zero, so'z birikmasi tizimida ularning lisoniy qurilishini umumlashtiruvchi qoliplar paradigmalari, shuningdek, invariant va variant qoliplarni aniqlash, so'z birikmasining qurilishi va ma'noviy tipiga ko'ra turlarini ajratish yangi tadqiqotlar mundarijasini belgilaydi.

Tahlillardan ma'lum bo'ladiki, badiiy nutqda guvohi bo'lganimiz – o'z vazifasini shaxs semali leksemalarning o'zaro valentligidan hosil bo'lgan so'z birikmalarining aksariyati $[O_{sh} \sim O_{sh}] = SBLSQ_i$ va $[O \sim O] = SBLSQ_{iing}$ voqelanishidan yuzaga keladi. Demak, lisoniy sintaktik birliklarning badiiy nutqda voqelanishidan, shuningdek, so'z birikmasining sohaga doir tushunchalarni ifodalash imkoniyati ro'yobga chiqqanligidan dalolat beradi. O'zbek tilida so'z birikmasining lisoniy qurilishi va ma'no turlari xilma-xilligi sababli bu birlikning shaxs semali so'z birikmalarini shakllantirish imkoniyatlari hamda shu vazifaga xoslanishi masalasini keng va atroflicha tadqiq etish zarur. Shunday ekan, antropolingvistika hamda substansial tilshunoslik nazariy asoslari uyg'unlashgan tadqiqotlarda shaxs mikrotizimning substansial va soha leksikasining struktur tahlili bilan aloqadorlikda yechiladigan muammo sifatida o'rin olishi muqarrar.

Xulosa. Demak, istalgan LSQ nutqda cheksiz voqelanish imkoniyatiga ega va LSQning nutqiy mahsuliga qarab uning voqelanish darajasi, lisoniy imkoniyatining ko'lami haqida xulosa qilish mumkin. Til hodisalarini ro'yobga chiqaruvchi, uning imkoniyatlarini voqelantiruvchi muloqot birligi bu nutqdir. Shunday ekan, lisoniy imkoniyatlarni o'zida qamrab olgan $[O_{sh} \sim O_{sh}] = SB$ lisoniy sintaktik qolipi nutqda cheksiz hosilalarni voqelantiradi. Bu nutqiy hosilalarda shaxs ruhiy olami hamda ijtimoiy munosabatlaridagi roli, jamiyatning turli bo'g'inlaridagi o'rni qamrab olinadi.

ADABIYOTLAR:

1. Расулов Р., Нарзиева М. Лексикологияни ўрганиши. –Т.: Ўқитувчи, 1992. – 24 б.
2. Назарова С.А. Сўз бирикмаси синтаксиси субстанциал талқинда. –Т.: Фан, 2015. – 112 б.
3. Nazarova S.A., Xojiyeva M.Yu. *Substantial Description of Uzbek Word Combinations // International Journal of Psychosocial Rehabilitation. United Kingdom. – ISSN: 1475-7192, Volume-24, Issue-1, January 2020. –P.422-429. <https://www.psychosocial.com/article/PR200146/9312/>.*
4. Khojiev M.Y., Yokubova Sh.Y. *Language and speech expression of personal descriptions- TJE-Tematics journal of Education ISSN, 2021.*
5. Xojiyeva Maxfirat Yusupovna. "Shaxsni tavsiflovchi so'z birikmalari va assesment metodi." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences 1.7 (2021): 302-307.*
6. Nazarova S. A., Khojiev M. Y. *Personal Description in the Word Combination and Expression in a Speech //International Journal on Integrated Education. – T. 3. – №. 2. – C. 15-18.*
7. Yusupovna X. M. *Shaxsni tavsiflovchi nominativ birlik va nutqiy variantlilik //Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – C. 660-662.*
8. G'afur G'ulom. *Shum bola. –Т.:Yoshlar nashriyot uyi, 2019. –190 b.*
9. Xolmirzayev Shukur. *O'n sakkizga kirmagan kim bor. –Т.: Yangi asr avlodi, 2015. – 384 b.*

POETIK NUTQDA METAFORIK BIRIKMALAR

Yokubova Shaxnoza Yusufovna,
Buxoro davlat universiteti o‘qituvchisi
[*Yokubovashaxnoza@gmail.com*](mailto:Yokubovashaxnoza@gmail.com)

Annotatsiya. Badiiy tasvir va ifoda vositalari badiiy tilning obrazlilik (tasviriylik) va emotsionalligini kuchaytiruvchi unsurlardir. Bunday vositalarga tropning, ya'ni so'z ma'nosi ko'chishining metafora, metonimiya, sinekdoxa, kinoya singari bir qator ko'rinishlari kiradi. Badiiy asarda eng ko'p qo'llanuvchi ko'chim turlaridan biri metaforadir. Ushbu maqolada o'zbek tilidagi so'z ma'nosi ko'chishining eng sermahsul usuli bo'lmish metaforani hosil qiluvchi birikmalar metaforik birikmalar ekanligi, metaforik birikmalar ma'lum bir lisoniy sintaktik qurilish qolipi hosilalari ekanligi, mazkur so'z birikmalarining bir qator ko'rinishlari poetik nutqda voqelanib turli xil badiiy tasviriy vosita yaratishi, mashhur o'zbek shoirlari Abdulla Oripov, Rauf Parfi va Shavkat Rahmon she'rlaridagi metaforik birikmalar haqida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: til, nutq, uslub, poetik nutq, tasviriy vositalar, leksema, metafora, ma'no ko'chish yo'llari, ma'no assotsiatsiyalari.

Abstract. Artistic images and expressive means are elements that enhance the figurativeness (figurativeness) and emotionality of the artistic language. These means include a number of forms of the trope, that is, the transfer of the meaning of the word, such as metaphor, metonymy, synecdoche, irony. Metaphor is one of the most commonly used metaphors in a work of art. In this article, the most productive way to convey the meaning of words in the Uzbek language is that the compounds that form a metaphor are metaphorical compounds, that metaphorical compounds are derivatives of a certain linguistic syntactic structure, a number of manifestations of these phrases in poetic speech, the creation of various artistic and visual means, metaphorical combinations in the verses of famous Uzbek poets Abdulla Oripov, Rauf Parfi and Shavkat Rakhmon.

Keywords. Language, speech, style, poetic speech, figurative means, lexemes, metaphors, ways of conveying meaning, semantic associations.

Аннотация. Художественные образы и выразительные средства - элементы, усиливающие образность и эмоциональность художественного языка. К таким средствам относится ряд форм тропа, то есть передачи значения слова, такие как метафора, метонимия, синекдоха, ирония. Метафора — одна из наиболее часто используемых форм в художественном произведении. В данной статье наиболее продуктивным способом передачи значения слов в узбекском языке является то, что соединения, образующие метафору, являются метафорическими соединениями, что метафорические соединения являются производными определенной лингвистической синтаксической структуры, ряд проявлений этих словосочетания в поэтической речи, создание различных художественно-образительных средств, метафорические сочетания в стихах известных узбекских поэтов Абдуллы Орипова, Рауфа Парфи и Шавката Рахмона.

Ключевые слова: язык, речь, стиль, поэтическая речь, образные средства, лексемы, метафоры, способы передачи смысла, смысловые ассоциации.

Kirish. Ilmiy adabiyotlarda badiiy tilning eng muhim o'ziga xos bo'lgan xususiyatlari sifatida obrazlilik va ta'sirchanlik ko'rsatiladi. Badiiy asarda tasvirlanayotgan narsani jonli tasvirlash, his-tuyg'u va kechinmalarni yorqin ifodalashga xizmat qiluvchi vositalar umumlashtirilib "badiiy tasvir va ifoda vositalari" yoki "badiiy tasviriy vositalar" deb ataladi. Badiiy tasvir va ifoda vositalari badiiy tilning belgilovchi xususiyati emas, balki belgilovchi xususiyat bo'lmish obrazlilik (tasviriylik) va emotsionallikni kuchaytiruvchi unsurlardir. Aytish kerakki, bu tushuncha adabiyotshunoslikda "poetik vositalar", "sintaktik figuralar", "stilistik figuralar" kabi nomlar bilan ham yuritiladi. Shuni ham yodda tutish lozimki, bu vositalarning bunisi tasvir, bunisi ifoda vositasi deyish ham maqbul emas, chunki badiiy adabiyot so'z vositasida tasvirlaydi va shu tasvir orqali ifodalaydi. Ya'ni ko'p hollarda bitta vositaning o'zi ham tasvir, ham ifodaga xizmat qiladi. Faqat lirik asarlarda qo'llaniluvchi ayrim vositalar borki, ular, asosan, ifodaviylikni kuchaytirish vazifasini bajaradi.

Ma'lumki, nutq jarayonida biz so'zlarni o'z ma'nosida yoki ko'chma ma'noda qo'llashimiz mumkin. So'zning odatiy ma'nosidan o'zga ma'noda qo'llanishi semantik sathdagi og'ish sanaladi. Ko'chma

ma'noda qo'llangan so'zlarning umumiy nomi trop (ko'chim) deb yuritiladi. So'z ma'nosi ko'chishining, ya'ni tropning metafora, metonimiya, sinekdoxa, kinoya singari bir qator ko'rinishlari mavjud. Badiiy asarda qo'llanilgan ko'chimlarning eng faol ko'rinishi metaforalardir. U ishlatilish darajasi, badiiy bo'yoqdorligi, ta'sirchanlik darajasi kabi jihatlari bilan faol qo'llanuvchi ko'chim turidir.

Ko'chimlarning ayrim bir qismi allaqachon til hodisasiga aylanib ulgurgan. Masalan, "kun botdi", "bemaza gap" kabi birikmalarda so'z ma'nosi ko'chganligi aniq, biroq biz ularga shu darajada ko'nikib ketganmizki, hatto hozirda ularga ko'chim sifatida qaramaymiz. Badiiy asar matnida mazkur ko'chimlar qo'llanganida, tabiiyki, muallif muayyan badiiy-estetik maqsad bilan semantik sathda og'ishga yo'l qo'yan deya olmaymiz, zero, ular yozuvchi tomonidan tayyor holda olingan. Demak, bu xil ko'chimlar matnda estetik funktsiya bajaraydi, ularni badiiyat hodisasi sifatida talqin qilib bo'lmaydi.

Asar matnida badiiy adabiyotda an'anaviy tarzda ishlatilib kelayotgan ko'chimlar ham ko'p uchraydi. Masalan, "shakar lab", "gul yuz", "bulbul", "sarv qomat", "qoshi kamon", "nargis ko'z" va hokazo. Bu xil ko'chimlar ham yuqoridagilar singari tayyor holda olinadi, biroq ulardan farqli o'laroq, matnda estetik funktsiya bajaradi: tasviriylikni, ifodaviylikni kuchaytiradi;

Nutqning emotsional-ekspressivligi, ifodaliligi, ta'sirchanligini ta'minlashda xizmat qiladigan, muayyan matndagina ko'chma ma'noda qo'llangan, muallifning assotsiativ fikrlashi mahsuli o'laroq dunyoga kelgan ko'chimlar alohida o'rin tutadi. Ularni shartli ravishda "xususiy muallif ko'chmlari" deb atashimiz mumkin. Shu xildagi ko'chmlargina yozuvchining muayyan badiiy-estetik maqsadni ko'zlab yo'l qo'yan semantik sathdagi og'ishi natijasidirki, uning badiiy til bobidagi mahorati xususida gap borganda biz, avvalo, shu xil ko'chmlarni e'tiborga olishimiz kerak bo'ladi. Voqelikdagi narsa-hodisalar orasidagi bizga ko'rinmagan, biroq san'atkorona o'tkir nigoh bilan ilg'angan o'xshashlik, aloqadorlik asosidagi ko'chimlar o'quvchini hayratga soladi, unga zavq bag'ishlaydi.

Asosiy qism. Badiiy asarda eng ko'p qo'llanuvchi ko'chim turlaridan biri metaforadir. Metaforalarda narsa va hodisalar o'rtasidagi o'xshashlik shakliga ko'ra, joylashish o'rniga ko'ra va ichki mazmuniy o'xshashligiga ko'ra bo'lishi mumkin. Tabiiyki, bunda o'xshatilayotgan narsalardan aynan o'xshashlik talab qilinmaydi, ikki narsa-hodisaga xos belgilardan birortasi asos uchun olinadi. Masalan, "oltin kuz", "oltin qalam" birikmalarining birinchisida "rang", ikkinchisida "qimmat" asos uchun olingan.

"Qora niyat", "sovuq xabar", "shirin xotira", "achchiq haqiqat", "bemaza gap", "sayoz asar", "yengil qadam", "yorug' yuz", "po'lat iroda", "temir intizom", "majlisda savalamoq", "gapni gapga ulamoq" kabi birikmalarda metafora mazmuniga ko'ra hosil qilingan. Metafora ko'pincha: 1) inson ta'na a'zosi nomiga (*bosh, yuz, burun, og'iz, quloq, til, peshona, ko'z, oyoq, qosh, soch, tish, bel*); 2) kiyim qismiga (*yoga, yeng, etak*); 3) hayvon, parranda yoki biror hasharot a'zosi nomi (*dum, nish, tumshuq*); 4) o'simlikning yoki uning qismi nomiga (*ildiz, tomir*); 5) qurol nomiga (*navza, pichoq*); 6) turli belgi, harakat nomlari bo'lgan so'zlar (*baland, past, chaqmoq*) kabilarga o'xshatib hosil qilinadi.

Keltirilgan misol metaforaning eng sodda ko'rinishlaridan bo'lib, quyida o'xshashlik aloqalari birmuncha murakkabroq namoyon bo'luvchi xususiy muallif metaforalaridan bir nechasini mushohada qilib ko'ramiz. R.Parfining:

"Suv ostida yaltiraydi tosh,

Xarsanglarda sinadi suvlar" satrlarida metaforaning ma'nosi ikki bosqichda namoyon bo'ladi. Shoir tilimizda ancha keng qo'llaniluvchi suvning oynaga o'xshatilishiga tayanadi (birinchi bosqich) va shu asosda suvning xarsangga urilib parchalanishini oynaning sinishiga o'xshatadi (ikkinchi bosqich). Shoirning quyidagi:

"Derazamga uriladi qor

Jaranglaydi jarangsiz kumush" satrlarida metaforaning ma'no assotsiatsiyalari yanada kengroq. Ma'lumki, qorning kumushga (rang o'xshashligi jihatidan) o'xshatilishi ancha keng qo'llanadi. Shoir shu asosda "kumush"ning yana bir assotsiatsiyasini uyg'otadi: qorning yog'ishini "kumush tangalarning sochilishi"ga o'xshatadiki, go'yo kimdir xayr-ehson qilib tanga sochayotgandek. Xalqimizda "qor" yog'ishi to'kinlikdan, barakotdan deb bilinishi bizga ma'lum, albatta. Ko'ramizki, qor shoirning assotsiativ fikrlashida avvalo "kumush"ni, keyin xalqimizning maishiy tafakkurida muqim o'rinishgan fikrni uyg'otadi.

Ma'lumki, leksik metaforaning mazmuni bir so'z doirasida anglashilishi mumkin bo'lsa, matn ichidagi metaforaning ma'nosi matndagi boshqa so'zlar bilan aloqada oydinlashar ekan. Masalan, shoir yozadi:

Burchak-burchakda jim tortishar burun,

Bilmam qanday o'y-u xayol ichida.

Tuzsiz she'rlarim deb shirindan shirin

Bolalarim yurar oyoq uchida...

“O‘zbek tilining izohli lug‘ati”da “tuzsiz” so‘zi quyidagicha izohlangan: “*tuzi yo‘q, tuzi me‘yoridan kam, past. Tuzsiz xamir*”[9;183]. Albatta, “tuzsiz” sifati o‘z ma‘nosida kelganda oziq-ovqat mahsulotlariga nisbatan qo‘llaniladi. So‘zning ko‘chma ma‘noda qo‘llanganligi faqatgina kontekstda, ya‘ni matn tarkibida boshqa so‘zlar bilan aloqaga kirishgandagina aniqlanadi. So‘zlar bilan aloqaga kirishuvi sintaktik aloqa mahsuli hisoblanadi. Demak, ma‘lum bir so‘zning ko‘chma ma‘noda kelishi uning boshqa bir so‘z bilan so‘z birikmasi hosil qilgandagina namoyon bo‘lar ekan. Taniqli shoirimiz Muhammad Yusuf ijodi o‘zining xalqonaligi, badiiy pafosining o‘tkirliги bilan alohida o‘ringa ega hisoblanadi. Mana shunday buyuk ijodkor o‘z ijod namunasini “shoh asar bo‘lsa-da, tupurdim o‘sha bolamni yig‘latib yozgan she‘rimga” deya iqrор keltiradi. Va ayni shu nuqtada she‘r dilingizni titratadi, boshda tushunarsizdek ko‘ringan satrlar qatidagi ma‘no ongingizga o‘chmas bo‘lib muhrlanadi.

Shoir ijodidan olingan yuqoridagi she‘riy misralarda qo‘llangan “*tuzsiz she‘rlar*”, “*shirindan shirin bolalar*” metafora asosida ko‘chgan so‘zli birikmalar nutqda xilma-xil ko‘rinishni voqelantiruvchi so‘z birikmasi lisoniy sintaktik qurilish qolipi hosilalari mahsuli hisoblanadi. “*Qora niyat*”, “*tuzsiz she‘r*”, “*shirin xotira*”, “*achchiq haqiqat*”, “*bemaza gap*”, “*sayoz asar*”, “*yengil qadam*”, “*visol kemasi*”, “*ishq sharobi*”, “*saodat sohili*”, “*majlisda savalamoq*”, “*gapni gapga ulamoq*” kabi ma‘nosi metafora asosida ko‘chgan so‘z birikmalari [I~O]=SB, [I^{q.k.} ~ I^{e.k.}]=SB, [I^{k.k.}~F]=SB lisoniy sintaktik qurilish qoliplari hosilalari hisoblanadi.

Til jamiyat a‘zolari lisoniy ongingning taraqqiyot darajasiga ko‘ra lisoniy vositalardan foydalanadi. Shoir yoki yozuvchi, umuman, so‘z san‘atini egallagan ijodkor bilan oddiy so‘zlovchining lisoniy imkoniyatlarni istifoda etishi orasidagi tafovutni saqlagan holda, aytish mumkinki, ijodkorning tilning mavjud imkoniyatlarini bilishi ulardan o‘rinli foydalanishi bilan belgilanadi. Quyida Abdulla Oripovning “*Odina masjidi*”, “*Yoshligim*” she‘rlaridan keltirilgan parchalar fikrimizning dalilidir:

*Zulmat nur eshigin daf‘atan yopib,
Falakda mo‘ltirab qoldi yolg‘iz oy.
Zindoning eng ovloq burchagin topib,
Menga ham tayyorlab qo‘ydilar bir joy. [4;11]
Tanidim yurtimni, qadim elimni,
Alisher so‘zlagan suluv tilimni.
Va lekin yovlarim to‘sib yo‘limni,
Ne zabun kunlarni ko‘rgan yoshligim. [4;46]*

Kontekstual qo‘llangan *eshigin yopib, burchagin topib, tanidim yurtimni (elimni, tilimni), to‘sib yo‘limni, kunlarni ko‘rgan* kabi birikmalar [O^{t.k.}~F]=SB qolip ko‘rinishining hosilalaridir. Bu siradagi *tanidim yurtimni, qadim elimni, Alisher so‘zlagan suluv tilimni* birikmasida tobe a‘zo mavqeyida uchta ot leksema – *yurtimni, elimni, tilimni* garchi kengaytiruvchilari bo‘lsa ham, uyushib kelgan. Tobe a‘zo mavqeyidagi har bir so‘z bilan hosil qilinadigan alohida birikmalar poetik nutqqa xos obrazlilik va ifodalardagi jozibadorlikka putur yetkazgan bo‘lardi. Shuning uchun shoir *tanidim yurtimni, tanidim elimni, tanidim tilimni* birikmalarini ta‘kid kuchiga ega bo‘lsa ham, qatorlashtirmaydi.

She‘riy misralarda qo‘llangan “*zulmatning nur eshigini yopishi*”, “*oyning mo‘ltirab qolishi*”, “*yovlarning yo‘lin to‘sishi*” va “*yoshlikning zabun kunlarni ko‘rishi*” kabi birliklarda badiiy tasvir vositasi bo‘lmish metaforning go‘zal namunalari namoyon bo‘lgan.

*Tongda qayturman deb, umidga to‘lib,
Falak puchmog‘iga chekinar Quyosh.
Endi marjon-marjon yulduzlar bo‘lib
Samo yanog‘ida yaltiraydi yosh. [4;5]*

So‘nggi daqiqada *jang qilmoq, tongda qaytmoq, samo yanog‘ida yaltiramoq* birikmalari she‘r matnida sodda gap markazini (*So‘nggi daqiqada qilayotir jang, Samo yanog‘ida yaltiraydi yosh*), sodda gapning ravishdosh oborotli qismini (*Tongda qayturman deb*) lisoniy valentlik va nutqiy ma‘noviy kengayish qonuni asosida to‘ldirib turibdi. Ijodkor, umuman, istalgan nutq sohibi lisoniy valentlik va nutqiy ma‘noviy kengayish qonuniga amal qilar ekan, sintaktik birliklarning qurilish qoliplari haqida hech qanday tasavvurga ega bo‘lmasdan nutqning xarakteriga mos ifoda vositalaridan foydalanadi. Biroq shoirgina poetik nutqda har qanday lisoniy ifoda obraz yarata olmasligini chuqur anglaydi. Chunki poeziya tilning istalgan birliklari va ifoda vositalari bilan tilga kirmaydi. Uning o‘z vositalari va uslubi bor. Lisoniy birliklar-u ifoda vositalariga shoir tanlaydigan va shoirgagina tegishli ijodiy qiyofa va ruhning har gal yangi libosida jilolanadigan til borki, poeziya ana shu tilda so‘zlaydi. Shuning uchun A.Oripov tabiiy hodisalardagi jarayonni – quyosh botishi, kun va tun almashinuvini harakat va uning yuzaga chiqish o‘rni ma‘noli *so‘nggi daqiqada qilayotir jang* birikmasiga ko‘chirilgan kunning tun bilan olishuv holatiga o‘xshashlik asosida, yulduzlarning tungi osmonda paydo bo‘lishini esa harakatning yuzaga chiqish o‘rnini bildirgan *samo yanog‘ida yaltiraydi yosh*

birikmasiga ko'chgan o'z yoritqichini yo'qotgan samoning ko'z yosh to'kish holatiga monandlik asosida obrazli tasvirlaydi. Shoir barchaga birdek ma'lum tabiiy hodisalarning poetik manzarasini o'z lisoniy tafakkuri mahsulida hech bir ijodkor asarida takrorlanmas uslubi – obrazlar surati va siyrati orqali jonlantiradi. Ijodkor tabiiy hodisalardagi jarayonni ochishda metonimiyadan mohirona foydalangan va unda ham metonimiya metafora bilan baqamti qo'llangan.

Ishimizda so'z birikmalarining poetik nutq kengliklarida kuzatarkanmiz, Shavkat Rahmon she'rlari ularning poetik obraz yaratishda tilning boshqa sintaktik birliklariga o'xshamaydigan qirralarini ko'rishga imkon berganligini ta'kidlash lozim. Bunga sabab uning she'rlarida alangasidan ko'ngil cho'g'lanuvchi so'z va ifodalar R.Qo'chqorov ta'riflagan “shoirning qalbi...Shavkat Rahmonning qalbi...barkamol qalb, komil qalb... O'zligini anglagan, o'zlikni tanitgan qalb” [7; 374] ko'zglasidir.

*Pano*h so'radimmi borimni yechib,
O'zni urdimmi yo biron eshikka?
Qaltis lahzalarda oridan kechib,
Kirdimmi sichqonlar kirgan teshikka...
Bolam, jonim bolam,
bu go'zal hurlik,
unutma bu hurlik to'ralgan kunni!

Olovqalb shoir Shavkat Rahmonning ushbu ajoyib misralarida tropning uchala ko'rinishi: metafora, metonimiya va sinekdoxa go'zal badiiy vosita yaratgan. Lirik qahramonning “*panoh so'rab borini yechmasligi*”, “*o'zini biron eshikka urmasligi*”, “*sichqonlar kirgan teshikka kirmasligi*” kabilar orqali ichki ruhiy holati, mardligi, dangalligi, allaqanday past kimsalar bilan teng bo'lmasligi tasvirlangan.

Yuqorida ta'kidlanganidek, badiiy-estetik funksiyadorligi, tasviriylilik va ifodaviylikni kuchaytirishi jihatidan muayyan matndagina ko'chma ma'noda qo'llangan, muallifning assotsiativ fikrlashi mahsuli sifatida dunyoga kelgan ko'chimlar poetik nutqda alohida o'rin tutadi. “Xususiy muallif ko'chmlari” deb shartli nomlangan ko'chimlargina ijodkorning muayyan badiiy-estetik maqsadni amalga oshirish yo'lida semantik satxda og'ishini keltirib chiqaradi. Shoirning badiiy til bobidagi mahorati shu xil ko'chmlarni e'tiborga olishi bilan ko'zga tashlanadi. Voqeilikdagi narsa-hodisalar orasidagi ko'pchilik sezmaydigan, biroq san'atkorona o'tkir nigoh bilan ilg'angan o'xshashlik va aloqadorlik negizidagi ko'chimlar kitobxonni hayratlantiradi va estetik zavq bag'ishlaydi.

Quyidagi she'rda shoira Nodira Afoqova [I^{tk}~F]=SB qolipi hosilalaridan betakror obrazli ifoda vositalarini yaratar ekan, o'zbek tilida harakatning muayyan obyektga bevosita o'tganligini anglatuvchi sintaktik imkoniyatlarini kitobxon qalbidan o'z o'rnini egallashi haqida aniq xulosa yasashga imkon beruvchi poetik nutq jozibadorligini ta'minlaydigan va ohori ko'z qirida ham bilinadigan yorqin birikmalar orqali gavdalaniradi. Fikrimizning dalili o'laroq “Iqra” va “Ona tilim, onajonim” she'rlaridan quyidagi parchalarni keltirish mumkin:

1. **So'zni sev!**

To'shalsang tuproq misoli,
Vaqt o'tar ustingdan o'xshab mehmonga.
So'zning ko'zglasida – *Ruhning* jamoli,
Shunchaki qo'l cho'zang – yetar osmonga... [1;10]

2. *Tilim, sen – otamdan qolgan dalamsan,*

Dardlarimni eksam – gulday o'stirgan.

Qodiriy bog'ida billur shabnamsan –
Tangrim jamolini aks ettirgan.
Qaro nasrda ham kuyday ravonim –
Ona tilim, onajonim. [1;12]

Shoir hayot ziddiyatlari to'qnashuvida oddiy ko'z va shuur bilan anglab bo'lmas nuqtalarni topib, bir-biriga sira aloqasizdek tuyuladigan hodisalar aloqadorligi zaminida go'zallik yaratishini N.Afoqovanning *so'zni sevmoq* (matnda grammatik shakllangan kesim formasida: **So'zni sev!**), *dardni ekmoq* (matniy qo'llanishda tobe gap formasida: **Dardlarimni eksam**) kabi metaforik obyektli birikmalari ham tasdiqlaydi. Zero, bu birikmalar [I^{tk}~F]=SB lisoniy-sintaktik qolipi mahsuli sanalsa-da, *sevmoq* va *ekmoq* fe'llari ham, *so'z* va *dard* otlari ham o'z denotativ ma'nolaridan uzoqlashgan, biroq leksemalarga xos konnotativ qo'llanish imkoniyatlaridan birinigina namoyish etib, poetik obraz yaratish vositalariga aylangan. So'zni ayol yoki erkak, umuman, insonni sevmoq kabi sevish, shuningdek, dardni urug' yoki ko'chatni ekmoq singari ekmoq lison sathida g'ayrime'yoriy, noodatiy va sun'iy bo'lishi tabiiydir. Poetik nutq esa bunday birikuvlar, ya'ni *so'zni sevmoq, dardlarni ekmoq* birikmalarini me'yoriy, tabiiy va ayni nutq uchun odatiy

bo'lishini e'tirof etadi. Shu bilan birga, bunday birikmalar har bir ijodkor uslubini belgilaydigan obrazlar olamini tashkil etuvchi vositalar kabi qiymatga egaligi uchun alohida e'tibor qaratishni talab qiladi.

Xulosa. Badiiy tilning eng muhim spesifik xususiyatlari sifatida obrazlilik va emotsionallikni ko'rsatuvchi, badiiy asarda tasvirlanayotgan narsani jonli tasvirlash, his-tuyg'u va kechinmalarni yorqin ifodalashga xizmat qiluvchi vositalar bo'lmish badiiy tasvir va ifoda vositalari, shuningdek, ko'chim turi bo'lmish metaforalar ham poetik nutqda turlicha badiiy-estetik maqsadlar bilan voqelashadi. Bu kabi birliklar poetik tasvirni berishda, ifodalanayotgan fikrning emotsional ekspressivligini ta'minlashda muhim uslubiy vosita bo'lib xizmat qiladi. Turli xil mazmun-mohiyatni ifodalovchi metaforalar so'z birikmasi shaklida voqelanadi.

ADABIYOTLAR:

1. Afoqova Nodira. *Qora navo. She'rlar.*–T.: Akademiya nashri, 2011. -96b.
2. Azimov Usmon. *Dars. She'rlar.*–T.: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1986.-126 b.
3. Назарова С.А. *Сўз бирикмаси синтаксиси субстанциал талқинда.* –T.: Фан, 2015. – 112 б.
4. Oripov Abdulla. *Menga xush xabar ayt. She'rlar.*–T.: Ma'naviyat, 2009. - 128 b.
5. Parfi Rauf. *So'nggi vido. She'rlar.*–T.: Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2006. - 134 b.
6. Qilichev E. *Badiiy tasvirning leksik vositalari.* –T.: Fan, 1982. - 87 b.
7. Rahmon Shavkat. *Saylanma.*–T.: Sharq, 1997. -384 b.
8. Yusufovna, Yokubova Shaxnoza. "Poetik nutqda ma'no ko'chish yo'llari. "Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar" onlayn ilmiy jurnali. (2022): 674-677.
9. O'zbek tilining izohli lug'ati. –T.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006-2008.

ЭПОНИМЛАРНИНГ МАВЗУИЙ ТАСНИФИ

Зиёдуллаев Акмал Раупович,

Бухоро давлат университети,
инглиз адабиётшунослиги кафедраси
таянч докторанти (PhD)
ziyodullayevakmal@mail.ru

Аннотация. Эпоним бирликлар муайян соҳа ёки фан тармогида асосий лексик қатлам ҳисобланади. Эпонимлар тадқиқи фақатгина бир соҳа доирасида амалга оширилиб, бугунги кунда лиссоний бир бутун умумлашган тизим сифатида илм-фанда чуқур ўрганишларни талаб этади. Шу нуқтаи назардан мазкур мақолада инглиз эпонимларининг барча соҳалардаги мавзуий таснифи ёритиб берилган. Дунё тилишунослигида тиббиёт, математика, физика соҳаларида бир қанча тадқиқот ишлари олиб борилган. Изланишларимиз доирасида бу турдаги эпоним бирликлардан ташқари яна 10 дан ортиқ мавзуий турлари ҳақидаги таснифлар берилди. Шунингдек, ишда эпонимларнинг терминология ва умумистеъмолдаги лексикага кириб қолган шакллари ҳақида ҳам фикр юритилган.

Калит сўзлар: эпоним, антропоним, термин, проприетар

Аннотация. Эпонимические единицы считаются основным лексическим пластом в той или иной области или отрасли науки. Изучение эпонимов проведено только в рамках определенной области, и сегодня они требуют углубленного изучения как целостной обобщенной системы. Принимая это во внимание, в данной статье освещается тематическая классификация английских эпонимов во всех областях. В мировое языкознание проведен ряд научно-исследовательских работ в области медицины, математики и физики. Помимо этого типа эпонимических единиц, в рамках нашего исследования было классифицировано более 10 тематических типов. В работе также рассматриваются терминологические и общеупотребительные эпонимы.

Ключевые слова: эпоним, антропоним, термин, проприетар

Abstract. Eponymic units are considered the main lexical layer in a particular field or branch of science. The study of eponyms has been carried out only within a certain field, and today they require in-depth studies as a whole generalized system. Taking this into consideration, this article highlights the thematic classification of English eponyms in all fields. A number of research works have been carried out in the fields of medicine, mathematics and physics in the world linguistic studies. In addition to this type of eponymous units, more than 10 thematic types were classified as part of our research. The work also discusses the forms of eponyms that have entered the terminology and common lexicon.

Keywords: eponym, anthroponym, term, proprietary.

Кириш. Замонавий инглиз тилининг лексик қатламида ушбу тил ва бошқа тилларга хос бўлган атоқли отлар, айникса, исм-фамилияларни қайта ўрганиб чиқиш натижасида ҳосил бўлган сўзлар муҳим ўрин эгаллайди. Бундай сўзлар инсониятнинг моддий, илмий ва маънавий ҳаётининг турли соҳаларига оид тушунчаларни билдирувчи лексик бирликларнинг катта гуруҳини ўзида мужассам этади. Инглиз тили асосида кўплаб атамалар яратилган бўлиб, илм-фан тили сифатида дунёда мавжуд бошқа тилларга таъсир кўрсатади. Бундай атамалар интернационализмга хос сўзлар шаклланишининг манбаи ҳисобланиб, турли тиллар терминологик тизимида кириб борган ва муайян тилларда қўлланилиб келмоқда.

Жаҳон тилишунослигида махсус бўлим – ономастика (юнонча *onomastike* – “исм бериш санъати”) номларни ўрганиш билан шуғулланади. Ономастикага шахс исмлари, фамилиялар, шаҳарлар, дарёлар, денгизлар, осмон жисмлари номлари ва шу номдаги атамалар кирди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature Review). Атоқли отлар топонимлар, антропонимлар, мифонимлар, зоонимлар, хремотонималар, эпонимлар, хрононимлар каби бир неча гуруҳ номларни ўз ичига олади. Изланишларимиз юқорида таъкидланган онимларнинг эпоним бирликларига қаратилган бўлиб, уларнинг мавзуий таснифини таҳлил қилишдан иборат. Дунё тилишунослигида Р.С.С. Трехейр, Е.М. Какзанова, Ж. Гиттингер, Р.П. Фергусон, З. Таубаев, Д.

Беннер сингари олимларнинг эпоним birlikларни муайян соҳалардагина тадқиқ этишган. Жумладан, Е.М. Какзанова эпоним birlikларнинг медицина ва математика соҳалари, З. Таубаев қозоқ ва инглиз тиллар қиёси мисолида ижтимоий - сиёсий мавзуларга оид тадқиқотларни амалга оширишган.

Тадқиқот методологияси (Research methodology). Бироқ эпоним birlikлар лингвистик жиҳатдан бир тизимга солиниб, яхлит монографик тарзда тадқиқ этилмаган. Бугунги глобаллашув жараёнида ноқардош тилларни чоғиштириб, уларда мавжуд эпонимларни лингвистик талқин қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Эпонимлар структур тузилиши ва қўлланилишига кўра турли мавзуй гуруҳларга бўлинади:

1. Тиббиётга хос эпонимлар. Эпоним birlikларнинг ушбу тури жаҳон тиббиётшунослиги ривожланиши билан бир вақтда пайдо бўлиб, ушбу соҳа терминологик тизимининг муҳим қисмига айланиб улгурган. Мазкур эпоним сўзларнинг ясалиши турлича бўлиб, асосан, қўшма сўзлар, терминологик иборалардан таркиб топган. Маълумки, тиббиёт йўналишидаги янги ихтиро ва кашфиётлар номи кўп ҳолларда тиббиёт тарихи табиати туфайли кашф этган олимлар номи билан боғланади. Бундай сўзлар, ўз навбатида, тиббиётга хос касаллик белгилари, номлари, муолажа турлари, соматизмларга оид тиббий асбоб ускуналарни атаб келувчи эпонимик birlikларни қамраб олади:

а) касаллик белгиларини билдирувчи эпоним birlikлар. Бундай birlikлар Proper noun ('s) + common noun кўринишида шаклланган бўлиб, одатда, эпоним birlik ихтиро қилган шахс номига *test, sign, spot* каби сўзларнинг бирикиши орқали ҳосил қилинган. Жумладан:

Aaron sign – америкалик гастроэнтеролог Чарлз Детти Аарон шарафига номланган бўлиб, аппендицитда қаттиқ босим остида юрак ёки ошқозон ҳудудида оғриқ ёки безовталиқ ҳиссини англатади [7].

Homans' sign – америкалик хирург Жон Хоманс томонидан аниқланган оёқ қоринчаси чуқур томирларининг веноз тромбозининг дастлабки белгисини ифодалайди [4;261];

б) касаллик номларини билдирувчи эпонимлар атоқли отлар билан номланган касаллик, ҳолат ёки синдромни ифодалаб келиб, одатда, касалликни илк бор аниқлаган шифокор, соғлиқни сақлаш ходими, касалликдан азият чеккан бемор, камдан-кам ҳолларда эса касаллик белгиларини кўрсатган хаёлий қахрамон, ва ҳаттоки баъзи ҳолларда, касаллик аломатлари асосида бадий қахрамонлар номига атаб қўйилади. Касаллик номини билдирувчи бундай эпонимлар Proper n+disease/syndrome шаклида берилиши кузатилади. Масалан, *Basedow disease, Alzheimer disease, Munchausen syndrome, Othello Syndrome*;

в) тиббий муолажа турларини билдирувчи эпонимлар. Тиббий муолажаларни билдирувчи эпонимлар даволаниш усулини тавсифлаган шифокор ёки жарроҳ номи билан аталувчи birlikлардир. Бу турга кирувчи эпоним birlikлар одатда исм + турдош от кўринишида икки компонентдан иборат бўлиб, иккинчи компонент сифатида *treatment, method* ёки *maneuver* сўзларининг бирикиши орқали ясалади. Масалан, тиббиётда *Heimlich maneuver* [8] атамаси билан танилган даволаш усулига эътиборимизни қаратамиз. XX асрнинг иккинчи ярмида америкалик яҳудий кўкрак қафаси (торакал) жарроҳ ва тиббиёт тадқиқотчиси Генри Хеймлич томонидан инсоннинг юқори нафас олиш йўлларида тикилиб қолган ёт жисмни чиқариб юбориш учун қўлланилган биринчи ёрдам усули, яъни юқори қорин диафрагмасини қисиш йўли орқали амалга ошириладиган усул таклиф қилинган ва жарроҳ қўллаган даво усули унинг номи билан боғлиқ ҳолда юритила бошлайди;

д) соматизмлар билан боғлиқ эпонимлар. Антропоним асосли бу турдаги эпонимларнинг илдизи қадимги даврлар анатомиясининг якуний мукамал рисоласини ёзган, Европада тиббиёт назарияси ва амалиётига катта таъсир кўрсатган юнон шифокори, ёзувчи ва файласуфи Гален (129-216) [1;5] га бориб тақалади. Шунинг учун ҳам фанда соматизмларга оид биринчи эпоним *катта Гален венаси* ёки *Гален венаси* [3;268] деб номланган.

Эпонимлар касалликни аниқлашда ўз ҳиссасини қўшган шифокор олимни шарафлаш баробарида илмий тавсифдан кўра, тилда қўллаш қулайроқлиги сабаб ишлатилади. Масалан, Алцгеймер касаллиги.

Тиббиётга хос эпонимлар бўйича олиб борилган тадқиқотлар эпоним номларнинг тиббиётда қадимий анъаналигини намоён этади. Тиббий эпонимлар юзасидан илмий изланишларимиз натижасида нейрология, неврология, нейрохирургияга ва тиббиёт йўналишида 8000 га яқин касаллик номлари, турли суяк синишларига доир атамалар, жарроҳлик муолажалари, тестларни билдирадиган эпонимларнинг баъзида эғалиқ қўшимчаси билан, баъзида эса эғалиқ қўшимчаларисиз

ишлатилишини кузатдик. Тиббий эпонимлар, айниқса, касаллик ва соматизмларга оид бирликлар узоқ тарихга бориб тақалсада, ҳали ҳам мазкур соҳада кўп тилга олинади.

2. Илм-фанга оид эпонимлар. Эпоним бирликларнинг бу тури авиация, астрономия, биология, ботаника, геология, кимё, математика, тилшунослик, физика, юриспруденция каби фанларининг ривожига ўзининг илмий янгиликлари билан ҳисса қўшган олимларнинг номлари билан боғлиқдир. Илм-фанда олимлар ва ихтирочилар кўпинча ўлчов бирликлари ёки илмий жараёнлар, усулларни кўрсатиб, баъзилари кундалик турмушда ишлатилиб келинмоқда. Том маънода, уй - рўзғорга оид кундалик истеъмолдаги сўзлар қаторига киритилган ва кичик ҳарфлар билан берилишига одатланилган:

а. **авиация:** *Ан-2, Ан-12, Ан-124* самолётлари XX аср иккинчи ярмида яшаган авиация отаси ҳисобланмиш авиаконструктор Антонов номига қўйилган[5;3]. *Боинг-747* Боинг авиақурилиш компанияси асосчиси америкалик Уилям Боинг шарафига номланган;

б. **астрономия:** *Кеплер телескопи* немис математик ва астрономи Иоган Кеплер номига қўйилган. *Ҳабл телескопи* ҳам антропонимдан келиб чиққан.

в. **биология:** *Дарвинизм* инсон эволюциясини ўрганadi. *Неандертал* немис илоҳиётшуноси Ёахим Неандер номига аталган.

г. **ботаника:** антропоним ва топоним асосли бу турдаги эпонимлар ўсимлик, дарахт, мева кабиларни билдиради. Масалан: *Симиренко олмаси, Магнолия, Камелия*

д. **геология:** *Александрит, Рихтер шкаласи;*

е. **тилшунослик:** *Кирил алифбоси, Вебстер лугати, Оксфорд лугати, Кембридж лугати, Эсперанто тили.*

ж. **физика:** XVIII-XIX асларда яшаган италян физиги Алессандро Волта ҳамда француз физиги Андре-Мари Ампер номлари билан аталувчи электр токи ва кучи бирлиги ампер ва вольт сўзларини англаш учун махсус билим ёки кўникма талаб этилмайди, чунки бу сўзлар орқали назарда тутилаётган ток кучи ва кучланишини осонгина англаб етиш мумкин. Бундан ташқари, кўпгина автомобил номлари жумладан, Генри Форд, Луи-Жозеф Чевролет, Энзо Феррари ёки Фердинанд Порше шарафига номланган *Форд, Чевролет, Феррари* ёки *Порше* каби номлар, автомобил двигателларини билдирувчи сўзлар (Рудолф Дизел номига – *дизел*) эпоним ҳисобланиб, доимий истеъмолдаги сўзлар қаторига кирган.

з. **юриспруденция:** *Гилотина, Наполеон кодекси.*

3. Архитектура ва қурилишга оид эпонимлар. Турли архитектур иншоотлар, қурилиш бинолари, тарихий обидалар номлари ушбу соҳага оид эпоним бирликларни ташкил қилади. Масалан: *Биг Бен, Букингем саройи, Бурж Халифа, Диснейленд.* Масалан, *мансард* ёки пентхаус XVII асрда яшаган архитектор Француа Мансар номига қўйилган. XIX асрга келиб номи пентхаусга ўзгартирилган.

4. Хизмат кўрсатиш иншоотлари номларини билдирувчи эпонимлар. Ушбу эпоним турига асосан аэропорт, меҳмонхона, касалхона, таълим муассасалари номлари назарда турилади. Масалан: *Ҳилтон меҳмонхонаси, Кеннеди аэропорти, Сейнт Томас касалхонаси, Жон Ҳопкинс касалхонаси.* Аэропорт номларини кўрсатувчи паст мотивацион эпонимлар асосан шарафлаш мақсадида аталган номлар ҳисобланади. Масалан, Португалиядаги Мадейра халқаро аэропорти 2016 йилда португалиялик машҳур футбол юлдузи *Криштиано Роналду* шарафига ўзгартирилган.

5. Ҳарбий соҳага оид эпоним бирликлар. Турли хилдаги қуруллар, ҳарбий мақсадда фойдаланиладиган предмет ва портловчи моддалар номлари ушбу тур эпонимларига киради. Масалан, *ирапнел, люис пулемёти, колт револьвер.* Шунингдек, ҳарбий техника номларига хос бўлган эпонимлар ҳам мавжуд. Масалан, *Першинг М26 [6;5]* танки Биринчи жаҳон уруши даврида америка армияси генерали Жон Першинг номига аталган.

6. Валюта номларини билдирувчи эпонимлар. Тадқиқотимиз доирасида, асосан, антропоним ва топоним асосли ҳамда ушбу турдаги пул эпоним бирликлари кам сонли эканлиги маълум бўлди. Масалан, *Наполеондор* XIX-XX аср биринчи ярмида Францияда муомалада бўлган олтин танга бўлиб, дастлаб унда тасвирланган Наполеон Бонапартнинг шарафига номланган. *Евро* Европа сўзидан олинган бўлиб, 1999-йилнинг 1-январидида муомалага киритилган. Дастлабки уч йил давомида у кўринмас валюта бўлиб, фақат бухгалтерия ҳисоби, яъни электрон тўловларни амалга оширишда фойдаланилган. Евронинг қоғоз пул кўриниши 2002-йилнинг 1-январига қадар, Белгия франки ва Германия маркаси каби миллий валюталарнинг банкнотлари ва тангаларини белгиланган конвертация ставкалари бўйича алмаштирганига қадар жорий қилинган [2;7].

7. Кийим - кечакни билдирувчи эпонимлар. Эпоним бирликларнинг бу тури кундалик истеъмолдаги сўзлар қаторига кириб қолган қуйидаги категориялардан иборат:

- а. **оёқ кийимини англаторувчи эпонимлар:** *веллингтон, Битл бут, Першинг бут;*
 б. **бош кийимни билдирувчи эпонимлар:** *Панама шляпаси, Памелла шляпаси;*
 в. **уст кийимларни билдирувчи эпонимлар:** *кардиган, реглан, капри, деним, жинси;*

8. **Бренд номларни билдирувчи эпонимлар.** Проприетар эпонимлардан ташкил топган ушбу гуруҳ эпонимлар турли савдо белгилари, мода, тижоратга оид номларни билдиради. Масалан, *Адидас, Зингер, Жилет, Линтон* ва ҳ.к. каби бренд номлари. Бундан ташқари, илмий нашриёт уйларининг номлари ҳам ушбу соҳага оид ҳисобланади. Жумладан, *Элсевир* 1880 йилда Амстердамда (Нидерландия) ташкил топган бўлиб, Буюк Британия, АҚШ, Бразилия ва бошқа мамлакатларда филиалларига эга дунёдаги энг йирик тўртта илмий нашриётлардан биридир. Мазкур нашриёт ҳар йили дунёда чоп этиладиган илмий журналлардаги барча мақолаларнинг чорак қисмини нашр этади. *Элсевир* эпоними голланд нашриётчиси Людовик Элсевир ва унинг оилавий нашриёт уйи номига қўйилган [9].

9. **Давр ёки вақтни ҳисоблашга оид эпонимлар.** Календарь йил ва вақт бирликларини билдирувчи бирликларга календарь, ой ва давр номлари назарда тутилиб, уларга *Григорян календари, Юлиан календари, Июль, Август* ой номлари кабилар киради.

10. **Кулинарияга оид эпоним бирликлар.** Эпонимларнинг бу соҳаси овқат ва егуликлар, ичимликлар, салат ва десертлар номларини қамраб олади. Масалан, *мармелад, цезар салати, эрл грей чойи, сендвич, маёнез* ва ҳ.к.

11. **Соврин ва унволларни англаторувчи эпонимлар.** Муайян бир соҳада мукамалликни тан олиш белгиси сифатида ёки соҳада мислсиз ҳисса қўшган кишиларни рағбатлантириш учун тадбир қилинган унволлар номлари ҳам эпоним бирликлардир. Совринлар турли соҳаларда, жумладан, санъат ва кўнгилоҷар, спорт ва севимли машғулотлар, гуманитар фанлар, фан ва технология, бизнес ва жамиятга хизмат кўрсатиш соҳаларида берилган мукофотларни ўз ичига олади. Мукофотлар давлат идораси, халқаро кенгаши каби уюшма, компания, ташкилот томонидан берилади. Одатда, бу тур эпоним бирликлари бош ҳарф билан ёзилади. Масалан, *Нобел мукофоти, Девис кубоги, Пулицер мукофоти.*

12. – **изм ёки идеологияларни англаторувчи эпонимлар.** Эпонимларнинг ўтмишимизда ва ҳар бир даврда кенг қўлланилганлиги турли мавзу ва соҳаларга оид билимлар базаси ва ғояларини ифодалашда бу бирликларни билиш заруратини янада орттиради. Эпонимлар сиёсий ва дипломатик луғатларнинг муҳим қисмини ташкил қилади. Улар номлари бирор ҳодиса, мафкуравий куч жараёни, давр, предмет ёки ҳодиса белгиси билан бирга келган шахс ёки жой, яъни топонимлар билан муносабатни кўрсатиб берувчи янги яратилган сўзлардир. Мафкуравий тизимларни англаторувчи эпонимлар тилда вужудга келган ясама эпоним бирликларнинг аффиксли ҳосилалари бўлиб, *Шовинизм, Дарвинизм, Байронизмлар* мисол бўла олади. Шунингдек, бундай эпонимлар икки сўз кесишмалари бирикувидан ҳам *Герримандер, Никсономика, Рейганномика* сингари ясалади.

13. **Адабиёт ва санъатда эпонимлар.** Адабиёт, театр, кино ва муьлтифилмда эпоним қаҳрамонлар номи билан боғлиқ бирликлардир. Масалан, драматург Жорж Бернард Шоу “Сезар ва Клеопатра” номли асарида икки бош қаҳрамон машҳур Рим саркардаси ва Миср маликаси асосида яратилган бўлиб, персонажлар номи эпоним сўзлар ҳисобланади. Асар қаҳрамонлари ҳақиқий ҳаётда мавжуд шахсларга ёки ҳаёлий қаҳрамонларга асосланса-да, эпонимлар бадий асарнинг кизиқарлигини ва ўқимишли бўлишини таъминлайди. Ф. Скотт Фитжералднинг “Буюк Гетсби” асаридаги *Жей Гетсби*, Чарлз Диккенснинг “Буюк умидлар” асаридаги *Мисс Хависем* образи бунга яққол мисолдир. Жорж Орвеллнинг “Ҳайвонлар фермаси” китобида бош қаҳрамон *Наполеон* Франция императори Наполеон Бонапарт номи билан аталган. Асарда Наполеон эпоними ҳокимият ва коррупцияга шаъма қилиб, ҳар икки шахс ўртасидаги ўхшашликни таъкидлайди. Бундай персонажлар кўпинча асарда асосий қаҳрамон вазифасини бажаради ва уларнинг ҳаракатлари асар сюжети динамикаси бўйлаб, ҳикоянинг ажралмас қисмига айланади.

Хулоса ва Таклифлар (Conclusion / recommendations). Умуман олганда, эпонимлар жамиятда, ижтимоий ҳаётда, шу жумладан, илмий соҳада асосий лексик қатлам сифатида хизмат қилади. Жамият тараққиёти билан эпонимларнинг мавзувий кўринишлари ҳам ортиб боради. Эпоним бирликлар тегишли бўлган йўналишлардаги маълумотларни чуқур англаб тушунишга ёрдам беради. Жумладан, бадий асарлардаги атоқли номлар муаллифларга воқеликни энг самарали тасвирлашга ёрдам беради, чунки асарда келтирилган исмлар унинг мазмуни билан узвий боғлиқдир.

Эпонимларни ўрганиш орқали номи эпонимга айланган шахсларнинг таржимаи ҳоли, муайян шахарлар, штатлар, объектлар, иншоотлар сингари жой номларининг географик хусусиятлари билан танишилади.

Алоҳида илмий номларни ифодаловчи эпонимлар кўп ҳолларда терминлик хусусиятидан турдош от табиатига ўтади ва атоқли от умумистеъмолдаги турдош отга айланади. Бу айниқса, илм-фанга хос бўлган ўлчов бирликлари, транспорт воситалари номлари, кулинария соҳаларида кўп учрайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Hankinson R.J. *The Cambridge Companion to Galen*. Cambridge,UK;New York: Cambridge University Press, 2008.- 472 p.
2. Jean-Claude Trichet. *How the Euro became our money. A short history of the euro banknotes and coins*. 2007.European Central Bank.-94 p.
3. Nutton V. *Ancient Medicine*. London.New York:Routlage, 2004.-504p.
4. Mannucci P. M., L. Poller. *Venous thrombosis and anticoagulant therapy*. *British Journal of Haematology*, John Wiley & Sons, Ltd. 2001. -290 p.
5. Y.Gordon., D.Komissarov. *Antonov An-12: The Soviet Hercule*. Ian Allan Publishing.England. 2007.-148
6. Zaloga J. *M26/M46 Pershing tank. 1943-1953*. 2000. Osprey publishing Ltd.-48p.
7. <http://www.whonamedit.com/eponyms/A>
8. <http://www.whonamedit.com/synd.cfm/2528.html>
9. <https://www.elsevier.com/about/history>

**ИНГЛИЗЧА-ЎЗБЕКЧА ВА ЎЗБЕКЧА-ИНГЛИЗЧА ЛУҒАТЛАР УЧУН КЎП МАЪНОЛИ
СЎЗЛАРНИ ТАНЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

Наширова Шахноза Буриевна

*Қарши давлат университети катта ўқитувчиси
Shakhnozka08@gmail.com*

***Аннотация.** Икки тилли луғат ҳеч вақт ўрганилаётган тилга оид барча сўзни қамраб ола олмайди. Зеро, ўқув луғати сўзлигини шакллантиришининг ўзига хос мезонлари ҳам борки, улар ҳам луғат корпусини шакллантиришига муайян чекловларни қўяди. Агар гап кўп маъноли сўзлар хусусида кетса, ушбу талаблар янада мураккаблашади. Луғатга сўз танлаш, албатта, луғат туридан келиб чиқади. Мазкур мақолада икки тилли луғатлар учун кўп маъноли сўзларни танлашда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ва бунда қандай мезонлар етакчилик қилиши муҳокама қилинади.*

***Калим сўзлар:** луғат, лексикография, ёзув, норма, лексик бирликлар, лексемалар, маъно.*

***Abstract.** A bilingual dictionary can never cover all the words of the language being studied. After all, there are specific criteria for the formation of the educational vocabulary, which also impose certain restrictions on the formation of the vocabulary corpus. These requirements become more complicated when it comes to ambiguous words. The choice of words for a dictionary depends, of course, on the type of dictionary. This article discusses what should be considered when choosing polysemous words for bilingual dictionaries and what criteria should guide it.*

***Keywords:** dictionary, lexicography, writing, norm, lexical units, lexemes, meaning.*

***Аннотация.** Двухязычный словарь никогда не сможет охватить все слова изучаемого языка. Ведь существуют определённые критерии формирования учебной лексики, которые также накладывают определённые ограничения на формирование словарного корпуса. Эти требования усложняются, когда речь идет о неоднозначных словах. Выбор слов для словаря зависит, конечно, от типа словаря. В данной статье рассматривается, что следует учитывать при выборе многозначных слов для двухязычных словарей и какими критериями при этом руководствоваться.*

***Ключевые слова:** словарь, лексикография, письмо, норма, лексические единицы, лексемы, значение.*

Кириш. Бугунги кунда икки тилли лексикографияда анъанавий босма нашрларнинг такомиллаштирилиши ҳамда электрон луғатчилик тараққиёти билан боғлиқ равишда фойдаланувчининг турли эҳтиёжларини қондира оладиган кўплаб замонавий луғат турларининг пайдо бўлиши билан изоҳланадиган кескин ўзгаришлар кузатилмоқда. Таржима амалиётида икки тилли луғатларнинг ўрни беқиёс. Бироқ икки тилли лексикография асосчиларидан бири В.П.Берков таъкидлаганидек, “Икки тилли луғат ҳар қанча мукамал бўлмасин, унинг “ўнг” қисми ҳар қанча пухта ва тўлиқ ишлаб чиқилган бўлмасин, чап қисмда тилни ўрганиш учун зарур бўлган тил бирликлари тўғри танлаб олинган бўлмаса, у ҳеч қачон ўрганишга асос тилни бутунлай қамраб ололмайди” [1,22]. Луғатлар кўп. Улар ичида энг мукаммали, энг тўғриси, энг қулайгина ўз ўқувчисига эга бўлиши, муҳими, нашриётларнинг тижорий режасини ҳам қониқтириши мумкин. Демак, ўқув луғати ҳам ҳам ўқувчи учун фойдали, ҳам қулай, ҳам ҳамёнбоп, харидоргир, хуллас, лингвистик жиҳатдан илмий асосли, лингводидактик мақсадлар ва бозор иқтисодиёти талабларини қониқтирадиган бўлиши шарт. Ушбу талаблар ўз навбатида луғат тузувчилар ва луғат нашри билан шуғулланувчиларнинг қарашлари бир жойдан чиқмаслигига олиб келади.

Асосий қисм. Ҳар қандай луғат лойиҳаси устида ишлаш жараёнида муаллифларнинг тил лексикасини имкон қадар кўпроқ қараб олишга интилишлари оқибатида луғат ҳажмининг ошиб кетиши билан боғлиқ муаммога дуч келинади. Ўқув луғатида ҳажмга қўйиладиган талаб психологик ва педагогик омиллар билан боғлиқ бўлиб, ўқувчининг ундан фойдаланиши – керакли сўзни тез ва осон кидириб топишида ноқулайлик туғдирмаслигига қаратилади. В.П.Берков “Табиийки, икки тилли луғатлар мукамаллигига таъсир этувчи энг асосий сабаблардан бири – бу уларнинг ҳажмига қўйилган мажбурий чегарадир. Ноширлар биринчи ўринда молиявий томонига диққат қаратадилар. Сабаби катта ҳажмли ва қиммат луғатлар ҳар доим харидогир бўлмайди. Бир жилдли луғат

фойдаланувчи учун кулай, аммо керакли барча сўзни қамраб олмайди. Беш жилдли эмас, ҳатто икки жилдли бўлса ҳам. Кўпчиликка катта луғат керак эмас, улар унга “кўмилиб қолади” [2,39] деганда ўқув луғатчилигининг энг долзарб муаммоси ихчам ҳажмда катта маълумотни бера олишига ишора қилган эди. Зеро, ўқув лексикографияси тавсифи асосида ҳам “кичик ҳажм ва катта мақсад” [6, 3-11] ётиши ҳаммамизга маълум. Кичик ҳажмда катта таълимий мақсадни кўзлаш, табиийки луғат учун сўз танлаш жараёнида жиддий муаммоларни келтириб чиқаради.

Юқорида таъкидланганидек, икки тилли луғат ҳеч вақт ўрганилаётган тилга оид барча сўзни қамраб ола олмайди. Зеро, ўқув луғати сўзлигини шакллантиришнинг ўзига хос мезонлари ҳам борки, улар ҳам луғат корпусини шакллантиришга муайян чекловларни қўяди. Агар гап кўп маъноли сўзлар хусусида кетса, ушбу талаблар янада мураккаблашади. Луғатга сўз танлаш, албатта, луғат туридан келиб чиқади. Хўш, икки тилли луғатлар учун кўп маъноли сўзларни танлашда нималарга эътибор қаратиш лозим, бунда қандай мезонлар етакчилик қилади?

Биринчидан, луғат учун сўз танлаш босқичида луғат муаллифи, аввало, қайси манбалардан фойдаланишини аниқлаб олиши керак. Манбалар, одатда, ёзма – илмий, бадиий, расмий матнлар, тил истеъмолчиларининг адабий тил ёки шевадаги ёзма ва оғзаки нутқ намуналари, турли маълумотнома, луғатларлар бўлиши мумкин. Ўқув луғати сўзлигини танлашда бу мезон, яъни исталган нутқ намунасида фойдаланиш фикри етакчилик қилмайди. Сўзлик бир неча талабларга кўра чекланиши мумкин. Шунинг учун ўқув луғати учун материал тўплаш – сўзликни шакллантиришга ўқув лексикографиясининг долзарб муаммоларидан бири сифатида қаралади. Аммо В.В.Дубичинский таъкидлаганидек, “Очигини айтиш керакки, луғат учун кўп маъноли сўзларни танлашнинг объектив мезонлари ҳали мавжуд эмас” [3,62]. Шуниси аниқки, бундай вазиятда лексикограф учун асосий мезон, энг аввало, **танланган тил бирлигининг луғат фойдаланувчиси мансуб таълим босқичи ўқув-меъёрий ҳужжатларида мавжудлиги, луғат материалининг ўқув мақсадига мослиги, таълим жараёнига алоқадор эканлиги** билан ўлчанади. Тўпланган материалдан сўзликни танлаб олишда педагогик лексикография ва лингводидактиканинг мезонларига қатъий амал қилиш талаб этилади.

Иккинчидан, кўп маънолилиқ деганда кўпчилик фақат лексик бирликлар – лексемалар ёки фразеологизмларни тушунади. Бироқ полисемия фақат лексик маънога алоқадор эмас. У тилнинг барча сатҳ бирликларига хос бўлиши мумкин. Шу боис икки тилли луғат изоҳ характерида бўладими, грамматик характерида бўладими, агар полисемантик табиатли бўлса, тилнинг барча сатҳ бирликлари – **фонема ҳам, морфема ҳам, лексема ҳам, сўзшакллар ҳам, турғун бирикмалар ёки синтаксемалар** ҳам унинг сўзлигидан жой олиши мумкин. Масалан, *фонемалар*:

Ушбу луғат мақолада гарчи фақат битта изоҳ – 10.6 га (*birinchi darajali, eng yaxshi; a'lo darajadagi, ajoyib*) *кўчма* пометаси қўйилган бўлса-да, ушбу ўнта маънодан 9таси контекстуал маънолар ҳисобланади. Ушбу фикримизни *кўчма* пометаси қўйилмаган, аммо 10.6 рақамли изоҳдан деярли фарқланмайдиган 4-маъно изоҳи *birinchi, oliy, eng yuqori* ҳам тасдиқлайди. Тўғри, бу ерда **A** [eɪ] фонемаси аслида лексема мақомида. Чунки вокабуладан сўнг сўзнинг от туркумига мансублигига ишора қилувчи **n** – noun пометаси қўлланган. Бу айрим эътирозларга сабаб бўлиши мумкин. **a** [eɪ] (*urg'uli yoki to'liq shakli*); [ə] (*urg'usiz yoki reduksiyaga uchragan shakli*) 1) *undosh tovush bilan boshlanadigan birlik sondagi sanaladigan otlardan oldin ishlatiladigan noaniq artikl bo'lib, quyidagi umumlashtiruvchi ma'nolarni beradi*: har qanday, har qanaqa, har bir, xohlagan, istagan, istalgan; 2) *bir*; ~ **dozen eggs** bir dujina (12 dona) tuxum; ~ **metre of fabric** bir metr gazlama; 3) a) miqdomi bildiruvchi quyidagi so'z va iboralardan oldin: **little, few, good many, great many**; ~ **little** ozgina, biroz, oz miqdorda, ko'p emas; ~ **few stars** bir nechta yulduz; ~ **great many years** ko'p yillar; b) **dozen** dujina (o'n ikki) va **score** yigirma so'zlaridan oldin; **half ~dozen** yarim dujina (olti dona); ~ **score of students yigirmata talaba**; 4) **bir xil, baravar, teng, birdek, xuddi shunday**; **all of ~ size** hammasi bir xil o'lchamda; **two at ~ time** ikkalasi bir paytda; 5) har, har bir, har qaysi; **a man has two ears** har bir odamning ikkita qulog'i bo'ladi; 6) muallif nomidan oldin kelib, „asar“, „adabiyot“ yoki „san'at“ so'zlari o'mida ishlatiladi; ~ **Van Gogh Van Gog** asari; 7) qandaydir; ~ **Mr. Black** qandaydir janob Blek degan kishi; 8) atoqli otlardan oldin ishlatilib, uning qaysi oilaga mansubligini bildiradi; 9) **many** so'zidan keyin ishlatilib, otni ko'plik shaklga aylantiradi, **many ~ man** ko'p odamlar; **many ~ book** ko'p kitoblar; **many ~ day** ko'p kunlar (ИЎЛ, 9.)

Учинчидан, кўп маъноли сўзларни тўплашда сўзнинг маълум бир тил жамиятидаги функционал қиймати – **қўлланиш даражаси, частотасига** амал қилиш мақсадга мувофиқ. Масалан, П.П.Литвиновнинг “Англо-русский словарь многозначных слов” луғати инглиз тилидаги энг асосий, энг кенг тарқалган полисемантик сўзларинигина ўз ичига олади. Маълумки, икки тилли ўқув луғати учун кўп маъноли сўзлар ва уларнинг контекстуал нутқий маъноларини ажратиш ҳамда уларнинг муҳимлик даражасини аниқлаш жиддий муаммо бўлиб, у, одатда, ўрганувчилар, яъни инглиз тилини

ўрганувчилар ва ўзбек тилини ўрганувчилар учун иккинчи тил ҳисобланган тилда полисемантик сўз ифода ва вазифа семаларининг қўлланиш частотасининг бир хил эмаслиги билан боғлиқ. Сабаби бир тилда кўчма маъноларига эга бўлган сўз иккинчи тилда ҳам полисемантик табиатли бўлиши ёки моносемантик сўз бўлиши ҳам мумкин. Ҳатто ҳар икки тилда полисемантик хусусиятга эга бўлган тақдирда ҳам уларнинг семантик имконияти ва қўлланиш даражаси бир хил бўлмайди. Масалан, ўзбек тилида кўз лексемаси метафора, метонимия, вазифадошлик, синекдоха асосида ҳосил қилинган бир неча кўчма маъноларига эга: *игнанинг кўзи (тешик), узукнинг кўзи (гавҳар), кўз тегди (суқ, назар), деразанинг кўзи, кўзойнакнинг кўзи (кўзгу), кўзининг оқу қораси (фарзанд)* каби. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да унинг қуйидаги маънолари изоҳланган:

КЎЗ 1 Тирик мавжудотнинг кўриш аъзоси. *Кўз косаси. Кўз оқи. Кўз қорачиги. Қора кўз. Аяган кўзга чўп тушар.* Мақол.

2 Назар, нигоҳ; қараш. [Кумушининг] *Кўзлари ўйнагувчи қизларда бўлса ҳам, ҳақиқатда бошқа бир нарса кўргандек.* А.Қодирӣ, Ўтган кунлар.

3 Кўриш қобилияти. *Кўзи хира. Кўзи ўтқир. Кўзи ожиз. Кўзи яхши эмас. **иш** Бир вақтлар дўппи тикдим, кўрпа қавидим.. энди ундай ишларга кўзим ўтмайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 кўчма Баъзи нарсаларнинг бирор белги билан ажралиб, кўзга ўхшаб кетадиган қисми, бўлаги. *Деразанинг кўзи. Ёғочнинг кўзи. Булоқнинг кўзи.*

Ушбу талқинлар ичида фақат 4-маънога кўчма пометаси қўйилган бўлиб, шу сема асосида пайдо бўлган нутқий маъноларга изоҳ берилди ва иллюстрация келтирилади.

ИЎЎИЛнинг инглизча-ўзбекча қисмида инглизча кўз лексемаси қуйидагича талқин қилинади:

eye [ai] 1. n 1) ko'z; **blue large** ~s katta ko'k ko'zlar; **to see with one's own** ~s o'z ko'zlari bilan ko'rmoq; ~ **disease** ko'z og'rig'i; ~ **hospital** ko'z kasalxonasi; 2) teshik, ko'z (*ignada*); 3) *sheva*. izquvar, detektiv; 4) *sheva*. televizor ekrani;

2. v 1) qaramoq, qarab chiqmoq; 2) nazorat qilmoq (ИЎЎИЛ, 310.)

Ушбу талқинда луғат мақола таркибидаги бош изоҳнинг 2) teshik, ko'z (*ignada*), 3) *sheva*. izquvar, detektiv ва 4) *sheva*. televizor ekrani маънолари ҳам нутқий кўчма маънолар ҳисобланади.

Буни sheva. пометаси ҳам тасдиқлайди. **ЎТИЛ**да ушбу кўчма маънолар, бир умумий изоҳ билан “Баъзи нарсаларнинг бирор белги билан ажралиб, кўзга ўхшаб кетадиган қисми, бўлаги” тарзида талқин қилинади ва у инглиз тилидаги юқорида келтирилган *тешик, изқувар, телевизор экрани* маъноларини ҳам қамраб олади. Ушбу изоҳга “**Тиззанинг кўзи** Тизза бўғими – сон суягининг болдир суяги билан бирлашган жойидаги, тизза қопқоғи остидаги чуқурча. *Юраги гупиллаб ураб, шамолдан қулоқлари шангиллар, тиззасининг кўзи муздай ерга тегиб турганини сал-пал сезарди.* Ў.Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Узукнинг кўзи** Узукка қўйилган ялтироқтош. **Хуржуннинг кўзи** Хуржуннинг нарса солинадиган ҳар бир бўлаги” [8,445] каби иллюстратив ҳавола келтирилади.

Инглизча-ўзбекча луғатларда кўз лексемасининг кўчма маънолари билан боғлиқ fistula, tap-hole, whammy каби контекстуал синонимлари мавжуд бўлиб, у луғатларда турли ўринларда берилди:

fistula [fistjulə] n *tib.* 1) chipqon *yoki* yaraning ko'zi (teshigi); 2) teshik (oqma) yara; yara teshigi. (ИЎЛ, 288.)

tap-hole ['tæphəul] n 1) bochka teshigi; 2) ko'z – metallurgiya pechlarida: erigan metall yoki toshqol oqib chiqadigan teshik. (ИЎЛ, 612.)

whammy ['wæmi] *namer. so'zl.* yomon ko'z, suq ko'z; ko'z tegish, suq (kinna) kirish; ko'z, suq, kinna. (ИЎЛ, 685.)

sheva. пометаси билан берилган 3) *изқувар, детектив* маъноси ЎТИЛда изоҳланмаган. Аммо ўзбек нутқида *детектив* маъносига яқин *назоратда ушламоқ, таъқиб қилмоқ, кузатувга олмоқ* маъноларидаги “кўз-қулоқ бўлиб турмоқ”, “кўздан қочирмоқ”, “кўз остига олмоқ” [7,261-267] иборалари ҳам учрайди. Масалан, *Бобом оиласи билан дастлаб Марказқўм боғида яшаган. Маршалга кўз-қулоқ бўлиб туриши “халқлар отаси” томонидан шахсан Усмон Юсуповга топширилган экан.* (“Алихонтўра Соғуний қай тарзда ўғирлаб кетилган эди?”, “Tafsilot.uz”) **Савашининг Чингизхон фойдасига тугаётганидан хабар топгани сабаб, дарё ёқасида кўз-қулоқ бўлиб турмоқда эди.** Б.Абдуғафур, Султон Жалолоиддин. **Дунёнинг қайси бурчагига бормасин, уни кўздан қочирманг.** Б.Абдуғафур, Султон Жалолоиддин.

Инглиз тилида ушбу маънони ифодалаш учун *to keep one's weather eye open – ehtivot bo'lmoq, hushyor bo'lmoq, ko'z-quloq bo'lib turmoq* ибораси ишлатилади. (ИЎЛ, 680.)

Бош сўз инглиз тилида бўлган инглизча-ўзбекча луғатларга қараганда ўзбекча-инглизча луғатлар контенти анча саёз. ИЎЎИЛнинг ўзбекча-инглизча луғат қисмида гарчи кўз лексемаси

хосила маъноларининг ўзбек тилида қўлланиш частотаси юқори бўлса-да, фақат ўз маъноларига изоҳ берилганини кузатиш мумкин:

ko'z n eye; ~ **gavhari** crystalline lens; ~ **kosasi** eye-sosket; ~ **i ojizligi** blindness; ~ **yoshi** tear; ~ **qismoq** wink (at) (ИЎЎИЛ, 706.)

Тўртинчидан, луғат сўзлигига муайян туркумга хос кўп маъноли сўзларни ёки **барча туркумга мансуб бўлган полисемантизмларни** қамраб олиш масаласини ҳам аниқлаштириб олиш лозим. Жаҳон ўқув лексикографиясида кўп маъноли сўзлар луғатининг бир неча намуналарини учратиш мумкин. Масалан, Ёҳей Аракаванинг “Япон тилининг кўп маъноли сўзлар ўқув луғати: отлар” (A Learner's Dictionary of Multi-sense Japanese Words: Nouns), Шинго Имаининг “Япон тилининг кўп маъноли сўзлар ўқув луғати: сифат ва равиш” (A Learner's Dictionary of Multi-sense Japanese Words: Adjectives & Adverbs), Син Мориаманинг “Япон тилининг кўп маъноли сўзлар ўқув луғати: феъл” (A Learner's Dictionary of Multi-sense Japanese Words: Verbs) каби луғатларни келтириш мумкин. Луғат номларидан кўришиб турибдики, уларнинг аксариятида тилдаги кўп маъноли сўзларнинг барчаси битта луғатда қамраб олинмаган, яъни от, сифат ва равишлар, феълларни қамраб олишига кўра бир неча жилдда нашр этилган. Бу луғатнинг бир тилли экани билан боғлиқ. Гап икки тилли луғатлар хусусида кетганда бундай ёндашиб бўлмайди. Икки тилли ўқув луғатларда барча кўп маъноли сўзларни қамраб олиш зарурати, аслида имкони ҳам йўқ. Бунга юқорида келтирилган ўқув луғатига қўйиладиган ҳажм билан боғлиқ мезонлар, қолаверса, ҳар икки қиёсланадиган тилнинг ички имкониятлари, полисемантик сўзларнинг семантик имкониятлари йўл қўймайди. Масалан, П.П.Литвиновнинг “Кўп маъноли сўзларнинг инглизча-ўзбекча луғати” (English-Russian Polysemantic Words Dictionary)да кўп маъноли сўзлар туркум жиҳатидан чегараланмаган. Яъни барча сўз туркумларига хос полисемантик сўзлар луғат мақсадидан келиб чиқиб сўзликка киритилган.

Бешинчидан, икки тилли луғат учун кўп маъноли сўзларни танлаш жараёнида диққат қилиш лозим бўлган масалалардан яна бири лексик **полисемия ва омонимия муносабатини** ойдинлаштириб олиш билан боғлиқ. Маълумки, омонимиянинг юзага келиш йўлларида бири – бу кўп маъноли сўз маъноларининг семантик тараққиёти натижасида янги лексема пайдо бўлиши ҳисобланади [5,127]. Тилда бу жараён, яъни полисемантик сўзнинг лексикализацияга учраши узоқ давом этиши, ҳатто асрларга чўзилиши мумкин. Шу боис назарий лексикографияда полисемия ва омонимия муаммоси бир неча мезонлар – семантик, этимологик, ўзаро бирикувчанлик (валентлик), формал ва бошқаларга асосланган ҳолда комплекс тарзда ҳал қилиниши таъкидланади. Агар танланган сўз маънолари бир лексеманинг турли – ифода, вазифа семалари билан алоқадор бўлса, у ҳолда гап полисемия ҳақида кетаётган бўлади. Бордию, лексема семемалари ўзаро мустақил бўлиб, дастлабки семасидан узилган бўлса, унда омонимлик юзага келган бўлади. Баъзан омоним сўз бир пайтда полисемантик сўз ҳам бўлиши мумкин. Яъни ўзаро шаклдош бўлган сўзлардан бири ёки бир нечтаси кўчма маъноларига ҳам эга бўлиши мумкин. Бу луғат ишини бироз мураккаблаштиради. Масалан:

drawerI [ˈdrɔːə] n 1) bufetchi, ofitsiant; 2) chizmach, chizmakash; 3) hujjat tuzuvchi

drawerII [ˈdrɔːə] n 1) surilmaquti; 2) tortma (*stol, javon va b.*) (ИЎЎИЛ, 216)

Хуллас, полисемия луғат микроқурилмасининг таркибий қисми ҳисобланса, омонимия макроструктура объекти бўлиб, унга сўз танлаш муаммоси доирасида қаралади.

Таржима жараёнида турли бирликлар – окказионализмлар, ономастик бирликлар, истемол доираси чегараланган лексика, диалектизмлар, профессионализмлар, шунингдек, фразеологизмлар, мақол ва маталларни ҳам лексикографик талқинини беришга тўғри келади. Таржима назарияси ва амалиётига катта эътибор берилаётган айни пайтда кўчма маънолар талқинига диққатни қаратиш, муқобилига эга бўлмаган тил бирликларини таржима қилиш бўйича тажрибалар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Кўп маъноли сўзларнинг икки тилли луғати фойдаланувчи учун полисемантик сўзнинг иккинчи тилдаги семантик имкониятларини очиб бериш, таржимонларнинг бир неча авлодлари томонидан тўпланган тажрибани бир тизимга йиғиш, ихчам, аниқ тақдим этиш ва шу билан бирга тўғри қарор қабул қилишга амалий ёрдам беради.

Хулоса. Демак, инглизча-ўзбекча ва ўзбекча инглизча корпусга асосланган икки тилли луғатлар учун кўп маъноли сўзларни танлашда қуйидаги мезонлар асос бўлиб хизмат қилади:

1) хронологик мезон – полисемияга тарихий нуқтаи назардан ёндашиш. Муайян даврда кўп маъноли ҳисобланган сўздан омонимлик келиб чиқиши ёки бир маъноли сўзнинг даврлар ўтиши билан семантик тараққий этиши натижасида кўп маъноли сўзга айланиши мумкинлиги, этимологик таркиби;

2) ортологик мезон – адабий тилнинг жорий мезърлари нуктаи назаридан ёндашиш. Полисемантик сўзнинг адабий тил учун қабул қилинган орфографик шакли, талаффузи (транскрипцияси), морфологик таркибини ақс эттириш даражаси;

3) функционал-услубий мезон – полисемантик сўз маънолари фарқлаш жиҳатидан ёндашиш. Кўп маъноли сўзнинг ёзма нутқнинг турли услубларига муносабати, социал ёки ҳудудий чегараланган ёхуд умумистеъмом сўз экани ва б.

АДАБИЁТЛАР:

1. Берков В.П. *Двухязычная лексикография: Учебн. – 2-е изд., перераб. и доп. – Москва: Астрель, АСТ, Транзиткнига, 2004. – 236 с. – С.22.*

2. Берков В.П. *Двухязычная лексикография и реальность. (Прозаические соображения по выходе Большого норвежско-русского словаря)* <http://scandphil.spbu.ru/wp-content/uploads/2017/>

3. Дубичинский В.В. *Лексикография русского языка: учеб. пособие (для вузов) – Москва: Наука, Флинта, 2008. – 432 с. – 62-63.*

4. Литвинов П.П. *Англо-русский словарь многозначных слов / English-Russian Polysemantic Words Dictionary. – Москва: БАКО, 2005. 336 с.*

5. Малаховский Л.В. *Теория лексической и грамматической омонимии. –Л., 1990. – 221 с.*

6. Новиков Л.А. *Учебная лексикография и её задачи // Вопросы учебной лексикографии / Под ред. П.Н. Денисова и Л.А. Новикова. М.: Изд. МГУ, 1969, с.3-11.*

7. Рахимова С.Ж. *Ўзбек тили фразеологик полисемиясининг лексикографик талқини муаммолари. Таълим ва инновацион тадқиқотлар. 2021., №4. – Б. 261-267.* <https://cyberleninka.ru/article/n/>

8. *Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 680 б. – Б.445*

ЎЗБЕК ТИЛИДА БИРИНЧИ ТУР ЎЗЛАШТИРМАЛИК ВА ГАП

Рўзиев Яраш Бозорович

Бухоро давлат университети доценти, ф.ф.ф.д. (PhD)

(e-mail: yarasch@mail.ru)

Аннотация: Ўзбек тилида ўлаштирмаликнинг биринчи тури деганда кўчирма гапдан синтактик йўл билан ҳосил бўлувчи ўлаштирмалик назарда тутилади. Ўлаштирмаликнинг бу турида кўчирма гап ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгаришга учрайди. Кўчирма гап шаклан бирикма аниқроғи бирикмали тўлдирувчига айланади. Шунга кўра, фикр англатувчи тил бирлиги мураккаб тушунча билдирувчи бирикма шаклини олади. Муаллиф гапида эса баён ноҳиссий бўлганда фақат унинг кесими вазифасидаги феъл (де+ди, де+ган эди, де+р эди ва б.)нинг ўзаги ўзгаради (айт+ди, айт+ган эди, айт+ар эди ва ҳоказо).

Калим сўзлар: ўзга нутқ, кўчирма нутқ, ўлаштирма нутқ, матн, микроматн, макроматн, муаллиф нутқи, хабар манбаи, эшитилганлик семаси, синтактик восита, морфологик восита, нутқ феъли, тил қурилиши, тежамкорлик.

Аннотация: Первый тип несобственно-прямой речи в узбекском языке относится к речи, образованной синтаксически из производного предложения. При этом типе несобственно-прямой речи производное предложение изменяется как по форме, так и по содержанию. Слово сочетание превращается в составное, точнее, составное дополнение. Соответственно, языковая единица, выражающая мысль, принимает форму сложного соединения, выражающего сложное понятие. В авторской речи при высказывании без эмоции изменяется только основа глагола (де+ди, де+ган эди, де+р эди и др.) (айт+ди, айт+ган эди, айт+ар эди и др.).

Ключевые слова: чужая речь, прямая речь, косвенная речь, текст, микротекст, макротекст, авторская речь, источник сообщения, сема слышимости, синтаксические средства, морфологические средства, речевой глагол, языковая конструкция, экономия.

Abstract: The first type of indirect speech refers to the assimilation formed syntactically from the derived sentence. In this type of indirect speech, the derived sentence changes both in form and content. The phrase turns into a compound, more precisely, a compound complement. Accordingly, the language unit expressing thought takes the form of a compound expressing a complex concept. In the author's speech, when the statement is insensitive, only the stem of the verb (de+di, de+gan edi, de+r edi, etc.) is changed (ayt+di, ayt+gan edi, ayt+ar edi, etc.).

Keywords: foreign speech, direct speech, indirect speech, text, microtext, macrottext, author's speech, message source, audibility seme, syntactic means, morphological means, speech verb, language construction, economy.

Кириш. Ўзгалар нутқи нутқнинг алоҳида тури бўлиб нутқий вазиятнинг алоҳида кўриниши ҳисобланади. Бундай ҳолда монологда сўзловчи (ёзма нутқда муаллиф)нинг нутқига бошқа бировнинг нутқи, диалогда эса бошқа бировларнинг нутқи кўшилади. Сўзловчининг ўз нутқи объекти бўлиб борлиқдаги воқеа-ҳодиса ва фактлар хизмат қилади. Ўзининг монологик нутқи воситасида сўзловчи тингловчи (адресат)га борлиқ ҳақида ахборот, маълумот беради. Сўзловчининг диалог тарзидаги ўз нутқи эса нутқий амал (нутқ акти) иштирокчиларининг борлиқ ҳақидаги суҳбатидан иборат бўлади[1, 335-336].

Ўзбек тилида ўлаштирмалик икки усул, яъни синтактик ва морфологик йўл билан ифода этилади.

Асосий қисм. Биринчи тур деганда кўчирма гапдан синтактик йўл билан ҳосил бўлувчи ўлаштирмалик назарда тутилади. Ўлаштирмаликнинг бу турида кўчирма гап ҳам шаклан ҳам мазмунан ўзгаришга учрайди. Кўчирма гап шаклан бирикма аниқроғи бирикмали тўлдирувчига айланади. Шунга кўра, фикр англатувчи тил бирлиги мураккаб тушунча билдирувчи бирикма шаклини олади. Муаллиф гапида эса баён ноҳиссий бўлганда фақат унинг кесими вазифасидаги феъл (де+ди, де+ган эди, де+р эди ва б.)нинг ўзаги ўзгаради (айт+ди, айт+ган эди, айт+ар эди ва ҳоказо).

Синтактик йўл билан ҳосил бўлувчи ўзлаштирмаликнинг энг кичик кўриниши иккита ўзак, негизга кўшимча ёки ёрдамчи сўз қўшиш билан ясалади. Унинг бир неча андозаси бор, барчаси икки қисмдан иборат бўлади. Шулардан бири (ўзлаштира хабар)нинг биринчи қисми тўрт ёки беш узвдан, иккинчи қисми икки узвдан тузилади. Иккинчи қисм вазифасида қўлланувчи сўзнинг сони чекланган, биринчи қисмда эса морфологик восита сони чегараланган. Жумладан, келишиқ кўшимчасидан фақат биттаси ёки у билан вазифадош бўлган кўмакчи ишлатилади: *Ол+ган+и+ни айт+ди. Ол + иш + и + ни айт+ди. Ол+моқчи+лиг+и+ни айт+ди. Ол+ган+и ҳақида гапир+ди* ва ҳоказо.

Шўро даврида ўзлаштирмаликнинг асосан ана шу тури назарий жиҳатдан тадқиқ қилиниб олий ва ўрта таълимга татбиқ этилди, яъни қоидалаштирилиб, кодификация қилинди. Бу тур кўчирма гап билан қиёсан, у билан битта умумий сарлавҳа (ўзга гап) остида ўрганилди.

Ўзлаштирмаликнинг ўзбек тили синтактик қурилишига хос-хос эмаслиги масаласида баҳслашилди [2;3]. Мазкур ишларда ўзга гапнинг тузилиши, мазмуни ва қўлланишига нисбатан муаллифларнинг муносабати бир хил эмас. Чунончи, айрим тилшуноснинг фикрига кўра баъзи кўчирма гап автор гапига нисбатан мустақиллигини сақлайди. Шу боис уни боғланган кўшма гап дейиш мумкин. Иккинчи хил кўчирма гап эса автор гапини изоҳлаб келади ва унга нисбатан эргаш гап вазифасини бажаради. Бинобарин, бундай кўчирма гап эргаш гапга айланган бўлади [4, 9]. Академик Ғ. Абдурахмонов фикрига кўра, ўзлаштирмаликнинг биринчи тури зоҳиран содда, мазмунан кўшма гапга тенг келади. Шунга кўра, унда иккита фикр ифодаланади. Бу айниқса ноқардош тиллар билан қиёслаганда яққол сезилади: *Китоб олганини айтди. – Он сказан, что (он) покупал книгу. – Er sagte, daß er ein Buch gekauft hat.* Ўзлаштира гапнинг олий ўқув юрти дарслигида содда гап шаклида бўлиши эътироф этилади-ю кўшма гап баҳсида берилади [5]. Бу рус тилига таклид оқибатидир. Чунки рус тилида ўзлаштира гап эргашган кўшма гап шаклида бўлади.

Кўчирма ва муаллиф гапидан битта содда гап ҳосил бўлади. Тил фактларига мурожаат қиламиз:

*У ҳар сафар девор ошганда, энди колхозда “катта қозиқ” бўлганини айтиб, Меҳрига шон-шухрат ваъда қилар эди.*¹(107)

Ушбу мисол мураккаб содда гап, кесими мазмунан иккита, уюшиб келган. Аммо шаклан ўзбек адабий тилининг синтактик қурилиши инобатга олинганидан биринчи қисм предикатив шаклга эга эмас (*айтиб*). Бу шакл гапнинг олдинги қисмини кейинги қисми билан боғлаш вазифасини бажаради. Ёзувчи сўз боғловчи (*ва*)ни кўшимча боғловчи (*-иб*) билан алмаштирган. Натижада иккала қисм узвий боғланган. Шу назарда тутилмаса муаллиф гапи кесимининг тўлиқ шакли қўлланиб эга, кесим муносабати ифодасини топади: *У ... айттар эди.* Бундан ташқари шу битта гап алоҳида абзац қилиб берилган. Бу билан гапда ифодаланган фикрни микромазмуннинг бошқа қисмидан ажратиб кўрсатиб унга ўқувчининг диққати жалб қилинган.

Энди ушбу мисолнинг русча таржимасини олиб кўрайлик:

Добавим, что Зулфикаров не ограничивался вещественными дарами. Во время своих посещений он стремился также и поддержать дух Меҳри, говоря, что теперь он в колхозе большой человек, и намекая при этом, что-нибудь достанутся почести и даже слава (206).

Таржима ҳам алоҳида абзац қилиб берилган. Аммо унинг ҳажми асл нусхадан икки баравар ҳам катта. Бунинг боиси таржимадаги биринчи гап асл нусхада йўқ. Бир неча сўз ва бирикма ҳам қўшилган. Бундан ташқари ўзлаштира гап уюшиқ кесимининг ҳар бири мустақил предикатив шаклга эга бўлганидан иккита ўзлаштира гап ҳосил бўлган. Шунга кўра таржимада ўзбек матнига хос тежамкорлик акс этмаган. Айни пайтда асл нусхада абзацнинг бошида қўлланган сифатдош бирикма орқали ёзувчи ўқувчининг диққатини Зулфикаров билан Умиданинг муносабати миллий ахлоқ қоидаларига оддий сўзлар қўлланганидан (*во время своих посещений*) ифода асл нусхада назарда тутилган таъсир кучини йўқотган.

Немисча таржимадаги абзацнинг ҳажми русча таржимага мос. Чунки биринчи гап қўшилган аниқроғи олдинги абзацдан бу ёққа кўчирилган. Бошқа кўп жиҳат ҳам рус тилига айнан ўхшаш. Фақат абзацнинг ўзлаштира гап қисмида немис тилининг ўзига хос грамматик хусусияти (қаранг: 2.1) инобатга олинган. Нутқ феъли (*erklärte*)дан кейин боғловчисиз эргаш гап қўлланган бўлиб сўз тартиби мустақил содда гапдагидек. Биринчи кесим презенс конъюнктив (*sei*), иккинчи кесим имперфект конъюнктив шакли орқали ифодаланган:

Es ist hinzuzufügen, daß Sulfikarows Geschenke nicht nur materieller Art waren. Während seiner Besuche bemühte er sich auch, Meħris moralische Verfassung zu helfen, indem er erklärte, er sei jetzt in

¹Мазкур мақоладаги таҳлилга тортилган мисоллар А.Қаҳҳорнинг *Синчалак* асари ва унинг русча (*Птичка невеличка*) ҳамда немисча (*Sekretär Saida*) таржималаридан олинди.

der Kolchose ein großer Mann, und irgendwann einmal würde auch ihr, Mechri, mit seiner Hilfe Ehre und Ruhm zuteile. (112-113)

Битта содда гапда иккита кўчирма гап ўзлаштириб баён қилиниши мумкин:

Қаландаров бюро составига таклиф қилган номзодларидан Усмоножон Умаров ўтмаганини, унинг ўрнига Исмоилжон Норматовўтганини эшитиб, гарчи шу одамни таклиф қилиш эсига келмаганига ичидан ачинса ҳам, жон-пони чиқиб кетди (85).

Бу мисолда ҳам муаллиф гапининг кесими феъл бўлса-да, нотўлиқ предикатив шаклга эга. Феъл ўзаги хабарнинг ўзлаштирилганини англатиб кўшимчаси (-иб) гапининг олдинги қисмини муаллиф гапининг тўлиқ шаклланган кесими билан боғлайди (*жон-пони чиқиб кетди*). Мухим фарқ шуки, иккита кўчирма гап ўзлаштирилганидан бирикмали тўлдирувчи икки марта қўлланган. Нутқий мақсад талаби билан гап таркибидаги етакчи сўзларнинг валентлиги воқеланганидан ўзлаштира гап анча кенгайган. Яна ўзлаштира хабар абзацнинг биринчи гапи, абзац эса бўлимнинг биринчи абзаци эканлиги назарда тутилса, унга мантиқий урғу тушган дейиш мумкин. Муаллиф гапининг эгаси атоқли от (Қаландаров) билан ифода этилган бўлиб тасвирланган воқеа-ходиса шу шахсга дахлдор. Нутқий вазият талабига кўра ёзувчи атиги иккита гапни алоҳида абзац қилиб Қаландаровнинг салбий муносабатини юқори даражада биринчисида луғавий восита, иккинчисида бундан ташқари грамматик восита ҳамда нолисоний омил (ёзувда ундов белгиси) орқали ифодаланган. (Бу гап мисолда берилмаган).

Русча таржимада асл нусхадаги баён тарзи ўзгартирилган. Оқибатда атиги иккита гап олтига катта-кичик гапга айланиб ўн бир қаторли абзац ҳосил бўлган. Таржимон абзацнинг бошидан охиригача диққат-эътиборни Қаландаровнинг салбий хусусиятини бўрттириб баён қилишга қаратган. Шу боис тўрт ўринда ундов белгиси кўйилган. Ўзлаштира хабардан атиги нотўлиқ кесим равишдош шаклида (*узнав*) берилган холос. Ўзлаштирмаликни ифодалаш учун хосланган тўлдирувчи эргаш гапдан фойдаланилмаган. Исм фамилияси келтирилган шахсдан биттаси тушириб қолдирилган, иккинчисининг фақат исми айтилган ва ҳоказо. Хуллас ёзувчининг ўзига хос услубидан асар ҳам қолмаган. Мана ўша абзац:

Узнав о случившемся, Каландаров был вне себя. В конце концов он, пожалуй, мог бы и сам выдвинуть кандидатуру Исмаилджана, черт с ним, пусть бы был в бюро, он, Каландаров, вовсе не такой злопамятный, каким его считают! Его бесил не сам факт избрания Исмаилджана, а то, что он, Каландаров, внес предложение – хорошее или плохое, другой вопрос – и это предложение было отвергнуто! Он внес, а Саида отвергла! Весь свой гнев он теперь сосредоточил именно и персонально на Саиде. А остальные тоже хороши, уже готово, пошли у нее на поводу! (175-176)

Немис таржимони русча матнга асосланганидан кўпчилик кусур айнан такрорланган. У ҳам ўзлаштира гап қўлламаган. Муаллиф гапининг кесимини тўлиқ предикатив шаклда (*erfuhr*) ишлатган холос. Ёзувчи услубига риоя қилмаслик оқибатида абзацга гап сони рус тилидагидан ҳам битта кўпайган. Қўлланган иборалардан айримининг маъноси рус тилидагидек асл нусхадан кескин фарқ қилади. Масалан: *ичида ачинса ҳам – черт с ним – der Teufel sollte ihn holen!* ва б. Бошқа хато ва кусурлар ҳам борлигидан абзаци тўлиқ келтирамаиз:

Als Kalandarow erfuhr, was vorgefallen war, geriet er außer sich. Schließlich hätte er auch selbst Ismaildshan – der Teufel sollte ihn holen! – nominieren können. Sollte er doch in die Leitung hinein, er, Kalandarow, war gar nicht so übelnehmerisch, wie man glaubte! Nicht so sehr, daß Ismaildshan gewählt war, brachte ihn in Hornisch als vielmehr das: Er, Kalandarow, machte einen Vorschlag – ob gut oder schlecht, war eine andere Sache –, und dieser Vorschlag wurde einfach abgelehnt! Er machte ihn, und Saida lehnte ihn ab! Sein ganzer Zorn richtete sich jetzt speziell und persönlich gegen Saida, und die anderen, natürlich, die waren gleich bereit, ließen sich von ihr ins Schlepptau nehmen! (75)

Иккита кўчирма гап ўзлаштирилиб битта содда гапда ифодаланганда гапнинг синтактик жиҳати юқоридаги мисоллардан бошқача бўлиши мумкин:

Ҳуринисо унинг бетоб эканини, ухлаб ётганини айтди. (166)

Ушбу мисолда ёзувчи юқори даражада тежамкорликдан фойдаланиганидан атиги етти сўзли содда гапда ҳам муаллиф (сўзловчи) фикрини ҳам икки марта кўчирилган фикрни ўзлаштириб баён қилган. Иккита бирикмали тўлдирувчи беш сўздан, муаллиф гапи атиги икки сўз (эга ва кесим)дан иборат. Эга атоқли от (*Ҳуринисо*), кесим вазифасида нутқ феъли қўлланган. Феъл кўшимчаси хабар майлининг ўтган замон кўрсаткичи. Бундан ташқари сўзловчи иш-ҳаракатни бевосита кузатган (*айт+ди*). Демак, кесимнинг кўшимчаси предикативликни тўлиқ шакллантиради. Бу жиҳатдан ушбу нутқ феълнинг шакли ва мазмуни юқорида таҳлил қилинган иккала мисолдан ҳам фарқ қилади. Бирикмали тўлдирувчининг биттаси иккита, бошқаси учта сўз билан ифодаланган. Баён ноҳиссий бўлгани боис гап охирига нуқта қўйилган ва ҳоказо.

Рус таржимони ҳам мазкур фикрни битта гап орқали ифода этган. Унга ҳам муаллиф гапини ҳам ўзлаштирма хабарни жо этган. Рус тилининг синтактик хусусиятини инобатга олиб қўшма гапдан фойдаланган. Муаллиф фикри бош гап, ўзлаштирма хабар эргаш гап шаклида берилиб эргаштирувчи боғловчи (*что*) қўлланган (қаранг: 2.2). Бинобарин таржиманинг грамматик жиҳати эътироз туғдирмайди. Аммо таржимон ўзидан сўз қўлаганидан мустақил ва ёрдамчи сўз сони икки баравардан ошиб ўн олтитагача етган. Оқибатда ёзувчининг услубидан анча узоқлашган:

Однако встретившая её на пороге Хурниса решительно заявила, что Арсланбек заболел, принял лекарство и лёг спать. (288)

Русча таржимага айнан мос бўлганидан немисча таржимада ҳам фикр ифодаланишининг грамматик жиҳати рисоладагидек. Чунончи эргаш гапли қўшма гапдан фойдаланилган, эргаштирувчи боғловчи (*daß*) қўлланган, конъюнктив замон шакллари қоидага мос ишлатилган. Аммо таржима бевосита бўлмагани боис асл нусхада йўқ сўз ва шакллар қўлланган. Жумладан аниқловчи эргаш гап қўшилган, икки марта ўзлаштирмалик уч марта бўлиб қолган. Гапда мустақил ва ёрдамчи сўз сони 24 тага етган. Русча таржимада *принял лекарство* борлиги учун *eine Medizin eingenommen habe* қўшилган. *Хурнисо* отининг имлоси рус тилига мос бўлиб қолган (*Хурниса - Churnisa*) ва бошқалар. Энди таржима матнини тўлиқ келтирамиз:

Churnisa, die sie auf der Schwelle empfing, erklärte ihr jedoch resolut, daß Arslanbek-aka erkrankt sei, eine Medizin eingenommen und sich schlafen gelegt habe. (217)

Нутқ ўрни ва нутқий вазият тақозо қилганда ихчамлик ва тежамкорликнинг имкони бўлмайди:

Қаландаровнинг бошдан-оёқ иштироки шарт эканини айтди, уни қуттиш, яхшиси айтиб келиши учун одам чиқаришни таклиф қилди. (81)

Кўриниб турибдики, ўзлаштирилган иккита кўчирма гапдан ҳар бирининг алоҳида кесими бор, яъни муаллиф гапининг кесими предикативлик жиҳатдан тўлиқ шаклланган. Кесимнинг биттаси нутқ феъли билан, иккинчиси унга маънодош феъл билан ифодаланган. Кесимга боғланган бирикмали тўлдирувчининг иккаласи ҳам ҳажман анча кенгайган. Натижада ўқувчига битта содда гап орқали берилган маълумот қўлами сезиларли даражада ортган. Шундай бўлса-да бирорта лисоний восита ноўрин ёки ортиқча қўлланган дея олмаймиз.

Рус таржимони ёзувчининг услубига риоя қилмай бошқача йўл тутган. Оқибатда битта гап ўрнига уч гапли алоҳида абзац пайдо бўлган. Баён тарзи ҳам ўзгартирилган. Ҳис-туйғу даражаси, оҳанг турлича. Шу боис биринчи гапдан кейин ундов белгиси, иккинчи гапдан кейин нукта қўйилган. Луғат таркиби қисман ўзгартирилган. Айрим сўз туширилиб айрим сўз ва бирикма назарда тутилган. Шундан бўлса керак учинчи гап охирига кўп нукта қўйилган. Ифоданинг грамматик жиҳати ҳам қисман ўзгаланган. Иккита эргаш гап ўрнига битта қўлланган яъни асл нусхадаги икки марта ўзлаштирилган кўчирма гапдан биттаси қисқартирилган. Бундан ташқари иккинчи абзац чизик билан бошланган. Бу ушбу абзац кўчирма гап эканлигидан далолат беради:

–Вопрос так важен, что присутствовать товарищу Каландарову на собрании необходимо от начала до конца! Есть предложение подождать его! А еще лучше, послать за ним... (171)

Немис таржимони тутган йўл кўп жиҳатдан русча таржимага мос. Жумладан гап сони бир нечта, алоҳида абзац, ҳиссий баён билан ноҳиссий баён ҳам мавжуд, ўзлаштирма гап билан кифояланмай кўчирма гапга ҳам мурожаат қилинган. Ўзлаштирма гап иккита эмас, битта. Асл нусхадаги айрим сўзга эҳтиёж сезилмай бошқаси билан алмаштирилган. Шу билан бирга олдинги абзацдан иккита гап ушбу абзацга қўшилган. Ўзлаштирма гап қўштирноққа олинган ва ҳоказо. Шу ва бошқа ўзгаришларни кўрсатиш мақсадида абзацни тўлиқ келтирамиз:

Umida hob schon an zu reden, da sprang Saida auf und rief mit vor innerer Anspannung bebender Stimme: „Die Angelegenheit ist so wichtig, daß die Anwesenheit des Genossen Kalandarow unbedingt erforderlich ist! Ich schlage vor, auf ihn zu warten. Oder besser, ihn zurückzuholen...“ (69)

Битта содда гап орқали ўзга шахс амалга оширган иш-ҳаракат уч марта ўзлаштириб баён қилиниши мумкин:

Гапдан гап чиқиб, булардан бири Кариманинг отаси қамоқ муддатини битириб келганини, Қорасув станциясида чўткачилик қилиб юрганини бундан икки йил бурун ўз кўзи билан кўрганини айтди. (52)

Гап содда бўлса-да йигирма тўртта мустақил ва ёрдамчи сўздан таркиб топган. Сабабларидан бири шуки амалга оширилган иш-ҳаракатнинг объектив замони учта сўз (*икки йил бурун*) билан ифодаланган. Нутқ вазияти баёнда аниқликни тақозо этганидан бевосита кузатганлик семасини таъкидлаш мақсадида иккита мустақил ва битта ёрдамчи сўз (*ўз кўзи билан*) қўлланган. Яна сўзловчи иккита сўз (*булардан бири*), ўзлаштирма хабарнинг эгаси изоҳловчиси билан иккита сўз (*Кариманинг*

отаси), боз устига иш-ҳаракатнинг ўрни ҳам иккита сўз (*Қорасув станциясида*) орқали воқеланган. Ани пайтда тежамкорлик ҳам унутилмаган. Нутқ феъли (*айтди*) атиги бир марта ишлатилган.

Энди шу гапнинг рус тилидаги бевосита таржимасига назар ташлаймиз:

Слово за слово – и вдруг Карима услышала от одного из них, что он два года назад своими глазами видел ее отца. Отбыв срок наказания, отец вернулся в родные места и работал чистильщиком сапог на станции Карасу...(132)

Луғат таркиби жиҳатдан таржимани асл нусхага мос деб бўлмайди. Чунки иш-ҳаракатнинг кўққисдан амалга ошганини кўрсатувчи битта ёрдамчи ва битта мустақил сўз қўлланган (*и вдруг*), иш-ҳаракатнинг ўрнини ифодалаш учун ишлатилган бирикма (*на станции Карасу*) ёнига мазкур маънони билдирувчи бирикма (*в родные места*) пайдо бўлган. Асл нусхада учинчи ўринда турган гап биринчи ўринга чиқарилган. Фикрнинг тугамаганлигини кўрсатувчи кўп нуқта қўйилган ва ҳоказо.

Ўзлаштирма фикрнинг грамматик ифодаланишига келсак нотўғри йўл тutilган дея олмаймиз. Чунки аввал эргашган кўшма гап орқали ўзлаштирма хабар ифодаланган. Қўшилган сўз ва бирикмалар ҳисобидан хабар ҳажман кенгайиб кетганлиги боис бўлса керак иккинчи ва учинчи марта ўзлаштирилган хабар кесими уюшган мураккаб содда гап орқали таржима қилинган.

Немисча таржимада русча матндаги луғавий қусур ва камчиликлар айнан ёки қисман такрорланганини кўраемиз. Жумладан фақат иш-ҳаракатнинг кўққисдан амалга ошганини англатувчи сўз эмас, бевосита кузатганлик семасини таъкидловчи бирикма ҳам тушириб қолдирилган.

Ўзлаштирмаликнинг грамматик ифодасига эса биринчи гапда тўлиқ риоя қилинган. Чунончи, ўзлаштирмаликнинг синтактик хусусиятини акс эттирадиган боғловчи эргашган кўшма гап ва эргаш гапда ўзлаштирмаликнинг морфологик белгиси бўлган конъюнктив замон шакли (перфект) ишлатилган. Ўзлаштирма хабарнинг иккинчи ва учинчи қисми эса рус тилидагидек мураккаб содда гап орқали ифода этилган:

Ein Wort gab das andere, und Karima erfuhr von dem einen, daß er zwei Jahre vorher ihn gesehen habe. Nach der Verbüßung der Haftstrafe war der Vater zu den heimatlichen Stätten zurückgekehrt und versah jetzt den Dienst eines Schuhputzers auf dem Bahnhof von Karassu...(19-20)

Кўйдаги содда гап ўзлаштирилган кўчирма хабарнинг сонига кўра олдинги мисол билан бир хил. Аммо ҳажман ундан ката бўлиб мазмунан туб фарқ қилади:

Кўп вакиллар музокарада райком бюросининг фаолиятини танқид қилиб, колхозларда партиявий-сиёсий ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, сиёсий-тарбиявий ишлар хўжалик ишлари соясида қолиб кетганлиги, бирмунча колхозларда раҳбар кадрлар сояда ўсайганлиги тўғрисида гапиришган эди. (46)

Кўриниб турибдики хабар колхозларда сиёсий, тарбиявий ва раҳбар кадрлар масаласида йўл қўйилган жиддий хатолар танқиди хусусида. Айбдор Қаландаров каби раислар эмас, *райком бюроси* эканлиги рўй-рост айтилган. Холбуки шўро салтанатида юқори партия ташкилоти раҳбарларини танқид қилишга йўл қўйилмас эди. Абдулла Қаҳҳор шу тақикқа қарши борган, 50-йилларда уни жамиятга ошкор этган. Аммо асар таржимони Константин Симоновдек коммунист ёзувчи шу гапни рус китобхонига етказишга журъат қила олмаган. Айбни Қаландаровга тўнкаш билан чекланган:

– Да уж, – сказала она, – Каландаров вот именно из тех председателей, про которых у нас на конференции говорили, что у семи нянек дитя без глазу! (124)

Асл нусхадан фойдаланиш имкони бўлмаганиданми ёки бошқа сабабданми немис таржимони ҳам Саида номидан колхоз раисини қоралаган. Оқибатда рус тилидагидек учта ўзлаштирма хабардан биттаси таржима қилинган холос: *“Dann gehört also Kalandarow”, sagte sie, „zu den Vorsitzenden, über die man auf der letzten Konferenz gemeint hat, daß unter sieben Ammen das Kind ohne Aufsicht ist.“* (9)

Шуни таъкидлаш жоизки ёзувчининг маҳорати нисбий тугал фикр ифодаланадиган биргина содда гапда тўртта кўчирма гапни ўзлаштириб баён қилиш имконини беради:

Усмонжон унинг бир вақтлар партбюрога аъзо бўлганини, партия ишида тажрибаси борлигини, бунга ҳамма билишини айтди ва лозим бўлса, мажлисда шу номзодни кўрсатишга тайёр эканини билдирди. (80)

Кўриниб турибдики, гапнинг бошидан охиригача бирорта сўзни ноўрин ишлатилган дея олмаймиз. Ўзлаштирмаликнинг биринчи қисмида нутқ вазияти тақозо қилганидан бирикмали тўлдирувчидан ташқари фақат иш-ҳаракатнинг вақти кўрсатилган (*бир вақтлар*) иккинчи қисмда жами тўртта, учинчи қисмда атиги учта сўз қўлланган. Тўртинчи қисм мазмунан ўта муҳим бўлганидан бошқа қисмлардан оҳанг (*ёзувда вергул*) билан эмас, боғловчи (ва) билан ажратилган, муҳим сўзлар билан таъкидланган. Нутқ феъли (*айтди*) икки марта тежалган. Такрор ғализлик туғдириши назарда тутилиб тўртинчи қисмда нутқ феъленинг маънодоши (*билдирди*) қўлланган. Натижада мазмун теранлашиб шакл ихчамлашган ва битта содда гапда тўртта кўчирма гапни

ўзлаштириб жойлаштириш имкони пайдо бўлган. Бу эса ўқувчининг диққат-эътиборини ўзига тортади.

Рус таржимонининг асл нусхага ёндашуви ёзувчиникидан кескин фарқ қилади. Жумладан, олдинги мисолда хабарнинг катта қисми тушириб қолдирилган бўлса бу ерда аксинча асл нусхага эркин ёндашилганидан кўплаб сўз ва бир неча гап қўшилган. Оқибатда асл нусхада атиги тўрт қаторни банд қилган битта содда гап таржимада ўн икки қаторли бутун бир абзацга айланади. Ошкораликни ифодалаш учун хизмат қиладиган учинчи ўзлаштира хабар тушириб қолдирилган. Яна битта ўзлаштира хабар мустақил содда гап орқали ўзлаштирилган. Хуллас асл нусхадаги тўртта ўзлаштира хабардан атиги иккитаси рус тилининг ўзига хос хусусиятини акс эттирувчи эргаши гапли кўшма гап билан ифода этилган:

В ответ Умаров очень горячо и, как показалось Саиде, вполне искренне стал хвалить Исмаилджана чуть ли не как самого лучшего бригадира в колхозе, а под конец добавил, что у него даже есть некоторый опыт партийной работы. Еще в те времена, когда Каландаров не раскусил самостоятельного характера своего лучшего бригадира, тот, именно по рекомендации председателя, был введен в один из составов бюро. В заключение Умаров сначала с маленьким колебанием, а потом уже тверже сказал, что, если кто-нибудь будет выдвигать его кандидатуру, он сразу же даст себе отвод и в свою очередь выдвинет кандидатуру Исмаилджана. (170)

Немисча таржимага русча асос қилиб олинганидан абзацнинг ҳажми, гапларнинг луғат таркиби, сони ва ўрни бевосита таржимага айнан мос. Шу боис русча таржимадаги шу соҳага оид хато, қусурлар деярли барчаси такрорланган. Фақат кесимни ифодалашда немис тилининг ўзига хос хусусияти (қаранг: 2.1) инобатга олинган. Чунончи учта ўзлаштира гапда презенс, перфект пассив, футурум I, конъюнктив шакллари ишлатилган. Учала гап ҳам боғловчисиз. Шу боис сўз тартиби мустақил содда гапдагидек. Битта ўзлаштира гап русча таржимада тушириб қолдирилганидан немисча таржимада ҳам ўз ифодасини топмаган:

Als Antwort darauf begann Umarow sehr eifrig und – wie es Saida schien – völlig ehrlich Ismaildshan als den sichtlich besten Brigadier der Kolchose zu rühmen und fügte hinzu, eine gewisse Erfahrung in der Parteiarbeit habe er auch schon. Früher einmal, als Kalandarow den selbstbewußten Zug seines besten Brigadiers noch nicht erkannt habe, sei dieser auf dessen Empfehlung hin mal in Parteiteilung gewählt worden. Sodann meinte Umarow, etwas unsicher beginnend, dann aber überzeugter, wenn einer ihn als Kandidaten vorschlagen sollte, er ablehnen und seinerseits Ismaildshan benennen werde. (67-68)

Хулоса. Ўзбек тилида ўзлаштирмалик икки усул билан ифода этилади: бири синтактик, бири морфологик. Синтактик йўл билан ҳосил бўлувчи ўзлаштирмаликнинг энг кичик кўриниши иккита ўзак, негизга кўшимча ёки ёрдамчи сўз кўшиш билан ясалади. Унинг бир неча андозаси бор, барчаси икки қисмдан иборат бўлади. Шулардан бири (ўзлаштира хабар)нинг биринчи қисми тўрт ёки беш узвдан, иккинчи қисми икки узвдан тузилади. Иккинчи қисм вазифасида қўлланувчи сўзнинг сони чекланган, биринчи қисмда эса морфологик восита сони чегараланган. Жумладан, келишик кўшимчасидан фақат биттаси ёки у билан вазифадош бўлган кўмакчи ишлатилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Зикриллаев Ф.Н. *Рух ва тил. Тошкент: Фан, 2018.*
2. Иминов А. *Ўзлаштира гап борми? Ўзбек тили ва адабиёти журнали. 1990, 3-сон.*
3. Номозов К., Йўлдошев Б. *“Ўзлаштира гап борми?” мақоласини ўқиб. Ўзбек тили ва адабиёти журнали. 1993, 4-сон.*
4. Назарова Х. *Эски ўзбек ёзма ёдгорликларида кўчирма гапларнинг қўлланиши. Тошкент, 1959.*
5. Фуломов А., Асқарова М. *Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1987.*

**INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA QO'LLANILADIGAN UNDOVLARNING MA'NO
TURLARI**

*Salixova Nodira Nurullayevna,
Buxoro davlat universiteti
tarjimashunoslik va lingvodidaktika kafedrası
katta o'qituvchisi
n.n.salixova@buxdu.uz*

Annotatsiya: Maqolada ingliz va o'zbek tillarida qo'llaniladigan undovlar, ularning ma'no xususiyatiga ko'ra turlari keltirilgan. Shuningdek ingliz va o'zbek tili badiiy asarlarida uchraydigan undovlar tahlil qilingan. Ma'lumki, alohida so'zlarning ma'nolarini batafsil ochib bermasdan hech qanday semantik tahlil, shu jumladan jumalarni tahlil qilish mumkin emas va bu, o'z navbatida, ekstralingvistik haqiqatga murojaat qilmasdan mumkin emas, chunki bu ekstralingvistik voqelikni tahlil qilishdir. Binobarin, hech bir tadqiqotchi til faqat nutqda va nutq orqali mavjud bo'lib, borliqning boshqa shakllarini bilmasligini e'tibordan chetda qoldira olmaydi. Binobarin, tilning leksikasi yoki lug'ati uning bir qismi sifatida, son-sanoqsiz real nutqiy asarlardan ajratib olinishi kerak.

Kalit so'zlar: undov, his-hayajov, buyruq-xitob, nutq, talaffuz.

Abstract: The article presents interjections used in English and Uzbek, their types according to their meaning. Also, interjections found in English and Uzbek language works of art are analyzed. It is known that no semantic analysis, including the analysis of sentences, is possible without revealing the meanings of individual words in detail, and this, in turn, is impossible without reference to extralinguistic reality, because this is an analysis of extralinguistic reality. Therefore, no researcher can ignore the fact that language exists only in speech and through speech, and does not know other forms of existence. Therefore, the lexicon or dictionary of a language must be distinguished from the countless real speech works as part of it.

Keywords: interjection, emotion, command-call, speech, pronunciation.

Аннотация: В статье рассматриваются междометия, используемые в английском и узбекском языках, их виды по смыслу. Также анализируются междометия, встречающиеся в английских и узбекских литературных произведениях. Известно, что никакой семантический анализ, в том числе и анализ предложений, невозможен без детального раскрытия значений отдельных слов, а это, в свою очередь, невозможно без обращения к внеязыковой действительности, ибо это есть анализ внеязыковой действительности. Поэтому ни один исследователь не может игнорировать тот факт, что язык существует только в речи и через речь и не знает других форм существования. Поэтому лексику или словарь языка необходимо отличать от бесчисленных реальных речевых произведений, входящих в его состав.

Ключевые слова: междометие, эмоция, восклицание, речь, произношение.

Kirish. Ma'lum bir til vakilining nutqi nimasi bilan ajralishi mumkin, nutqda grammatikaning to'g'ri qo'llanishi bilan bo'lsa, unda til vakillari o'rganuvchilardan ko'ra ko'proq xatolikka yo'l qo'yadilar, yoki boy leksikasi bilan deydigan bo'lsak, bu holatda oliy ta'lim muassasasida til o'rganayotgan kishining so'z boyligi oliy ma'lumotga ega bo'lmagan til vakilidan ko'proq bo'lishi mumkin. Ona tili vakilining nutqiga xos bo'lgan narsa bu – undovlardir. Tilning ichki boyligini va salmog'ini ortishiga xizmat qiladigan vositalardan biri ham aynan shu undovlardir.

Undov so'zlar nutqning emotsionalligini ko'rsatib, talaffuzda ham osonroqdir. Nutqdan avval bu so'zlarni alohida lug'at qatoridan topib qo'llash shart emas, chunki ular nutqda o'z-o'zidan shakllanadi, ya'ni so'zlovchining hayrat, taajjub, qo'rquv, qiziqish kabi his-tuyg'ularini namoyon etishda yo'l-yo'lakay yuzaga keladi, ya'ni vaziyat shu taqozo qiladiki, inson o'zi xoxlamasdan holatini tilda aks ettiradi. Biz kundalik nutqimizda o'zimiz bilmagan holda undovlardan unumli foydalanamiz va bu orqali suhbatdoshimizga o'zimizning munosabatimizni aniq ko'rsata olamiz.

Tilshunos olim Sapayev Q. Hozirgi o'zbek tili (morfemika, so'z yasalishi va morfologiya) o'quv qo'llanmasida undov so'zlar haqida quyidagicha ma'lumotlarni aytib o'tgan: "Undov so'zlar kishilarning his-hayajonini, buyruq-xitob, haydash, chaqirish ma'nolarini ifodalaydi. Undov so'zlar leksik ma'no ifodalay olmasligi, kelishik, egalik, son affikslarini olmasligi jihatidan mustaqil so'zlardan farq qiladi. Shuningdek,

nutqda boshqa soʻzlar bilan grammatik aloqaga kirisha olmasligi, gapning biror boʻlagi vazifasini bajara olmasligi ham bu soʻz turkumining asosiy xususiyatlaridan biridir. Ular faqat otlashgandagina gapning bosh yoki ikkinchi darajali boʻlagi vazifasini bajarishi mumkin.

Asosiy qism. Undovlar ingliz tilida ham oʻzbek tilida kelishikda, sonda, zamonda oʻzgarmaydi, shuningdek, biror gap boʻlagi vazifasida kelmasa-da, qisqa soʻz yordamida soʻzlovchining his-tuygʻusini, boʻlayotgan voqea-hodisaga nisbatan fikri va munosabatini ifodalashda aynan undovlardan foydalaniladi.

Ingliz va oʻzbek tillarida undovlarning salmogʻi ancha katta boʻlib, birinchi navbatda ular soʻzlovchining his-hayajonini namoyon etadi, misol uchun

“Oh, you girls are wonderful!”

Bu misolda soʻzlovchining taajjubda ekanligi namoyon boʻlmoqda.

Ingliz tilida koʻp uchraydigan undovlar va ularning maʼno ifodasi:

Aah – qoʻrquv ifodasi,

Awesome – hayratlanish ifodasi,

Cool – ajoyib,

Aww – yoqimli biror narsani koʻrgandagi ifoda,

Eww – jirkanish,

Hmph – eʼtiborsizlik,

Eh – ikkilanish ifodasi,

Bingo – biror narsaning toʻgʻri ekanligini tasdiqlash,

Ooh-la-la – hayrat yoki taajjub ifodasini boʻrttirish,

Oh -iqrorlik ifodasi,

Ouch – ogʻriq nolasi ifodasi,

Oops – xatoni anglaganlik ifodasi,

Hooray - urey,

Shh – tinchlikni saqlashga undash

Misol uchun: *Hey! What are you doing here?*

Hoy! Bu yerda nima qilyapsan?

Ahh! I didn't see you standing there.

Voy! U yerda turganingni payqamapman.

Sintaktik nuqtai nazardan undovlar mustaqil soʻz-gap vazifasida kelishi mumkin. Ularning oʻzi soʻz-gap sifatida yetarli boʻlishi yoki boʻlmasa asosiy gap bilan moslashishi mumkin. Agar undovlar asosiy gap bilan moslashsa, unda ular gap oxirida yoki boshida ham kelishi mumkin.

Undovlar alohida qoʻllanganda boshqa gaplar bilan oʻz aloqasini yoʻqotmaydi. Mustaqil undovlar, asosan undov gaplarda koʻproq qoʻllanadi. Koʻplab undovlar – shunchaki tovushlar boʻlib, ular gap boʻlagi boʻla olmaydi. Bunday undovlar, odatda, ogʻzaki nutqda uchraydi, ularning yordamida nutq pauzalari toʻldiriladi, aytilayotgan fikrga emotsional boʻyoqdorlikni namoyon qiladi yoki boʻlmasa tinglovchi eʼtiborini jalb qiladi. Rasmiy hujjatlar va ilmiy matnlarni undovlardan xoli qilgan maʼqul hisoblanadi.

Undovlar maʼno xususiyatiga koʻra ikkiga boʻlinadi, bular:

- His-hayajon undovlari

- Buyruq-xitob undovlari

His-hayajon undovlari quyidagi maʼnolarga ega:

1. Shodlik, xursandchilik, masalan O-o! buni chayirligini qara! Oʻzbeklar kuchli boʻladi deb eshitganman

2. Xafalik, charchoq, ogʻir ruhiy qiyinchilik, masalan: E-e, ular bilan endi ishim yoʻq, har kimning dori-sirtmogʻi alohida, har kim oʻz qilmishiga oʻzi odil Poshsho oldida javobini beraveradi.

3. Taʼkid, taajjub, masalan: Masʼul ensasasini qotirib, *Voy-boʻ*, yaxshiyam oʻzingiz tugʻmagansiz, agar bolangiz boʻlsa, tilingizni tagiga solib yurarkansiz-da ,, deb piching qildi.

4. Urf-odat, masalan: Bir kuni yuzlari chekich urilganday choʻtir kishi “*hormanglar!*” deb kirib kelib, boʻsagʻadagi hoʻl lattaga oyogʻini arta-arta hol-ahvol soʻragani, onam sichqonlardan nolib, margimush zarurligini aytgani va men birdan yigʻlab yuborganim, “Kerakmas, ularga tegmanglar, ular meni doʻstlarim!” deb gʻishava qilganim esimda.

Asosan hayvon, yoki qushlarni chaqirish va haydash, ularni harakatlantirish yoki harakatni cheklashda ishlatilib, ulardan ayrimlari insonga nisbatan ham qoʻllaniladi kishi nomlari oʻrnida kelib, murojaatni ifodalovchi undovlar buyruq-xitob undovlari hisoblanadi.

Oʻv, puling menga kerakmas. Aytyapman-ku, tumanga, tumanga! U qoʻli bilan osmonga ishora qildi.

Ey ahli ushshoq! Ishq dardida sayr etib, dunyoviy saboqlar Sabil qolmasin taʼgin, -dedi yolgʻon poʻpisa bilan.

O'v, adashding, men xalqimda sodiq odamman, bor, toshingni ter!

Undovlar gapning hech bir bo'lagi bilan grammatik aloqaga kirishmaydigan va gap bo'lagi vazifasida ham kela olmaydigan o'zgarma so'z turkumidir.

Undovlar zamonaviy ingliz tilida eng qiziqarli va o'zgacha nutq birligi hisoblanadi. Kundan-kunga nutqda turli yangicha undovlar paydo bo'lib, ularning ayrimlari tezda unutilmoqda, yoki bo'lmasa, nutqni yanada ifodali qilib ma'lum bir til doirasini boyitadi va bo'yoqdorligini oshiradi. Ingliz tilidagi undovlarni yaxshiroq anglash uchun turli yumoristik va badiiy adabiyotlarni o'qish, turli teleko'rsatuvlarni tomosha qilish maqsadga muvofiq hisoblanadi. U yoki bu so'zning ma'nosini aytilgan kontekstning umumiy ma'nosini anglash mumkin, shuningdek, nutq ishtirokchisining turli mimika va imo-ishoralari ham ko'makchi bo'la oladi. Fe'llar, otlar va olmoshlar undovlar vazifasini bajarishi mumkin, chunki ular gapning emotsionalligini kuchaytirishga yordam beradi.

Ma'lumki, alohida so'zlarning ma'nolarini batafsil ochib bermasdan hech qanday semantik tahlil, shu jumladan jumalarni tahlil qilish mumkin emas va bu, o'z navbatida, ekstralingvistik haqiqatga murojaat qilmasdan mumkin emas, chunki bu ekstralingvistik voqelikni tahlil qilishdir. Binobarin, hech bir tadqiqotchi til faqat nutqda va nutq orqali mavjud bo'lib, borliqning boshqa shakllarini bilmasligini e'tibordan chetda qoldira olmaydi. Binobarin, tilning leksikasi yoki lug'ati uning bir qismi sifatida, son-sanoqsiz real nutqiy asarlardan ajratib olinishi kerak.

Xuddi shu narsa undovlarning ma'nolariga ham tegishli: ularning ma'nolari nutqda, kontekstda amalga oshiriladi, o'rnatiladi, bir-biridan ajratiladi va, qoida tariqasida, hal qiluvchi rol o'ynaydigan nutq aloqasining o'ziga xos sharoitlarida bir ma'noda namoyon bo'ladi.

Undovlar faqat paradigmatic munosabatlar bilan tavsiflanadi. Undovlarga nisbatan paradigmatica deganda, biz "ma'lum darajadagi birliklar o'zlarining" ma'nosini" bir xil darajadagi boshqa birliklar bilan solishtirish asosida" olishiga asoslanib, kesimlarning o'zaro munosabatini tushunamiz. Shu bilan birga, kesim ba'zi hollarda boshqa so'zlar bilan sintagmatik munosabatga kiradi. Bunda aytamizki, bu yerda endi kesim emas, balki lug'aviy ma'no, ba'zan esa bu shakllarning grammatik shakllari va grammatik ma'nolarini qabul qiluvchi ahamiyatli so'z. Buni quyidagi misolda ko'rish oson:

When Danny stripped, there were ohs and ahs of delight.

Bu misolda oh va ah so'zlari endi alohida gap bo'lagi emas, chunki ular hayrat tuyg'usini ifodalamaydi, balki nomlaydi. Oh va ahs undovlari gapdagi boshqa so'zlar bilan sintagmatik munosabatga kirib, gap a'zosiga aylanib, nominativ vazifa shaklida leksik ma'no va ularning ko'plik shakllarining grammatik ma'nosiga ega bo'lgan. Ular otga aylandi.

Bundan tashqari, har bir birlik bir xil darajadagi boshqa birliklar bilan mumkin bo'lgan kombinatsiyalarning o'ziga xos diapazoni yoki boshqacha qilib aytganda, muvofiqlik bo'yicha o'zining pozitsion cheklolariga ega bo'lganligi sababli, bu cheklolar ushbu birlikning xarakteristikasi bo'lib xizmat qilishi mumkin. Biroq, undovning umuman bo'lmagan kesimlarga mosligi yo'q, shuning uchun unga taqsimlash tushunchasini qo'llash mumkin emas, deymiz. Shu bilan birga, funksional farqni neytrallashtirishga olib keladigan shunday pozitsiyalar mavjud: paradigma a'zolaridan birini ajratib turadigan xususiyat ahamiyatli bo'lishni inkor etadi. Natijada, mos keladigan muxolifat neytrallanadi.

Masalan, undovga aylangan ahamiyatli so'zda uning leksik va grammatik ma'nolari neytrallanadi. Keling, quyidagi misolni olaylik:

The Flower Girl: I am come to have lessons. I am.

And to pay for them toot make no mistake.

Higgins (stupent): Well!

Yuqoridagi gapda undov so'z faqatgina "yaxshi" qo'shimchasiga xos bo'lgan leksik ma'noga ega emas. U leksik va grammatik ma'nolarining neytrallanishi tufayli hayratning emotsional undovi vazifasini bajaradi.

Neytrallashtirish kontseptsiyasi undovlarning shakllanish hodisalariga yangicha yondashish imkonini beradi, ya'ni, lingvistik adabiyotda hanuzgacha bunday hodisalarga turli xil talqinlar keltiriladi.

Undovlarning kesimsiz qo'shma gaplar bilan bog'lanishi ikkinchisining kesim vazifasini o'zlashtirishi va ularning kesimga aylanishidan iborat. Masalan, ingliz tilida: Fiddlesticks! O'zbek tilida: Xudo! Rahmatli! Xo'sh, nega! Nima! va hokazo. Undovlar turkumi doimiy ravishda bunday hosilalar bilan yangilanadi va shakllanadi. Ushbu to'ldirish lug'aviy ma'nosini yo'qotgan va faqat hissiy ma'noni ifodalovchi muhim so'zlar va iboralar tufayli yuzaga keladi. Bunday so'z va iboralarning undovga o'tishi leksema yoki leksema birikmasining denominallashuvi, grammatik shakl va grammatik ma'nolarning yo'qolishi bilan birga kechadi.

Bunday jarayonlar natijasida gap bo'lagi sifatida undovlar juda noaniq chegaralarga ega bo'lib, nutqning boshqa qismlarida - muntazam yoki vaqti-vaqti bilan - qat'iy cheklolarga ega emas. Tahlil natijasida shuni taxmin qilishimiz mumkinki, gapning bu qismining asosiy o'zagi sifatida haqiqatda undovlar

va ko'p sonli so'zlar mavjud bo'lib, ular aslida undov bo'lmagan, faqat shunday vazifasini bajaradi, bu so'zlar undovning periferiya qismini tashkil qiladi.

Tuzilishi bo'yicha undovlar sodda va qo'shma gaplarga bo'linadi. Birlamchi bo'laklar har doim oddiy; ular nutqning boshqa qismlari orasida o'xshash va omonimlarga ega emas.

Undovlarning hosilalari oddiy va qo'shma gaplarga bo'linadi.

Undovlar nominativ funksiyadan mahrum bo'lishiga qaramay, ular tilda mustahkam o'rnatilgan ma'noga ega bo'lib, odamlarning ma'lum bir lingvistik jamoasi uchun me'yordir.

Xulosa. An'anaga ko'ra, so'zlar avloddan-avlodga o'tadi va so'zlovchi ularni boshqa odamlar qanday talaffuz qilsa, shunday talaffuz qilishi kerak. Boshqacha qilib aytganda, undovlar ma'lum bir tilning fonologik vositalari asosida mavjud. Shu munosabat bilan, undovlarning avloddan-avlodga o'tish shartlaridan biri og'zaki muloqot jarayonida odamlarning o'zaro ta'siridir. Moddiy qobiq bilan avloddan-avlodga o'tib, ularning ma'nosini saqlab qolishdir.

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlar asosida shuni aytish mumkinki, ko'pchilik tilshunoslar undovlarni semantikasiga ko'ra tasniflash zarurligi haqida bir fikrda. Biroq tavsiya etilgan semantik tasniflar bir xillikdan uzoqdir. Kesimlarning semantik tasnifini ishlab chiqish orqali biz kesimlarning tabiati va mohiyatini yanada tahlil qilish va o'rganish imkoniyatiga ega bo'lamiz.

ADABIYOTLAR:

1. Usmonov S, *Undovlar*, T., 1953;
2. Wierzbicka, Anna (September 1992). "The semantics of interjection". *Journal of Pragmatics*. 18 (2–3): 159–192.
3. Bloomfield, Leonard (1933). *Language*. New York: Holt.
4. Iqbol Mirzo. *Bonu*. Sharq. 2018.
5. Nurullayevna, S. N. . (2021). *The techniques of explicit grammar instruction*. *Middle European Scientific Bulletin*, 12, 281-284.
6. Salixova, N. N. (2019). *Peculiar features of teaching reading*. *Theoretical & Applied Science*, (11), 705-708.
7. Salikhova Nodira Nurullayevna. (2020). *The key of effective communication is pronunciation*. *European Journal of Humanities and Educational Advancements*, 1(4), 5-7.

Safarova Maftuna Zoir qizi,
 Buxoro davlat universiteti o'qituvchisi
safarovamaftuna21@gmail.com

Annotatsiya. Ushbu maqolada atoqli otlarga qiziqish o'tmishda ham bo'lganligi, kishi ismlari, joy nomlarining paydo bo'lishi, etnografiyasi, ma'no va etimologiyasi haqida tarixiy yozma manbalarda anchagina qiziqarli fikrlar mavjud ekanligi bayon etiladi. Atoqli ot materiallarini sistemali va izchil ravishda to'plash, ularni ilmiy asoslarda keng ko'lamda tahlil qilish o'zbek filologiyasida o'tgan asrning 60-yillaridan boshlandi. Bu boradagi ilk qadamlar H.Hasanov, T.Nafasov, E.Begmatovlarning tadqiqotlarida o'z ifodasini topdi. Keyingi yillarda o'zbek nomshunosligi, ayniqsa, uning toponimika, antroponomimika, etnonimika sohalari jadal rivojlandi. Endilikda o'zbek antroponomimikalarining materiallari qoniqarli ravishda to'plangani va tadqiq qilingani, deyarli barcha viloyatlar, bir qator tumanlar toponimiyasi monografik tarzda o'rganilganini qayd etish mumkin. Bulardan tashqari, ushbu maqolada o'zbek etnonimiyasini ilmiy asosda o'rganish davrlariga ham alohida to'xtalib o'tiladi.

Kalit so'zlar: atoqli ot, etnonimiya, antroponomimika, toponimika, qavm, qabila, elat, millat, urug', xalq, arab manbalari, "Shajarayi turk", uyg'ur, qarluq, nayman.

Abstract. In this article, it is stated that the interest in famous names existed in the past, there are many interesting ideas about the emergence of personal names, place names, ethnography, meaning and etymology in historical written sources. Systematic and consistent collection of well-known noun materials and their extensive analysis on a scientific basis began in Uzbek philology in the 60s of the last century. The first steps in this regard were expressed in the researches of H. Hasanov, T. Nafasov, E. Begmatov. In the following years, Uzbek nomenclature, especially its fields of toponymy, anthroponymy, ethnonymy, developed rapidly. It can be noted that the materials of Uzbek anthroponyms have been satisfactorily collected and researched, and the toponymy of almost all regions and a number of districts has been monographically studied. In addition to these, this article also focuses on the periods of scientific study of Uzbek ethnonyms.

Keywords: noun, ethnonym, anthroponymy, toponymy, people, tribe, people, nation, clan, people, Arabic sources, "Shajarayi Turk", Uyghur, Qarluq, Naiman.

Аннотация. В данной статье констатируется, что интерес к известным именам существовал в прошлом, существует множество интересных представлений о возникновении личных имён, топонимов, этнографии, значении и этимологии в исторических письменных источниках. Систематический и последовательный сбор общеизвестных именных материалов и их обширный анализ на научной основе начались в узбекской филологии в 60-х годах прошлого века. Первые шаги в этом направлении выразились в исследованиях Х. Хасанова, Т. Нафасова, Э.Бегматова. В последующие годы узбекская номенклатура, особенно её области топонимии, антропонимии, этнонимии, быстро развивалась. Можно отметить, что удовлетворительно собраны и исследованы материалы узбекских антропонимов, монографически изучена топонимия практически всех областей и ряда районов. Помимо них, в данной статье также рассматриваются периоды научного изучения узбекских этнонимов.

Ключевые слова: имя существительное, этноним, антропонимия, топонимия, народ, племя, народ, нация, клан, арабские источники, «Шажарайский тюрк», уйгур, карлук, найман.

Kirish. Insoniyat azal-azaldan o'zi va atrofidagi narsa-hodisalarni bir-biridan farqlash uchun alohida nom bilan atay boshlaganligining isbotini qabila va urug'lariga atab qo'yilgan hamda bugungi kungacha tilda yashab kelayotgan etnonimlarda yaqqol ko'rish mumkin.

Insonlarning biologik jihatdan bir butun bo'lishi umumiy sotsiologik qonunlar asosida taraqqiy etib, son-sanoqsiz guruhlarga, to'plarga bo'lindi. Kishilar urug', qabila, elat, xalq, millat kabi uyushmalarga birlashib jamiyatda yashaydi hamda ijtimoiy-foydali mehnat bilan shug'ullanadi. Eng qadimdan XX asrgacha o'zbeklar tarkibiga kirgan barlos, nayman, saroy, qo'ng'irok kabi urug' va qabilalar, o'z navbatida, bir qancha to'p, tira, shox, avlod, qavm singari tarmoqlarga bo'linadi. O'zbek elati turli urug' va qabilalardan ilk o'rta asrlarda shakllana boshlagan... To'p, to'par, shox, ticha jamoa, toifa, avlod, qavm, urug', qabila,

elat, xalq, millat nomlari *etnonimlar* deyiladi. Etnonim yunoncha *etnos* – “xalq” va *onim* – “nom” soʻzlaridan tarkib topgan etnonimlar majmui *etnonimiya* deyiladi [5, 12].

Asosiy qism. Asli nomlar tarixiga eʼtibor qaratadigan boʻlsak, ularning aksariyati xalq ijodi mahsuli ekanligiga guvoh boʻlamiz. Joy nomlari dabdurdan paydo boʻlmaydi. Datlabki geografik obyektlar, masalan, qishloq turlicha atalishi mumkin. Aytaylik, relefiga, suv manbaiga uni oʻzlashtirishga hissa qoʻshgan kishilarning ismlariga, qarab “falonchi qishloq”, “falonchining qishlogʻi” deb yuritilishi mumkin. Bora-bora shu nomlardan biri yutib chiqadi. Masalan, u *nayman urugʻining qishlogʻi* nomini oladi. Bunda chinakam toponimga aylanish jarayoni tugamaganidan toponim butun bir gapdan iborat va ishlatish uchun qoʻpol boʻladi va tilning leksik vositalarini tejash qonuniyatiga koʻra bu toponim nihoyat *Nayman* shaklini oladi. Geografik nom uzoq tarixiy vaqt davomida turdosh ot shaklidagi qiyofasini butunlay oʻzgartirib yuborishi ham mumkin. Masalan, otashparast – zardushtiylarni musulmonlar *mugʻlar* deyishadi. Respublikamiz hududida *Mugʻon, Mugʻxona* kabi toponimlar ana shu otashparastlardan qolgan. *Miq, Miqtepa* singari nomlar ham oʻsha mugʻ soʻzining jonli tildagi inʼikosidir. Yoki *xonaqoh Xonqa, Dizak (diz, sugʻd tilida “qoʻrgʻon”)* *Jizzax, aqba* (arabcha “dovon”) *ovgʻa* shaklini olgan va hokazo [11, 29].

Oʻzbek xalqi turkiy xalqlar ichida koʻp urugʻ, qabilaga boʻlingani bilan ajralib turadi. T.Enazarov etnonimlar haqida fikr yuritib, “Etnonimlar izohi haqida taʼrifni sal mukammallashtirish tarafdorimiz – etnonimlar bu *qabila, urugʻ, aymoq, el, elat va xalq(lar)* nomi hisoblanadi desak, tadqiqotchilarning nazaridan qolib borayotgan *el, elat, aymoq* terminlarini ham eʼtiborga olgan boʻlamiz. Bu terminlarning har biri oʻziga xos maʼnolarga ega”, – deb yozadi.

Turkiy xalqlar uch katta boʻlakka: qorluq-chigil, qipchoq va oʻgʻuz singari katta urugʻlarga boʻlinadi. Dunyodagi barcha turkiy xalqlar mana uch bosh urugʻlardan tarqab, soʻng turli kichik urugʻ va shajaralarga boʻlinib ketadilar. Bizning nisbiy jihatdan oʻzbek xalqi deb atalib qolgan xalqimizning oʻzi yuzlab urugʻ, elat, xalqlardan tarkib topgan boʻlib, ming yillar davomida bir-biriga aralashib, koʻpchilikning qoni qoʻshilib, bugungi avlodlar paydo boʻlgan. Etnonimlar hamda ularning tarixi va taraqqiyoti masalasiga tarixchi olimlar ham eʼtibor berib kelishmoqda. Masalan, Ahmadali Asqarov oʻzining “Oʻzbek xalqining etnogenezi va etnik tarixi” nomli kitobida xalqimizning kelib chiqish tarixi, ularning oʻz davridagi ahamiyati, bugungi kundagi holatiga eʼtibor qaratgan. Tarixchi olimlardan yana biri boʻlgan Iso Jabborovning “Oʻzbeklar” nomli monografiyasida oʻzbeklarning turli urugʻ, qabilalardan kelib chiqqanligi, anʼanaviy xoʻjaligi, turmush tarzi va etnomadaniyatiga jiddiy toʻxtalgan. Unda mamlakatimizdagi urugʻ-qabilalarning oʻtmishi, ayni vaqtdagi holati masalasiga eʼtibor berilganligi diqqatga sazovordir.

Etnonimlar etnonimika, etnografiya, tarix, tilshunoslikning hali yaxshi oʻrganilmagan sohasi boʻlib, xalqlar, millatlar etnogenezi yanada chuqur tahlil qilishga katta yordam beradi.

Mashhur tilshunos olim Mahmud Qoshgʻariy turk tabaqalari va qabilalarining bayoni xususida fikr yuritib quyidagilarni yozgan: “Turklar aslida yigirma qabiladir. Ular hammasi Nuh paygʻambar oʻgʻli Yofas, Yofas oʻgʻli “Turk”ka borib taqaladilar”.

Mashhur tarixchi Rashiddin – Fazlulloh Qazvinii (Hamadoniy) oʻzining “Jome-at tavorix” asarida 24 urugʻ haqida fikr yuritgan. Buxoro xonligida oʻzbek urugʻlari 32 ta deb hisoblangan. Ulardan asosiysi toʻrtta deyilgan. Keyinchalik uch urugʻ, yeti urugʻ, oʻng va soʻl kabi nomlar yuzaga kelgan.

Tarixiy manbalarda yozilishcha, oʻzbek xalqining shajarasi 92 qabiladan tashkil topgan. Professor Xudoyberdi Doniyorov xalq orasida yigʻilgan oʻzbek urugʻ (etnonim)larini xalq vakillari ogʻzidan yozib olib, roʻyxat qilib, ularning soni 300 dan ortiqligini aniqlagan.

Urugʻlar bir-biridan jiddiy farq qilgan. Har bir urugʻning oʻz tamgʻasi boʻlgan. Oʻsha tamgʻa urugʻining asosiy belgisi hisoblangan. Ayrim urugʻ guruhlari – oʻz nomini tamgʻalari nomi bilan atagan. Masalan, tamgʻasi shakliga qarab urugʻ *bolgʻali, boltali, tugʻli, choʻmichli* deb yuritilgan.

Manbalarda 92 oʻzbek urugʻi bor, deb qayd etilgan. Bundan tashqari har bir guruh, oʻz navbatida, yanada mayda guruhlarga boʻlinib ketadi. Etnograf K.Shoniyozov birgina qoʻngʻirot urugʻi 200 dan ortiq kichik shox-toʻplarga ajralib ketishi toʻgʻrisida maʼlumot beradi.

Mashhur tilshunos olim Xudoyberdi Doniyorov “Oʻzbek xalqining shajara va shevalari” asarida “Qitmir” kitobidan koʻchirilgan “Toʻqson ikki bov oʻzbek urugʻining bayoni” yuzasidan fikr yuritib, aholining qaysi urugʻ va qabilaga mansubligi, urugʻlarning boʻlinishlari yuzasidan oʻz mulohazalarini dalillar asosida yoritgan.

Shunday qilib, oʻzbek millati turli qabila va urugʻlardan tarkib topgan. Oʻzbekistonning turli joylarida *qirq, yuz, ming, qoʻshchi, tuyoqli, qovchin, qangʻli, doʻrmon, yurchi chimboy, mitan* kabi koʻplab urugʻlar bor.

Oʻzbek etnonimlari toʻgʻrisida gap borganda shuni aytishi kerakki, Oʻzbekiston hududida tojik, qozoq, qirgʻiz, qoraqalpoq xalqlarining urugʻ-aymoqlari ham boʻlganidan oʻz-oʻzidan maʼlumki, ana shu

xalqlarning urug‘lari nomlari bilan atalgan joylar ham bor. E.Begmatovning yozishicha, tarixiy va madaniy ahamiyatga molik nomlarga birinchi navbatda quyidagilar kiradi:

1. O‘zbek xalqining urug‘ va qabilalari nomi bilan atalgan joy nomlari, shuningdek, aholining o‘tmish davrlardagi ko‘chishi (migratsiya) jarayonlarini ifoda qiluvchi nomlar: *Do‘rmon*, *Qarluqxon*, *Saroyqishloq*, *Jaloyir*, *Xitoysoy*, *Qipchoqovul*.

2. O‘zbekiston hududida o‘tmishda yashagan va hozirda istiqomat qiluvchi ba’zi elatlar, xalqlar nomidan yasalgan toponimlar: *Arabovul*, *Arabsoy*, *Arabxon*, *Mo‘g‘ultepa*, *Tojikqishloq*, *Qozoqovul* kabi.

O‘tgan asrning 20-yillarida aholi ro‘yxati natijasida O‘zbekiston aholisining urug‘-qabilalari to‘g‘risida mukammal materiallar to‘plandi. Bu ma‘lumotlar O‘rta Osiyo, jumladan, O‘zbekiston aholisining etnik tarkibi haqida boy faktik materiallar berdi [5, 16].

Etnonimlar asrlar davomida qanchadan qancha tarixiy, madaniy-ma‘naviy, lingvistik meroslarni ajdodlardan avlodlarga yetkazib beruvchi manba hisoblanadi. Shuning uchun ham xalq nomlarini o‘rganib borish har bir davr uchun muhim va ahamiyatlidir.

Tilshunos va etnograf olim X.Doniyorov o‘zbek millatining urug‘ va qabilalarini o‘rganishda asos bo‘luvchi qadimiy manbalarini uch guruhga bo‘lib o‘rganish mumkinligini tasniflab beradi:

Birinchi qismiga turkiy olim va tarixchilari tomonidan yozilgan “Devonu lug‘otit turk”, “Jome-at tavorix”, “Ravzat-us safo”, “Zafarnoma”, “Boburnoma”, “Shajarai turk”, “Shajarai tarokima”, “Tarixi Abulxayrxon”, “Shayboniynoma”, “Abdullanoma”, “Tarixi Muqimxoniy”, “Tarixi Abulfayrxon”, “Tarixi Salotini mang‘itiya” kabi manbalarni kiritish mumkinligini ta‘kidlaydi.

Ikkinchi va uchunchi guruhlarga esa akademik V.V.Bartold, akademik V.V.Radlov, N.A.Aristov, professor N.I.Zarubin, V.V.Grigorev, G‘ozi Olim, A.Y.Yakubovskiy, A.D.Grebenkin, N.V.Xanikov, A.P.Xoroshxin, N.P.Katanov, N.Y.Bichurin, D.N.Logofet, A.Borns, V.M.Vyatkin, L.P.Potopov, I.I.Magidovich, M.G‘.Vahobov, L.V.Oshanin, B.X.Karmisheva, K.Najimov, V.G.Moshkova, B.Ahmedov, K.Shoniyozov kabi rus va sovet olimlari tomonidan yozilgan asarlarni kiritadi [2,14].

XIX asrgacha bo‘lgan davrda etnonimlar masalasining o‘rganilganligini quyidagi manbalar orqali ko‘rib o‘tamiz.

M.Qoshg‘ariyning “Devoni”. Ushbu asarda turkiy xalqlarning, xususan, o‘zbek xalqining qabila va urug‘larga bo‘linishi haqida eng dastlabki ma‘lumotlar keltirilgan. Muallifning yozishicha, “Turklar aslida yigirma qabiladir... Har bir qabilaning sanoqsiz allaqancha urug‘lari bor. Men bulardan asosini, ona urug‘larini yozdim. Shaxobchalarini tashladim”. M.Qoshg‘ariy ta‘kidlagan yigirma qabila quyidagilar: beyenek, qipchoq, ug‘uz, yamak, boshg‘irt, basmil, qay, yoboqu, tatar, qirg‘iz, chigil, to‘xsi, yag‘mo, ig‘roq, yoruq, yumul (shumul), uyg‘ur, tangut, tovg‘ach.

M.Qoshg‘ariy “Devonu lug‘otit turk” asarida “ona urug‘lar”dan tashqari yana bir qancha urug‘-qabilalarning (sug‘doq, arg‘u, koniyak, tubut, yaborg‘a, bulg‘or, suvor, qangli, qarluq) ham nomlarini keltiradi va ularning hammasini qo‘shib hisoblaganda, qabilalarning soni 30 taga yaqinlashishini aytib o‘tadi.

Muallif bularning ichida shaharda yashovchilar, sahroyilar, sof turkcha gaplashuvchilarni ham ko‘rsatadi. Masalan, sug‘doq, koniyak, arg‘u, tubut, tangut, yaborg‘a kabi qabilalar shaharlarda; yumul, qay, yoboqu, tatar, basmil singari qabilalar esa sahroda yashab ikki tilda gaplashganliklariga urg‘u beradi.

M.Qoshg‘ariy sof turkcha tilda so‘zlovchi qabilalar sifatida qirg‘iz, qipchoq, o‘g‘iz, tuxsi, yag‘mo, chigil, ig‘noq, yorug‘ qabilalarini ko‘rsatadi, lekin joylashish o‘rni haqida to‘xtalmaydi [4, 64].

Arab manbalari. Qadimgi arab manbalarida turk xalqlarining turli qavm va qabilalari, xususan, qipchoqlarning etnik urug‘larga bo‘linishlari haqida ko‘pgina ma‘lumotlar berilgan. Qadimgi arab sayyohlari, tarixchilari, yozuvchilar asarlarida turk xalqlarining, xususan, qipchoqlarning qabila va urug‘larga bo‘linishi haqida ma‘lumotlar keltirilgan. N.A.Aristovning [14] yozishicha, qadimgi arab yozuvchilaridan Amir Rukniddin Beybars va Ibn Xoldunlar o‘sha davrda Arabistonda yashagan qipchoqlarning 11 urug‘ga bo‘linishi haqida ma‘lumot beradi. Ular quyidagicha: *To‘qsabo*, *Eta (Seta)*, *Burjo‘g‘li*, *Burli (elbo‘li)*, *Qango‘g‘li*, *Anjo‘g‘li*, *Durut*, *Qarabaro‘g‘li*, *Juznan*, *Qarabirkli*, *Ko‘tan (Kunun)*.

Uning ma‘lumotlariga qaraganda, arablar Arabistondagi turkiy xalqlarning barchasiga qipchoqlar deb qaraganlar. Bu esa yuqorida qipchoqlarning bo‘laklari sifatida sanab o‘tilgan urug‘larni mustaqil urug‘-qabilalar deb tushunishga olib keladi. Misol uchun, *qango‘g‘lini qangli*, *juznanni yuz*, *durutni dulat*, *to‘rtovul yoki do‘rmon* kabi.

Yana shu kabi ma‘lumotlar qadimgi arab sayyohi, o‘z umrini geografiya va tarix ilmiga bag‘ishlagan (kelib chiqishi asli qul bo‘lgan), O‘rta Osiyoda ham sayohat qilgan Yoqut ibn Abdulloning asarlarida ham uchraydi. Lekin ular to‘lig‘icha o‘z tadqiqini topmagan.

Rashididdin va uning “Jome‘-at tavorix” asari. XIV asrda yashab ijod etgan mashhur sharq tarixchisi Rashididdin (asli ismi Fazlulloh Kazviniy)ning “Jome-at tavorix” asari asosida o‘zbek xalqining urug‘ va qabila nomlarining tadqiqida qimmatli ma‘lumotlarga ega bo‘lishimiz mumkin. Asarda 92 elatga bo‘linuvchi

qipchoq o'zbeklarining urug' va qabilalari o'rganilgan. Muallifning olim, tabib, davlat boshlig'i sifatida o'sha davr tarixiy voqealari, jumladan, turkiy xalqning qabila va urug'larga bo'linishini juda yaxshi yoritgan.

Ushbu asar G'arb va Sharq olimlari tomonidan mo'g'ullar deb atab kelingan turkiy qabilalar va urug'larning asli kim ekanligini aniqlashda yordam beradi. Masalan, o'zbek xalqining tarkibida *barlos, jaloyir, mo'g'ul, kenagas, qiyon, nerun, sulduz, qiyot, qo'ng'iroq, boyovut* kabi etnonimlar tarixi chigallashib, qaysi xalq tarixiga borib taqalishini aniqlab bo'lmagan, natijada ko'pchilik urug' nomlari mo'g'ullardan kelib chiqqan degan xulosaga kelingan. Ammo bu fikrning noto'g'ri ekanligi Rashiddinning kitobida o'z isbotini topadi [2, 18]. Muallif *jaloyir, sunit, tatar, merkit, qurlavut, tulas, tumatbulagachin, keremuchin, urasut, tamg'alik, torg'ut, uyrot (oyrat), bargut (burqut), ko'ri, tilingut, uryankat, kurkan, sukayit* kabi qabilalarni "hozirgi vaqtda mo'g'ul deb ataluvchi bu xalqlar ilgari bunday emas edi", - deya yuqoridagi fikrni rad etadi. Tarixchi mo'g'ullar juda kam bo'lganligini ta'kidlab, *nukus, uryankat, qo'ng'iroq, o'rtaut, qo'nq'oton, orulat, kilingut, ko'njun, ushin, sulduz, eldurkin, boyovut va kingit* kabi 18 qabilani mo'g'ullardan kelib chiqqan xalqlar [12] deb sanab o'tadi.

Muallif kitobning birinchi bo'limida o'g'iz va undan tarqalgan 24 qabila haqida to'xtalib, *uyg'ur, qipchoq, qangli, qarluq, og'och eri va qolach* kabi 6 ta turkiy qabilasining O'g'izga qo'shilgan barcha turkiy qabilalarning birikib ketishi natijasida yuzaga kelganini ta'kidlab, qisqacha izohini ham berib o'tadi.

Shundan keyin muallif asarda ko'rsatilgan qabila va urug'larning kelib chiqishi haqidagi tarixiy ma'lumot va rivoyatlarni qayd qilishga, ularning boshliqlari haqida to'laroq ma'lumot berishga o'tadi. Bular, asosan, quyidagicha:

Uyg'ur. Muallifning ko'rsatishicha, O'g'uz o'zining otasi va ayrim og'aynilari bilan musulmonchilikni qabul qilish masalasida janjallashib qoladi. Oradan urush chiqadi. Ana shu urushda ayrim qabilalar o'g'iz bilan birga harakat qiladilar, o'g'iz o'ziga qo'shilgan va qarashgan ana shunday qabilalarni uyg'ur deb atagan. "Uyg'ur" so'zi muallifning ko'rsatishicha, asli turkcha bo'lib, u "qo'shilgan", "uyushgan", "uyg'unlashgan" degan ma'nolarni beradi [12].

Qangli. O'g'uzga qo'shilgan qabilalardan bir qismi, Rashiddinning ko'rsatishicha, ular aravani birinchi bo'lib kashf qilganlar va shu aravalarda o'ljalarini tashiganlar. Muallif aravani turk (o'zbek) tilida *qangli* deb atalgan deydi va *qangli* qabilasining nomi ana shundan kelib chiqqan, deb tushuntiradi. Professor X. Doniyorovning ma'lumotlariga qaraganda, professor V.V.Reshetov va professor N.A.Baskakov asarlarida *qangli* so'zi xitoycha arava ma'nosidagi "qang-qang" so'zidan kelib chiqqan degan fikr mavjud [2].

Qipchoq. O'g'iz itbaroq (etbaroq) qabilasidan yengilib, orqaga chekinayotgan vaqtda eri urushda o'lgan bir xotinni to'lg'oq tutib qoladi. Katta bir daraxtning kovagida ko'zi yoriydi. Buni eshitgan O'g'iz xotinga achinib, bolani o'ziga o'g'illikka oladi va ismini qipchoq deb qo'yadi. Muallifning fikricha, qipchoq so'zi turkcha (o'zbekcha) "qobiq" so'zidan olinib, hamma qipchoqlar shundan tarqalgan emish.

Qarluq. Qarluqlarni Rashiddin qorluq (qorli) degan so'zdan kelib chiqqan deb hisoblaydi. Go'yo o'g'iz o'z yurtiga qaytayotgan vaqtda bir qancha oila qorga botib orqada qolib ketgan va shulardan keyincha qorliqlar kelib chiqqan emish.

Qolach. O'g'iz Isfahonni olgandan keyin orqaga qaytib kelayotganida bir xotin yo'lda farzand ko'radi. Lekin u xotin och bo'lganligidan uning ko'krigida sut paydo bo'lmaydi. Xotinning eri bir nima topib kelaman deb orqada qoladi va bir amallab qashqirning og'zidan bir tustovuqni olib keladi. O'g'iz uning orqada qolganligidan achchiqlanib, unga qarab sen "qol och" degan, ya'ni "sen och qol" degan emish va shundan keyin undan tarqalgan kishilarning nomlari qolach bo'lib ketgan emish. Bugungi kunga kelib qolach etnonimining tilda ma'lum bir fonetik hodisalarga uchrashi natijasida *xalach* tarzida saqlanib qolgan.

Ko'rinadiki, muallif o'g'iz va undan kelib chiqqan 24 qabila haqida gapirar ekan, uyg'ur, qipchoq, qangli, qarluq, qolach kabi olti katta turk qabilasining (xalqining) O'g'izga qo'shilgan hamma turkiy qabilalarning birikib ketishi orqasida yuzaga kelganligini qayd qiladi va ular haqida qisqacha tarzda birma-bir to'xtab o'tadi. Ayni vaqtda muallif o'sha urug' va qabilalar nomlarining kelib chiqishi (etimologiyasi) to'g'risida ham har xil fikr va rivoyatlarni aytib o'tadiki, bular qanchalik to'g'ri yoki to'g'ri emasligidan qati'iy nazar kitobning qimmatini tilshunoshlik nuqtayi nazardan oshirish uchun ham xizmat qiladi.

Kitobning ikkinchi bo'limi to'liq ravishda "hozirgi vaqtda mo'g'ul deb nomlangan, lekin qadimda har birining o'z nomi va laqabi bo'lgan, har biri o'z boshlig'iga ega bo'lgan jaloyir, uyrat, tatar kabi qabilalar haqida" deb ataladi. Bular quyidagilardir:

Jaloyir. Juda ko'p tarixchilar jaloyir qabilasining kelib chiqish jihatidan noto'g'ri ravishda mo'g'ullarga qo'shib sanaydilar. Holbuki, Rashiddin o'z asarida qayta-qayta uqtirib o'tganidek, jaloyir qadimgi vaqtlarda u qabila mo'g'ullar birlashmasiga qo'shilgach, uni mo'g'ullar deb atay boshlaganlar. Jaloyir qabilasi qadimgi davrda juda ko'p sonli qabilalardan bo'lgan. Chingizxon davrida ham jaloyirlardan ko'pgina amir va beklar chiqqan. Muallif bu qabilani quyidagicha 10 bo'lakka bo'lib ko'rsatadi: jot (yot,

begona), to‘qarovun, qo‘niqsovut, qo‘msovut (qumsovut), uyot (o‘yot), nilkon, qo‘rqin (qo‘rkin), to‘langit, turi, shanqutlar. Asarda jaloyir qabilasining qayerlarda yashaganligi va uning tarixi to‘g‘risida keng ma‘lumot berilgan [12].

Uyrot. Uyrotlarning yurti Sakkiz daryo (sekiz muren) tomonda bo‘lgan. Ular birlashib, Kem daryosini tashkil qilgan. qadimgi vaqtlarda shu daryoning bo‘yida tumotlar ham yashagan. Ular qadimdan ko‘p sonli bo‘lgan. Ular Chingizxonga qarshi biroq qarshilik ko‘rsatsalar-da, lekin tezda u bilan yarashib, unga tobe bo‘lganlar.

Burqut, qo‘ri va tulas (to‘las). Tumat ham shularning bir bo‘lagi bo‘lib hisoblanadi. Bularning hammasi bir-biriga yaqin qabilalar bo‘lib, ularni umumiy nom bilan barqut deb ham atashgan. Muallifning fikricha, “Barqut” so‘zining asli kelib chiqishi Borgujin to‘qim so‘zidan bo‘lib, daryoning naryog‘i degan ma‘noni bildiradi.

Nayman. Bu ham qadimgi va kuchli qabilalardandir. Uning bir qancha tarmoqlari (bo‘laklari) bor. Chingizxon vaqtida naymanlarning boshliqlari Buyruqxon, shuningdek, Tayan va Eniyatlar bo‘lgan. Bundan ko‘rinadiki, nayman nomi ostida qabilalarga birlashgan holda insonlar yashagan [9, 605].

Alisher Navoiyning “Chor devon”i. Etnonimlar haqidagi qimmatli ma‘lumotlarni turkiy xalqlarning buyuk mutafakkiri Mir Alisher Navoiyning “Chor devon”ida ham uchratishimiz mumkin. Masalan, Navoiyning:

Ey Navoiy, manga bas ul sanami lo‘livash,
Bekka qipchoquog‘ar, shahg‘u qiyotu bilgut.

Yoki: Menga tilab husn, vale shoh tilab aslu nasab,

Menga lo‘li bila hindu, anda qo‘ng‘irotu qiyot.

kabi misralarida o‘zbek xalqining *qipchoq, og‘ar, qiyot, bilgut, qo‘ng‘irot* singari urug‘lari haqida ma‘lumot beribgina qolmay, o‘sha davr muhiti, urug‘ va qabilalarning madaniy-ma‘naviy hayotini yoritib beradi [2, 31].

Navoiy she‘rlarining ba‘zi lisoniy xususiyatlari hozirgi Buxoro atrofidagi shevalarga hamda barlos shevalariga o‘xshab ketishidan darak beradi.

Abulg‘oziy Bahodirxonning “Shajarayi turk” asari. Muallif asarining kirish qismida turk-mo‘g‘ul xalqlarini ikkita katta bo‘limga bo‘lib, izohlab ko‘rsatadi. Birinchi guruhni turk avlodlari deb aytsa, ikkinchi guruhni mo‘g‘ul avlodlari deb ataydi. Turkiy qabilalarga kiruvchi va turk nomi bilan yuritiluvchi qabilalar, ya‘ni *uyg‘ur, qangli, qipchoq, qalach, qarluq* qabilalari 5 ta avlodni tashkil etishini aytib o‘tadi. Bundan tashqari turkiy qabila va urug‘lardan 19 tasini sanab, har biri haqida birma-bir to‘xtalib o‘tadi.

Ular quyidagilar: 1. *Tekrinlar (mekrinlar)*, 2. *Qirg‘izlar*, 3. *Kemkemchutlar*, 4. *O‘rmonkat*, 5. *Nuguzlar*, 6. *Tatarlar*, 7. *Oyrot (O‘yrat)*, 8. *To‘rg‘ovut*, 9. *Qo‘ri*, 10. *To‘laslar*, 11. *Bulg‘ochin*, 12. *Kermuchinlar*, 13. *Tulengut*, 14. *O‘rasut*, 15. *Kusutmay*, 16. *Nayman*, 17. *Kerayit*, 18. *Ungutlar*, 19. *Turg‘oq*.

“Mo‘g‘ul avlodlari deb ataluvchi” ikkinchi guruhga esa ushbu urug‘ va qabilalarni ko‘rsatib o‘tadi:

1. *Merkit (Mekrit)*. 2. *Qo‘ng‘irot*. 3. *Qoranut*. 4. *Qurlos*. 5. *Elchigin*. 6. *O‘rmovut*. 7. *Ko‘nikmar*. 8. *Arlot (Orlot)*. 9. *Kelkit*. 10. *Bodoy*. 11. *Qishlik*. 12. *Uyshun*. 13. *Suldus (suldus)*. 14. *Eldurkin*. 15. *Kenkit*. 16. *Do‘rban (Do‘rman)*. 17. *Barin*. 18. *Sukut*. 19. *Qurlavut*. 20. *Burqut*. 21. *Uklan*. 22. *Juyrot*. 23. *Hojarot*. 24. *Boyovut*. 25. *Jaloyir* [2, 32].

Muallif “Shajarai tarokima” asarida o‘zbek xalqiga tegishli yoki unga aloqador bo‘lgan urug‘ va qabilalarning 50 dan ortig‘ini sanab o‘tadi.

Abulg‘oziy Bahodirxon asarlari tarix yoki etnografiya sohasi uchungina emas, filologiya uchun ham qimmatli manba. U tariximiz va tilimizni o‘rganish uchun muhimdir. Shuni aytib o‘tish joizki, urug‘ va qabila nomlarini o‘rganish va ularni tarixiy, ma‘naviy xazina sifatida kelajak avlodga yetkazib berish fan va insoniyat uchun birdek muhimdir. Chunki etnonimlarda ajdodlar ruhi, tili va milliy ong tushunchasi yashaydi.

Yuqorida XIX asrgacha bo‘lgan davrda etnonimlar, ularning nomlanish masalalari olimlarimiz nazaridan chetda qolganligiga guvoh bo‘ldik. Chunki qavm va qabila nomlari qadimgi asrlardan tortib to bugungi kungacha o‘rganilishi muhim bo‘lgan soha sifatida tadqiq etilmoqda.

XIX asrdan keyingi davrlarda etnonimlarning ilmiy jihatdan o‘rganilishida salmoqli ishlar amalga oshirildi. Bular qatorida etnonimiya sohasida bir qancha ilmiy izlanshlar olib borgan, turkiy xalq nomlarini ilmiy jihatdan o‘rgangan bir qator rus va Yevropa olimlarini sanab o‘tish mumkin. Masalan, N.Xanikov, L.Z.Budagov, N.N.Muravyov, A.P. Xaroshxin, V.V.Radlov, N.A.Aristov, A. D. Grebenkin, M.N.Galkin, A.Borns, G.Vamberi, D.N. Logofet, K.Bades [14] kabi olimlarni kiritish mumkin. Ushbu sanab o‘tilgan etnonimshunos olimlarning qarashlari xususida to‘xtalib o‘tamiz.

XIX asr tarixiy voqealarini, urug‘ va qabilalarning bo‘linishi va milliy-madaniy xususiyatlarini yoritishda *N.Xanikovning “Buxoro xonligining tavsifi”* [14] kitobi ahamiyatlidir. U Buxoro xonligida

yashagan o'zbeklarning son jihatidan tashqari o'zaro birliklar jihatdan ham boshqaruvchiliklari borligini qayd etadi. Muallif o'zbeklarning urug' va qabilalarga hamda bo'laklarga bo'linishi haqida to'xtalib, o'zbeklarning quyidagicha urug'larga bo'linishini aytib o'tadi: 1. *Mang'it*. *Mang'it* o'z ichida yana 3 qismga bo'linadi: a) *to'q mang'it*; b) *oq mang'it*; d) *qora mang'it*. 2. *Ming*. 3. *Yuz*. 4. *Qirq*. 5. *O'ng*. 6. *O'ng'ochit*. 7. *Jaloyir*. 8. *Saroy*. 9. *Qo'ng'irot*. *Qo'ng'irot* ham o'z ichida besh qismga bo'linadi: a) qonjag'ali (*Xonjig'ali* bo'lishi kerak – X.Doniyorov); b) *oinli*; d) *qushtamg'ali* (*qushtamg'ali*); e) *uvoqtamg'ali*; f) *qir*.

Shundan keyin muallif o'zbek urug'larining asosiy ro'yxatini 97 taga yetkazadi va bu urug'lardan 28 tasini Buxoro xonligi hududida tarqalganligi haqida ma'lumot beradi.

A.Bornsning "Buxoroga sayohat" asarida ta'kidlanishicha, o'zbek xalqining 32 ta urug'ga bo'linishini eshitib bilganligi to'g'risida ma'lumot beradi va eng muhimlarini sanab o'tadi. 1. *Mang'it* – *Buxoroda*, 2. *Yuz* – *Qo'qonda*, 3. *Yuz* – *Hisorda*, 4. *Lokoy* – *Hisorda*, 5. *Qo'ng'irot* – *Boysunda*, 6. *Qatag'on* – *Qunduzda*, 7. *Qipchoq* – *Balxda*, 8. *Yobu* – *Balxda*, 9. *Ming* – *Maymanda*, 10. *Qo'g'irot* – *Urganchda* uchraydi [14].

Yana bir mashhur sharqshunos etnograf olim Vamberi o'zining "O'rta Osiyo bo'ylab sayohat" kitobida Xiva xonligi hududidagi qabila va urug'lar haqida ma'lumot beradi. Ushbu hududdagi qabila va urug' nomlari keltirib, qaysi hududda qaysi qavm tarqalganligini ko'rsatadi: 1. *Qo'ng'irot*. 2. *Qipchoqlar*. 3. *Mang'itlar*. 4. *No'kis*. 5. *Nayman*. 6. *Qulam*. 7. *Qiyot*. 8. *Oz (os)*. 9. *Toz*. 10. *Sayyod*. 11. *Jig'atoy*. 12. *Uyg'ur*. 13. *Oybet*. 14. *Do'rman*. 15. *O'shin (Uyshun)*. 16. *Qanjig'ali*. 17. *No'g'ay*. 18. *Bolg'ali*. 19. *Metan (Mitan)*. 20. *Jaloyir*. 21. *Kenagas*. 22. *Qangli*. 23. *Ichkili*. 24. *Bag'urli (Bavurli)*. 25. *Olchin*. 26. *Ochmoyli (Ochamayli)*. 27. *Qoraqursoq*. 28. *Birquloch*. 29. *Tirlish*. 30. *Katta kesar*. 31. *Ming*. Bundan tashqari Zarafshon hududida tarqalgan etnonimlar xususida ham to'xtalib, ularning o'ziga xos xususiyatlarini aytib o'tadi [14].

O'zbek xalqining qabila va qavmlarining tadqiqi xususida rus olimlaridan biri *A.P.Xoroshxinning* ham xizmati katta. U "Qitmir" kitobida o'zbek urug'lari ro'yxati keltirib, ularni 92 ta deb ma'lumot beradi. Ammo X.Doniyorov "Bu ro'yxatda ham o'zbek xalqining 92 qabilasi qatoriga kirishi aniq bo'lmagan yoki bo'linishi chalkash bo'lgan har xil mayda bo'laklarga ham ancha ko'p o'rin berilgan", - deb ta'kidlaydi. Ba'zi chalkashliklarga yo'l qo'yilgan bo'lsa-da, *Xoroshxinning* [14] asari tarixiy va etnografik asar sifatida juda ahamiyatlidir.

XIX asrda ushbu sohaga katta hissa qo'shgan mashhur turkolog olim akademik *V.V.Radlovning* xizmatlari beqiyosdir. U tilshunoslik sohasida ko'pgina tadqiqotlar olib borish bilan bir qatorda, turkiy xalqlarning tillarini ularning urug' va qabila tillari bilan bog'lab o'rgandi hamda turkiy xalqlarning etnografiyasi sohasida anchagina ilmiy izlanishlar olib bordi. Olim "Zarafshon vodiysining o'rta oqimi" maqolasida shu hududda yashovchi xalqlarning turmush-tarzi, urug' va qabilalarga bo'linishi, qavm nomlari, ularning yashash joylari to'g'risida batavsil ma'lumot beradi. Uning ko'rsatishicha, *qurama* qabilasi 5 ta urug'ga bo'lingan: 1. *Jaloyir*. 2. *Tilov*. 3. *Toma*. 4. *Jag'alboyli*. 5. *Taroqlilar*. *Qurama* va *quramaliklarning* kelib chiqishi xususida gapirib, ular qozoqlar bilan o'zbeklarning aralashuvidan kelib chiqqan degan xulosani beradi. Shuningdek, muallif *Qo'qon* xonlarining ming qabilasidan kelib chiqqanligi haqida ma'lumot berib, *kenagas*, *mang'it*, *bahrin*, *misit*, *burqut*, *olot*, *botosh*, *qoraqalpoq*, *turkman* kabi urug'larning izohini keltiradi [14]. Akademik *V.V.Radlovning* ushbu xizmatlari etnonimiya uchun qimmatli manbadir.

N.A.Aristov o'zining "Turkiy qabila va xalqlarning etnik tarkibi bo'yicha mulohazalar va ularning soni to'g'risida ma'lumotlar" asarida turkiy xalqlar tarixi va etnografiyasini chuqur yoritib bergan [14].

Bulardan tashqari keyinchalik etnonimika bo'yicha *N.N.Mikluxe-Maklaya* nomli etnografiya instituti xodimlari maxsus tadqiqotlar olib borishgan. Masalan, *V.A. Nikonov* mas'ul muharrirligida 1970-yilda nashr etilgan "Etnonim" nomli maqolalar to'plamini misol sifatida keltirish mumkin. Unda yigirma yettita olimning etnonimika doirasida tayyorlangan maqolalari bor. Unda *E.V.Uxmilining* maqolasida makro va mikroetnonimlar to'g'risida fikr yuritilgan [2,26].

Mamlakatimiz mustaqillikka erishgandan so'ng esa etnonimiyaga munosabat yanada oshib bordi. Endilikda bu nomlar nafaqat lisoniy material, balki xalq tarixi, madaniyati va ma'naviyatining nodir merosi sifatida ham e'zozlanadigan va o'rganiladigan bo'ldi. Natijada o'zbek onomastikasining tadqiq yo'nalishlari yanada kengaydi va nufuzi oshdi. O'zbek nomshunosligining paydo bo'lishi va zamonaviy ilmiy soha sifatida shakllanishi bu sohaning o'ziga xos ilmiy terminologiyasining yaratilishi hamda uning rivoji va takomiliga sabab bo'ldi.

Xususiy etnonimika sifatida "O'zbek etnonimikasi" e'tiborga olinishi mumkin. O'zbek etnonimi xususiy etnonimning bir shakli sifatida quyidagi taraqqiyot bosqichlarini bosib o'tgan:

- 1) o'zbek etnonimi tarixi;
- 2) o'zbek etnonimining bugungi holati.

O'zbek etnonimlarini o'rganish sohasida *I.I.Umnyakov*, *K.Shoniyozov*, *B.Ahmedov*, *A.Asqarov* kabi tarixchi olimlar, *X.Doniyorov*, *S.Qorayev*, *E.Begmatov*, *T.Nafasov*, *N.Oxunov*, *A.Turobov*, *K.Marqayev*, *N.Begaliyev* kabi tilshunos olimlar ayrim ishlarni amalga oshirganlar. Masalan, *K.Shoniyozovning* "K

этнической истории узбекского народа”, “O‘zbek xalqining shakllanish jarayoni”, B.Ahmedovning “O‘zbek ulusi” kabi asarlari nashr etilgan. Akademik A.Asqarovning “O‘zbek xalqining etnogenezi va etnik tarixi” nomli asarida ham etnonimlar xususida fikr yuritilgan.

Shuni ta’kidlash joizki, etnonimika sohasida professor X.Doniyorov tadqiqotlari alohida e’tiborga loyiq, olim etnonimlarni 99 urug‘-qabila birlashmasidan shakllanganini ko‘rsatib, o‘zbek urug‘larining tarqalishi va sonini tarixiy manbalar bilan talqin qildi.

A.Otajanova Xorazm etnotoponimlarini o‘rgandi. N.Oxunov esa Farg‘ona etnooykonimlariga doir ilmiy kuzatishlar olib bordi. A.Turobov esa Samarqand viloyatidagi etnooykonimlarga e’tibor qaratdi.

K.Marqayev Janubiy O‘zbekiston hududi materiallari asosida o‘zbek tili etnonimlarining lisoniy tadqiqini amalga oshirdi. Bu nomzodlik ishining birinchi bobi “Etnonimlarning onomastik tizimdagi o‘rni” deb nomlangan. Keyingi bobda etnonimlarning ma’noviy-mavzuiy tasnifi yoritilgan. Eng muhimi, bu qismda hozir iste’moldan chiqqan, tushunarsiz ayrim etnonimlarning etimologik tahlili berilgan. Masalan: *Yobu* – qabila va urug‘ nomi bo‘lib, bu so‘z oddiy jaydari ot ma’nosini bildirgan. O‘zbek dostonlarida “*Yobi dema, shu ot tulpor ekan de*” misralarining qo‘llanilishi ham buning dalilidir. Ot nomi keyinchalik etnos nomiga aylangan.

Bahrin – bu so‘z qadimiy turkiy tilda katta yirtqich qush, lochinning bir turi ma’nosini bildirgan, uni qo‘lga o‘rgatilib, ovchilikda foydalanilgan, keyinchalik bu so‘z ham etnos nomi bo‘lib qolgan.

K.Marqayev ishining oxirgi uchinchi bobida etnonimlarning grammatik tuzilishi va yasaliş xususiyati o‘rganilgan. O‘zbek etnonimiyasidagi nomlarning katta qismini tub, sodda etnonimlar tashkil etadi. Shu bilan birga etnonimlar orasida to‘p (*boyto‘p, badalto‘p* kabi), to‘da (*saroyto‘da, beкто‘da* kabi), bachcha (*gulbachcha, jilonbachcha* kabi), tuvg‘on (*qarshidantuvg‘on, devonadantuvg‘on* kabi), tirnoq (*ko‘ktirnoq, oqtirnoq* kabi), bosh (*jortibosh, olmabosh* kabi), o‘g‘il (*besho‘g‘il, ucho‘g‘il* kabi), boy (*bozortuxum, ustatuxum* kabi), kalla (*chorkalla, qorakalla* kabi), qora (*qorakaltak, qorako‘z* kabi), oq (*oqmang‘it, oqtelpak* kabi), besh (*beshbola, beshkal* kabi), yetti (*yettiuyli, yettiurug‘* kabi), uch (*uchqora, uchuruv/uchurug‘* kabi), ola (*olato‘p, olachopon* kabi) singari ikki komponentli, sintaktik usul bilan hosil bo‘lgan etnonimlar ham borligini sanab o‘tadi [6].

Shuni ham qayd etish kerakki, o‘zbek onomastikasida etnonimik lug‘atlarning namunasi yaratilgan: “Turon qavmlari. Kichik ensiklopedik lug‘at” (Zoyir Ziyotov, – Toshkent: Istiqlol, 2008.) Bu lug‘atda etnonimlar – urug‘, qabila, xalq, millat nomlari izohlangan. Bu asarning har bir bobida qavmlar nomlari keltirilgach, respublikamiz hududida shu kunlarda mavjud bo‘lgan u yoki bu qavm bilan bog‘liq joy nomlari ham ilova qilingan. Bu esa aholi yashash joylari etnografiyasi va toponimikasini o‘rganishda muayyan ahamiyat kasb etadi. B.Yo‘ldoshev fikricha, bu kitob turkiy xalqlar, elatlar, qavmlar yoki urug‘lar haqida qisqacha ma’lumotga ega bo‘lish uchun ko‘pgina adabiyotlarni varaqlab chiqish mashaqqatidan o‘quvchini qutqaradi [2, 32].

Xulosa. Umuman olganda, turkiy tillardagi, jumladan, O‘zbekistonning barcha hududlaridagi etnonimik boylikni atroflicha to‘plash va tadqiq qilish faqat tilshunoslik fani uchun emas, balki xalq tarixi, etnografiyasi, madaniyati va ma’naviyati uchun katta ilmiy-nazariy va ilmiy-amaliy ahamiyat kasb etadi, chunki etnonimlar orqali xalqning siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy, etimologik, lingvistik va boshqa ko‘pgina xususiyatlari namoyon bo‘ladi. Ularda davr muhiti aks etib, keyinchalik axborot tashishga xizmat qiluvchi ma’naviy merosga aylanib boradi. Etnonimlarni tadqiq qilish o‘zbek tilining kelib chiqishini, shakllanish tarixini, o‘zbek tilida uzoq tarix davomida yuzaga kelgan o‘zgarishlarni, undagi integratsiya (qo‘shilish) va differentsiya (ajralish) jarayonlarini o‘rganishga zamin yaratadi. O‘zbek adabiy tili hamda o‘zbek milliy tili rivojiga qaysi qabila yoki urug‘ tili qanday hissa qo‘shganligi va o‘zbek xalqining boshqa qardosh xalqlar bilan o‘zaro aloqalari haqida ma’lumot tashiydi. Etnonimlar nafaqat tilshunoslik, balki tarixshunoslik, etnografiya va arxeologiya uchun ham ulkan material beradi. Shu bilan birgalikda, bugungi kunda ham etnonimlar va ular asosida shakllanayotgan onomastik birliklarni o‘rganish, shaklan o‘zgarib, yo‘qolib borayotgan nomlarni qayta tiklash, bu orqali tariximizning unutilishini oldini olish kabi ishlar amalga oshirilmoqda.

ADABIYOTLAR:

1. *Абулғозий Баҳодирхон Шажарайи турк. –Т.: Чўлпон, 1992. –Б.32.*
2. *Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. –Т.: Фан, 1968. –Б.31.*
3. *Kilichev B.E., A way of making words on proper nouns. International Journal on Integrated Education Volume 3, Issue II, Feb 2020. p. 96-98; Kilichev B.E., Safarova M.Z., Bukhara region’s typical toponyms transformed by means the names of nations. International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. Philadelphia, USA. 2021 02 94; Kilichev B.E., Safarova M.Z., Toponyms Formed On The Basis Of Nation Names. International Journals of Sciences and High Technologies. Vol. 25 No. 1 February*

2021, pp. 104-107; Kilichev B.E., *Lingvoculturological characteristics of anthroponyms used in artistic works. ResearchJet Journal of Analysis and Inventions. Volume 2, Issue 5 May, 2021*; Kilichev B.E., Bafoyeva N., *Some characteristics of onomastic units in Abdullah Qodiriy's novel "Bygone days". Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities. ISSN: 2249-7315 Vol. 12, Issue 01, January 2022*;

4. Кошгарий М., *Девону луготит турк, Итом, Тошкент, 1960.*
5. Мадрахимова Д. *Наманган вилояти этноним ва этнопонимларининг лисоний тадқиқи.* – Н., 2016. – Б.16.
6. Марқаев К.Ш. *Ўзбек тили этнонимларининг лисоний тадқиқи: филол. фанл. номз. дисс.* – Т., 2007. – Б.72-76.
7. Отажонова А. *Хоразм этнопонимлари ва уларнинг лугавий асослари: филол. фанл. номз. дисс. автореф.* – Т., 1997. – 24б.
8. *Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилд. 1-жилд.* – Т.: ЎзМЭ, 2006. – 672 б.
9. *Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12-жилдлик. 8-жилд.* – Т., 2000. – 605 б.
10. Qorayev S. *Etnonimika.* – Tashkent, "O'zbekiston", 1979.
11. Qorayev S. *Toronimika.* Tashkent — 2006.
12. Рашид-ад-дин, *Сборник летописей, том I, кн. М.* – Л., 1952.
13. Safarova M. Z., Kilichev B. E., *The Concept of Totemism and Ethnonym. Central asian journal of literature, philosophy and culture.* – 2022. – Т. 3. – №. 5. – С. 121-124; Safarova M. Z., Alisher Navoiy ijodida etnonimlarning qo'llanilishi. *Научно-практическая конференция.* – Вихоро. 2021.
14. Хаников Н., *Описание Бухарского ханства, СПб., 1843*; Борнс А., *Путешествие в Бухару, III, М., 1849*; Вамбери, *Путешествие по Средней Азии, СПб., 1865*; Гребенкин А. Д., *Узбеки, Сб. "Русский Туркестан", вып. 2, М., 1872*; Хорошихин А. П., *Сборник статей, касающихся до Туркестанского края, СПб., 1876. 495-497*; Радлов В., *Этнографический обзор тюркских племен Южной Сибири и Джунгарии, Томск, 1887*; Аристов Н. А., *Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей..., СПб., 1897, стр. 150-151*; Логофет Д. Н., *Бухарское ханство под русским протекторатом, СПб., 1911, стр. 155.*
15. <https://slovar.wikireading.ru/3704191>

ПУНКТУАЦИЯДА МЕЪЁР ВА ЯНГИЧА АНЪАНАЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Тўраева Дилбар Мейлиевна,

Қарши давлат университети ката ўқитувчиси
dilbarturayeva270@gmail.com

Аннотация. Тилнинг тўғрилигини имловий, пунктуацион, услубий саводхонлик даражаси белгилаб беради. Инсоннинг оғзаки ва ёзма нутқида маънавий маданияти акс этиб туради. Тиниш белгилари ҳар бир миллатга хос ёзувнинг таркибий қисми ҳисобланади. У ижтимоий ҳодиса бўлиб даврлар ўтиши, ёзувнинг тараққий этиши билан ўзгариб, такомиллашиб боради. Дунёнинг ёзув тизими бир-бирига яқин бўлган тиллари учун умумий пунктуацион нормалар қабул қилинган. Шу нуқтаи назардан тилишуносликда умумий ва хусусий пунктуацион меъёрлар фарқланади. Мазкур мақолада умумий пунктуацион тизимнинг шаклланиши ва бунда Европа ёзувларининг ўрни муҳокама қилинади.

Калим сўзлар: тилишунослик, имло, ёзув, норма, пунктуацион меъёрлар, умумий пунктуацион меъёрлар, хусусий пунктуацион меъёрлар.

Abstract. The correctness of the language is determined by the level of spelling, punctuation and methodological literacy. A person's spiritual culture is reflected in his/her oral and written speech. Punctuation is an integral part of every nation's writing. It is a social phenomenon that changes, develops and improves over the time. General punctuation norms have been adopted for the languages of the world where the writing system is relevant to each other. In this regard, general and specific punctuation norms differ in linguistics. This article discusses The formation of the traditional punctuation system and the role of European writing system in it.

Keywords: linguistics, spelling, writing, norm, punctuation norms, general punctuation norms, special punctuation norms.

Аннотация. Правильность языка определяется уровнем орфографии, пунктуации и методической грамотности. Духовная культура человека отражается в его устной и письменной речи. Пунктуация – неотъемлемая часть письма каждого народа. Это социальное явление, которое со временем меняется, развивается и совершенствуется. Общие нормы пунктуации приняты для языков мира, системы письма которых взаимосвязаны. В связи с этим в лингвистике различаются общие и частные нормы пунктуации. В этой статье обсуждается формирование традиционной пунктуационной системы и роль европейской письменности в ней.

Ключевые слова: лингвистика, орфография, письмо, нормы, нормы пунктуации, общие нормы пунктуации, специальные нормы пунктуации.

Кириш. Маълумки, пунктуацияда умум эътироф этилган, аксарият тилларда амал қиладиган, кўпчилик томонидан тан олинган барқарор умумий жиҳатлар билан бирга, бир-биридан фарқланувчи хусусийликлар, одатга айланган (узус), ёзилмаган қоидалар, истиснолар ҳам мавжуд. Бошқа тил бирликлари каби тиниш белгилари ҳам қабул қилинган меъёрга кўра (меъерий) ва окказионал (индивидуал, ноодатий, матн талабига кўра) қўлланади. Бу пунктуацияда бир-бирига зид бўлган меъерийлик ва тартибсизликни келтириб чиқаради. Пунктуациянинг миллий тараққиётига нималар сабаб бўлади? Пунктуацияда меъёр, узус (урф, одат) ва анъана тушунчалари нимани англатади?

Асосий қисм. **Пунктуацион меъёр** – пунктуациянинг илмий асосларига таяниб ишлаб чиқилган ва жорий этилган умумий қонун-қоидалар мажмуи. Умумий – аксарият тилларда амал қилувчи пунктуацион меъёрлар турғун, барқарор бўлиб, деярли ўзгаришга учрамайди, кескин янгиланмайди. Бу ҳақида ишнинг аввалги ўринларида атрофлича тўхталинди.

Айни пайтда амалда бўлган умумий пунктуацион меъёрларнинг ишлаб чиқилганига бир асрдан ортиқ вақт ўтпти. Ушбу даврда адабий тил бениҳоя тараққий этди, матбаачилик, ахборот технологиялари кескин ривожланди. Бу, ўз навбатида, ёзувнинг бир қисми ҳисобланган пунктуацияда ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Инглиз пунктуациясида ҳам, рус ва ўзбек пунктуациясида ҳам амалиётда мавжуд меъёрлардан ташқари кўпчилик ижодкорлар, ёзувчилар томонидан қабул қилинган, тан олинган, аммо қоидалаштирилмаган узуслар шаклланди.

Пунктуацион узус (лотинча *usus* “қўллаш, одат, қоида”) – муайян тил эгалари томонидан шу тил бирликлари – лексик, фразеологик, морфологик, синтактик бирликларининг умумий қабул қилинган, одатга айланган шаклда қўлланилиши. У тил меъёри ва тил тизими тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ [5].

Узус тиниш белгиларининг типик бўлмаган, аммо одатланилган, муайян даврда аксарият ёзувчилар услубида, масалан, илмий услуб, бадиий услубда урфга айланган қўлланиш билан боғлиқ ҳолатлари бўлиб, у даврлар ўтиши билан ё истеъмолдан қолади ёки бора-бора меъёрга айланади.

Пунктуацияга доир манбаларда гарчи амалдаги пунктуацион тизим ягона илмий асосга таянса-да, замонавий Европа тилларида тиниш белгиларининг функционал имкониятлари бир-биридан фарк қилиши, масалан, инглиз тилида тенг боғловчи *va (and)*дан олдин кўпинча вергул ёки тире қўйилиши, инглиз, жумладан, француз тилида ҳам, қиёслаш муносабатидаги гаплар орасида, умуман, тиниш белгиси ишлатилмаслиги хусусида фикрлар учрайди [1]. Бу, ўз-ўзидан, муайян тиллар пунктуацияси мустақил ва бир-биридан ажралмаган ҳолда узлуксиз тараққиётда эканидан дарак беради.

Н.Н.Орехова хусусий илмий меъёрлар – янгича анъаналарнинг юзага келишига турли омиллар, аввало, инсон омили, шунингдек, ёзувчи ва корректорларнинг билим даражаси, ижод мактаби анъаналари, типографиялар, нашриётларнинг нуфузи ва бошқалар сабаб бўлганини таъкидлаган эди [11]. Пунктуациянинг умумий меъёрлари каби унинг **одатга кирган анъаналарининг** ҳам шаклланишида инсон омили – ёзувчи ва ноширларнинг роли катта. Жумладан, “ўтган аср бошларида ижод қилган миллатимиз зиёлилари – шоирлар, ёзувчилар, олимлар, журналистлар – мавжуд умумий пунктуацион меъёрларга таяниб ўзбек пунктуациясини шакллантиришга сабабчи бўлдилар. Пунктуация қоидаларини ишлаб чиқишда уларнинг асарлари тадқиқ манбаи бўлиб хизмат қилди. Аммо тиллар келиб чиқиши, ривожланиш қонуниятлари, синтактик қурилиши билан бир-биридан фарқланади. Даврлар ўтиши, фаннинг тараққий этиши билан боғлиқ мавжуд қоида-қонуниятлар тилнинг миллий табиатидан келиб чиқиб ўзгариб, такомиллашиб бораверади” [2].

Тиниш белгиларини қўллашнинг жорий меъёрлари ишлаб чиқилган, белгилаб бўлингандан сўнг ҳам ёзувчилар уларни ўз асарларида муайян кўринишда қўллашда давом этаверадилар. Яъни ёзувчилар бирор тиниш белгисидан ўз асарида индивидуал фойдаланиши, бу эса бошқа ижодкорлар учун ҳам андаза вазифасини ўташи, бора-бора одатга айланиши кузатилади. Масалан, ўзбек тилида мавжуд қўлланмаларда кўчирма гап ва ўзлаштирма гап орасида тиниш белгиларининг қўлланилиши куйидагича қоидалаштирилади: “Кўчирма гап муаллиф гапидан олдин келса, муаллиф гапидан олдин тире қўйилади; кўчирма гап дарак мазмунида бўлса, қўштирноқдан кейин вергул қўйилади, сўроқ мазмунида ёки эмоционалликка эга бўлганда эса сўроқ ёки ундов белгиси, шунингдек, кўп нуқта ёпилувчи қўштирноқдан олдин қўйилади, муаллиф гапи эса кичик ҳарф билан бошланади: “*Тушунсангиз-чи, ая, ўз ҳолимга қўйинг, ёш бола эмасман*”, – деди. (Ў.Ҳошимов) “*Сизга бир оғиз гапим бор эди*”, – дедим. (Ш.Холмирзаев) “*Кимсан ўзинг?*” – дедим жаҳлим чиқиб. (Э.Аъзам)” [9]

Ушбу қоиданинг илмий асослари рус тилида кўчирма гап ва муаллиф гапида тиниш белгилари қўлланилишининг қоидалаштирилишига таянади: “Если прямая речь стоит перед авторскими словами, то после нее ставятся запятая (вопросительный или восклицательный знак, многоточие) и тире: слова автора начинаются со строчной буквы: «*Мать, наверное, не спит, а я с работы не возвращаюсь*», – думал Павка (Н.О.); «*Дедушку знаешь, мамаша?*» – матери сын говорит (Н.); «*Не шуми, тише иди, солдат!*» – сердитым шёпотом говорил старик Ленину (Л.Т.); «*Я хотел бы купить крестьян...*» – сказал Чичиков, запнулся и не кончил речи (Г.)” [7].

Мактаб она тили дарсликлари, хусусан, кўчирма гапли қўшма гап турларини ўқитиш мўлжалланган 9-синф она тили дарслигида ҳам ушбу қоида акс этади. Мавзуга киришишдан аввал ушбу гап таҳлил учун берилади: “*Биз ягона дарахтнинг бутоқларидек бир бутун бўлган тақдиримиздагина куч-қудрат касб этамиз*”, – деди *Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева*.

Шундан сўнг куйидаги қоида келтирилади:

“Билиб олинг. Муаллиф гапи (М) ва кўчирма гап (К) бир-бирига нисбатан турлича жойлашиши мумкин, бунда тиниш белгилари куйидагича ишлатилади:

- 1) М: “К”. М: “К?” М: “К!”
- 2) М: “К”, – м. М: “К?” – м. М: “К!” – м.
- 3) “К”, – м. “К?” – м. “К!” – м.
- 4) “К, – м, – к” [12].

Қоидани мустаҳкамлаш учун бажарилган машқ ва топшириқлар сўнгида куйидаги умумлашма хулосалар келтирилади:

“Кўчирма гаплар (агар матн диалог шаклида бўлмаса) доим кўштирноқ ичида ёзилади. Муаллиф гапи ва кўчирма гапнинг кўшма гап таркибидаги ўрнига кўра, тиниш белгиларининг қўлланиши куйидагича бўлади:

Кўчирма гап олдин, муаллиф гапи кейин жойлашганда:

а) дарак гап бўлса: “К”, – м;

б) сўроқ гап бўлса: “К?”, – м;

д) буйруқ ёки ундов гап бўлса: “К!” – м.

Муаллиф гапи кўчирма гапнинг ўртасида жойлашганда:

а) дарак гап бўлса: “К, – м. – К”; “К, – м, – к”;

б) сўроқ гап бўлса: “К? – м. – К”;

д) буйруқ ёки ундов гап бўлса: “К! – м. – К” [12].

Кўриниб турибдики, айти пайтда кўчирма гап доирасида тиниш белгиларининг қўлланилиши рус ва ўзбек тилларида ягона илмий асосга таянади ва бу умумий меъёрга айланган.

Бироқ рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам амалда кўчирма гапли кўшма гаплар доирасида айрим тиниш белгиларининг тежалиши одат(узус)га айланиб бормоқда. Б.Бахриддинова “Замонавий ўзбек пунктуацияси асослари” монографиясида ушбу ўринда тиниш белгиларининг ишлатилиш ўринларини куйидагича қоидалаштиради: “Кўчирма гап муаллиф гапидан олдин келиб, кўштирноқ билан ажратилган бўлса, кўчирма гапдан сўнг гапнинг ифода мақсади, мазмунидан келиб чиқиб вергул, сўроқ, ундов белгиси ёки кўп нукта, кўшалок тиниш белгиларидан бири, кейин кўштирноқ қўйилади ва муаллиф гапи кичик ҳарф билан бошланади. Кўчирма гап кўштирноққа олинганда сўроқ, ундов белгилари, кўп нукта, кўштирноқ ичида, нукта, вергул каби белгилар кўштирноқдан сўнг қўйилади” [2]. Англашиляптики, бугунги ўзбек ёзма матнларида кўчирма гапдан сўнг айрим тиниш белгилари, аниқроғи, вазифаси битта бўлган икки тиниш белгиси – кўштирноқ, тире, икки нукта кабилардан бирининг иқтисод қилиниши аънамага айланмоқда. Буни қоидага асос сифатида ҳозирги ўзбек адабий тили намуналаридан келтирилган иллюстрация ҳам тасдиқлайди: “*Инсон қалби жавоҳирлардек тоза, пок бўлмоғи лозим*”, *деб айтган эди Абу Райҳон Беруний. Мен: “Сизнинг нимангизни китоб қиламан, ойи?” деган эдим.* (Ў.Ҳошимов) *Bir ziyoli kishi: “Bu er-xotin shu qadar shohona kiyinishga o‘zlarini qanchalik ma’naviy haqli deb hisoblaydilar?” deya savol qotdi.* (X.Do‘stmuhammad) *Amir Temurning yanada g‘azabi avjiga chiqib: “Men ahkomi shariatda emas, o‘z saltanatimda tartib o‘rnatmog‘im lozim!” dedi.* (Т.Ғайзийев) “*Xotiningni sotib bo‘lsa ham, qutilding-a, eh rasvo!*” *deb o‘yladi O‘rinboy.* (X.Sultonov)”.

Б.Бахриддинова ўзбек ёзувида одатга айланаётган ушбу қоида остида куйидагича эслатма-изоҳ келтиради: “Амалда бўлган пунктуацион меъёрга кўра юқоридаги тартибда ўринлашган гапларда кўчирма гапдан сўнг тире ҳам ишлатилади: “*Ор-номус учун кураш болалиқдан бошланади*”, – *дейди Тоғай Мурод.* Ушбу гапда кўчирилган гапдан кейинги вергул гапнинг ифода мақсадини аниқлаштириш, кўштирноқ эса муаллиф гапи ва кўчирма гапни чегаралаш вазифасини бажармоқда. Тиренинг қўлланишини асослаш қийин. Аслида ҳам кўчирма гап битта белги билан: ё тире, ёки кўштирноқ билан чегараланиши керак. Шу боис ҳозирги адабий тилда кўчирма гап кўштирноқ билан чегараганган ўринларда кўчирма гапдан сўнг ишлатилиши керак бўлган тиренинг тежалиши кенг кузатиляпти” [2].

Худди шу каби изоҳни Э.Д.Розенталнинг пунктуация қоидаларида ҳам кўриш мумкин: “Примечания: 1. После закрывающих кавычек ставится только тире (независимо от того, каким знаком препинания заканчивается прямая речь) в тех случаях, когда в последующих авторских словах содержится характеристика прямой речи, ее оценка и т.д. (авторская ремарка начинается словами так говорит, так указывает, вот что сказал, вот как описывает и т.п.): «Ничего не случилось» – так говорил ум; «Случилось» – так говорило сердце; «Нет ничего прекраснее этих снежных вершин» – так описывает эту местность один путешественник; «Будь внимателен и осторожен!» – вот что он сказал мне на прощание” [7].

Инглиз ёзувида кўчирма гапли кўшма гаплар доирасида тиниш белгиларининг тежалиши айти пайтда меъёр даражасига етган. Тўғри, бу борадаги умумий пунктуацион меъёрлар инглиз тили учун ҳам амалда. “Инглиз тилида иқтибос тугагандан кейин, кўштирноқ ёпилишидан олдин нукта, сўроқ белгиси ва ундов белгиси қўйилади” [10]. Масалан, “*Marrying SibilVane?*” *cried Lord Henry, standing up and looking at Dorian.* / “*Anyone ever asks you what's wrong with the world, boys, you tell em it's three things: Doctors, commies, and nigger radicals.*” (S.King). / “*Thanks for coming.*” *Oliver says, and Sally conquers an urge to recant to lean toward Oliver over the table, over the wreckage of lunch, and say, I've thought it over, and I think a thriller with a gay hero could really work* (M. Cunningham). / “*Fling the girl overboard,*” *cried Hook: and theymade a rush at the figure in the cloak* (J.M. Barrie). Аммо мисоллардан

кўриниб турибдики, инглиз ёзувида кўчирма гап ва муаллиф гапини чегаралашда тирени учратмаймиз. Шунга ҳам диққат қилиш керакки, рус тили, шунингдек, ўзбек тилида эса сўрок, ундов белгилари, кўп нукта кўштирноқ ичида, нукта, вергул эса кўштирноқдан ташқарида қўйилиши меъёрга айланган: “*Sattorqulning xotini tug'ibdi*”, *degan edi*. (М.М.До‘ст) “*Kolxozdagilarga qor yoqqan emish, g'o'za nima bo'ldi?*” *deydi*. (Т.Мурад) “*Ҳақ, фалак! – деди. – Майли, кетсам кетайин, беқадр бўлдим, майли худодан топинг*”. (М.М.Дўст)

Демак, “кўчирма гап муаллиф гапидан олдин келса, муаллиф гапидан олдин тире қўйилиши” меъёр, тиренинг тежалиши рус, ўзбек пунктуациясида узус – одатга, инглиз пунктуациясида меъёрга айланган. Бу, ўз-ўзидан, айрим меъёрларнинг эскириши, пунктуацион архаизм ёки историзмга айланишига олиб келади.

Муайян тилда меъёр босқичига етган одатлар ёки янги тенденциялар бошқа тилга қандай ўзлашади?

Ёзув график жиҳатдан ихчамликни талаб этади, худди шунингдек, дунёнинг тараққий этган тиллари ва уларнинг ёзувида тиниш белгиларини қўллашда ҳам ихчамликка интилиш сезилади. Бу, табиий равишда ўзаро муносабатда бўлган бошқа тиллар ёзувига ҳам кириб боради. Ушбу жараёнда **таржима** муҳим роль ўйнайди. Маълумки, инглиз тилида тиниш белгиларининг ишлатилиши, асосан, ёзма нутқда интонацияга доир аниқлик ва таъкидни ифодалашга асосланади. Шунингдек, тиниш белгилари матнни тузишга ёрдам беради, матн қисмларининг узвийлиги, изчиллигини таъминлайди. Шу боис кўчирма гапли кўшма гаплар доирасида ҳам рус, ўзбек тилларидан фарқланиб замонавий инглиз ёзувида кўчирмаларнинг кўштирноққа олинмаслиги аллақачон анъанага айланган.

Кўчирма гап муаллиф гапидан кейин келганда умумий пунктуацион меъёрга кўра муаллиф гапидан сўнг икки нукта қўйилади. Масалан: – *Lincoln said: “Many years ago our fathers had brought forth on this continent a new nation, conceived in Liberty, and dedicated to the proposition that all men are created equal”*. Бу рус ва ўзбек ёзуви учун ҳам меъёрий. Бироқ инглизча матнларда кўчирма гап муаллиф гапидан кейин келганда икки нукта ўрнига вергул қўйилишига одатланиш кузатилади: – *She sank down by his side and cried, “Oh, Phil! It’s all so horrid!”*. Тадқиқотчилар бу ҳолатни кўчирилган гапнинг ҳажми билан боғлайдилар: “Инглиз тилида кўчирма гап ҳажман катта бўлганда, икки нукта, муаллиф гапидан кичик бўлганда вергул қўйилиши анъанага айланган” [3].

Пунктуациянинг умумий илмий меъёрлари каби хусусий меъёрларнинг шаклланиши ва тараққиётида ҳам европа ёзувлари муҳим роль ўйнайди. Ушбу анъаналарнинг бир тилдан иккинчи тил ёзув тизимига кўчиши таржима жараёнлари – бадий, илмий, медиа матнларни бир тилдан иккинчи тилга ўгириш амалиёти билан боғлиқ. Бу жараёнда тиниш белгиларини ўзлаштиришда икки ҳолат кузатилади:

- 1) пунктуацион калька;
- 2) пунктуацион трансформация.

Пунктуацион калька таржима жараёнида муайян белгининг пунктуациянинг умумий меъёрларига кўра айнан қабул қилиш. Масалан:

- *Вам не нравится этот человек?*
- *Нет, нравится.*
- *Сизга бу одам ёқмайdimи?*
- *Йўқ, ёқади.*
- *You don't like the man?*
- *Yes, I do.*

Ўзбекча матнларда тиниш белгиларининг пайдо бўлишида кирилл ёзуви, аниқроғи, рус тилининг роли муҳим бўлиб, уларнинг қўлланилиши аксарият ўринларда пунктуацион калькага асосланади. Масалан, *У Джейн был особый вкус в музыке: рок, джаз, поп и классика / Jane had an especial taste in music: rock, jazz, pop and classical / Жейн мусиқада ўзига хос дидга эга эди: рок, жазз, поп ва классика.*

Шунингдек, *Тинчлик – бу севинчдир, ҳаётга лаззат, тинчлик – бу тотувлик, ҳар ишда ором.* (А.Умарий) қурилишдаги гаплар тилимизга рус тили таъсирида пайдо бўлган бўлиб, унда тиниш белгиларининг қўлланилиши ҳам пунктуацион калка асосида қоидалаштирилган эди [2]. Кўрсатиш олмошининг эга ёки аниқловчи эканлигига аниқлик киритиш мақсадида ҳамда ҳозирги ўзбек адабий тилидаги қўлланишлардан келиб чиқиб бундай ўринларда тиниш белгиларининг юқоридаги тартибда ишлатилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бош келишидаги кўрсатиш олмошидан кейин ишлатилган тире уни аниқловчидан фарқлаш вазифасини бажарса, олдин қўлланган вергул ажратилган изоҳ эгага тааллуқлидир:

Яшаш, бу – орзулар қанотин кермоқ,

*Яшаш, бу – муҳаббат гулларин термоқ,
Яшаш, бу – умрнинг гулгун дамлари,
Эл учун яшамоқ, ел учун бермоқ. (О.Матжон)*

Пунктуацион трансформация таржима талаби билан таржима қилинаётган матнда қўлланган тиниш белгиларини ўзгартириб олиш. Юқорида айтилганидек, муайян ёзувда амалда бўлган хусусий меъёрлар таржима жараёнида иккинчи тилнинг мавжуд қоидаларига мослаштирилган ҳолда олинади. Масалан, инглиз тилида боғламасиз қўлланган от-кесим ва эга орасида тире ишлатилмайди: *Apple is an American multinational technology company headquartered in Cupertino*. Ушбу жумла бундай вазиятда тиренинг ишлатилиши қатъий бўлган рус ёки ўзбек тилига таржима қилинганда, тиниш белгиси қўлланади: *Apple – американская международная технологическая компания с головным офисом в Купертино*. Ёки, *Tashkent is the capital of Uzbekistan*. *Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти / Ташкент – столица Узбекистана*.

Умумий меъёрга кўра бир функцияда ишлатиладиган тиниш белгилари инглизча матнларда тежалиши анъанага айланган. Масалан, ўзбек ва рус тилларида кўчирма гап олдин келганда, кўштирноққа олинади ва муаллиф гапидан олдин тире билан ишлатилади: *“Я не понимаю, о чем вы говорите”, – сказал Фред / “Мен нима ҳақида гапирётганингизни тушунмадим”, – деди Фред*. Инглиз тилида кўчирма гап фақат кўштирноқ билан чегараланади, тире ишлатилмайди: *“I don't understand what you are talking about,” said Fred*.

Муаллиф гапи олдин келганда эса муаллиф гапидан сўнг икки нукта қўйилиб, кўчирма гап кўштирноққа олинади: *Фред сказал: “Я не понимаю, о чем вы говорите”*. / *Фред деди: “Мен нима ҳақида гапирётганингизни тушунмадим”*. Инглиз тилида бу ўринда ҳам битта чегараловчи белги – икки нукта иқтисод қилинади, унинг ўрнига вергул ишлатилади: *Fred said, “I don't understand what you are talking about.”*

Н.А.Кобрин ва Л.В.Малаховскийларнинг таъкидлашича, инглиз ва рус пунктуацияси бир хил илмий асосда қурилган, улар бир-бирга ўхшайди. Аммо бу икки тилда тиниш белгилари ва интонациянинг гап синтактик қурилишидаги мақоми бир хил эмас. Рус тилида пунктуация, асосан, гапнинг синтактик тузилишига боғлиқ, инглиз тилида эса жумла ичидаги синтактик чегаралар бирор тиниш белгиси билан ажратилиши шарт эмас. Масалан, рус ва ўзбек тилларида тобе таркибли кўшма гаплар орасида верул ишлатилади: инглиз тилида эса бу камдан-кам учрайди. Тобе гапли кўшма гап турлари бир-бирдан вергул билан ажратилмайди: *I'm surprised that you haven't forgotten me*. Бундай ҳолларда тиниш белгилари кўшма гап қисмларини чегаралаш вазифасини бажармайди. Тобе таркибли кўшма гап таркибидаги эргаш гап ва бош гап ўзаро оҳанг (пауза) ёрдамида ажратилади [13].

Шунингдек, рус ва ўзбек тилларида киритма ва ажратилган бўлақлар асосий гапдан вергул билан ажратиб олинади. Инглиз тилида эса улар ҳар **доим ҳам чегараланмайди**: *The cat which was following me all day long turned to be our uncle's pet / Кошка, которая ходила за мной весь день, оказалась питомцем нашего дяди / Мушук, кун бўйи менга эргашиб юрган, амакимнинг мушуги бўлиб чиқди*. Ёки, *The historic changes that have occurred in Asia are of cardinal significance / Тарихий ўзгаришлар, Осиёда юз берган, асосий аҳамиятга эга / Исторические изменения, которые произошли в Азии, имеют первостепенное значение*.

Инглиз тилида нуктанинг икки асосий функцияси бўлиб, уларнинг номи ҳам фарқланади – *full stop* ва *dot*. *Dot* қисқартирилганликка ишора қилади. Масалан, *I will arrive between 7 p.m. and 8 p.m.* Ўзбек ёки рус тилида бу ўринларда нукта ишлатилмайди: *Мен кеч соат 7-8да келаман / Я приеду в 7-8 вечера*.

Оҳанг ёрдамида боғланган кўшма гап қисмлари орасида нуктали вергул ёки вергулнинг ишлатилишида ҳам бу тилларда тафовут кузатилади: *I like your sister; she's a good friend / Мне нравится твоя сестра; она хороший друг / Менга сенинг опанг ёқади, у яхши дўст*. Худди шунингдек, инглиз тилида зидлов боғловчили кўшма гап қисмлари орасида тиренинг қўлланилиши одатга айланган: *You may think he is an artist – he isn't / Вы можете подумать, что он художник, но это не так / Сиз уни рассом деб ўйлашингиз мумкин, аммо ундай эмас*.

Инглиз ва ўзбек тилларида таржима жараёнида тиниш белгиларининг трансформацияга учраши масалалари устида изланиш олиб борган Н.М.Қамбаров Вилки Коллинзнинг 2010 йилда А.Иминов томонидан таржима қилинган “Оқ кийинган аёл” романининг ўзбекча таржимаси мисолида тиниш белгиларининг трансформациясини кузатади. Асар матнидан бир яхлит абзацни олиб, унда қўлланган тиниш белгиларининг таржимада акс этиши, сифат ва микдор кўрсаткичларини аниқлайди. Масалан: *“Thus, the story here presented will be told by more than one pen, as the story of an offence against the laws is told in Court by more than one witness – with the same object, in both cases, to present the truth always in its most direct and most intelligible aspect; and no trace the course of one complete series of events, by*

making the persons who have been most closely connected with them, at each successive stage, relate their own experience, word for word". **Таржимада:** "Хуллас, жиноят тафсилоти суд ҳайъати олдиди қонунан бир неча гувоҳ кўрсатмалари асосда бирин-кетин ойдинлашганидек, эътиборингизга ҳавола этилаётган воқеа бир эмас, бир неча шахс қаламига мансубдир. Иккала ҳолда ҳам кўзда тутилган ягона мақсад – ҳақиқатни ҳамиша бевосита рад этиб бўлмайдиган далиллар асосида юзага чиқариш; буларга алоқадор шахсларнинг ҳар бирининг сўзини навбати билан батафсил эшитиб, тугал воқеалар силсиласини кузатиб боришидир". Таҳлиллари натижасида инглиз ва ўзбек пунктуацияларининг ўхшаш томонлари – инглиз ва ўзбек тилларида сарлавҳадан кейин нукта қўлланмаслиги, аммо сўроқ ёки ундов белгиларининг ишлатилиши, кўп нукта фикрнинг тугалланмаганлиги, сўз ёки сўзлар, сўз бирикмаларнинг (тушириб) қолдирилганини англатиши, инглиз тилига қараганда ўзбекча таржимада тиниш белгилари миқдор жиҳатидан ортганини таъкидлайди [10].

Хулоса. Кўришиб турибдики, рус ва ўзбек тилларига қараганда инглиз тилида тиниш белгиларининг ишлатилиши анча эркин, тил истеъмолчилари улардан ихтиёрий равишда фойдаланадилар. Амалдаги мавжуд меъёрлар ҳам қатъий ва жуда мураккаб эмас. Бу тилнинг ёзув шакли тарихан оғзаки шаклга нисбатан анча эркин ҳисобланиб, адабий тил билан бирга мунтазам тараққий этиб келгани, "табиий тилга хос мослашувчалик, систем-структур тузилиш ва социум учун хизмат қилиш вазифасини ўз зиммасига олиши" [11] ни тасдиқлайди.

Айни пайтда рус ва ўзбек тиллари учун меъёр ҳисобланган ҳолатлар инглизча матнларда эскирган. Бу тилларда одатга айланган ҳолатлар, масалан, кўплаб тиниш белгиларининг тежалиши инглиз тили учун меъёр босқичига етган.

Пунктуациянинг ғоявий-этник (миллий, хусусий) илмий меъёрларининг шаклланиши қуйидаги сабаблар билан боғлиқ бўлган:

- 1) инсон омили – ёзувчи ва ноширларнинг билим даражаси, индивидуал ёндашувлари, муаллиф пунктуацияси;
- 2) ижод мактаби анъаналари;
- 3) муайян типография, нашриётларнинг ўзига хос иш услуги, анъаналари; ахборот-коммуникатив технологияларнинг ривожланиши, виртуал мулоқот шакллари кўпайиши.

АДАБИЁТЛАР:

1. Адаева О.М. Семантика и метасемиотика знаков горизонтальной стратификации английской речи: дисс.канд. филол. наук. – Самара, 2003. – 187 с.
2. Баҳриддинова Б.М. Замоновий ўзбек пунктуацияси асослари. Монография. –Тошкент: Академнашр, 2015. – 64 б.
3. Биянова М.В. Пунктуационные системы: синхронный и диахронный аспекты: автореф. дисс. канд. филол.наук. – Ижевск, 2010. – 24 с. – С 3.
4. Замоновий ўзбек пунктуациясининг долзарб муаммолари. "Маърифат", 2014 й., № 94.
5. Крысин Л.П. К соотношению системы языка, его нормы и узуса // Коммуникативные исследования: Научный журнал. – 2017. – № 2 (12). – С. 20-31.
6. Розенталь Д.Э. Справочник по пунктуации: Для работников печати. – М.: Книга, 1984. – 272 с. –С.195.
7. Розенталь Д.Э. Справочник по пунктуации: Для работников печати. – М.: Книга, 1984. – 272 с. –С.196
8. Ўзбек тилининг пунктуация қоидалари. "Тил ва адабиёт таълими" Тошкент, 2015 йил, 1-7сонлар.
9. O'zbek tili me'yorlari (punktuatsiya). Tuzuvchilar: N.Mahmudov, A.Madvaliyev, N.Mahkatov, D.Andaniyozova. – Tashkent: Zamin nashr, 2021. – 232 b. –Б.104-105
10. Қамбаров Н.М. Ёзма таржима: графика, тиниш белгилари ва уларнинг трансформациялари хусусида. "Ўзбекистонда хорижий тиллар" илмий-методик электрон журнали, //2019, № 5.
11. Орехова Н.Н. Пунктуация и письмо (на материале русского и английского языка). – Ижевск: Издательский дом «Удмурдский университет», 2000. – 216 с. – С.3.
12. Ona tili: Umumta'lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik /N.M. Mahmudov, A. Nurmonov, A.Sh. Sobirov. – Toshkent: MCHJ «Tasvir», 2014. –128 b. – Б.78
13. Кобрин Н.А., Малаховский Л.В. Английская пунктуация: Учебное пособие. – Москва: Издательство литературы на иностранных языках, 1959. –110 с. – С.10

Tursunov Akmal Rakhmatullaevich,

candidate of philological sciences, acting associate professor

Navoi State Mining and University of Technology

akmal_tursunov_1971@mail.ru

Abstract: *A prominent scientist Said Usmanov occupies a special place in the development of the morphology of the Uzbek language in the 20th century. S.Usmanov defended his thesis in 1953 under the guidance of linguist T.Ibragimov. This was his first serious work on morphology.*

Keywords: *morphology, thesis, scientist, morphological structure, classification of languages, Grammatical forms of words.*

Introduction. S. Usmanov emphasizes that the approach to agglutination has a special direction. He knew that it was very important to clarify this issue in his studies of the morphology of Turkic languages. After F. Bopp, an important feature of agglutination was the use of the first line V. The scientist notes that Humboldt expressed his views and showed the nature of the phenomenon.

S. Usmanov defines Ferdinand de Saussure as the second representative. Ferdinand de Saussure notes that three characteristics of agglutination are shown. The scientist paid special attention to representatives of the third direction, which was assessed as agglutination with the core (or base), the connection of the chain, the connection as part of the chain and the expression of grammatical meaning, A. Schleicher, V. A. Bogorodsky, V. V. He responds to the views such a scientist as Radlov.

S. Usmanov paid special attention to the grammatical form of the word. It is well known that morphology is in fact a doctrine of grammatical form. Word form, grammatical form; The scientist who made important remarks about the synthetic and analytical form determines the grammatical meaning and function vocabulary.

Literature review. S. Usmanov notes that attention to the morphological classification of the language began at the end of the 18th century. In European linguistics, and this took place in the eyes of Brother Schlegel, and then Stein Hahl, and J. Grimm, A. Schleicher, A. I. Thomson. The linguist who first coined the term "agglutination" in linguistics, but noted that F. Bopp created the theory of agglutination by dividing the language into two groups in the form of a flexible and agglutinative language.

The works of V.V.Reshetov, E.D. Polivanov, A.N. Kononov, S.N. Ivanov, A.M. Shcherbak serve as a scientific and methodological basis in the morphology of Uzbek linguistics of the twentieth century. Of course, it is worth noting that a special role is played by the book by Ves Reshetov, "Fundamentals of Phonetics and Grammar of the Uzbek Language" (1960). In the 1950s, scientists such as O. Kosimkhodzhaeva, B. Madvaliev, A. Khodjaev, Z. Maupov, S. Ferdaus, S. Fuzailov, A. Sulaimonov made a significant contribution to the development of morphology in the 1960s. The famous Turkologist A.N. Kononov, who collaborated with scientists such as A. Borovkov, did a great job in this area.

Analysis. A prominent scientist Said Usmanov occupies a special place in the development of the morphology of the Uzbek language in the 20th century. S.Usmanov defended his thesis in 1953 under the guidance of linguist T.Ibragimov. This was his first serious work on morphology.

After that, a number of works by scientists in morphology were published. "A separate guide to the word and its morphological structure" (1957), "On the semantic and grammatical nature of the word repeated in the general consonant form" (1957), "On some forms of the verb" (1966), 1963, "Morphological classification of languages and agglutination in Turkic languages" (1963), "Attached speech" (1969), "Grammatical forms of words in the Uzbek language" (1964), "The problem of the use and form of word forms in the modern Uzbek language" (1963). 1964, "Morphology and functions of the word Analysis" (1965), as well as many others.

All the views of S. Usmanov on the development of the morphology of the Turkic languages as a whole, including Uzbek, are especially reflected in his fundamental study "Morphological Features of the Modern Uzbek Language". This was a study written for a doctorate. The first chapter of the work is entitled "Typological classification of languages and agglutination in Turkic languages".

Among the important studies in the field of Turkic and Uzbek linguistics from the 50s of the twentieth century, the work of G.G. Gulyamova are distinguished by deep thoughts and new scientific conclusions. It

was only recently recognized that our rich scientific and historical sources, works of art, folklore, and poetic arguments made a great contribution to the development of general research using scientific methods and thinking. This recognition applies, in particular, to linguistics.

I. A. Baudouin de Courten, N. V. Krushevsky, M. M. Pokrovsky, A. A. Potebnya, Theory and fabrication of relations in comparative and historical linguistics. The relationship between form and content in a word has been carefully studied. In relation to the same phenomenon, the terms “analogy” (I. A. Baudouin de Courten) is defined as “simplification”, and “morphological redistribution” (A. A. Potebnya). its meaning is connected with the semantic nature of its components.” For example, when plaster, stucco, plaster is obtained from the meaning of the parts of the ornament, the meaning of the word “silent” is taken from the meaning of the parts. Word formation, according to the scientist, is based on “one-time” (synchronous) relationships, while “temporary” (diachronic) is a set of principles used to explain changes and development over time: not the first “), but the following (secondary) event: it depends on another event (in meaning and in other respects), its semantic and structural properties are determined by this first event. Historical, diachronic facts in word-formation analysis are given, and taken into account, but not depending on where they are needed.

In the works of G.G.Gulyamov there were also references to the phenomenon of “internal form (language) of a language” (von Humboldt), “internal form (form) of a word” (A. A. Potebnya) in general linguistics, the reasons for the origin of the word and its motivation. The basics are stated: “A new word is born from the demands of life. This requirement depends on the progress of society in connection with this ... it is the source of all news, dynamics and all changes. ”

This is one of the main symbols of the sociolinguistic, pragmatic aspect of word formation: words are sporadic, logical and linguistic in nature, on which certain methods and tools are based. For this reason, A.G. Gulyamov applies the concept of the “word-formation model”: an abstraction model, a generalized abstract phenomenon in the sense of creating a scheme.

Here are some of them: 1) words that are not identical to the project model are similar in structure and meaning; 2) whether the word-formation models are ineffective or not because the model in the structure creates a new template: summing up the structure of the word structure, the word creation templates are determined, and boomodels form the word creation system.

It was said that serious studies have been conducted to study historical and modern morphology. In addition, a serious study of European and world linguistics was conducted, and all its achievements were applied to Uzbek linguistics.

Discussion. As a result of meetings and discussions with such great scientists as N. A. Baskakov, A. N. Kononov, S. N. Ivanov with Uzbek linguists, a number of serious morphological researchers F. Kamolov, T. Ibragimov, S. Usmanov, A. Gulamov with a scientist. A. Khodzhiev, M. Sodikova, R. Kungurov, I. Kuchkortoiev, A. Suleymanov (“Authors of the modern Uzbek literary language”), G. Abdurakhmanov (“Foundations of the modern Uzbek literary language”), Zh. Mukhtorov (“Connections in the modern Uzbek language”), B. Urinboev (“the draft category in the modern Uzbek language”), T. Khojaev (“the order of verbs in the modern Uzbek literary language”), A. Abduazizov, I. Rasulov, Kh. Kamilova, A. Madgaziev In the early 1970s M. Alamova, M. Narimanova and M. Dzhurab Eva, Yu. Tozhiev, A. Berdialiev, T. Mirzakulov, S. Mamatkulov, S. Sultonsaidova began a lot of scientific research in areas of morphology.

At the morphological stage, word formation issues are considered from the point of view of the location of morphemes, their interconnections, and the concepts of core and base are also widely used. In the framework of the second stage, the structural-semantic stage, the relationship between form (external) and content (internal) in an artificial word was widely discussed, and the principles of word formation analysis, morpheme analysis and subsequent morphological analysis were presented (S.Usmanov, Sh. Rakhmatullaev, A.A. It should also be noted the merits of our leading scientists, such as Khodzhiev). In the works of A. Gulyamov, word formation is considered a system, and the special concept of “word-formation relations” is used to explain motivation issues: In the works of such scientists as I. A. Baudouin de Courtenay, N. V. Krushevsky, M. M. Pokrovsky, A. A. Potebnya, who developed important issues of word formation and education in the system of comparative historical linguistics and discovered new directions, the relationship of form and content in the speech was studied in detail. In the studies of these scientists, it was found that the meaning in the structure of an artificial word is a reinforcing factor.

Terms such as “analogy” (I. A. Baudouin de Courtenay), “simplification”, and “morphological redistribution” (A. A. Potebnya) are associated with this phenomenon. A.G. Gulyamov evaluates such cases as follows: “The idea that the meaning of a word depends on the semantic nature of its parts” does not always mean that the meaning of these parts accumulates and forms the meaning of the word, it is equal to it.”

In the studies of these scientists, it was found that the meaning in the structure of an artificial word is a reinforcing factor. Terms such as “analogy” (I. A. Baudouin de Courtenay), “simplification”, and “morphological redistribution” (A. A. Potebnya) are associated with this phenomenon.

A.G. Gulyamov evaluates such cases as follows: “The idea that the meaning of a word depends on the semantic nature of its parts” does not always mean that the meaning of these parts accumulates and forms the meaning of the word, it is equal to it.”

For example, in cases such as plastering, plastering, plastering, the meaning of artificial comes from the meaning of the parts, while the meaning of the word andavalamoq “hasposhlamoq” has a different meaning than the meaning understood from the parts. Word formation, according to the scientist, is based on a “one-time” (synchronous) relationship, and “all the time” (diachrony) consists of a set of principles used to explain the change and development of periods: primary”), but the following (secondary) event:

For example, in cases such as plastering, plastering, plastering, the meaning of artificial comes from the meaning of the parts, while the meaning of the word andavalamoq “hasposhlamoq” has a different meaning than the meaning understood from the parts.

Word formation, according to the scientist, is based on a “one-time” (synchronous) relationship, and “all the time” (diachrony) consists of a set of principles used to explain the change and development of periods: primary”), but not the following (secondary) event: it subject to another event (in terms of meaning and other aspects), its semantic and structural features are determined by this primary event. When analyzing word formation, historical, diachronic facts are given for comparison, taken into account, but not taken into account, only if necessary. In the works of A.G., the basics of motivation are noted: “A new word is born with the demands of life. This requirement depends on the development of consciousness in this regard ... it is the source of all innovation, dynamics, all changes.”

Conclusion. Therefore, a motivated word is an important nominative-onomasiological unit, which, from the point of view of its artificial nature, shows that there are different connections between the world of concepts in the mind and the outside world. The development of society and consciousness allows the emergence of new designs as necessary.

In the early 70s, Uzbek linguistics gained great experience in studying the morphology of the Uzbek language. It is said that serious research has also appeared on the study of historical and modern morphology. In addition, a large-scale study was conducted in European and world linguistics, and all its achievements began to be applied in Uzbek linguistics.

REFERENCES:

1. Usmanov S. *Morphological structure of the word in the Uzbek language*. Tashkent 2010.
2. Usmanov S. *About morphemic and functional analysis of words // Uzbek language and literature*. 1965.1.
3. Usmanov S. *Morphological structure of the word in modern // // Scientific articles of the CPI in the Charter*, vol. 42, vol. I. - Tashkent, 1963.
4. Usmanov S. *Guidance on the word and its morphological structure* Tashkent, 1957., 43
5. J.Ibragimov, B.Mengliev. *On the methodological significance of the laws of dialectics in the substantial-pragmatic study of language*. *News of the National University of Uzbekistan*, Tashkent, 2017, № 5.
6. A.Norov, B.Mengliev. *Theoretical and practical bases of mathematical modeling of the Uzbek language*. - *Philological issues*, Tashkent, 2018. № 2
7. Mekhrinigor Akhmedova, Bakhtiyor Mengliev. *Spirituality in the soul of the language: about linguoma'naviyatshunoslik and its perspectives / American Journal of Research*. – USA, Michigan, 2018. – № 9-10. – P.187-198. (SJIF: 5,065. № 23).
8. B.Mengliev. *Enlightenment literature as a methodology of linguistic research / Uzbekistan language & Culture*. *Alisher Navo'i Tashkent State University of the Uzbek language and literature*. ISSN 2181-922X; 2019 Vol.1;
9. L.Raupova. *O'zbek struktural tilshunosligi asoslari. O'quv qo'llanma// Toshkent: "Innovatsiya-ziyo" ., 2019 yil. 85.*
10. Laylo Raupova, Adiba Botirova, Nargiza Musulmanova, Hurshida Kadyrova, Guzal Safarova. *Logical and Grammatical Relations in Word Categories: The Factor of Difference and Incarnation*. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, Vol. 24, Issue 04, 2020 ISSN: 1475-7192. 14 Apr 2020 year. 6828-6833-page.

THE PROBLEMS IN COMPREHENSION OF ENGLISH MORPHOLOGY IN THE PROCESS OF CESOND LANGUAGE ACQUISITION

*Ubaydullayeva Dilafruz Fazliddinovna,
Bukhara State University*

*Teacher at the department of Translation theory and language studies
salomsidney@gmail.com*

Abstract: *A knowledge of morphology aids in both teaching and learning a second language and in teaching and learning reading. Methods of teaching a second language vary in the attention they give to morphology. Methods based on a learning view give more attention to morphology than methods that take an acquisition view. However, inferring word meanings through structural analysis can be difficult because it is sometimes hard to recognize word parts, learn the meanings of the parts, and combine the parts to determine the meaning of a word.*

Keywords: *morphology, morpheme, approaches, learning skills, comprehension, parts of speech, methods, techniques, and second language acquisition.*

Introduction. Morphology is the study of meaningful parts of words. However, linguists find it difficult to define the term word. This may seem strange to anyone who can read. In most modern written languages, each word is set off from other words by spaces. Even in written language, though, it is not always clear whether an item should be considered one word or two. When it comes to oral language, decisions about what constitutes a word become even more difficult. Another reason that linguists find it difficult to define a word is that words can be broken down into small meaningful parts called morphemes. Morphology is the study of the morphemic structure of words. Linguists use the same process to describe the morphology of a language that they use to describe its phonology or syntax. Words can be grouped based on their morphological structure into simple words, complex words, and so on. They can also be grouped based on criteria that include semantic and syntactic criteria as well as their morphology. This grouping system divides words into different parts of speech, such as nouns and verbs. There are both traditional approaches to identifying parts of speech and scientific approaches based on research in linguistics.

Most adults remember identifying parts of speech in school. They learned that a noun is the name of a person, place, or thing and then found all the nouns on a worksheet. They learned the difference between main verbs and helping verbs. Usually, language arts texts list eight parts of speech: nouns, pronouns, verbs, adjectives, adverbs, prepositions, conjunctions, and interjections. The traditional definitions of the parts of speech reflect an earlier period in history. At one time, the school was conducted in Latin. When English became the language of instruction, many teachers suddenly had nothing to teach. The children already knew English, so they didn't need to be taught the language of school.

The literature review . Morphological concepts are important in understanding second language acquisition. Krashen's Natural Order Hypothesis is based on morpheme studies. Even though language is very complex, it is possible to observe the order in which different common inflectional morphemes appear in an emergent bilingual's speech. In addition to inflectional morphemes, these studies included free morphemes, such as forms of the verb to be (am, is, are), articles, and irregular past-tense forms like came [3.139p]. The Natural Order Hypothesis maintains that people acquire parts of a second language in a natural order. For example, some sounds are acquired before others. This hypothesis was based on Krashen's analysis of data from several earlier studies of the order of acquisition of morphemes in oral language, including Dulay and Burt's study of the acquisition of morphemes by second language adults and children. Some morphemes appear in an English learner's speech before others [6.54p].

The order of acquisition is the same for both children and adults from different language backgrounds. French speakers and Chinese speakers in the Dulay and Burt study acquired English morphemes in this same sequence. The order of acquisition for English as a second language is similar to that of English as a first language. However, Dulay and Burt found that native English speakers acquire auxiliaries and forms of the verb to be (the copula) later than English learners. This order holds for natural learning contexts in which people are acquiring English. Teachers may attempt to teach certain bound morphemes, such as the past tense -ed, before students are ready to acquire the morpheme. This will result in a temporary ability to add -ed to verbs on an exercise in class. However, students can't fully incorporate the form into their speech or

writing until they acquire it. Direct teaching doesn't change the order of acquisition. Language is complex, and students are acquiring phonology and syntax at the same time that they are acquiring morphology, so this list of morphemes can't be turned into a teaching sequence. Even so, this knowledge of the natural order of acquisition should be part of a teacher's pedagogical language knowledge. Teachers with this knowledge have a general idea of what to expect from their students and can better support students' English language development.

By teaching students to use morphological clues from prefixes, roots, and suffixes, teachers can help students construct meaning from texts. However, as Graves points out building students' vocabulary requires involving students in extensive reading and discussions, teaching some individual words, and teaching word-learning strategies such as the use of structural analysis. Graves writes that the goal of vocabulary instruction should be to increase students' word consciousness. Word consciousness is an awareness of and interest in words. Teachers with knowledge of linguistics can help their students develop word consciousness. At times, students identify parts of words as morphemes that are not actually morphemes. For example, students might notice the word *hot* in the word *hotel*. However, *hot* is not a base here, so it does not help a reader understand *hotel*. Since *hotel* has only one morpheme, there are no smaller meaningful parts that can be used as clues to word meaning. Or, to take another example, a student could spot *quit* in the word *mosquito*, but this is just a coincidence. There is no relationship between the meanings of *mosquito* and *quit*.

Graves also emphasizes the benefits of teaching strategies for learning words. One word-learning strategy is using morphological clues to infer meanings of words. He points out that words that make up the academic vocabulary of English often have Latin or Greek roots as well as prefixes and suffixes. Students can use morphological structural analysis to infer the meaning of words in context. For example, Thompson and Rubenstein describe how a math teacher used morphological clues to help her students understand a content-specific math term. The teacher explained, "Perpendicular comes from a root, *pend*, meaning 'to hang, ' because when a weight hangs freely on a string, it forms a perpendicular to the ground"[2.175p]. Then she connected the math term to other, everyday words they knew like *pendant* and *pendulum* to help the students remember the meaning of the Latin root. This teacher used the word-root to explain *perpendicular*. She helped her students remember the word by connecting it to other words they knew, and she showed that word histories can be interesting.

Methods. When linguists examine the physical speech stream, they do not find breaks between what people normally consider separate words. Consider the sentence, "I should have gone." A spectrographic display of this sentence would show no breaks between the words. In addition, in casual speech, this sentence is pronounced /aɪʃʊd hæv gən/. The word that is written *have* is reduced to /v/ and attached to /fud/ to form one unit. Like phonemes, words are psychological units, not physical units. When people speak, they cause sound waves to travel through the air. The interpretation of speech involves perceiving these sound waves as individual words. Humans do this effortlessly in a language they have acquired, but as anyone who has listened to a foreign language realizes, it can be very difficult to pick out individual words in a new language.

The first step in describing the morphology of a language is to divide the speech stream into discrete units. For morphology, the discrete units are morphemes, the smallest meaningful parts of words. In a word like *tree* there is just one morpheme. This word can't be divided into smaller meaningful parts. However, the word *trees* has two morphemes, *tree* and *s*. Each part of the word carries some meaning. *Tree* refers to a kind of tall plant, and *s* carries the meaning of plural. Two other examples of words that consist of more than one morpheme are *injections* and *replacements*. *Injections* can be divided into four morphemes: *in* + *ject* + *ion* + *s* and *replacements* can also be divided into four meaningful parts: *re* + *place* + *ment* + *s*.

The second step in describing the morphology of English or any other language is to categorize the units. Words like *trees* are made up of two kinds of morphemes: free morphemes and bound morphemes. Free morphemes are units that could stand alone as words by themselves. *Tree* is a free morpheme. Bound morphemes are units that must be attached or bound to a free morpheme. They cannot be written as separate words. The *s* in *trees* is a bound morpheme. Bound morphemes in English are either prefixes or suffixes. The general term *affix* refers to a prefix or a suffix. Some languages also have infixes, bound morphemes that are inserted into the middle of a word rather than being bound to the beginning or the end. Words can be grouped based on their morphological structure into simple words, complex words, and so on. They can also be grouped based on criteria that include semantic and syntactic criteria as well as their morphology. Methods of teaching a second or foreign language take different approaches to teaching morphology. Methods based on a learning view either teach morphology directly or contextualize the instruction in drills, role-plays, and other classroom activities. Methods based on an acquisition view assume that morphology will be acquired naturally, or they design lessons to teach morphology through academic content. The

grammar-translation method includes lessons designed to teach different aspects of language, including morphology. Students learn to add the correct endings to show person or tense. These aspects of morphology are taught directly.

In contrast, methods associated with both a communicative and an empiricist view includes activities that require students to use correct morphological forms. For example, students might tell a partner what they did yesterday, what they plan to do tomorrow, or even what they would do if they had the time and money. In each case, students would need to use auxiliaries and verbs with the proper suffixes to indicate the time. Students also engage in dialogues in which they need to use inflectional suffixes to indicate the person in some languages. A student learning French would use -es to indicate the second person you and or to indicate first person In the following lines:

("Can you go to the store?")

("Yes, I can go.")

However, in these methods, grammar is not taught directly.

One feature of the Silent Way is the use of Cuisenaire rods. Students use these rods to represent different parts of a language. In building words, students could use a long orange rod to represent the base of a word like prevention, a short green rod for the prefix pre-, and a short yellow rod for the suffix -tion. Although morphology is not taught directly in this method, students are made aware of word parts and use the rods to visually represent the parts.

In other methods, including Community Language Learning, Problem Posing, and the Natural Approach, the assumption is that students will acquire the language naturally if they receive comprehensible input. Morphology is not taught in these methods. On the other hand, teachers using methods such as CALLA and SIOP in which language is taught through content include both language and content objectives. Language objectives can focus on word parts. For example, a biology teacher might teach Latin roots of scientific words to help students build science vocabulary. A literature teacher might teach the future tense for students to use in reading and writing during a thematic unit on the future. Language objectives are drawn from academic content, so teachers using these content-based methods may teach aspects of morphology. Any teaching of morphology would be contextualized. Teaching Reading and Morphology

Insights from linguistic studies of morphology can inform reading instruction. Teachers who employ both methods that are consistent with a learning view and those who take an acquisition view include instruction designed to help students use morphological information as they read. Teachers who have a learning view teach structural analysis to help students decode complex words since those words are difficult to decode using phonics rules. The emphasis in learning classrooms is on helping students identify individual words. Students can then combine the meanings of the words to make sense of sentences, paragraphs, and complete texts.

Teachers who take an acquisition approach also teach students to use information from word parts as one strategy for constructing meaning from texts. Teaching prefixes, roots or bases, and suffixes always occurs in the context of meaningful reading so that readers can combine cues from morphology with graphophonic, syntactic, and semantic cues to make sense of what they read. The suffixes of complex words provide clues as to the word's part of speech. For example, words that end in -tion are usually nouns. This morphological information helps readers determine the syntax of a sentence as they read since they know that nouns serve as subjects and objects.

Fortunately, some creative children's authors have written books that can help children acquire many of the terms of traditional grammar. They have produced colorful, interesting books that contain many of the labels children are expected to master [1.215p].

Results and discussions.

There are fewer dependencies among morphemes. Bound morphemes must be added to a base or root to form a word. A prefix like re- must be attached to a base, such as a search, or to a root, such as ject, to form a word. In the same way, a suffix, such as -ize, has to be added to a root or a base word to form an English word. In this respect, bound morphemes depend on roots and bases to form words. However, the only requirement when adding more than one affix is that inflectional suffixes come at the end of a word and follow derivational suffixes, as in energizes where the inflectional -s follows the derivational -ize. There is no general rule for adding prefixes before suffixes or suffixes before prefixes. In forming a word like a replacement, the prefix re- could be added to form replace, and then the suffix -ment could be added to form replacement, but it would also be possible to add -ment first to make a placement, and then add the re- In forming a complex word with both a prefix and a suffix, adding one doesn't depend on adding the other one first.

For teachers, it is important to understand something of the structure of words and sentences in the first languages of their emergent bilingual students. If a student speaks a language that is synthetic, agglutinative, or polysynthetic, then the student's transition to English will need more support than a student who speaks a language that structures words and sentences in similar ways to the way English does. This knowledge of different kinds of words and sentences is part of a teacher's pedagogical language knowledge. Word formation rules account for many of the words in the lexicon of English. Speakers of English create these words by analogy with known words, following the same pattern. People also understand many new words by analogy. If someone knows what the nonsense verb *braf* means, they know that a *brafer* must be a person who *brafs*. They also know that to *unbraf* means to reverse the action of *braffing*.

Knowing one word can open up the meanings of many other words formed by adding derivational affixes. A problem with word formation rules is that there are often different derivational affixes that can be used to achieve the same effect. Both *un-* and *ir-* can signify the negative. A colleague recently used the word *humbleness* to describe a mutual friend. We understood what he meant, but English already has the word *humility*, so the rule for forming nouns from adjectives like *humble* is blocked by the presence of the word *humility*. Despite these problems, word formation rules are used by speakers of a language to create and understand new words.

In addition, by reading extensively, readers in acquisition classrooms build vocabulary. When readers come to a word or phrase they don't understand, they can use a number of strategies to make sense of the text, and one of these is to use their knowledge of word parts to comprehend individual words. Since academic texts contain many complex words, knowing some common prefixes, roots, and suffixes helps students build academic vocabulary.

Although using knowledge of word structures during reading is useful, there are several difficulties in applying structural analysis. These include difficulties in recognizing prefixes, roots, and suffixes; a lack of knowledge of some word parts; and the problems with combining word parts to infer the meaning of unknown words. Because of these difficulties, teachers should judge carefully how much time to spend teaching prefixes, roots, and suffixes. While such study can be useful and interesting, teachers always work within time constraints, and time spent teaching word parts is time taken away from having students read.

Research by Anderson and Nagy (1992) shows that students can learn many new words by reading without any explicit teaching. In addition, Krashen (2004) has summarized research studies showing the benefits of free voluntary reading. In their analysis of the international tests of reading, Brozo, Shiel, and Topping found that engagement in reading was a key predictor of high levels of reading proficiency. When teachers provide rich and varied oral and written language experiences, their students become better readers and build their vocabularies [11.17p].

In addition, teachers should teach some individual words. These should be words related to the academic subjects students are studying. Marzano and Pickering outline an approach to teaching words that many teachers have found useful. In teaching linguistics, for example, it would be important to teach words like *phoneme*, *morpheme*, and *syntax*. The key is to embed vocabulary instruction, in meaningful reading [4.29p].

Emergent bilinguals also benefit from knowledge of some prefixes and suffixes. These word parts occur frequently and provide consistent clues that help students infer word meanings. In many cases, prefixes and suffixes attach to English base words that students know. If they also know the meaning of the prefix or suffix, they can infer the meaning of the whole word. White, Sowell, and Yanagihara analyzed words taken from a word-frequency list for school texts in grades 3 through 9. They found that four prefixes (*un-*, *re-*, *in-*, and *dis-*) accounted for 58 percent of the prefixes in their data. They recommend teaching these four prefixes first. Teachers can begin by listing these four prefixes on a chart and having students find words with the prefixes as they read and add them to the chart. Looking at the list of words, the students and teacher can discuss the meaning of each prefix [6.305p].

Students might notice that *in-* means not in a word like *ineligible* and it means in for *inside*. The teacher can suggest that students try each meaning to see which one makes sense. The teacher can also add other words to the chart. For example, *impossible* has a prefix that looks like *in-* and means not so students could infer that *impossible* means "not possible." Students can gather other words with *im-* and try to make a generalization about when the prefix is spelled *im-*, not *in-*. Activities like these can trigger students' word consciousness.

Teaching these four most commonly occurring prefixes can give students clues to the meanings of many words. In addition, teachers can work with students to create a wall chart listing suffixes that signal that a word is a noun, a verb, an adjective, or an adverb. As students read, they can look for words with suffixes that indicate each of these major parts of speech. For example, the suffixes *-tion* (*attention*), *-ence*

(independence), and -ment (acknowledgment) can be added to a base word or a root to make it a noun. Teachers can discuss how knowing whether a word is a noun, a verb, an adjective, or an adverb can help readers figure out its meaning in a sentence. Students will also see that adjectives and adverbs usually provide extra descriptive information and are not as important in understanding the meaning of a sentence as the nouns and verbs.

Teaching word-part clues can be a useful word-learning strategy if used judiciously. Teachers should choose words related to their content area. They should look primarily for words with a recognizable English base that occurs in several words in their field. Then teachers can show students how prefixes modify the meaning of the base and how suffixes provide clues about the part of speech. Although students may encounter difficulties applying structural analysis if they are simply told to look for little words inside the big words, they are more successful when teachers introduce and teach common prefixes and roots as one strategy readers can use. As long as students ask themselves the question, "Does this make sense?" they won't be led to think that the meaning of a word like hotel is related to the meaning of hot.

There would be other ways to divide cognate. One common root is cogn meaning "to know" and the suffix -ate means "to make." Thus, cognate could mean "to make known." The student might know a word like recognize and assume that recognize and cognate are related in meaning. However, the words have different roots. The root of cognate is gnatus and the root of recognize is cogn. If students have trouble recognizing the morphemes in a word, then they are not able to use structural analysis effectively. For words like cognate it would be better for a teacher to explain the meaning and provide examples than to ask students to use structural analysis. Despite the difficulties in using structural analysis during reading, both emergent bilinguals and native English speakers can benefit from some knowledge of word parts to help them read academic texts. Structural analysis is one strategy students can use to comprehend the complex vocabulary in these texts.

Another way that teachers can help students use their knowledge of morphology to develop academic vocabulary is through the study of cognates. Cognates are words that come from the same root, that were literally "born together." If emergent bilinguals speak a Latinate language, they may understand many academic English words when they connect those words to related words they know in their first language. A Uzbek speaker could understand the English word hypothesis by associating it with the Uzbek cognate hipótesis. Knowledge of the Uzbek word transfers to reading in English. Support for the idea that what a person knows in one language can transfer to a second language comes from Cummins' theory of a common underlying proficiency. Cummins cites research that shows interdependence among the concepts, skills, and linguistic knowledge in two languages. If a student understands the concept of the water cycle in one language, that concept transfers into a second language. If a student knows how to summarize a chapter, that skill also transfers [9.142p].

Conclusions and recommendations .

Methods of teaching a second language vary in the attention they give to morphology. Methods based on a learning view give more attention to morphology than methods that take an acquisition view. Morphology is taught directly in the Grammar Translation method and is taught in the context of communication in other empiricist methods. Rationalist methods, such as the Natural Approach, assumed that morphology would be acquired without direct teaching.

Methods such as CALLA and SIOP call for language objectives and these may include teaching prefixes, roots, and suffixes to help students develop academic language. Morphology also plays a role in reading. Students learning to read should develop strategies for constructing meaning from texts. One strategy is the use of structural analysis. However, inferring word meanings through structural analysis can be difficult because it is sometimes hard to recognize word parts, learn the meanings of the parts, and combine the parts to determine the meaning of a word.

Teaching vocabulary In the Vocabulary Book: Learning and Instruction, Graves summarizes the research on vocabulary teaching and learning. Based on his review of the research, he concludes that teachers should follow four procedures to ensure effective vocabulary development:

1. Provide rich and varied language experiences.
2. Teach individual words.
3. Teach word-learning strategies.
4. Foster word consciousness (awareness of, and interest in, words)

The best way to help students build their vocabulary is through class discussions and extensive reading.

REFERENCES:

1. Ubaydullayeva, D. . (2022). *English language systems and problems in teaching them*. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 2(11), 123–130. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/ejsspc/article/view/4695>
2. Izomovich, R. Z., & Fazliddinova, U. D. (2021, November). *The Problems of Second Language Acquisition and Writing in Teaching English Language*. In "Online-conferences" platform (pp. 229-233)
3. Qosimova, N. (2021). *Tarjima jarayonida diskurs tahlilining roli* . Центр научных публикаций (buxdu.Uz), 1(1). извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/2164
4. Qosimova, N. (2022). *Замонавий лингвистика нуқтаи назаридан парадигмалар моҳияти ва уларнинг кўчиши сабаблари*. Центр научных публикаций (buxdu.Uz), 8(8). извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/5808
5. Rasulov Zubaydullo Izomovich, Ubaydullayeva Dilafruz Fazliddinova. "Influence of orthography in teaching english and second language acquisition" *Thematics Journal of Applied Sciences* 6.1 (2022).
6. Nasriddinova, S. Z. *ional Study of Syntactical Relations o pound Sentences in Uzbek Linguistics*.
7. Sirojova , Z. . (2022). *Syncretism of syntactical relations in uzbek complex sentences*. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 2(11), 119–122. извлечено от <https://www.in-academy.uz/index.php/ejsspc/article/view/4694>
8. Nasriddinova, S. Z. (2022, April). *Classification of syntactic relations in compound sentences*. In *International Conference on Research Identity, Value and Ethics* (pp. 121-123).
9. Subxonova, M. (2022). *Роль языка и культуры в лингвокультурологическом анализе английских и узбекских пословиц*. Центр научных публикаций (buxdu.Uz), 8(8). извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/5895
10. Graves, Donald. 1994. *A Fresh Look at Writing*. Portsmouth, NH: Heinemann
11. Krashen, 1982. *Principles and Practice in Second Language Acquisition*. New York: Pergamon Press.

ТИЛШУНОСЛИКДА БАДИИЙ МАТННИ СОЦИОПРАГМАТИК АСПЕКТДА ТАДҚИҚ
ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Йўлдашева Халида Қўзиевна,

Қарши давлат университети доценти,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

x-yuldasheva@mail.ru

Аннотация. Мақолада тилшуносликда матн тадқиқи бўйича олиб борилган илмий қарашларга муносабат билдирилган. Кейинги йилларда матнга антропоцентрик нуқтаи назардан ёндашиш масаласи ҳамда бадиий матн тадқиқига социопрагматик ёндашувнинг долзарб масалалари ёритилган.

Калим сўзлар: матн, матн лингвистикаси, бадиий матн, социопрагматика, бадиий матнга социопрагматик ёндашув.

Аннотация. В статье рассматриваются научные взгляды на исследование текста в лингвистике. В последующие годы освещался вопрос подхода к тексту с антропоцентрической точки зрения и актуальные вопросы социопрагматического подхода к изучению художественного текста.

Ключевые слова: текст, лингвистика текста, художественный текст, социопрагматика, социопрагматический подход к художественному тексту.

Abstract. The article deals with the scientific views on text research in linguistics. In the following years, the issue of approaching the text from an anthropocentric point of view and the current issues of the sociopragmatic approach to the study of the artistic text were covered.

Keywords: text, text linguistics, artistic text, sociopragmatics, sociopragmatic approach to artistic text.

Кириш. Тилшуносликда узок йиллардан бери матн тадқиқига жиддий эътибор бериб келинмоқда. Матн лингвистикаси назариётчиларидан бири Н.С.Валгинанинг маълумот беришича, тилшуносликда XX асрнинг 20-30-йилларидан бошлаб матнга нутқ маҳсулоти сифатида қарала бошлаган. XX асрнинг 50-йилларига келиб тилни функционал жиҳатдан ўрганишга эътибор кучайиши натижасида тил статик белгилар тизими сифатида эмас, балки динамик тизим сифатида баҳоланди ва бу вақтда мулоқот амалиётида “нутқ фаолияти” термини пайдо бўлди. Матнда ўқувчи (тингловчи) идроки ва унинг жавоб реакциясини инобатга олувчи ёзувчи (сўзловчи) субъектининг нутқий фаолияти ҳақида фикрлар билдирила бошланди. Шу асосда ўзаро боғланган *муаллиф* (матнни яратувчи) – *матн* (нутқий фаолиятнинг моддий кўриниши) – *ўқувчи* (интерпретатор) учлиги юзага келди.[3]

Дарҳақиқат, матн муайян инсон томонидан яратилса-да, уни мутолаа қилувчи (ёки эшитувчи) шахс, яъни китобхон (ёки тингловчи) мавжуд бўлмаса, бу матн коммуникатив мулоқотдан маҳрум бўлган нутқий фаолият маҳсули бўлиб қолади. М.Йўлдошев қайд этганидек, “... ҳар қандай нутқий коммуникациянинг юзага келиши, воқеланишида уч асосий унсурнинг иштироки мажбурийдир, яъни сўзловчи (ёзувчи) – ахборот (матн) – тингловчи (ўқувчи). Тўғри, нутқий коммуникацияда нутқий шароит, ахборот канали (овоз, ёзув, магнит ёзуви, телефон каби), мулоқот аъзоларининг мақоми, ёши ва бошқа белгилари, шунингдек, бошқа турли ғайрилисоний воситаларнинг ҳам ўрни бениҳоя муҳим, ҳатто кўпинча ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Лекин мазкур уч унсур нутқий коммуникациянинг асосий устунларидир, уларнинг бирортасиз мулоқот жараёни воқе бўлолмайди” [5;30].

Француз философи Р.Бартнинг фикрича, фанда матнни ўрганиш, унга гапдан йирик бутунлик сифатида қараш тамойили Аристотель давридаёқ кириб келган [2;444-445]. Аммо матн ўтган асрнинг 60-70 йилларидан бошлаб лингвистик тадқиқотлар объекти сифатида структур, семантик, стилистик жиҳатдан маҳсус ўрганила бошланди. Кейинчалик матн яратилиши, унинг идроки, матн яратилишининг шарт-шароитлари каби масалалар таҳлилига жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, хориж тилшунослигида Ю.М. Лотман, С.И. Гиндин, Э.Г. Ризель, М.М. Бахтин, А.А. Леонтьев, Т.М. Дридзе, Р.Барт, О.И. Москальская, Т.М. Николаева, Б.М. Лейкина, В. Дресслер, А.А. Акишина, К. Кожевникова, Л.М. Лосева, В.В.Одинцов, И.Р. Гальперин, А.И. Новиков, Ю.В. Попов, Т.П

Трегубович, К.А.Долинин, Е.С.Кубрякова, Ю.А.Левицкий, О.Каменская, Е.А.Реферовская, А.С.Штерн ва бошқаларнинг ишларида бу масалалар ўртага ташланди.

Ўзбек тилшунослигида ҳам 30-йиллардан бошлаб матн тузилиши, унинг вазифаси, қисмларининг боғланиши каби масалалар таҳлили бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Лекин фақат ўтган асрнинг ўрталарига келиб бадий асар тили билан боғлиқ ҳолда унинг лингвистик таҳлиliga бағишланган қатор тадқиқот ишлари юзага келди. Кейинчалик матннинг лингвистик хусусиятларини ёритишга бағишланган тадқиқот ишлари, матн лингвистикасининг назарий масалалари ёритилган монографиялар, ўқув қўлланмалари юзага келди.

Асосий қисм. XX асрнинг охирига бориб тилшунослиқда тилни ўрганишга ёндашувлар ўзгарди, тилни белги сифатида ўрганишдан воз кечилиб, тил бирликлари маданиятшунослик, социология, когнитология, психология каби фанлар билан ҳамкорликда тадқиқ этила бошланди. Мана шундай фанлар ҳамкорлиги натижасида лингвокультурология, когнитив тилшунослик, психоллингвистика, прагматлингвистика, социоллингвистика каби тилни инсон омили билан боғлиқ ҳолда ўрганувчи антропоцентрик тилшуносликнинг турли йўналишлари майдонга келди. Тил ҳодисаларини ўрганишга антропоцентрик ёндашув матн тадқиқидида ҳам янги қарашларни юзага келтирди. Бу даврда матнга лингвистик ҳодиса сифатида қаралиб, у, асосан, қуйидаги аспектларда тадқиқ этилди: 1) анъанавий грамматик аспект; 2) психоллингвистик аспект; 3) лингвокогнитив аспект; 4) коммуникатив-прагматик аспект.

Бугунги кун тилшунослигида тилдан амалий фойдаланиш масаласи асосий масалалардан бири сифатида қаралмоқда. Бадий матн тадқиқига социопрагматик нуқтаи назаридан ёндашиш ҳам ана шу масалалар сирасига киради. Бадий матннинг социопрагматик тадқиқи қилишда асосий эътибор сўзловчи (матн яратувчи), матн ва уни қабул қилувчи шахсга қаратилади.

“Матн яратувчи ва уни идрок этувчи шахс омилини ўрганиш тадқиқ объектига турли жиҳатлардан, хусусан, семантик, психоллингвистик, прагматик, когнитив ва лингвокультурологик нуқтаи назардан ёндашишни тақозо этади” [6;7]. Олима Д.Худойберганова матн тадқиқига антропоцентрик ёндашувда асосан семантик, психоллингвистик, прагматик, когнитив, лингвокультурологик жиҳатдан тадқиқ қилишни назарда тутган бўлса, айнан матн тадқиқидида “матн яратувчи ва уни идрок этувчи шахс омили”ни ўрганишда социопрагматик тадқиқни ҳам киритиш мумкин.

Матн яратувчи ва уни идрок этувчи шахс омилини социопрагматик жиҳатдан тадқиқ қилиш орқали матн яратувчи (сўзловчи) матнни қабул қилувчи (тингловчи)нинг социал ва прагматик хусусиятлари, яъни ёш, жинс, ижтимоий мавқе каби ҳолатларни инобатга олиш зарурлигини тақозо қилади.

Тадқиқотчи Ж.Ибрагимов ўзбек тилини субстанциал- прагматик тадқиқ қилишнинг методологик асосларини тадқиқ қилиш жараёнида тил ҳодисаларини ўрганишнинг янги босқичида бирликларни уч ўлчовли система сифатида ўрганиш таҳлилининг нисбатан мукамаллиги ва тўлиқлигини таъминлашини айтиб ўтади ва учинчи босқичда нутқий бирлик антропо-социо-прагматик омиллар қуршовида кузатилиб, бу омиллар яхлитлиги матн билан биргалиқда нутқий бирлик амал қиладиган “фазо” сифатида намоён бўлишини таъкидлайди [4;19].

Маълумки, бадий асар муайян социал тип, яъни ёзувчи томонидан яратилиб, жамият, унинг аъзолари, яъни китобхонлар учун хизмат қилувчи ижтимоий воқелик сифатида аҳамиятлидир. Бадий асар ёзувчи томонидан яратилиши ва китобхонлар томонидан мутолаа қилинишига кўра *иккитомонлама йўналганлик хусусиятига эга. Рус олимаси Н.С.Валинининг фикрича, “ҳар қандай матн кимнингдир уни идрок этиши учун мўлжалланади: йилномачи келажак авлод учун, мутахассис олим эса ҳамкасбларига ўз кузатишлари ва хулосаларини етказиш учун ёзади; кундалик каби матн ҳам кимдир учун яратилади, у инсоннинг “ўзи учун” мўлжалланган бўлса-да, бунда “ўзи учун” тушунчаси ҳам маълум бир ўқувчини англатади. Шу ўринда матннинг муаллиф-ижодкорга (балки жамоавий муаллифлар) ва идрок этувчи ўқувчига тарзидаги иккитомонлама йўналганлик хусусияти англашилади. Бу жиҳат матнни ҳар томонлама тавсифлашда кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради” [3].*

Бадий асар ёзувчи ва жамиятнинг турли қатламлари ўртасида коммуникатив алоқа-муносабатни ҳосил қилувчи восита ҳисобланади. Тадқиқотчи А.Р.Абитованинг фикрича, “бадий асар воқеликни эстетик-прагматик йўналишда тасвирловчи, матннинг барча тавсифларига эга бўлган ҳамда ташқи оламни образларда акс эттирувчи тугалланган социал-нутқий ҳодисадир”[1;15].

Бадий асарни социопрагматик манба сифатида ўрганишда ёзувчи ва у яратган персонажларнинг тил белгисига муносабати, ҳар хил ижтимоий қатлам вакиллари билан иборат персонажларнинг муайян коммуникатив мақсадга эришиш учун тилдан қандай фойдаланганлиги,

уларнинг тилни турли ижтимоий муҳит, нутқ вазиятида қўллашидаги ўзига хос жиҳатлар масаласи муҳим ўрин тутди. Шунингдек, бадиий асарнинг социопрагматик хусусияти унда турли касб-кор эгалари, турли диалект вакиллари ва бошқа ижтимоий қатламга мансуб кишилар ўртасидаги коммуникатив мулоқотда ҳам кузатилади. Бадиий матн ёзувчи ва китобхон, ёзувчи ва персонаж ўртасида коммуникатив мулоқотни ҳосил қилувчи восита сифатида аҳамиятли экан, у турли ижтимоий типлар ўртасидаги коммуникатив алоқа кўринишлари, тилнинг муайян социал гуруҳлар мулоқотида намоён бўлган ижтимоийлик хусусиятларини ўрганишда социопрагматикнинг тадқиқ объекти бўла олади.

А.Р.Абитова матн прагматикаси билан бирга социопрагматикани ҳам ажратиб кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб қарайди. У матнни маълум даражада социомаданий вазият билан белгиланадиган тил белгиларининг амал қилиш муҳити деб тушунадиган ва социомаданий омилларнинг ўзаро таъсири бурчагидан келиб чиқиб қарайдиган ёндашувни матн таҳлилига социопрагматик ёндашув деб ҳисоблайди. [1].

Бадиий матнда ёзувчи ва китобхон ўртасидаги коммуникатив мулоқот китобхоннинг асарни ўқиб, идрок этиши жараёнида юз беради. Китобхон бадиий асарни мутолаа қилар экан, ёзувчи билан ҳаёлан мулоқотга киришади, у билан беихтиёр баҳсга киришади, зарур ўринда эътироз билдиради ёки қарашларини, асарда ифода этган ғояларини маъқуллайди.

Хулоса. Хуллас, ёзувчи ва китобхон ўртасида коммуникатив мулоқот китобхоннинг асарни ўқиши, унинг мазмунини, ғоясини идрок этиши жараёнида юзага келади.

Бадиий асарда ёзувчи ва персонаж ўртасида кечадиган яширин коммуникатив мулоқотни ҳам сезиш мумкин. Гарчи асар персонажлари хатти-ҳаракати, гап-сўзи ёзувчи томонидан белгиланса-да, баъзан персонажлар ёзувчи ихтиёрига “бўйсунмайди”, унинг хоҳиш-иродасига қарши тарзда “ҳаракатга тушади”. Ёзувчи гоҳида ўзи яратган персонажнинг хатти-ҳаракатларини олқишлайди ёки қоралайди. Бундай ҳолатда ёзувчи ва персонаж ўртасида коммуникатив мулоқот юзага келади.

Ҳар бир бадиий асарда тасвир объектига нисбатан муаллифнинг субъектив муносабати, қарашлари акс этади. Ёзувчининг воқеликка бўлган муносабати ижтимоий-маданий вазиятларга боғлиқ ҳолда шаклланиши табиийдир. Ҳар бир ёзувчи ўзи яшаётган, тарбия топган ижтимоий муҳит, маданият доирасидан ташқарига чиқиб кета олмайди. У ташқи олам, унда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни жамиятнинг муайян социал типи – ижодкор шахс сифатида идрок этади ва уни асарларида акс эттиради. Бу жиҳатдан ҳам ҳар бир бадиий асар социопрагматик аспектга алоқадор манба ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, бадиий асар нафақат ёзувчи шахсига тегишли нутқ кўринишини, унинг воқеликка муносабати кабиларни, балки асарда “ҳаракатланган” бошқа ижтимоий гуруҳлар нутқини, уларнинг тилга муносабатини намоён этишига кўра ҳам социопрагматик аҳамиятга эгадир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абитова А.Р. Социопрагматика текста “Поток сознания” (на материале современной немецкой прозы): Дисс. канд. филол. наук. – Пятигорск. 199. – С. 15. (– 216 с.)
2. Барт Р. Лингвистика текста // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 8. Лингвистика текста. – М.: Прогресс, 1978. – С. 444-445.
3. Валгина Н.С. Теория текста // <http://evartist.narod.ru/text14/16.htm>
4. Ибрагимов Ж. Ўзбек тилини субстанциал-прагматик тадқиқ қилишининг методологик асослари: Филол. фан. фалс. док. ...дисс. автореф. – Қарши, 2019 –Б.19.
5. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 30. (– 160 с.)
6. Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. Монография. – Тошкент: Фан, 2013. – 136 б.

ТАРЖИМАШУНОСЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ: ИНТЕРТЕКСТУАЛЛИК ВА МУТАРЖИМ ФАОЛИЯТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Касимова Раъно Раҳматуллоевна,

Бухоро давлат университети

Инглиз адабиётишунослиги кафедраси доценти,

филология фанлари бўйича

фалсафа доктори (PhD)

ranokasimova77@mail.ru

Аннотация. Мақолада адабиёт, психология, роман, интертекстуаллик, квази-интертекстуаллик, метатекстуаллик, гипертекстуаллик, универсализм тушунчалари хусусида фикр юритилган бўлиб, бадиий асар ва психологиянинг шахс хулқ-атвори ҳамда фикрлаш тарзига таъсири ўрганилган. Фанларaro интеграциянинг кенгайиши натижасида таржимашунослик соҳасида янги қарашлар юзага келган. Жумладан, адабиётишуносликдаги мураккаб назариялардан бири интертекстуалликнинг таржимашунослик соҳасида қўлланилиши, мутаржим фаолиятига қўйилган талабларнинг кучайтирилгани, таржиманинг тил, маданият, тафаккур билан боғлиқлиги таржима жараёни орқали ёритиб берилган. Бадиий асар мазмуни ўзгармас, бироқ ижтимоий омилар ва маданий тушунчаларга кўра аҳамияти ўзгарувчан. Интертекстуаллик назариясига кўра, ҳеч бир асар мазмун-моҳияти алоҳида талқин қилина олмаслиги, бошқа бир асарга, албатта, мурожат этилиши манба тил (МТ) ва таржима тил (ТТ) матни мисоллари ёрдамида асосланган.

Калит сўзлар: манба тил (МТ), таржима тил (ТТ), интертекстуаллик, квази-интертекстуаллик, метатекстуаллик, гипертекстуаллик, универсализм.

Аннотация. В статье обсуждаются понятия литературы, психологии, романа, интертекстуальности, квази-интертекстуальности, метатекстуальности, гипертекстуальности и универсализма, исследуется влияние искусства и психологии на поведение и образ мышления личности. В результате расширения междисциплинарной интеграции в области переводоведения появились новые перспективы. В частности, интертекстуальность является одной из сложных теорий литературоведения и её применение в области переводоведения выдвигает новые требования к переводчикам. Интеграция перевода с языком, культурой и мыслями раскрывается в процессе перевода. Содержание произведения искусства неизменно, но его значение меняется в зависимости от социальных факторов и культурных концепций. Также, по сути теории интертекстуальности, содержание и суть любого произведения нельзя интерпретировать отдельно, оправдано обращение к другому произведению с примерами текстов на исходном языке (ИЯ) и на языке перевода (ПЯ).

Ключевые слова: текст исходного языка (ИЯ), текст перевода (ПЯ), интертекстуальность, квази-интертекстуальность, метатекстуальность, гипертекстуальность, универсализм.

Abstract. The article discusses the concepts of literature, psychology, novel, intertextuality, quasi-intertextuality, metatextuality, hypertextuality, and universalism, and investigates the influence of art and psychology on personal behavior and way of thinking. As a result of the expansion of interdisciplinary integration, new perspectives have emerged in the field of translation studies. In particular, intertextuality is one of the complex theories of literary criticism and its application in the field of translation studies puts forward new requirements for the translators. The integration of translation with language, culture, and thoughts is illuminated through the translation process. The content of the work of art is unchangeable, but its importance changes according to the social factors and cultural concepts. Also, due to the theory of intertextuality, the content and essence of any work cannot be interpreted separately, it is justified to refer to another work with the examples of source language (SL) and target language (TL) texts.

Keywords: source language (SL), target language (TL), intertextuality, quasi-intertextuality, metatextuality, hypertextuality, universalism.

Қириш. Инсон ва унинг ақлий фаолияти, хулқ-атвори ҳамда маданияти психология, санъат, тарих, мантиқ ва ижтимоий фанларни ўзаро боғлаб туради. Ушбу муносабатлар инсон дунёқараши,

эътиқоди, ҳиссиётлари, истаклари ва интилишларидан фойдаланиб, атроф-муҳитни тушуниш ва муаммоларга ечим топиш сингари уринишларни қамраб олади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature Review). Ақлий ва жисмоний фаолият шахс онгининг ривожланишига, характерини билиб олишга имкон яратади. Бунда адабиёт Девид Лодж таъкидлаганидек, “... *may be a record of human awareness, the wealthiest and most comprehensive the humankind possesses*”[16;10], инсониятнинг бебаҳо ва мукамал онгини ёритувчи манба бўлиши мумкин. Н.Чомский ғояларига асосланиб, адабиёт инсон, унинг ҳаёти ва ўзига хос тажрибалари ҳақидаги энг муҳим манбалардан бири, деб айтиш мумкин. Роман макон ва замонда рўй берган воқеалар, инсоннинг уларга муносабатлари ва орттирилган тажрибаларини намоён этувчи санъат асари бўлиб, психологияга қараганда инсон ҳаёти ва шахсиятини ўрганишга кўпроқ аҳамият беради. Бинобарин, инсон адабиёт орқали кўп нарсани ўрганади. Бундан ташқари “*Literature is a social institution using as its medium language, a social creation ... literature represents life, and life is, in large measure, a social reality, even though the natural world or and the inner or subjective world of the individual have also been objects of literary imitation. The poet himself is a member of society, possesses of a specific social status*”[22;94], адабиёт ижтимоий ижодни стандарт тил сифатида қўллайдиган ижтимоий институтдир... адабиёт ўзида ҳаётни акс эттиради ва ҳаёт, кенг маънода, шахсинг табиий ва ички ёки субъектив дунёси ҳам адабий маҳсулот объекти ҳисобланса-да, ижтимоий воқелиқдир. Шоирнинг ўзи муайян ижтимоий мавқега эга жамият аъзоси.

Ж.Каган ва Э.Ҳевманларнинг таъкидича, “*the science that efficiently considers and endeavors to clarify discernible behavior and its relationship to the inconspicuous mental processes that go on inside the living being and to outside occasions within the environment*”[13;13], психология ажралиб турадиган хулқ-атвори ва унинг тирик мавжудот ичида юзага келадиган сезилмас ақлий жараёнлар ва атроф-муҳитдаги ташқи ҳодисалар билан алоқасини самарали текширадиган ва аниқлаштиришга ҳаракат қиладиган фан сифатида ифодаланиши мумкин.

Келтирилган таърифлардан, адабиёт ва психология инсоннинг фикрлаш тарзи, ҳиссиётлари билан узвий боғлиқлиги, психоаналитик олимлар муаллиф ва унинг ижоди ўртасидаги муносабатга оид асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланиши, психологик ёндашув эса муаллифнинг онгли ва онгсиз идроки, истакларини ҳисобга олиши кераклиги англашилади.

Адабий терминлар ва адабий назариялар лугатида роман сўзига берилган “*which is for the foremost portion concerned with the spiritual, emotional and mental lives of the characters and with the analysis of character instead of with the plot and the activity*”[5;709] таърифга кўра, ўқувчининг эътиборини энг аввало, сюжет ва фаолият таҳлилидан кўра персонажларнинг маънавий, ҳиссий ва ақлий ҳаёти ҳамда қаҳрамон характерининг талқинига қаратиш муҳим. Асар воқеалари ва қаҳрамонларининг ижтимоий, маънавий ҳаёти, аксарият ҳолларда, ёзувчиларнинг шахсияти ва хусусиятларини намоён этади. Муаллифлар кўрган, кечирганларини асар мавзусига айлантириб, муаммоли вазиятларни ёритишга уринишади.

Бадий асар ва психология “*the overall pattern of characteristic ways of behaving and thinking that constitute the individual's unique and distinctive method of adjusting to his environment*”[13;422], шахсни атроф-муҳитга мослаштиришнинг специфик ва фарқли усулларини ташкил этадиган хулқ-атвор ва фикрлаш тарзининг умумий модели сифатида таърифланади. Ёзувчи тартибга солиш, шакллантириш, ёзиш, таҳлил қилиш, ўзгартириш ва баҳолаш сингари ўз услубига эга шахс. К.Г.Юнг сўзларига кўра, “*the artist's life cannot be something else than full of clashes, for two strengths are at war inside him - on the one hand the common human yearning for bliss, fulfillment and security in life, and on the other a merciless passion for creation which may go so distant as to supersede each individual desire*”[12;229], адабиётшуноснинг ҳаёти тўқнашувлардан бошқа нарса бўлиши мумкин эмас, чунки унинг ички оламида иккита куч, бир томондан, инсоннинг ҳаётда хурсандчилик, завқланиш ва хавфсиз бўлиш истаги, бошқа томондан эса ҳар бир шахсий истакни ўзгартиришга олиб борадиган ижодкорликка бўлган шафқатсиз эҳтирос курашади.

3. Фрейднинг фикрига кўра, “*the artist with his uncommon endowments moulds his fantasies into an unused kind of reality, and men capitulate them a legitimization as valuable reflections of real life*”[7;141], ғайриоддий қобилиятга эга рассом ўз фантазияларини фойдаланилмаган ҳақиқатга айлантиради ва кишилар уни ҳақиқий ҳаётнинг бебаҳо акси сифатида қабул қилишади. А.Лифевера таъбирича эса, асарни ТҒида қайта яратиш таржимоннинг рассом сифатидаги маҳоратига боғлиқ[15; 3]дир.

Кўриниб турибдики, адабиётшунос ёзувчи ҳаётига турлича тавсиф берилса-да, моҳияти бир хил, ёзувчи ҳамиша ички ва ташқи кучлар куршовидалиги, ички “мен”и ва тасаввурларини ишга солиб, ўз асарини яратади. Абдулла Кодирийнинг “Мехробдан чаён” романидаги психологик ҳолатлар таҳлили ва олдинроқ билдирилган фикрлар мисолида, ёзувчининг ноёб мактаб ва анъаналарни

яратган қобилиятли рассом, унинг асарларини реал воқелик акси, деб ҳисоблаш мумкин, чунки ёзувчининг таҳлили раҳм-шафқат ва жозибаторлик туйғуларига асосланган. Ана шундай жозибали услуб туфайли Абдулла Қодирийнинг образи ҳамиша чуқур мазмунга эга бўлиб, ўқувчи китобхонни хилма-хил фикрлар гирдобиди қолдиради.

Тадқиқот методологияси (Research methodology). Таржимашунослик соҳасидаги туб ўзгаришлар сабаб Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, Чўлпоннинг “Кеча ва Кундуз”, П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, “Хумоюн ва Акбар”, Ў. Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари”, О.Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, Ойбекнинг “Навоий” ва ҳ.к. асарлари бевосита аслият тилидан таржима тилига ўтирилди. Ушбу асарларнинг аслияти ва таржималарини ўзаро чоғиштириш муаллиф психологияси, қаҳрамонлар рухий ҳолати, мутаржим психологиясини ёритиш, психология фанининг таржимашунослик соҳасига таъсирини аниқлашга имкон яратади.

Кўриниб турибдики, фанлараро интеграциянинг кенгайиши янги услубдаги таҳлилларга туртки бўлади. Масалан, илгари психологиянинг адабиётга таъсири талқин қилинган бўлса, ҳозирги кунда бадиий адабиётнинг таржималарда ифодаланиши ҳамда таржима тили реципиентга таъсири масалаларини таҳлилга тортаман.

МТ ва ТТ матнлари хусусида фикр юритарканмиз, таржимашуносликда интертекстуаллик, унинг турлари ва мутаржим фаолиятига қўйиладиган талабларни ҳам санаб ўтишимиз жоиз.

Ю.Кристева фикрларига таяниб, ҳар бир матннинг бошқа бир матн билан алоқадорлиги интертекстуаллик, деб аталиши хусусида олдинги ишларимизда ўз фикр-мулоҳазаларимизни бериб ўтган эдик. Дарҳақиқат, турли даврларда яратилган асарлар бирлашиб, муайян бир тизимни ташкил этади ҳамда исталган ҳар қандай матн ана шу тизимнинг бўлаги сифатида намоён бўлади. Б.Синь таъбири билан айтганда, “*the corpus from other texts is combined into a new meaningful text according to its function*” [28;14], бошқа матнлар корпуси вазифасига кўра янги бир маъноли матн билан боғланади.

Умуман олганда, бугунги кунга келиб, қўплаб олимлар интертекстуалликнинг хилма-хил горизонтал ва вертикал [29], фаол ва пасив [8;123], кучли ва кучсиз [10; 257], интертекстуаллик – транстекстуаллик [6;1], интертекстуаллик – текст, интертекст ва идиограф [23;141] учлиги сингари таснифларини келтиришмоқдаки, бу тушунча мазмун-моҳиятининг кенглигини кўрсатади. Ю.Кристева “*horizontal intertextuality refers to the conversational intertextuality between a paragraph of discourse and a series of other discourses, while the vertical intertextuality refers to those contexts that constitute a discourse directly or indirectly, that is, those discourses that are related to it in various ways from the perspective of history or the contemporary era*” [29], горизонтал интертекстуаллик бир параграф дискурсининг бошқа бир қатор дискурслар билан оғзаки интертекстуаллигини билдирса, вертикал интертекстуаллик тарих ва замонавий давр жиҳатидан бевосита ва билвосита дискурсни таъминловчи контекстни ифодалайди, деб муносабат билдирса, Б.Хатим ва И.Мейсонлар “*Active intertextuality refers to the knowledge and value beyond the text, while passive intertextuality is just to make the text coherent*” [8;123], фаол интертекстуаллик текст тагматнида ётган билим ва қиймат, пасив интертекстуаллик матн изчиллигига эришишдир, деб айтишади. Л.Женни “*Strong intertextuality refers to the fact that a certain text contains discourses related to other discourses, and such a degree is usually obvious, such as quotation plagiarism, etc. Weak intertextuality refers to some content expressions in a text that semantically can arouse associations to other texts, such as similar ideas and themes*” [10;257], кучли интертекстуаллик муайян текстда бошқа дискурсларга алоқадор дискурсининг мавжудлигини англатади. Бундай даража, одатда, аниқ бўлиб, бунга цитаталар плагиатини мисол келтириш мумкин. Кучсиз интертекстуаллик бошқа матнлардаги мазмунан ўхшаш ғоялар ва мавзулар ассоциациясини юзага келтирадиган ифодаларга ишора қилади, деган фикрларни билдиради. Г.Женнет интертекстуаллик хусусидаги фикрларга янада ойдинлик киритиб, интертекстуалликни *транстекстуаллик* деб номлаш кераклигини айтади ҳамда матн ва интертекстуаллик орасидаги иерархик муносабатга эътибор қаратиб, уларни беш турга ажратади: “*Intertextuality, quasi-textuality, meta-textuality, hypertextuality and universalism, emphasizing the hierarchical relationship between text and its intertextuality*” [6;1], интертекстуаллик – *intertextuality is the idea that a given text is a response to what has already been written, be it explicit or implicit* [30] – бу берилган матн хоҳ яширин, хоҳ очик бўлсин, аллақачон ёзилган нарсага жавобдир, *quasi-intertextual every author has and should have a historical consciousness and no text exists of its own in the tradition* [26;299] – ҳар бир муаллифда ўзига хос тарихий онг шаклланган ва анъанага кўра ҳеч қандай текст ўз-ўзича мавжуд эмас, *metatextuality is a form of intertextual discourse in which one text makes critical commentary on another* [30] – интертекстуал дискурс шакли бўлиб, бир матн бошқасига танқидий изоҳ беради, *hypertext connects nodes ... through links. The*

primary purpose of a link is to connect one card, node or frame and another card, frame or node that enables the user to jump from one to another [11;3] – нукталарни ҳаволалар орқали боғлайди. Маълумот, тугун ва фреймларни бошқа бир маълумот, тугун ва фрейм билан ўзаро боғлаб, китобхонни бир нуктадан иккинчи нуктага ўтишига имкон яратади ва универсализм – *universalism a universal feature or characteristic[31]* – универсал хусусият.

М.Рифейтер “... *all texts are a matrix and called the first text, while intertextuality belongs to the second text and ideography to the third or second intertext*”[23;141], барча текстларни матрица, деб қабул қилади ҳамда биринчи матнни текст, иккинчисини интертекст, учинчисини идиограф ёки иккинчи интертекст, деб номлайди. Кўриниб турибдики, матн мазмунини шарҳлаш учун бир нечта матнларни йиғиш, уларни биргаликда кўриб чиқиш ва шарҳлашга мўлжалланган матнларни ўзаро бир-бирига боғлаган ҳолда бир тизимга киритиш лозим. Бундай талқин интертекстуал талқиннинг кўплаб муаммоларини ҳал қилиши билан бирга интертекстуал муносабатларнинг очиклиги ва чексизлигини ҳам намоён этади. Умуман олганда, интертекстуаллик турлича таснифланса-да, унда, асосан, матн шакли ва мазмуни орасидаги мутаносиблик ва ўзаро таъсир масалаларига эътибор қаратилади.

Интертекстуаллик тил ва матннинг тушунарлилиги ва ўзаро алоқадорлик муносабатлари билан тавсифланади. Бир ёки икки тил доирасида матнлар ўз-ўзига ҳавола қилинган ҳолда бошқа матнлар билан аралашиб кетади. Интертекстуалликнинг таржимашунослик соҳасида қўлланилиши эса янгича ёндашувларни кўрсатади, таржимадаги мазмунга доир анъанавий қарашларни ўзгартириб, мутаржимга нисбатан юқори талабларни қўяди [4;135]. Таржимашунослик, одатда, аслият мазмунини трансформация қилиш, деб тушунилади ва кўп ҳолларда таржиманинг сифати З.Джу ва П.Линларнинг таъкидлашича, аслият мазмунига мувофиқлик даражасига қараб баҳоланади [27;71]. Бу борада З.Тен Е.Найданинг “*translation refers to the reproduction of the information of the source language in the closest and most natural equivalent from semantics to style in the target language*” [18;1], таржима аслият матни маълумотларини таржима тилида семантик ва услубий жиҳатдан энг яқин ва табиий эквивалент равишда қайта яратишдир, деган фикрларига таянади.

Е.Д.Ҳирш эса “...*a text means what its author meant*”[9;126], текст муаллиф назарда тутган маънони англатади, деб ишонади. Олимнинг таъкидлашича, китобхон - ўқувчи муаллиф кўзлаган маънони тушуниши учун текстни талқин қилиши лозим. Шунингдек, Е.Ҳирш “*текст мазмуни*” ва “*текст аҳамияти*” тушунчалари орасидаги фарқни изоҳлаб, асар мазмуни ўзгармас, лекин аҳамияти вақт ўтиши билан ўзгариб туради, деган фикрни илгари суради.

Бадий асар аҳамиятининг ўзгариб туришини А.Қодирий асарларига бўлган турлича муносабат мисолида кўриш мумкин. XX асрнинг 30-йилларида бадий асарни тушуниш, тушунтириш ва илмий талқин доирасида адибнинг “*янги мафкурага руҳан таниши ва йўлдош бўлиб етмаган*”[1;59]лиги сабаб, асарларидан топилган Б.Карим таъбири билан айтганда, “*жсиндек нуқсон, “орадан йиллар ўтди; “ёзувчи дунёқарашида ижобий эволюция юз бергани” кашф этилди*”[1;59], деб баҳоланди. “*Даврлар ўтган сари илмий талқинлар тарихий чексизлик қаърига сингиб боради. Аммо улкан истеъдод эгалари ёзган гўзал романлар ҳар доим мухлисларни ўзига жалб этганича абадият майдонида туради*”[1;59].

Демак, асар мазмун-моҳияти ўзгармас бўлса ҳам вақт ўтиши билан давр сийёсати ва давлат мафкураси роман талқинига кучли таъсир этган, бироқ ўзининг ҳақиқий мухлисига эга асарлар киймати ҳеч қачон ўзгармаган.

Таржиманинг асосий манбаи матн бўлиб, бир нечта маъноларни ўз ичига қамраб олган матнни ўзга тилга ўзгартириш, муаллиф, таржимон, китобхон ўртасида замон ва макон бўйлаб мулоқотга киришиш сингари интертекстуал фаолият, шунингдек, танлаш, сингдириш, яратиш ва вариантлик каби интерактив жараён ҳамдир. Интертекстуаллик муаллиф, таржимон, таржима тили китобхони ҳамда танқидчиларнинг психологик фаолиятидир. Муаллиф ва ТТ китобхони ўртасидаги воситачи мутаржим ёзувчи мақсади, асар мавзуи, коннотациясига оид манбалар билан танишиб чиқиши лозим. Шунингдек, мутаржим, таржима жараёнида ТТ китобхони идрокни, унинг психологиясини инобатга олиб, турли маданиятга доир маълумотларни қиёслаш, уларнинг фарқли ва ўзига хос жиҳатларини ёритиб бериш, китобхонни МТ ва ТТ маданияти интертекстуал ассоциацияларини тушунишга, ТТ маданиятига бўлган қизиқишини орттиришга, ўхшаш интертекстуал ассоциацияларни излашга йўналтиради. Шундай қилиб, таржима тил, матн ва мазмун мулоқоти бўлибгина қолмай, МТ матнлари ва ТТ матнларини мазмунан бойитиш ва бир-бирини тўлдиришдир.

Таржимашуносликда интертекстуаллик ёндашувларининг қўлланилиши мутаржимларга қўйиладиган талабларни ҳам ўзгартиришга сабаб бўлади. Интертекстуаллик назарияси матн яратиш, талқин қилиш ва уни қайта ёзиш аспектиларини қамраб олса, таржима матн ва маънони тиллараро

трансформация қилишдир. Кўриниб турибдики, таржима ҳам интертекстуал фаолият, чунки МТ ва ТТ матнлари билан иш кўради. З.Джу таъбири билан айтганда, МТ биринчи текст сифатида қабул қилинса, ТТ қайта яратилган иккинчи текст ҳисобланади ва мазкур жараёнда мутаржим МТ матнини ўқийди, талкин қилади ва ТТда қайта яратади[27; 71]. Бу жараёни муваффақиятли яқунланиши эса кўп жиҳатдан мутаржимнинг аслиятни англаши, МТ ва ТТ матнлари орасида воситачилик фаолияти билан бевосита боғлиқ. Бунда таржимон – китобхон, таржимон – изоҳловчи (шарҳловчи), таржимон – муаллиф каби йўл тутади.

Китобхон сифатида мутаржим МТ матнини диққат билан ўқиб, маъносини тўлиқ тушуниши учун матнга доир интертекстуал билимлардан фойдаланиши лозим, чунки шу асарга оид маълумотларни ёки шунга ўхшаш асарларни аввал ўқиган ва муайян бир тушунча, таассуротларга эга бўлган бўлиши мумкин. Шунингдек, китобхон матни ўқисагина, уни синчиклаб талкин қилади, мазмун-моҳиятини англаб етади, уни ўз дунёқараши билан тўлдиради. Бунда китобхоннинг дунёқараши, ташаббускорлиги, ижтимоий ва маданий омиллар кўп жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Интертекстуаллик назариясига ёндашиладиган бўлса, бирор бир матн тўлиқ яқунланмайди, чунки ҳар бир китобхон мутолаа жараёнида С.Сан таъкидича, ўзига хос “*competent model*”[25;180], яъни компетентлик моделига, ижтимоий-маданий хусусиятларга таяниб, матндаги бўшлиқларни тўлдиради.

Изоҳловчи (шарҳловчи) таржимон интертекстуаллик назарияси жиҳатидан МТ матнини юқори даражада англаши ва диққат билан ёритиб бериши учун адабий мавзулар, матнда кўзда тутилган тарихий ва ижтимоий воқеалардан хабардор бўлиши талаб этилади. Бундан ташқари таржимонлар нотаниш контентни ифодалашда зарур кўникма ва стратегияларни яхши билиши, адабий мазмунни тўлиқ ўрганиш ва намоён этиши лозим. Умуман олганда, мутаржимлар матн мазмунидан тортиб шаклигача, услубигача изоҳлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Т.Элиот айтганидек, ёш шоирлар ўрнак олишади, етук шоирлар МТни ўзгартиришга уринишади: “*As Eliot said, the young poets follow the example, and the mature poets try to change the source text*”[17;1108]. Демак, таржимон субъектив нуқтаи назарини тўлиқ ишга солсагина, турли интертекстларни ишонарли изоҳлай олади.

Таржимон – муаллиф сифатида МТ матнини бошқа тилда онгли ва онгсиз равишда қайта ёзади, бевосита ва билвосита интертекстуал муносабатларни акс эттирган ҳолда ифода этади. Матн мазмунини англаш мақсадида асарни ўқийди, ортга қайтади, мулоҳаза қилади ва шундан кейингина таржима маҳсулини яратади. Таржима мутаржим субъектив ёндашувини тўлиқ намоён этадиган ёзиш ва қайта яратиш жараёнидир. Бадиий таржима МТ матнини қайта яратиш, регенерация қилиш жараёни, мутаржим эса регенерация қилинган манба яшовчанлиги, ўқимишлилигини таъминловчи шахс.

Кўриниб турибдики, ҳар қандай бадиий асар бошқа бир асар билан боғлиқликда талкин қилинади. Ю.Кристева таъкидлаганидек, “*any text hides the accumulation of cultural traditions of a culture and is a book in the book*”, ҳар қандай текст маданий анъаналар гўпламини қамраб олган китоб ичидаги китобдир. Шундай экан, таржимонлар МТ матни мазмунини ҳаққоний тарзда акс эттириш билан бирга ТТ матни реципиентларининг қабул қилиш қобилияти ва уларга таъсирини ҳам инобатга олиши керак.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). МТ китобхони аслият маданияти хусусида муайян бир фикрга эгалиги сабаб асар моҳиятини прагматик жиҳатдан тахмин қила олади. Бироқ ТТ китобхонлари учун МТ маданияти нотаниш бўлиши, МТ китобхони сингари прагматик маънони англамаслиги, чалкашиши мумкин. Шунинг учун кўплаб маълумотлар, текстларнинг бир-бирига ҳавола қилиниши орқали кўшимча маълумот бериб борилади. Илк ўзбек тарихий романларида кўплаб ғоялар, сўзлар ўша давр билан боғлиқ ҳолда талкин қилинади.

МТ матни: “*Худайчи Азизбекдан илгарироқда кўриқчиларни огоҳландириб борар, милтиқ, шашвар туткан ёш ва кекса муҳофизлар уни саломлаб қарши олар эдилар ва Азизбекнинг “Раҳмат фуқароларим!” сўзини эшитиб яхшигина талтайишиб қолар эдилар. Шу равишда Кўкча, Чигатой, Сакбон, Қорасарой, Тахтапул, Лабзах дарбозаларини ўтиб, энг кейин Қашқар дарбозасига етдилар*”[3;85].

ТТ матни: “*The Hundaychi led Azizbek, warning the guards of his arrival. The defenders, both young and old, welcomed him. After hearing Azizbek’s blessings to the citizenry, they felt great joy. In this manner the retinue passed through the Kokcha, Chigatay, Sagbon, Qoraserai, Takhtapul, and Labzak Gates. Finally, they arrived at the Kashgar Gates*”[19;106].

МТ матни ва ТТ матнидан келтирилган мисолларда Тошкент шаҳридаги дарвозалар санаб ўтилган. Муаллиф ҳам, таржимон ҳам ушбу дарбозаларнинг тарихда мавжудлиги ҳақида китобхонга кўшимча маълумот киритишган. Бу каби маълумотлар ўзбек тилида

квази-интертекстуалликка мисол бўлса, инглиз тили таржимасида гипертекстуалликка мисол бўла олади. Ҳеч қандай текст ўзича мавжуд бўлмаганидек, МТ муаллифи онгида тарихда мавжуд бўлган Тошкент дарвозалари номлари эканлиги ҳақида маълумот шаклланди, бироқ ТТ мутаржими дарвоза номларини санаб ўтиш билан бирга, уларнинг қўлланилиш сабабини тарихий далиллар билан боғлайди. Фикримизни асослаш мақсадида МТ ва ТТ матнларида келтирилган маълумотларни мисол тариқасида беришни жоиз, деб билдик.

МТ матни:

“Тошканднинг булардан бошқа яна Қўқон, Қаймас ва Бешёғоч исмлик дарвозалари бўлиб, ҳаммаси ўн икки дарвозадир. Қаймас дарвозаси бу кунги Тупрокўрғоннинг эски шаҳар муълишида (Ўқчи маҳаллада) (муал.)”[3;85].

ТТ матни:

“Kokcha, Chigatay, Sagbon, Qoraserai, Takhtapul, and Labzak gates: The gates mentioned were part of twelve gates that comprised a radial design of the city walls prior to Russian conquest. Each gate has a corresponding road that denotes either the direction of the road, the tribe associated with the maintenance of the gate (e.g. there were fifteen tribes that settled Tashkent and drew taxes from travelers entering through their gate), or the function of the community surrounding the gate, as in the case of the Sagbon, who were widely regarded as shepherds or Sagboni. All of these roads led to Chorsu Bazaar. Here Azizbek's retinue moves clockwise through the various gates surrounding the city to finally arrive at the eastern gate, Kashgar Gate, just north of the Qoqan Gate. Prior to Tashkent's annexation by the Qoqan Khanate in 1808, Alim Khan expanded the fortifications, increasing the number of city gates. By 1865, the main walls of the city incorporated the western gate, Kukcha, the northwest gates, Samarqand Darboza, the northern gates Sagbon, Karaserai, Teshlik kopchia, and Takhtapul; the southern gate Kamolon and Beshagach; the eastern gates before the channel Anhor where the streets Labzak and Shayhontahur were made into a fortified wall, with Labzak becoming gate north-east of the city walls. Koimas, which means “impassable gate” was the last to be made into a gate due to the sparse population”[19;449].

МТматни: *“Нигор ойимнинг қозони йўқча, елча гўштни фақат палов шарофати билангина кўрар эди. Лекин маҳдум баъзи нарсалар билан оишонани яхшигина мўлиқдирар, масалан: шалгам, қовоқ, лавлаги. Бу тўғрида хотини ҳарчанд рад қилса ҳам қоплаб шалгам, йигирма-ўттузлаб қовоқ харид қилишини қўймас – “шалгам – Биби Фотимаи Зухранинг дуолари баракати, қовоқ бўлса ҳазрати Юнуснинг мўжизалари” деб баҳоси арзон ва лекин хосияти қўб бўлган бу маблағлар билан оишонани тўлдирар берар эди”[2;7].*

ТТ матни: *“They ate meat only when they cooked pilaf. But Mah-dum used to provide the kitchen with some vegetables like turnips, pumpkins and beetroots. Even though his wife used to refuse what he brought and asked him not to do so, he said that turnip was a gift of Saint Fotimai Zuhra and the pumpkin was the miracle of Saint Yunus. So he brought all kinds of cheap stuff to his house for different religious reasons”[21;16].*

Аслият матнида интертекстуаллик намунасини Солиҳ Маҳдумнинг *“шалгам – Биби Фотимаи Зухранинг дуолари баракати, қовоқ бўлса ҳазрати Юнуснинг мўжизалари”* гапида кузатишимиз мумкин. Қаҳрамон бу ўринда Фотимаи Зухра ва Юнус пайғамбар ҳақидаги маълумотларга ишора қилади. Мазкур матн ТТ матнида *“... turnip was a gift of Saint Fotimai Zuhra and the pumpkin was the miracle of Saint Yunus”* тарзида ифода топган. Ушбу маълумотларнинг ТТ китобхонига тушунарли бўлишини таъминлаш мақсадида атоқли номлар олдидан *saint* сўзи ишлатилиб, уларнинг авлиё даражасидаги инсон эканлиги ва *religious reasons* бирикмаси орқали диний қарашлар билан боғлиқлиги акс эттирилган.

Бу ҳақда “Меҳробдан чаён” асарининг лотин ёзувидаги нашрида шундай маълумот келтирилган: *“Fotima-i Zuhra (taxm.605/606-632/633) – Muhammad (s.a.v.)ning kenja qizi. Fotima go`zal bo`l`gani uchun nomiga Zahro ismi ham qo`shib aytiladi. Yunusning mo`jizasi – qovoq haqida “Qur`on” kitobining “Soffat” surasining 146-oyatida ma`lumot berilgan. Ushbu oyatlar mazmunida Alloh taolo Yunus alayhissalomning nahang (ayrim manbalarda kit deyilgan) tomonidan yutib yuborilishi, so`ngra uning qornidan butun chiqishi va quruqlikda uning ustiga Alloh taolo soya bo`lishi va uning qorni to`q bo`lishi uchun qovoq daraxtini o`stirib qo`yganligi bayon qilingan”[20;16].*

Хулоса ва Таклифлар (Conclusion / recommendations). Умуман олганда, интертекстуаллик назарияси таржима назарияси билан кўп жиҳатдан узвий боғлиқ бўлиб, унга таъсир ўтказиши. Интертекстуаллик таржима амалиётида тегишли далил ва ҳаволаларни аниқлашга имкон бериш

билан бирга мутаржимларга сифатли таржима жиҳатидан юқори талабларни қўяди.

Шунинг учун таржимонлар ўз тафаккур доирасини кенгайтириши, таржиманинг моҳиятини чуқур англаши, маданиятлараро бой маълумотга эга шахсга айланиши, МТ ва ТТ маданияти ва ижтимоий тарихи ҳақида имкон қадар кўпроқ манбаларни ўрганиши керак. Фақат шу йўл орқали мутаржим интертекстуаллик ҳодисасини тўғри идрок этади, МТ матнидаги маданий коннотация ва коммуникатив маълумотларни талқин қилади, ТТ ижтимоий тенденциялари, линвистик ва маданий одатларига мослаштиради ҳамда мамлакатлараро маданий алмашинув ривожланишига ўз ҳиссасини қўша олади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Б.Карим. *Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур*. – Т.: “Академнашр”, 2014. – 256 б.
2. Қодирий Абдулла. *Меҳробдан чаён (Худоёрхон ва мунийилари ҳаётидан тарихий рўмон)*. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – 149 б.
3. Қодирий Абдулла. *Ўткан кунлар; Меҳробдан чаён: Рўмонлар*. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – 655 б.
4. Chen C. *Application of intertextuality theory in translation practice. Journal of Huanggang Normal University*, 2009. – № 4. – pp. 135-138.
5. Cuddon, J.A. *The Penguin dictionary of literary terms and literary theory*. – London: Penguin. 2000. – 1024 p.
6. Genette G. *Palimpsests. Trans. Newman C. and Doubinsky C.* – University of Nebraska Press, 1997. – 491 p.
7. Freud S. *Creative Writers and Day-dreaming. Trans. by James Strachey, In the Standard Edition of the Complete Psychological Works of Sigmund Freud, ed. James Strachey, vol. IX.* – London: The Hogarth Press, 1959. – pp. 141-154.
8. Hatim B., Mason I. *Discourse and the Translator*. – London: Longman, 1990. – 272 p.
9. Hirsch E.D. *Validity in Interpretation*. – New Haven: Yale University Press, 1967. – 304 p.
10. Jenny L. *La stratégie de la forme, special issue, Poétique 27.* – pp. 257-281.
11. Jonassen D.H. *“Hypertext/hypermedia”*. *Educational Technology*, 1989. – 91p.
12. Jung C.G. *Psychology and Literature. Trans. by W.S.Dell and C.F.Baynes. From Modern Man in Search of a Soul.* – London: Routledge, 1990. – pp. 229-230.
13. Kagan Jerome and Havemann Ernest. *Psychology: An Introduction*. – Harcourt, Brace & World; First Edition, 1968. – 597 p.
14. Kristeva J. *The Kristeva Reader. Edited and introduced by Toril Moi. Word-Dialogue-and-Novel.* – New York: Columbia University Press, 1986. – 327 p.
15. Lefevere A. *Introduction: Comparative Literature and Translation. Comparative Literature*, 1995. 47(1). – pp.1-10.
16. Lodge D. *Consciousness and the Novel*. – Random House, 2002. – 244 p.
17. Long Yi, Gaofeng Yu. *Intertextuality Theory and Translation. Theory and Practice in Language Studies, Vol. 10, No. 9. September 2020.* – pp. 1106-1110.
18. Nida E., Taber Ch. *The Theory and Practice of Translation*. – Leiden: E.J.Brill, 1982. – 218 p.
19. *O'tkan kunlar (Bygone days) by Abdullah Qodiriy. Translated by Mark Reese.* – Published by Muloqot Cultural Engagement Program. – 495 p.
20. Qodiriy Abdulla. *“Mehrobdan chayon”/roman/ “Adabiy barhayot asarlar” turkumi/ Nashrga tayyorlovchi: Xondamir Qodiriy.* – Т.: “Navro’z”, 2019. – 288 б.
21. Qodiriy Abdulla. *The Scorpion from the Altar: Novel. Translators: I.M.Tukhtasinov, U.R.Yoldoshev, A.A.Khamidov.* – Т.: “Mashhur-Press”, 2019. – 272 p.
22. Rene Wellek and Austin Warren. *Theory of Literature. Third edition.* – New York: A Harvest Book. 1956. – 362 p.
23. Riffaterre M. *Intertextual Representation: On Mimesis as Interpretive Discourse. Critical Inquiry.* – Published by: The University of Chicago Press, 1984. – Vol.11. №1. – pp. 141-162.
24. Scholes R.E., Comley N.R., Ulmer G.L. *Textbook: An introduction to literary language. 2nd edition.* – New York: St. Martin’s Press, 1995. – 317 p.
25. Sun S. *Intertextuality theory and translator’s identity. Journal of Hebei University of Science and Technology*, 2008. – № 4. – pp. 180-182.
26. Zengin M. *An Introduction to Intertextuality as a Literary Theory: Definitions, Axioms and the Originators. Pamukkale Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Dergisi. Sayı 25/1, 2016, Sayfa 299-326.*
27. Zhu Z., Lin P. *Poetry: translation and adaptation.* – *Foreign language research*, 2002. – №4. – pp. 71-74.
28. Xin B. *Pragmatic analysis of intertextuality.* – *Foreign language studies*, 2000. – №3. – pp. 14-16.
29. <https://www.britannica.com/biography/Julia-Kristeva>
30. <https://wikidiff.com/metatextuality/intertextuality>
31. <https://www.collinsdictionary.com/dictionary/english/universalism>

ТАРЖИМАНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШНИНГ КОГНИТИВ МЕХАНИЗМЛАРИ

Қосимова Нафиса Фарҳодовна,
Бухоро давлат университети
таржимашунослик ва лингводидактика кафедраси доценти, PhD
(e-mail: n.f.qosimova@bukdu.uz)
Карбозова Гульнара Кумисбековна,
Заведующая кафедрой английского языкознания
Южно-Казахстанского государственного университета
имени М. Ауэзова, к.ф.н., доцент

Аннотация. Ушбу мақолада когнитив таржимашунослик нуқтаи назаридан таржиманинг бир турдаги маълумотни идрок этиши ва унинг бошқа турга айланиши сифатида талқин қилиниши масалалари ёритилган. Мазкур назария доирасида таржимон когнитив тизимининг ўзгартирувчи унсур вазифасини бажариши шартлари, таржимон фаолиятининг лингвоментал таҳлили, бугунги кунда аниқ ечимга эга бўлмаган когнитив бирликлар ва вербал маъноларнинг ўзаро боғлиқлиги каби устувор муаммолар муҳокамаси келтирилган. Олимларнинг таржимон шахслар когнитив ва лингвоментал жараёнлари ўртасидаги эҳтимолий фарқларнинг маданиятдаги тафовутлар туфайли шартланганлиги борасидаги илмий қарашлари қийёланган. Маданиятнинг семантик майдони инсон онги сингари, маълум даражада этник тилнинг чегаралари билан белгиланиши, когнитив тузилмалар билан барча ақлий операциялар фақат оннинг лингвистик даражасида кодланганда, яъни вербал ҳолатга кирганида, таржимон аслият муаллифининг ментал дунёси мазмунини ўз маданиятининг "алгоритмига" мувофиқ ифодаланиши лозимлиги каби илмий масалалар талқини ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: когнитив тузилма, концепт, алгоритм, лингвоментал жараён, ментал дунё, ҳамоҳанглик тамойили, коммуникатив мақсад, вербал код, семантик майдон, қиймат.

Аннотация. В данной статье затрагиваются вопросы интерпретации понятия перевода как процесс восприятия определённого вида информации и её воспроизведения с точки зрения когнитивного переводоведения. В рамках данной теории обсуждаются такие приоритетные проблемы, как обусловленность функционирования когнитивной системы переводчика, лингвоментальный анализ переводческой деятельности, описание взаимосвязи когнитивных единиц и вербальных значений, не имеющее по сей день своего абсолютного толкования. Сопоставляются научные взгляды учёных относительно обусловленности возможных расхождений между когнитивными и лингвоментальными процессами переводчиков различиями их культур. В работе также находят своё решение научные вопросы касательно определяемости семантического поля культуры, как и человеческое сознание в определённой степени, границами этнического языка, кодирования когнитивных структур и всех ментальных операций только на языковом уровне мышления, в его вербальном состоянии, необходимости отражения переводчиком содержания ментального мира автора оригинала в соответствии с "алгоритмом" родной культуры.

Ключевые слова: когнитивная структура, концепт, алгоритм, лингвоментальный процесс, ментальный мир, принцип гармонизации, коммуникативная интенция, вербальный код, семантическое поле, значимость.

Abstract. This paper addresses the issues of interpreting the notion of translation as a process of perception of a certain type of information and its reproduction from the perspective of cognitive translation studies. Within the framework of this theory such priority problems as the conditionality of the translator's cognitive system functioning, linguistic analysis of translation activity, description of the relationship between cognitive units and verbal meanings, which does not have its absolute interpretation to this day, have been discussed. The scientific views of scholars regarding the causality of possible discrepancies between the cognitive and linguistic processes of translators due to the differences in their cultures have been compared. The paper also finds a solution to the scientific questions concerning the determinability of the semantic field of culture, as well as human consciousness to a certain extent, by the boundaries of an ethnic language, coding cognitive structures and all mental operations only at the linguistic level of thinking, in its verbal state, the need for translators to reflect the content of the mental world of the original author in accordance with the "algorithm" of the native culture.

Keywords: *cognitive structure, concept, algorithm, linguistic process, mental world, harmonisation principle, communicative intention, verbal code, semantic field, significance.*

Кириш. Халқаро муносабатларнинг жонланиши ва бошқа маданиятларга бўлган қизиқишнинг кучайиши даврида таржима муаммолари тобора долзарб бўлиб бормоқда. Зеро, таржима маданиятлараро алоқанинг асосий воситасидир. Маданиятлараро компетенция ўзга маданият ва тил ташувчиларининг ижтимоий меъёрларга ва нутқ одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ маданиятлараро мулоқотга шайлиги ҳамда лаёқати билан белгиланади. Чет тилининг миллий ўзига хослиги нутқ одоб-ахлоқида воқеланиб, мавжуд билимлар асосида таржимонда кўпинча прагматик лисоний кўчириш содир бўлиб, унда таниш ҳаракат образлари ва лисоний маънолар чет тилига ўтказилади. Таржимоннинг ўзгалар маданияти ва менталитети ҳақидаги билимлари қанчалик кенг бўлса, матнни ўгириш жараёнида коммуникатив мақсадни қайта тиклашга доир тиллараро номуносивлик ҳолатлари шунчалик кам бўлади. Таржимондан чет тилининг миллий хусусиятларини, миллий характернинг ўзига хос белгиларини билиши, уларнинг маълум бир маданиятга хос бўлган кадрятлар, муносабатлар, ҳулқ-атвор меъёрларининг барқарор мажмуи эканлигини англаши талаб қилинади [4; 34]. Таржимон фаолиятининг лисоний-ментал жиҳати кенг қамровли тадқиқотларда ўрганилганлигига қарамадан, бугунги кунда когнитив транслатологияда аниқ ечимини қутаётган, таржиманинг фалсафий-мантаний негизини ташкил этадиган таржимага интуитив, ассоциатив ёндашув масалалари алоҳида эътиборни тортади.

Асосий қисм. Маълумки, когнитив таржимашунослик нуқтаи назаридан таржима жараёнини бирон-бир турдаги маълумот (чет тилидаги, хорижий матн)ни идрок этиш ва унинг бошқа матн турига айланиши сифатида талқин этиш мумкин. Бунда таржимоннинг лисоний-когнитив тизими ўзгарувчан майдон ҳисобланади. Кўплаб тадқиқотларда аслият таржима муаллифларининг лисоний-ментал, когнитив жараёнлари орасида мавжуд бўлган тафовутлар улар мансуб бўлган маданиятлардаги фарқлар туфайли шартланганлиги ва буларнинг тилда акс этишини асослайдиган назарий қарашлар илгари сурилади. Маданиятнинг семантик майдони эса инсон онги каби, маълум даражада, этник тилнинг чегаралари билан аниқлаштирилади. Когнитив тузилмалар ёрдамида барча ментал операцияларни фақат онг тил даражасида кодланганда, яъни вербал шакл олганда ва инсон ментал дунёсининг мазмуни у учун фақат маълум жамиятларнинг белги тизимлари чегараларида кодлаш натижасида мавжуд бўлгандагина амалга ошириш мумкин бўлади [9; 56]. Таржимон, одатда, аслият муаллифининг ментал дунёси мазмуни унинг ўзига тегишли бўлган (шу жумладан, лисоний) маданиятининг “алгоритми”га мувофиқ акс эттиради.

Масалан, таржимада ҳамоҳанглик юзага келишини шартлантирган қийматлар ҳамоҳанглигини, маданий алгоритмларни келиштириш тажрибасини инглиз тилидан рус тилига қилинган қуйидаги таржимада кузатиш мумкин:

— *Just imagine going back to nature. Back to your roots. Clean air, wide — open spaces.*

— *Well. I hear there's wide — open spaces in Connecticut.*

— *Connecticut?*

— *Только представьте себе. Назад в природу, к своим корням. Чистый воздух, широкие просторы.*

— *На Брайтон-Бич тоже просторы.*

— *На Брайтон-Бич?*

Мазкур таржимада ҳамоҳанглик тамойили устуворлиги кузатилади. Чунки рус китобхони учун етарли даражада таниш бўлмаган Коннектикут топоними ўрнида таржимон Брайтон Бич – Коннектикут штатида қўшни бўлган Нью-Йорк штатида жойлашган дам олиш маскани, курорт номини қўллайди. Таржимон на луғавий, на географик мазмундаги тафовутга қарамадан кенг қабул қилинган номни қўллаш натижасида иккала бирликлараро қиймат мутаносиблигини намоён қила олган, шунингдек, таржимада ҳамоҳангликни таъминлашга муваффақ бўлган. Кейинги таржима намунасида рус (М.А.Булгаков асаридан) ва француз миллий-лисоний манзараларидаги тафовутларнинг таржимада ҳамоҳанглик касб этганлигини кузатиш мумкин: *Было два часа ночи.* Француз таржимони мазкур гапни *Il était deux heures du matin* тарзида ўгирганки, унинг тескари таржимаси *было два часа утра* кўринишига эга. Кўринадики, гарчи француз тилида адекват таржимани таъминлай оладиган *nuît* — ночь (тун), *matin* — утро (эрталаб) лексемалари мавжуд бўлса-да, таржимон қабул қилувчи томон маданиятга мослашиш мақсадида маъноларни, уларнинг нутқ занжиридаги қийматини мувофиқлаштирган. Бундай таржимани ҳамоҳанг таржима деб эътироф этиш мумкин; таржима жараёни, унга бўлган ёндашув эса тафакур эгаси, коммуникация

субъектларининг яратувчиси бўлмиш таржимоннинг фаол иштироки натижасида воқеланган ижодий, когнитив, лингвомаданий характер касб этади.

А.Г.Минченковга кўра, оптимал таржима нафақат таржимоннинг бошқа маданиятнинг “алгоритмлари” ҳақидаги билимлари, балки аслият муаллифининг ментал бўшлиқларини сеза билиш даражасига ҳам боғлиқ [3; 127]. Шу муносабат билан таъкидлаш ўринлики, шахсларнинг ақлий бўшлиқлари ҳеч қачон тўлиқ мутаносиб бўлмаслиги мумкин, зеро, улар индивидуал билимлар орқали аниқланади ва индивидуал “вербал код” билан ифодаланади. Индивидуал ментал бўшлиқлар фақат “умумий зоналар”га эга бўлиши мумкин. Аслият муаллифи ва унинг таржимонлари индивидуал ақлий бўшлиқларининг “кесишиш майдонлари” қанчалик кенг бўлса, таржима шунчалик муваффақиятли ва самарали бўлади. Айнан индивидуал ақлий бўшлиқларнинг “қўшилган майдони” аслият муаллифининг психосемиотик хусусиятларини таржима тили орқали вербаллаштиришни талаб этади. Оптимал таржимани амалга ошириш учун таржимон нафақат тилдан фойдаланади, балки идеал ҳолда маданий коммуникацияни ўрнатиш мақсадида таржима тили эгалари онгида шаклланган, ривожланган “намуна”га интилади. Шунинг учун маданиятлараро компетенцияга эга бўлиш таржимонлар олдида қўйилган устувор вазифа бўлиб ҳисобланади ва бу компетенция ментал тасаввурлар, тўпланган билимлар ва вербал ҳаракатларнинг интеграллашуви сифатида қабул қилиниши мумкин.

Инсоннинг ментал олами фикр ва тил тузилмаларининг ўзаро боғлиқлигини тақозо этади. Ўзбек таржимашунос-олими Ш.С.Сафаровнинг фикрича, маълум бир тил соҳиби бўлган шахсларнинг умумий қабул қилинган, барча учун тушунарли бўладиган мулоқот воситаларидан фойдаланиши аниқ. Бироқ уларнинг лингвокогнитив компетенциясида умумий ҳилқатлар устувор бўлиши билан бир қаторда, индивидуал хусусиятларнинг мавжудлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Бу, айниқса, таржимон компетенциясининг фаоллашувида аниқ кўринади. Зеро, таржимон, аввал айтганимиздек, ўз вазифасини лисоний шахс сифатида адо этади. Ҳар бир шахс ўз луғат бойлигига эга ва ушбу бойлик таржима талабини қондирмаган тақдирда мавжуд манбаларга мурожаат қилади. Таржимон бажарадиган когнитив ҳаракатлар, энг аввало, индивидуал ҳарактерга эга [6; 112]. Тафаккурнинг табиий тил билан боғлиқлиги “ментал тузилмалар тили” (МТТ) воситачилигида амалга оширилади, унинг таркибий қисмларидан бири – бу миллий-маданий хусусиятлар билан белгиланган, когнитив ишлов берилган, борлиқ фрагментининг “образ”и сифатида талқин этиладиган “концепт” ҳисобланади. Масалан, “очередь” (“навбат”) концепти рус кишининг онгида тегишли эмотив-психологик контекстда чарчаб эзилган, ғазабланган, тақдирга тан берган одамларнинг туганмас навбатидек ментал қиёфани уйғотади. Европаликлар учун ушбу концепт бошқача тус касб этади, яъни тартиблилик, интизом, ҳурмат белгиси. Шу маънода концептлар инсоннинг этно-ментал дунёсини қайта қуриш ва маданиятни тушуниш имконини беради. Деярли ҳар қандай концепт бир тилдан иккинчисига таржима қилиниши мумкин, яъни “қайта кодлаш орқали талқин этилиш”и ҳамда бошқа вербал шаклда ифодаланиши мумкин. Бироқ турли маданият вакиллари учун умумий вербал код ҳеч қачон уларнинг индивидуал ментал бўшлиқлари миқёсида бир-бирини ўзаро тушунишлари учун кафолат бўла олмайди.

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Концептуал таржима контекстида тушуниш таржимонга мос келадиган тил бирлигига ментал образ (тушунча) уйғотадиган тарзда содир бўлади. Шу аснода концепт ва тил бирликларидан фаоллаштириш юз беради. Таржимон томонидан уйғотилган тушунча ва ассоциациялар салоҳиятли фонли билимлар билан мустаҳкамланади. Аммо бу жараёнда таржимон учун ўзининг тилида сўзлашувчиларга тушунарли бўлмаган тушунчаларни ёки аслият муаллифи ишлатган тушунчаларни фаоллаштириши мумкинлиги хавф туғдиради. Таржимон ўз тил компетенциясига таянган ҳолда танлаган лисоний бирлик унинг вербал шакли ортида турган тушунчанинг мақбул ифодаси эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Бундай ҳолда у икки хил тил тизимини уйғунлаштириш учун фақат ўзининг маданиятлараро компетенциясига мурожаат қилиши ва барча билим ресурсларини фаоллаштириши талаб этилади. Таржима маълум бир лингвистик ва маданий жамиятнинг лисоний ва ақлий тузилмаларини акс эттирар экан, мазкур жараёнда таржимон ўзга контекстдаги қарашларни ўзининг индивидуал-интуитив, ассоциатив тахминларига мувофиқ изоҳлайди, талқин қилади. Таржима компетенциясининг нималардан таркиб топишини аниқлаш қийин масала эканлиги барчага маълум. Таржиманинг бошқа касбий фаолиятга нисбатан мураккаб эканлиги яққол кўриниб туради. Шундай экан, таржима компетенциясининг моҳиятини белгиловчи хусусиятлардан бири мураккаблик эканлигини эътироф этмоқ керак. Шунингдек, таржима жараёни бир-биридан тамоман фарқ қиладиган укув, қобилиятнинг фаоллашувини тақозо этади. Мисол учун бадиий ва илмий-техник таржима лисоний билимнинг касбга, фан соҳасига оид билим билан омухталанишини талаб қилади. Бу таржима компетенциясининг яна бир фарқли белгиси хилма-

хиллик (heterogenety) эканлигидан дарак беради. Бундан ташқари, таржима компетенциясига тахминлик табиати хосдир. Чунки таржимонлар, барча соҳалардан бир хилда хабардор эмаслиги боис, баъзи ҳолатларда тахминларга таянадилар [6; 114].

Таржимон томонидан олинадиган маълумотларга асосланиб, таржима координаталарини аниқлайдиган ва кейинчалик “назорат қилинадиган иш жойида” содир бўладиган кейинги ментал жараёнларни тартибга солувчи макростратегия ишлаб чиқилади. Шуни таъкидлаш керакки, таржиманинг деярли барча ментал жараёнларида интуитив мулоҳазалар ва спонтан ассоциациялар мавжуд бўлади. Ички сезги, авваламбор, таржимон индивидуаллигининг ифодаси ҳисобланади. Айнан ички сезги боис тил материали “етказиб берилади” ҳамда семантик “тушуниш координаталарини” аниқлаш учун таржимон лисоний компетенциясининг реал вазият ва воқелик фрагменти билан “ассоциацияланиш”и содир бўлади. Таржима жараёнининг ушбу босқичи, назаримизда, таржимоннинг этно-маданий жиҳатдан белгиланган ассоциатив компетенциясига боғлиқ бўлиб, бу таржимон томонидан кейинги микростратегик вазифаларни ҳал қилишда ассоциатив маънони аниқлашда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бошқа тадқиқотларда ҳам бўлгани каби ассоциатив маъно биз томонииздан таржимоннинг (умуман индивиднинг) “когнитив тузилиши” асосида ётган ва фикрлаш, сўз орқали ифодаланадиган реал, ментал ва вербал муносабатлар, ўзаро муносабатлар модели сифатида талқин этилади.

Хулоса. Шундай қилиб, таржима вазифаларининг оптимал ечими нафақат таржимоннинг когницияси, тафаккури, онги, интуицияси балки унинг лингвистик ва маданий дунёнинг этноментал моделларини тақдим этадиган концептуал тузилмалар ва уларнинг вербал кодларининг этно-маданий ифодасини белгилайдиган ассоциатив компетенцияси билан ҳам белгиланади. Таржимага когнитив ёндашув контекстида таржиманинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқиб, аслият матни лингвоментал модели билан унинг таржима қилинган шакли ўртасидаги номуносабатлик, бир томондан, аслият матни муаллифи ва таржимон ўртасидаги ментал бўшлиқларда “умумий зоналар”нинг мавжуд бўлмаганлиги (ёки улар “кесишиш зоналари”нинг ҳаддан зиёд торлиги) га ҳамда, иккинчи томондан, таржимоннинг фақат ўзининг маданий макони “алгоритмига” йўналтирилганлигига боғлиқ деган хулосага келиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

1. Болдырев Н. Н. Концептуальная основа языка // *Когнитивные исследования языка. Вып. 4. Концептуализация мира в языке / гл. ред. Е. С. Кубрякова. – Москва: ИЯ РАН, 2009. – С. 25–78.*
2. Бондарева, Л. Н. Языковая картина мира в ретроспективном дискурсе / Л. Н. Бондарева // *Пелевинские чтения – 2003: Межвуз. сб. науч. тр. Калининград: Изд-во КГУ, 2004. – С. 175-180.*
3. Минченков А.Г. *Когнитивно-эвристическая модель перевода (на материале английского языка): дис. ... д-ра филол. наук. – Санкт-Петербург, 2008. – 177 с.*
4. Нелюбин, Л. Л. *Толковый переводческий словарь / Л. Л. Нелюбин. - 3-е изд., перераб. – Москва: Флинта, 2003. – 320 с.*
5. Нефедова Л.А. *Когнитивный подход к интерпретации текста: учебное пособие. – Челябинск: ЧелГУ, 2003. – 70 с.*
6. Сафаров Ш.С. *Таржима компетенциясининг таркибий қисмлари. "Ўзбекистонда хорижий тиллар" илмий-методик электрон журнал journal.fledu.uz № 3. – Тошкент, 2019. – Б. 110-114.*
7. Qosimova N.F. *Tarjima jarayonida diskurs tahlilning roli. Центр научных публикаций (buxdu.Uz), 1(1). извлечено от https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/2164. - Buxoro, 2021.*
8. Van Dijk T.A. *Discourse and Context. A Sociolinguistic Approach. – New York: Cambridge University Press, 2008. – P. 120-127.*
9. Wilss W. *Knowledge and Skills in Translator Behaviour. – Amsterdam/Philadelphia: John Benjamins, 1996. – 234 p.*
10. Munday J. *Introducing Translation Studies: Theories and Applications. Routledge: – New York, 2008. – 236 p.*

**ЎЗБЕК ХАЛҚ АФСОНА ВА РИВОЯТЛАРИНИНГ ЖАНР ҲАМДА ТИЛ
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАДА САҚЛАШ МАҲОРАТИ****Рўзиев Нодир Қайумович,***Бухоро давлат университети мустақил
тадқиқотчиси*

Аннотация. Мақолада Ўзбек халқ афсона ва ривоятларининг инглизча таржималарида миллат маданияти ва тарихига мансуб баъзи тушунчаларнинг нотўғри талқини, баъзи этнографик деталлар тафсилотининг етишмаслиги, аслиятдаги айрим миллий лексик ва фразеологик бирликларнинг таржима тилида мос келмайдиган бошқа бирликлар билан ўгирилиши ҳолатлари билан боғлиқ фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: афсона, ривоят, таржима усуллари, фольклор, нуткий ифода.

Аннотация. В статье высказываются мнения о неверном истолковании некоторых понятий, связанных с культурой и историей нации, в английских переводах узбекских народных мифов и легенд, недостаточной детализации некоторых этнографических подробностей, о случаях, когда некоторые национальные лексические фразеологизмы в оригинале превращаются в другие единицы, не совпадающие в переводном языке.

Ключевые слова: миф, повествование, приёмы перевода, фольклор, речевое выражение.

Abstract. The article expresses opinions about the misinterpretation of some concepts related to the culture and history of the nation in English translations of Uzbek folk myths and legends, insufficient detailing of some ethnographic details, about cases when some national lexical and phraseological units in the original turn into other units that do not coincide in the translated language.

Keywords: myth, narration, translation techniques, folklore, speech expression.

Кириш. Ўзбек халқи тарихини ўзида бадий акс эттирувчи афсона ва ривоятларга жохон олимларининг кизиқиши кундан-кунга ошиб бораётгани уларнинг таржима қилиниб, тўплам ҳолида чоп этирилаётгани ва илмий жиҳатдан ўрганилаётгани мисолида ҳам аёнлашмоқда. Бу жиҳатдан ўзбек халқ афсона ва ривоятларининг инглиз олимлари томонидан ўрганилаётганлиги, таржима қилинаётганлиги ҳам алоҳида эътиборни тортади. Бироқ амалга оширилаётган таржималарнинг ҳаммасини ҳам кўнгилдагидай деб бўлмайди. Уларнинг айримларида баъзи камчиликлар борлиги, таржима усулларига амал қилинмаганлиги кузатилади.

Бу кўпроқ куйидагиларда намоён:

Биринчидан, таржима жараёнида афсона ва ривоятларнинг жанрий атамаси чалкаш қўллангани кўзга ташланади. Яъни уларни бир-биридан фарқламай, афсона ўрнида ривоят ёки ривоят ўрнида афсона атамаси қўлланилган.

Иккинчидан, келтирилган матн ё эртақ, ё нақл, ё латифа, ё масал бўлишига қарамай, афсона ёки ривоят деб кўрсатилган ҳолатлар учрайди. Масалан, бундай ҳолат ўзбек халқ афсона ва ривоятларидан бир неча намуналарни таржима қилиб, чоп этирган Мерилин Петерсеннинг “Treasury of Uzbek Legends and Lore” (“Ўзбек халқ оғзаки ижоди ва афсоналари хазинаси”) китобида ёрқин кўзга ташланиб туради. Масалан, ушбу китобда келтирилган “The Brothers and the Three Sticks” (“Ака-укалар ва уч таёқча”) асари нақлдир, чунки унда оға-инилар ўртасида аҳиллик, ҳамжиҳатлик бўлиши лозимлиги таъкидланган.

Шу китобдаги “The Sheep and Kashkir” (“Қўй билан Қашқир”), “The Camel and Her Baby” (“Туя билан Бўғалоқ”) асарлари масал жанрига хосдир, чунки улардаги қўй, қашқир, туя, бўғалоқ образлари орқали баён қилинаётган воқелик мажозий талқин қилиниб, панд-ўғит, насиҳат бадий кўринишда илгари сурилган.

“Туя билан Бўғалоқ” масал эканини XVIII асрнинг таниқли шоири Гулханийнинг “Зарбулмасал” асари мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Бизнингча, «Қўй билан қашқир», «Илон билан қалдиғоч» каби матнларда ҳайвонларнинг инсонлар каби хатти-ҳаракатда тасвирланиши, баён қилинаётган воқеликнинг хаёлий уйдирма фонида берилиши матнларнинг афсона жанрига тааллуқли деб қаралишига олиб келган.

Мерилин Петерсеннинг “Treasury of Uzbek Legends and Lore” (“Ўзбек халқ оғзаки ижоди ва афсоналари хазинаси”) китобида ўттизга яқин афсона ва ривоятлар таржимаси келтирилган бўлиб, булар “The Khan and the Weaver” (Хон ва Тўқувчи), “The Lying Shepherd” (“Ёлғончи чўпон”), “Minaret Kalon” (“Минораи Калон”), “How Samarkand Got Its Name” (“Самарқанд ўз номини қандай олган?”, “Emom Azam” (Имом Азам), “BibiKhonim” (“Бибиқхоним”), “The Fountain of Aiyub” (“Чашмаи Аюб”), “The Brothers and the Three Sticks” (“Ака-укалар ва уч таёқча”), “How Karshi Got Its Name?” (“Қарши ўз номини қандай олган?”), “Navoi and the Builder” (“Навоий ва қурувчи”), “The Master Potter” (“Уста Кулол”), “The Legend of Alexander of Macedonia” (“Александр Македонский ҳақида афсона”), “The Village of Eshimjon” (“Эшимжон қишлоғи ҳақида”), “Navoi and the Shepherd” (“Навоий ва Чўпон”), “Andijon” (“Андижон”), “Wealth” (“Бойлик”), “The Sheep and Kashkir” (“Қўй билан Қашқир”), “The Kizketgan Canal” (“Қизкетган канали”), “Navoi and Foolish People” (“Навоий ва нодон одамлар”), “The Legend of Kalta Minaret” (“Калта Минор ҳақида афсона”), “The Serpent and the Swallow” (“Илон ва Қалдирғоч”), “How Khiva Got Its Name?” (Хива ўз номини қандай олган?”), “There Is No Such Thing as a Big or a Little Enemy” (“Душманнинг катта-кичиги бўлмайди”), “The Camel and Her Baby” (“Туя билан Бўталок”), “BoiUghli” (“Бой ўғли”), “The Legend of Sumalak” (“Сумалак ҳақида афсона”), “The Legend of Mother's Milk” (“Она сути ҳақида афсона”) каби афсона ва ривоятлардир. Бироқ китобда бу афсона ва ривоятлар “Ўзбекистон афсоналари”, “Ипак йўли афсоналари”, “Миллий чолғу асбоблари ва улар ҳақидаги афсоналар”, “Қадимги анъаналар ва урф-одатлар”, “Туғилиш билан боғлиқ анъаналар” сингари бўлимларда умумлаштирилганча, “афсона” номи билан кўрсатилган бўлса-да, уларнинг барчасини ҳам афсона сифатида қабул қилиш қийин. Келтирилган бу матнларнинг ҳаммаси ҳам афсона жанри табиатига мос келмайди, яъни уларда воқелик талқини ҳаёлий уйдирмага асосланмаган. Улар орасида табиатан ҳаётий уйдирмага асосланган матнлар ҳам борки, жанрий белгисига кўра уларни афсона эмас, ривоят дейиш тўғрироқ бўлади.

Ўзбек фольклоршунослари афсона ва ривоят жанрлари орасига маълум чегара қўядилар. Улар афсона жанри билан ривоят жанрини қатъий фарқлайдилар.

Бу иккала жанр табиати ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, бошқа халқлар фольклоршунослигида ҳам уларнинг ўзаро фарқланиши кузатилади. Бинобарин, ўтмиш воқелигини ҳаёлий уйдирма асосида баён этган оғзаки эпик асарга нисбатан “афсона”, ўтмиш воқелигини ҳаётий уйдирма асосида баён этган оғзаки эпик асарга эса “ривоят” атамаси жанрий атама сифатида қўлланиб, иккала жанрнинг ўзаро фарқланиши кузатилади. Айтайлик, рус фольклоршунослигида афсоналар “легенда” дейилса, ривоятлар “притча” деб юритилади.

Мерилин Петерсеннинг “Treasury of Uzbek Legends and Lore” (“Ўзбек халқ оғзаки ижоди ва афсоналари хазинаси”) китобининг “Legends of the Silk road” боби ҳам мавжуд бўлиб, унда “Хива қандай қилиб ўз номини олди?”, “Душманнинг катта-кичиги бўлмайди” каби ривоятлар таржимаси берилган. Бу таржималарда асл матнларнинг маънолари сақланган эса-да, ифодавийликни тўла қонли сақлашга тўлиқ эришилган дейиш қийин.

Китобда келтирилган бу матнлар ҳам аслиятда, ҳам инглизча таржимада келтирилгани уларни қиёсий жиҳатдан ўрганиш имкониятини яратган. Шу асосда ўқувчи фольклор намунасини ҳам аслиятда, ҳам таржимада ўқиб ўрганиш имконига эга бўлган. Қолаверса, бу яна таржимачилик моҳиятини, сир-синоатини, таржимада қайси инглизча сўз қайси ўзбекча сўзнинг ўрнида кела олишини, луғатчиликни ўрганишга, энг муҳими, тилларнинг имкониятларини қиёслашга замин ҳозирлайди:

Асосий қисм. Ўзбек афсона ва ривоятларини инглиз тилига таржима қилишга қизиқиш катталиги кўринса-да, бироқ кўп ҳолларда таржима жараёнида бу иккала мустақил жанрнинг табиати, ўзига хос хусусиятлари В.Ахмедов ҳақли эътироф этганидек, қориштириб, чалкаштириб юборилганлиги рост.

Роберт Алмеев ҳамда Камол Махмудов ҳаммуаллифлигида яратилган ва ўзбек-лотин графикасида чоп қилинган “Қадимги Мағок жумбоқлари” китобида бу ҳақдаги материаллар ўзбек, рус, инглиз тилларида берилгани билан эътиборимизни тортди. Унинг “Кириш” қисмида шундай дейилган: “Бухоро шаҳрининг асос солиниши ва келгусидаги тақдири асрлар оша бизга етиб келган афсоналар, ривоятлар ва анъаналар билан бой”. Агар шу матннинг рус тилига таржимасига диққат қаратсак, унда “афсона” атамаси инглиз тилига яқин қилиб, “легенда”, “ривоят” эса “предания” термини билан берилгани аёнлашади. Жумладан: “Основание и дальнейшая судьба города Бухары овеяны легендами, сказаниями, преданиями дошедшими до нас из глубины веков”.

Бироқ шу маълумотлар инглиз тилида берилар экан, унда афсоналар / legends, ривоятлар / sagas, анъаналар / traditions сўзлари билан берилгани кузатилади: “The foundation had further fate of the

city of Bukhara are fanned with legends, sagas, and traditions that have come down to us from the depths of centuries”.

“Сага”лар қўшиқ атамасига мос келади. Шундай экан, ривоят атаси ўрнида “сага” атамасини қўллаш тўғри бўлмайди.

Фольклор асарларининг таржимаси ўзига хос мураккабликларга эгадир. Шунинг учун у таржимондан етарли билим ва малака талаб қилади. Ишда шу китобда берилган афсона ва ривоятларнинг таржимасида учрайдиган грамматик ва услубий хатолардан айримларини аниқлашга муваффақ бўлдик. Айтайлик, китобда Татьяна Габрова таржимаси, Наталья Валишева иллюстрацияси билан берилган “The Khan and the Weaver”, яъни “Хон ва тўқувчи” ривоятида ҳам бу каби хатоликларга йўл қўйилганлиги кузатилади. Китобда таржима матни шундай берилган: “A long time ago, when Khans ruled the regions of Central Asia, there lived in the city of Margelon a cruel and **vicious** ruler. He was the Khan, and he lived in a beautiful palace behind great walls in the center of the city, while the people of that city lived in poor **clay huts** surrounding the palace.

The Khan was very **vain** and proud, and liked to dress himself in fine clothing. Every morning he ordered his **weavers** to make a new robe for him from the very finest of fabrics.

One day the Khan learned that a new weaver had arrived in the city. He **summoned** the weaver to the palace, and said, "I have heard that you weave beautiful **fabrics**. Tomorrow morning you shall bring me a robe made of a fabric which no eyes have ever seen before. If you fail, I shall order my soldiers to cut off your head".

Overwrought with fear that he would be unable to meet the Khan's demand and complete the task, the poor weaver left the palace. As he was riding his donkey along the bank of the river, great dark clouds began to cover the sky. The wind began to blow, and rain fell in great torrents matching the **overwhelming** flood of **anguish** in his heart.

As suddenly as it began, the rain stopped, and the most **vivid** and **splendid** rainbow appeared in the sky spreading its arc across the river. As the **moisture** cleared from the weaver's eyes, he caught sight of the **rippling** reflection of the rainbow in the water creating the most beautiful and delightful **pattern** he had ever seen.

The rest of the day and all through the night the weaver worked. He wove and he sewed, and he sewed and he wove, until finally the robe was finished. As it became light, he made his way to the palace, and presented the new robe to the Khan.

When the Khan saw the robe, he was **astounded** by its beauty. All the servants and subjects in the palace **marveled** at the beautiful colors, and admired the Khan in his new clothes.

The Khan was a **jealous** and greedy ruler, and he was afraid that others would want to make robes of the same pattern. So he sent out a decree that only the royal family could wear clothing made from the new fabric. It wasn't long before this beautiful material became known as the "Khan's Atlas".

In the end, because the Khan continued to love and admire himself so much, he was **miraculously** changed into a **peacock**. Today you will still see his **descendants strutting** proudly in the parks and palaces of the Central Asian cities and towns of Uzbekistan”.

Ушбу ривоятнинг дастлабки жумласида инглиз тилидаги сўз тартиби бузилган. Яъни унда “There lived in the city of Margelon a cruel and vicious ruler” дейилган. Аслида эса бу гапнинг синтактик қурилиши “There lived a cruel and vicious ruler in the city of Margelon” тарзида бўлиши керак.

Бешинчи қатордаги гапда “to dress himself” ибораси нотўғри қўлланилган. Яъни ушбу сўз бирикмаси таркибидаги “himself” ўзлик олмоши бўлмаслиги керак эди. Чунки “to dress” феъли инглиз тилидаги ўзлик олмошлари билан қўлланилмайди етти феъллардан бири ҳисобланади.

Many years ago there was a beautiful village called Nasaf. It was not a big town, it just had a castle and a king named Mahmut Ratshah. He lived with his family, and they were very very happy. But one day the army of Ruzakovski came, and they wanted to take the castle of Nasaf. But the castle of Nasaf and its people were very strong, and they could not take it. The next day an even bigger army came, which was over one thousand strong.

They fought for three days and three nights, but still they could not **subdue** the castle. Then Ruzakovski **announced**. "This castle is against us. I will give it the name "Karshi", which in the Uzbek language means against.

Long ago Karshi had many names, for example Nasaf and Behbudiy. Some people say there were seven names. Karshi was in the desert, and many people said that Karshi is Chorsu, which means in Tajik "Four waters".

“How Karshi Got Its Name? – “Қарши ўз номини қандай олган?” деб номланган ушбу ривоятнинг сўнги сатрида яна бир услубий хатога йўл қўйилганлиги кузатилади. Унда “Chorsu”

Қарши шахрининг қадимий номларидан бири сифатида кўрсатилмоқда ҳамда унинг тожикча сўз эканлиги, у тожик тилидан ўзбекчага ўгирилганда “турт сув” деган маънони англантиши билдирилмоқда. Авваламбор, атоқли отлар бир тилдан бошқа бир тилга таржима қилинмайди. Қилинганда ҳам тожикча сўз ҳисобланмиш “Chorsu” ўзбек тилида “тўрт сув” маъносини англантимайди. Чунки бунда сўзнинг ярмиси тожикча (чор), ярмиси ўзбекча (су ёки сув) бўлиб қолади. Ҳолбуки, тожик тилида “сув” сўзининг таржимаси “об” бўлади.

Раҳим Урмов таржимасида берилган “**Andijon**” ривоятида ҳам шундай камчиликлар борлиги кузатилади:

It has been known from ancient times, that there was a king who traveled with his army to many countries. At last he came to a town near the mountains of Central Asia. Soon after they arrived there, his favorite wife became ill, and he was very frightened that he would lose her, so he said to his ministers, "If anyone should inform me about the death of my wife, I will remove his head."

He called the doctors from every city and village, but they could not find the cause of his wife's illness. Then one day when he was away, his wife died, but no one could bear to tell the news to the king. They pondered with great difficulty about how to solve the problem when, finally, a wise young man came forward and said that he would tell the king. Everybody was amazed at his **courage**.

When the brave man went to the king, he said:

In the **shade** of the rose bush

Some **petals** have fallen.

What will your **majesty** have us do?

The king, understanding his meaning, in sorrow replied:

A **casket** you will make

From the **stem** of the rose.

And a **shroud** from the petals of delicate hue.

Then the king buried his favorite wife in the earth round about, and said, "Andijon", which means, "Here I have left my soul", in honor of his favorite wife.

Ушбу ривоят таржимасида ҳам сўз қўллаш билан боғлиқ хатолар мавжуд. Масалан, дастлабки қатордаги “The king traveled with his army to many places” жумласи орқали мутаржим “Шоҳ кўп малакатларни истило қилганди” деган фикрни ифодалашга уринган. Таржимадаги ғализлик шундаки, таржима таркибидаги “travel” сўзи “саёҳат қилмоқ” деган маънони англатади. Шоҳлар ҳеч қачон бутун бошли кўшин билан бошқа мамлакатга саёҳат уюштирмайди. Аксинча, истило қилиш ниятида кўшин тортиши мумкин. Шу инobatга олинса, таржимон ушбу жумлани таржима қилишда “travel” сўзининг ўрнига “conquer, seize, occupy” каби сўзларидан фойдаланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бунда таржима қуйидаги кўринишни ҳосил қиларди: “The king conquered (ёки seized) many places”.

Кўриниб турибдики, бунда таржимон ўзи учун икки имкониятни яратган бўларди: **биринчидан**, сўзни иқтисод қилиб, ихчамликка эришса, **иккинчидан**, таржиманинг раволигини ва таъсирчанлигини, жозибadorлигини таъминлашга эришади.

Яна ушбу ривоятнинг олтинчи қаторидаги (his wife died, but no one could bear to tell the news to the king) “рафиқаси ўлди, унинг ўлими ҳақидаги хабарни шоҳга етказишга ҳеч ким ботинолмади” деган гап таркибидаги “ботинмоқ, журъат этмоқ” сўзларини таржимон “bear” феъли билан таржима қилган. Бироқ бу сўз ўзбек тилига таржима қилинганда “чидамоқ, тоқат қилмоқ” деган маъноларни англатади. Ҳолбуки, инглиз тилида “ботинмоқ, журъат этмоқ” деган маъноларни ифодалайдиган “dare” феъли мавжуд. Ушбу феъл иштирокида таржима қуйидаги кўринишга келган бўларди: “No-one could dare to tell the news to the king”.

Ушбу ривоятнинг сўнги сатрида яна бир сўз қўллаш билан йўл қўйилган хато ўзига хос услубий ғализликни, мантиқан ўйлаганда, бироз кулгули ҳолатни юзага чиқарган. Таржимон “Подшоҳ сеvimли рафиқасини дафн этди” деган жумлани инглиз тилига “The king buried his favorite wife in the earth” тарзида ўгирган. Бунда аслият билан таржиманинг ўртасидаги мантикий номутаносиблик шундаки, инглиз тилидаги таржима “Шоҳ жондан азиз хотинини ерга дафн этди” деган маънони беради. Бу ўринда таржимадаги ноҳолислик кундай равшан. Яъни, “bury” феъли “дафн этмоқ” (ёки ерга қўймоқ) деган маънони ифодалайди. Она тилимизда ҳам “дафн этилди” дегани “ерга қўйилди” деган маънони англатади. “Дафн этмоқ” бирикмасини, асосан, “ерга қўймоқ” маъносида тушуниш мумкин. Уни дафн маросимининг бошқа шакллари, яъни мурдани қуйдириб, хокини ҳавога совуриш ёки сувга оқишиш сингари маъноларда қўллаб бўлмайди. Қолаверса, бундай дафн шакллари халқимиз турмуш тарзида хос ҳам эмас.

Юқоридагилардан хулоса қилинса, “дафн этмок” сўзини “bury” феъли орқали таржима қилишнинг ўзи кифоя. Таржимада “buried” феълидан кейин “in the earth” бирикмасини қўллаш ортиқчадир.

Ўзбек халқ афсона ва ривоятларининг таржимасида сўзма-сўз таржима қилиш ҳам бадииятнинг сусайишига сабаб бўлувчи омиллардан биридир. Айниқса, бадиияти юксак бўлган афсона ва ривоятларнинг тўла матнларини сўзма-сўз таржима қилиш энг номақбул йўл ҳисобланади. Бунга “**Sumalak Traditions**” афсонасининг таржимасини мисол келтириш мумкин: “Sumalak, which was a tradition among the ancient Turkish tribes who lived in Central Asia, is a favorite dish of the people of Central Asia during the holiday of Navruz.

According to MakhmudKoshkari, the great linguist, who lived during the 15th century, Suma, which means swollen wheat, comes from an old Turkish word. The wheat is put in water until it begins to sprout. Then it is dried and crushed into a paste from which bread is made. The bread is eaten with UgraOshi.

Mostly Sumalak is cooked by the women. They sit around the stove as it cooks, and talk, dance and tell tales while taking turns stirring the pot. Following are several traditions and superstitions concerning Sumalak:

Prayers are offered to the seven stones, which are placed in the Sumalak, and agitated to keep it from burning.

Sumalak is offered to the brides who have no children.

The bride wears an earring made of the grass of wheat in order to increase **fertility**.

During the celebration of the Sumalak, unmarried girls must pray to the seven stars.

Old women plant new trees with the young women who are not married.

The old women put a boy on the bride's knees, in order to increase fertility.

Бу матнда ҳам баъзи мураса қилиб бўлмайдиган ўринлар мавжуд. Масалан, сумалак ва унинг келиб чиқиши ҳақида умумий маълумот берувчи ушбу матннинг дастлабки қаторида “Sumalak, which was a tradition among the ancient Turkish tribes who lived in Central Asia”, яъни “Сумалак Марказий Осиёда яшаган қадимги туркий қабилалар орасида кенг тарқалган урф-одат, анъана эди” деган жумла бор. Ҳолбуки сумалак анъана ёки урф-одат эмас, балки миллий таом ҳисобланади. Шунинг учун таржимада сумалакка нисбатан “tradition” сўзини қўллаш номақбулдир. Унинг ўрнида “national traditional meal (ёки dish)” сўз бирикмасини қўлланилса, таржимадаги ғализлик бартараф бўлган бўларди.

Фольклор асарларини таржима қилиш ёзма адабиёт намуналарини таржима қилишга қараганда бирмунча мураккабдир. Айниқса, шевада яратилган, тилида халқона иборалар (фразеологизмлар), кўчма маънода қўлланган сўзлар, киноявий бирикмалар, сўз ўйинлари, қочиримлар учрайдиган фольклор асарларини чет тилга ўгириш ғоятда қийинчилик туғдиради. Чункибулексиква стилистик лисонийбирликларнитаржимадаайнанберишўзигахосмушкулдир. Таржимада баъзан бир сўзни ёки тушунчани бир сўз билан эмас, кенгайтирилган бирикмалар билан изоҳлаб беришга тўғри келади. Айниқса, таржимада фразеологик бирикларнинг ўгирмаси бирмунча нозикдир. Бу масалани махсус ўрганган олим Қ.Мусаев фразеологик бириклар бир тилдан иккинчи тилга, асосан, тўрт усулда таржима қилинишини кўрсатган. Булар: аслият тилидаги бирикка компонентлар таркиби, грамматик қурилиши ҳамда маъно ва услубий вазифаси мос эквивалентлар, бошқа хоссалари фарқ қилгани ҳолда маъно ва услубий вазифаси ўхшаш муқобил вариантлар, калька усулида ва тасвирий йўсинда таржима қилинади.

Хулоса. Инсоният фаолиятининг мураккаб шакли бўлмиш таржима бир тилда яратилган нутқий ифодани, унинг шакл ва мазмун бирлигини сақлаган ҳолда, ўзга тил воситалари асосида қайта яратишдан иборат мураккаб ва масъулиятли ижодий жараёндир. Демак, аслият мансуб бўлган тил воситалари ёрдамида яратилган нутқий ифода таржима тили қонуниятлари асосида вужудга келган шундай ифода билан алмаштирилади. Шу йўл билан аслият ва таржима тиллари матнларининг мазмуний - услубий адекватлиги (муқобиллиги) юзага келтирилади. Бунда таржима усуллари алоҳида ўрин эгаллайди. Ўгирилаётган матннинг хусусияти таржиманинг ўзига хос хусусиятини белгилайди. Бадиий адабиёт намуналари бошқа нутқий ифодалардан шуниси билан фарқ қиладики, унда бадиий-эстетик ва поэтик жиҳатлар ҳукмронлик қилади. Таржимада асл нусханинг шакл ва мазмун бирлигини, яхлитлигини бежирим ифода этиш учун таржима тилида муқобил ифода воситаларини қидириб топиш зарурати туғилади. Бу жараён асл нусха мазмунини ўзга тилда ифода этишнинг қатор имкониятлари орасида энг мақбулини танлаб олишни тақозо этади.

Ҳар қандай асарнинг тилида ифодаланган миллий руҳни бериш ғоятда мушкул. Чунки ҳар қайси халқнинг тили шу халқнинг ҳаёти билан чамбарчас боғланган бўлиб, унинг фикр тарзини акс эттирувчи фразеологик бириклар, тасвирий ифодалар ва мақолларга бойлиги билан ўзига хослик

касб этади. Таржимон ижодий маҳорати мана шу бадий ифодаларнинг миллий рангини йўқотмаган ҳолатда тасвирлаб беришида намоён бўлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. *Almeev Robert, Maxmudov Kamol. Qadimgi Mag`ok jumboqlari. Загадки старого Магока. Riddles of the old Magok. – Вухоро: Yoqub Dovid, 2020. – 136 б.*
2. *Жўраев К. Таржима санъати. – Тошкент: Фан, 1982 – 60 б.*
3. *Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Т.: Фан, 2001. – 136 б.*
4. *Имомов К. Мифологик афсоналар // Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.24-45.*
5. *Раҳмонова М.Р. Ўзбек халқ афсоналари бадийяти. – Тошкент: Фан, 2009. – 136 б.*
6. *Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Фан, 2005. – Б.185.*

**ТАРЖИМАШУНОСЛИК ТАРИХИ, ТАРАҚҚИЁТИ,
ТУРЛАРИ ВА МОДЕЛЛАРИ**

Касимова Раъно Раҳматуллоевна,
Бухоро давлат университети докторанти,
ф. ф. ф. д. (PhD), доцент
(e-mail: ranokasimova77@mail.ru)

Рўзимуродова Зарифа Ғофуровна,
Бухоро давлат Педагогика институти ўқитувчиси
(e-mail: zarifaruzimurodova90@gmail.com)

Аннотация. Ушбу мақолада таржимашуносликнинг моделлари, турлари, тараққиёти ва тарихи, таржимашуносликда интертекстуаллик назарияси ва психология хусусидаги фикрлар назарий ва илмий асосларда ёритилган. Таржиманинг фан сифатида шаклланиши тадрижийлиги кўп асрлик тарихга эга ва бу ўз навбатида Европа ва Осиё халқлари тарихи ҳамда анъаналарига бевосита боғлиқ. Бундан ташқари мақолада психологиянинг таржимашунослик ва адабиётлик фанлари билан узвийлиги ҳақида мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: ўзгарувчан модел, қиёсий модел, жараён модели, “тилмоч”, тарихий, фалсафий, адабий ва бадиий асарлар, “долметечен”, семантика, белгишунослик (семиотика), таржима танқиди, прагматика ва когнитив лингвистика.

Аннотация. В этой статье на теоретических и научных основаниях рассматриваются модели, типы, развитие и история переводоведения, а также анализируется теория интертекстуальности и психологии в переводоведении. Эволюционный характер становления перевода как науки имеет многовековую историю, а это, в свою очередь, напрямую зависит от истории и традиций народов Европы и Азии. Кроме того, в статье содержатся размышления об интеграции психологии с дисциплинами переводоведения и литературы.

Ключевые слова: вариативная модель, сравнительная модель, модель процесса, “тилмоч (языковед)”, исторические, философские, литературные и художественные произведения, “долметечен”, семантика, семиотика, переводческая критика, прагматика и когнитивная лингвистика.

Abstract. The article examines models, types, development and history of translation studies, as well as the theory of intertextuality and psychology in the translation studies on theoretical and scientific grounds. The evolutionary nature of the formation of translation as a science has a centuries-old history, and this, in turn, directly depends on the history and traditions of the people of Europe and Asia. In addition, the article contains reflections on the integrity of psychology with the disciplines of translation studies and literature.

Keywords: variative model, comparative model, process model, “filmoch (linguist)”, historical, philosophical, literary and artistic works, “dolmetechen”, semantics, semiotics, translation criticism, pragmatics and cognitive linguistics.

Қириш. Бугунги кунда таржимашунослик тарихи, тадрижи, турлари ва моделлари хусусида кўплаб илмий тадқиқотлар яратилганки, бу каби изланишларни илмий-назарий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, уларга муносабат билдириш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур мақоламизда айнан мана шу жиҳатларга эътибор қаратишни мақсад қилдик.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature Review). Туркий адабиётда IX аср ўрталаридаёқ таржимачилик вужудга келган бўлиб, тўғри (тохар), тавғач (хитой), сўғд тилларидан асарлар таржима қилинган. Санскрит тилида яратилган Шарқ драматургиясининг машҳур асари “Майтри симит нўм битиг” (“Майтри билан учрашиш улуг китоби”) [11] VIII-IX асрларда тўғри (тохар) тилидан туркий тилга таржима қилинган.

X асрда яшаган олим ва таржимон Сингу Сели Тутунг тавғач тилидан қадимги туркий тилга Кучу уйғур давлатида “Ци-инчун нўм битиг” номи билан таржима қилинган “Сюань-сзан кечмиши” асарини ўгирган. Асар тан сулоласи даврида яшаб ўтган сайёх Сюань-сзаннинг муқаддас сафари

ҳақидаги эсдаликлари бўлиб, ўзида ўнлаб афсона ва ривоятларни, Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маданий турмуши, улар яшаган ўлкаларнинг географияси, тарихига оид маълумотларни жамлаган. Тўқмоқ, Сайрам, Тошкент, Самарқанд, Қундуз, Балх, Шарқий Туркистон каби шаҳар ва вилоятларда бўлган сайёҳ бу халқларнинг VII асрдаги ишонч-этикоди, турмуш тарзи, урф-одатлари, фольклори, этнографияси ва бошқа ўзини қизиқтирган нарсалар ҳақида анча кенг маълумот беради. VIII асрдан уйғур ёзувини қўллаш бошланган ва ушбу ёзувда қоғозга туширилган “Олтин ёруқ”, “Хон тангри” каби асарлар бизгача етиб келган. Буддавийликнинг махаяна мазҳаби қонунларидан иборат бўлган, IX аср охири – X аср бошларида Сингку Сели Тутунг таржима қилган “Олтин ёруқ”нинг эски уйғур ёзувидаги тўлиқроқ нусхасини рус олими С.Е. Малов Шарқий Туркистон Хансу ўлкасининг сариқ уйғур (Юку) туманидан топиб, 1913-1914 йилларда В.В.Радлов билан биргаликда нашр этирган [11; 8-9.].

X асрга қадар “таржима” сўзи фақат тарихий, фалсафий, адабий ва бадий асарлар ўғирмасига нисбатан қўлланиб келинган. Оғзаки таржимонга нисбатан эса туркий халқларда “тилмоч”, немис тилида “долметечен”, инглиз ва француз тилларида “интерпрет” атамалари ишлатилган. Таржима назарияси хусусида айтилган фикрлар ҳам шу йўсинда умумий маъно касб этган.

Тадқиқот методологияси (Research methodology). Таржима назариясига бағишланган дастлабки изланишлар XIX асрнинг 20-30 йилларидан пайдо бўла бошлади. Бу даврда нашр қилинган Ф.Р. Амос, Ж.П.Поссет, О.М. Финкел, М.П.Алексеев китобларида ва С.Сиддиқнинг “Адабиёт таржимаси санъати” (1936) рисоласида таржима назарияси фан сифатида эътироф этилган тезислари деярли учрамайди. Бу соҳада баҳс-мунозаралар 50-йиллардаги машҳур таржимон И.Кашкин ва тилшунос олим А.А.Реформацкиининг таржима назарияси борасидаги мақолалари эълон қилингандан сўнг бошланиб кетди. Профессор А.А.Реформацкий “таржима амалиёти барча фанлар учун хизмат қилса-да, таржима назарияси мустақил фан бўла олмайди, балки тилшуносликнинг бир бўлимигина бўлиши мумкин”, деган ғояни илгари сурган эди. Шундан сўнг уларни маъқуллаган ва танқид қилган қатор тадқиқотлар, мақолалар чоп этилди. 1953 йил Халқаро таржимонлар уюшмаси (ФИТ) ташкил этилиб, 1955 йилда таржимонлар, интерпретаторлар ва терминологлар учун “Бейбл” (“Babel”)[14] номли журнал чоп этила бошланди. Кейинчалик жаҳон олимларининг таржима назарияси ва таржима танқиди муаммоларига бағишланган тадқиқотлари бирин-кетин нашр этилиб, олимларнинг илмий изланишлари равнақини белгилаб берди. Ўтган асрнинг 70-йилларига келиб жаҳон филология илмида таржимашунослик, деб ном олган мустақил фан шаклланди.

“Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг ўтган йигирма икки йил давомида бадий ижоднинг барча соҳаларида бўлгани каби таржима назарияси ва амалиётида ҳам ўзгариш ва янгиланишлар рўй берди. Президентимиз ташаббуси билан таржима ва таржимашунослар минбари, “Жаҳон адабиёти” (1997) журнали ташкил этилиб, ўз фаолиятини бошлади. Атоқли адабиётшунос олим ва таржимон О.Шарафиддинов бошчилигида ушбу журналда дунё адабиётининг энг сара асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб босилди. Энг муҳими, журнал таҳририяти аслиятдан таржима амалиётига кенг йўл очиб берди. Айни пайтда “Жаҳон адабиёти” журналида таржима назарияси ва танқидига доир мазмунли мақола ҳамда суҳбатларнинг босилаётгани ижод ва илм аҳлига манзур бўлмоқда”[15].

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуслари натижасида таржимашунослик соҳасида амалга оширилган бу каби ишлар бир қатор мутаржимлар фикр-мулоҳазаларининг юзага келишига сабаб бўлган. Баъзи мутаржимлар олиб борилган изланишларни юксак даражада баҳолаб, улардаги имкониятлар ҳақида сўз юритса, бошқа бир гуруҳ таржимашунослар таржимонларга қўйилган талаблар, улар олдида турган вазифалар, таржималарнинг муаммолари ва уларни бартараф этиш йўларини излаш лозимлигини таъкидлашади. Жумладан, Г.Ш.Рихсиева таржимондан нафақат тил билимдони, балки адабиётшунос ва элшунос бўлиш ҳам талаб этилади, чунки муайян халқнинг маданияти, ассоциатив тафаккурини чуқур билмай, тил бойлигини яхши эгалламай туриб таржимон бадий тил воситаларини тўғри танлай олмайди, тилнинг поэтик жиҳатларини ҳис этмай, оқибатда таржима тўғри ва таъсирчан чиқмайди [16], деган муносабат билдиради.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Таржимашунос Иброҳим Ғафуров “Ҳозирги замонда таржима амалиёти (таржима туридан қатъи назар) илмга асосланади. Албатта, ижод жараёнида интуициянинг ўз ўрни ҳамда салмоғи йўқ эмас. Илм таржиманинг тўлақонли ва ишончли чиқишига йўл очади. Таржимашунослик ва унинг таркибий қисмига айланиб бораётган, аммо ҳали ўзини тўла намоён қилиб улгурмаган таржима танқиди илм туридир. Бу илм тилшунослик, грамматика, стилистика, семантика, белгишунослик (семиотика) кабилар билан яқин алоқа боғлаб,

мустаҳкам ҳамкорлик қилади. Биз таржимашунослик ва таржима танқидидан ижодий амалиётга жонкуярларча ёрдам берувчи кўп фойдали ишларни кутамиз. Таржима амалиёти таржима танқиди, таржима илми, назарияси билан тенг ривожланиб борса, доим ҳамнафас одим отса, деб орзу қиламиз”, деган фикрларни билдирса, А.Абдуазизов “Замон талаби даражасидаги таржимонларни тайёрлаш учун нафақат таржима назарияси ва амалиёти бўйича мукамал дарслик, шунингдек, бадиий, илмий-техник, идора иш услубига мос ўқув қўлланмалари, икки, уч ва кўп тилли луғатлар яратиш талаб этилади. Ҳозирча чоп этилган инглизча-ўзбекча, немисча-ўзбекча, французча-ўзбекча луғатларнинг фойдали жиҳатларини камситмаган ҳолда айтиш жоизки, бу луғатлар ҳали таржимонларнинг талабини қониқтирмайди. Эндиликда катта изоҳли синонимик ва қомусий луғатлар керак, ҳатто таржима назарияси амалиётига доир изоҳли луғат тайёрлашни ҳам ўйлаш зарур. Негаки, таржима назарияси ва амалиёти билан боғлиқ кўпгина масалалар етарлича аниқ ҳал этилган эмас. Хусусан, таржимада сўзларнинг тартибини ўзгартириш ёки ўрнини алмаштириш, сўз қўшиш ёки тушириб қолдириш нима учун ва қай ҳолатда рўй бериши ва уларнинг барчасини умумий ном билан таржимада трансформация (лексик, грамматик ва стилистик) деб аталиши яхши ўрганилмаган. Таржиманинг қиёсий тилшунослик билан “эгизак”лиги маълум. Бироқ таржиманинг грамматик, лексик ва стилистик муаммоларини мустақил илмий тадқиқ этмасдан туриб, унинг прагматика, когнитив тилшунослик, психоллингвистика ва семиотика билан алоқаларини ўрганиб бўлмайди. Машҳур тилшунос, таржимашунос Роман Якобсоннинг ёзишича, бир тилдаги белгини бошқа тилдаги белги билан бера билишнинг уч тури мавжуд: биринчиси, таржима қилинаётган асар тилидаги белгини бошқа белги ёрдамида таржима қилиш ёки унга бошқа ном бериш; иккинчиси, семиотик белгиларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш; учинчиси, семиотик тизимлараро таржима: тил белгиларини мусиқа, рақс, кино, расм билан бера билиш [15], деб муносабат билдиради.

Ўзбекистонда таржимашунослик илмининг ривожига Жуманиёз Шарипов, Нинел Владимирова, Ғайбулла Саломов, Нажмиддин Комилов, Қудрат Мусаев каби олимларнинг хизмати катта бўлди. Бугунги кунга келиб ўзбек таржима мактаби жаҳон таржимашунослик илмида тан олинди.

Маълумки, жаҳон таржимашунослиги тўртта изоҳловчи, тасвирловчи, тушунтирувчи ва таҳмин қилувчи гипотезаларни қайта таржима қилиш ҳодисасига асосланиб, баён қилинади ва тасвирланади. Таржимашунослик назарияси яқин кунларда кенг тарқалди, лекин марказий диққат эътибор остига олинмади. Лингвистик ёки маданий жиҳатдан бир ёқлама ўрганиш ёндашувлари бир-бири билан кучли рақобатда бўлиб, таржимонларда турли хил қарашлар ва муаммолар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Кўпгина манбаларда таржимашунослик, асосан, иккита соҳа, прагматика ва когнитив лингвистика билан ўзаро яқин ва боғлиқ ҳолда эътироф қилинади [2]. Аммо бу таклиф барча таржимашунослик муаммоларига ечим бўла оладиган прагматик “калит” вазифасини ўтай олмайди, хусусан, бир неча йил олдин Ернст-Аугуст Гутт бунга яқин ёндашувда фаолият олиб бориб, таржимани когнитив тилшунослик ёки когнитив психология доирасига киритишга уриниш бўлмаганлигининг муайян сабаблари мавжудлигини айтиб ўтган. Таржима бу кўпроқ эклектик, яъни кўп қиррали ва бир қисмдан иборат эмас, деган назарияни илгари сурган [2].

Замонавий таржимонлик илмида семиотик асос ва маданиятлараро хусусиятларни тадқиқ қилмаслик асар мазмун-моҳиятини тушуниш жараёнини қийинлаштириб юборади. Шунинг учун тасвирланган муҳим тушунчалар билан боғлиқ назарий фикрларни ривожлантириш мумкин. Бу ҳолат таржимонликни прагматик жараён сифатида қабул қилиш орқали бошланади. Бунда *прайма фейши* (“prima facie” – Latin expression meaning *at first sight or based on first impressio*)[9], латин тилидан олинган бўлиб, биринчи тасаввур маъносини англатади) самара бериши назарда тутилади. Хусусан, бадиий асар танқидчилари томонидан қўйилган талабларга кўра “таржимонлик нутқи амалиёти” да бир қанча фойдали томонлар борлиги таҳмин қилинмоқда.

Таржимашунос олимлар таржимашуносликни характерли равишда матнни аниқ сўз ва иборалар билан таъминлашнинг аниқ тузилмаларини яратиш ва қолипга солиш йўлини излаш, деб билишади. Ушбу таржима фаолиятида сўзларни танлаш ва тушуниш жараёнларини ҳал қилувчи “таржима аралашуви”ни амалга ошириш назарда тутилади. Бу жараёнда янги луғат (таржима) кучга кириши учун тегишли лингвистик, матнли ва дунёвий билимларини йиғиш шаклида бўлади. Бу жараён когнитив тилшунослар томонидан нутқ маҳсули бўлган фикрни асослашга уруниш ёки “ортиқча юк ва қайта конфигурация” сифатида тавсифлашни хоҳлайди [1].

Таржиманинг “манбага асосланган / мақсадга йўналтирилган” ва “матндан олдинги/ матндан кейинги” жиҳатлари семантик маҳсулдорликнинг когнитивистик нуқтаи назари билан концептуал ёки рамзий маънога асосланган ҳолда боғланиши мумкин бўлган қарама-қаршиликларни тақдим этади; маданий таъсирлар ҳам шунга ўхшаш тартибда фарқланиши мумкин. Бу эса когнитив тарзда

маданий ёндашувларнинг таржимонлик билан бирлашишига ёрдам беради. Бирлаштиришдан ташқари, турли тушунчаларда бу ёндашув тилдан фойдаланганимизда умумий маънода ижодий элементни аниқлаб беради. Бу замонавий тасвирийлик ва анъанавий содиқликдан кўра биринчи ва иккинчи тил ўртасидаги таржимоннинг аҳамиятини тан олади. Таржима тадқиқотида таржиманинг учта асосий модели қўлланилади:

Биринчиси, қиёсий модел бўлиб, у таржималарни манба матнлари билан ёки параллел (таржима қилинмаган) матнлар билан мослаштиради ва иккаласининг ўзаро боғлиқлигини текширади. Ушбу модел қарама-қарши қиёслаш тадқиқотларида яққол кўринади.

Иккинчиси, жараён модели, бу вақт ўтиши билан таржима жараёнининг турли босқичларини акс эттиради. Ушбу модел коммуникацион ёндашувлар, шунингдек, баъзи протокол ёндашувлари билан ифодаланади.

Учинчиси, ўзгарувчан модел бўлиб, бунда таржималар аввалги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда ҳам, китобхон ёки тингловчи ва маданиятларга таъсир кўрсатадиган тарзда ҳам тавсифланади. Шунингдек, жаҳон таржимашунослигида тўртта изоҳловчи, тасвирловчи, тушунтирувчи ва таҳмин қилувчи гипотезалар қайта таржима қилиш ҳодисасига асосланиб, баён қилинади ва тасвирланади. Фақатгина ўзгарувчи модел тўрт турга ҳам мос келиши ва бу таржимашунослиқда келажакдаги динамик ривожланиш учун энг самарали модел ҳисобланиши мумкин.

Таржима типологиясининг бироз бошқача тури Жулиане Хаус томонидан таклиф қилинган бўлиб, улар қуйидагича:

а. Яширин таржималар – бу ўқувчиларга таржимонлар исми шарифининг маълум қилинмаслигидадир [6]. Бошқача қилиб айтганда, улар шу қадар табиий ва эркин таржима қилинадики, таржима қилинган матн аслига солиштирилганда унчалик фарқ сезилмайди. Бунга реклама, техник матнлар, газета матнлари мисол бўла олади.

б. Очiq таржималар – аниқ таржима бўлиб, улар манбалар маданияти билан чамбарчас боғлиқ. Бунга сиёсий маърузалар, шеърлар, ваъзларнинг таржималари мисол бўла олади.

Яширин таржималар ҳам аслига қараганда матн жиҳатидан фарқ қилиб, таржима қилинган матнларда умумий хусусиятлар бўлиши мумкин.

Кристина Норд томонидан 1991 йилда таржиманинг ҳужжатли ва инструментал турлари аниқланиб, уларнинг ўзаро фарқланиши очиқ берилган:

а. Ҳужжатли таржима бошқа матннинг ҳужжати бўлиб, у яна бир матннинг очиқ таржимаси. Бу бошқа бир нутқнинг ҳисоботи сингари намоён бўлади ва ўзлаштира гап кабидир.

б. Инструментал таржима эса ўз-ўзидан алоқа воситаси сифатида ишлайди, у асл матндан мустақил равишда ишлайди ва ўз хабарини қай даражада ифодалаганига қараб баҳоланади [4].

Демак, инструментал таржима бироз тўғридан-тўғри нутқга ўхшайди. Масалан, компьютер қўлланмасининг таржимаси шунга мисол бўлиб, унда ўқувчи компьютерни қандай ўрнатишни ва ундан қандай фойдаланишни тушунгани муҳим аҳамиятга эга, матннинг аслиятини максимал даражада аниқ ифодалаш шарт эмас.

Матн турлари таништирилганда типологик муаммо янада мураккаблашади. М.Реисигл таржима усули муайян матн турига, шунингдек, таржима мақсадига боғлиқлигини таъкидлаб ўтади ва матннинг тўртта асосий турини таклиф қилиб, уларнинг дастлабки учтаси жуда анъанавийлигини уқтиради:

1. Информацион матнлар – муайян воқеалар ёки ҳар қандай масалалар тўғрисида муҳим маълумотларни тақдим этишга мўлжалланган матнлар бўлиб, тарихий шахсларнинг таржимаи ҳоллари айнан ман шу турга киритилади.

2. Экспрессив матнлар шахсий шарҳлар, шахсий эсселар ва блоглар сингари таъсирчан матнларни ўз ичига олади.

3. Оператив (яъни ишонтирувчи, кўрсатма берувчи) матнларга туристик брошюралар, реклама матнлари, сиёсий нутқларни киритиш мумкин.

4. Аудио-визуал (мулти-медиа) матнлардир. Дубляж ва субтитр аудио-визуал таржиманинг асосий турларидир [10].

Келтирилган матн турлари таснифлари билан таржима турлари таснифларига алоқадор кўплаб “Инжил таржимаси”, “бадий таржима” ёки “шеърят таржимаси” каби терминологик ўхшашликлар мавжудки, улар ҳақиқатдан ҳам матн турларини, яъни таржима қилинаётган матн турини назарда тутгани боис, уларни фарқлай олишимиз ва аралаштириб юбормаслигимиз керак. Хайрулла Ҳамидов таржимашунослиқнинг мустақил фан сифатида шаклланиши ва истиқболлари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидагича билдириб ўтган:

“Сўнгги йигирма йил ичида Шарқ адабиётининг ўнлаб нодир намуналари ўзбек тилига таржима қилинди. Агар ўтган асрнинг 80-йилларигача бундай асарларнинг асосий қисми рус тили орқали ўгириб келинган, ўзбек халқи Шарқ адабиёти намуналари билан билвосита таржималар соясида танишган бўлса, 90-йиллардан бошлаб шарқ тилларидан бевосита таржимага кўпроқ эътибор берилди. Бу даврда ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига таржима қилиш иши янги босқичга кўтарилди. Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Гафур Гулом, Пиримкул Қодиров, Одил Ёқубов, Саид Аҳмад, Шукрулло, Ўткир Ҳошимов ва бошқа адибларнинг асарлари турк, хитой, араб, корейс сингари шарқ тилларига таржима қилинди. Шунга қарамай, ўзбек тилидан шарқ тилларига ўгирилган асарлар салмоғи шарқ тилларидан қилинаётган таржималардан анча кам. Бунинг сабаби, назаримда, ўзбекча асарни чет тилига ўгирадиган маҳаллий мутахассисларнинг озлигидир. Агар буни биргина ўзбек ва турк тилларидан амалга оширилган таржималар мисолида олиб қарайдиган бўлсак, бугунгача турк тилига ўгирилган ўзбек адиблари асарлари турк таржимонлари томонидан амалга оширилганига гувоҳ бўламиз. Буни бошқа тилларга қилинган таржималар мисолида ҳам айтиш мумкин. Галдаги вазифа ўзбек адабиёти дурдоналари орасидан танлаб олинган асарларни турк тилига истеъдодли ўзбек таржимонлари томонидан амалга оширилишига эришиш ва бу борада ҳамкорликни кучайтириш, кенг жамоатчилик иштирокида таржима асарлар тақдимотларини ўтказиб, оммавий-ахборот воситалари ёрдамида оммага маълум қилишдан иборат” [16].

Демак, келтирилган фикрларни умумлаштириб, таржимашунослик фани мустақил фан сифатида қуйидаги омиллар ёрдамида тараққий этган деган хулосага келиш мумкин:

–сўнгги йигирма йил ичида Шарқ адабиётининг ўнлаб нодир намуналари ўзбек тилига таржима қилинган;

–ўтган асрнинг 80-йилларигача асарларнинг асосий қисми рус тили орқали ўгириб келинган;

–ўзбек халқи Шарқ адабиёти намуналари билан билвосита таржималар соясида танишган;

–90-йиллардан бошлаб шарқ тилларидан бевосита таржимага эътибор кучайган;

–ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига таржима қилиш иши янги босқичга кўтарилган.

Таржимашунослик алоҳида фан сифатида шакилланиши ва тараққиёт босиқичларининг кенгайиши натижасида бошқа бир қатор фанлар билан узвийлик касб эта бошлади. Таржимашунослик фани бошқа тилдаги адабиётлар билан танишиш ва турли халқлар маданияти, турмуш-тарзи ва психологиясини ўрганишга кенг имкон яратди. Маълумки, адабиёт ёзувчининг ақлий фаолияти натижаси сифатида тушунилади ва олимлар айнан психология адабий қаҳрамонларнинг, шунингдек, ёзувчиларнинг ўзларини психологик таҳлил қилишда ёрдам бериши мумкинлигини таъкидлайди. Индивидуал ақлий ҳаракат санъатнинг барча психологик назарияларининг маркази сифатида тушунилган. Қаҳрамон яратувчи ёки идрок этувчи субъект сифатида қаралди, онгда содир бўлаётган ақлий жараёнлар таҳлил ва диққат мавзусига айланади ва айнан аслият тилидаги асар қаҳрамони ва унинг руҳиятида юз бераётган ҳолатни бадий тасвир воситалари ёрдамида иккинчи тил вакили, яъни китобхонига ўзидек етказиб бериш таржимашунослик фанинг вазифасидир. XIX асрнинг 90 йилларидан бошлаб, адабиётнинг психологик мазмуни кўп қиррали ўрганиш мавзусига айланади, нафақат филология, балки бошқа фанлар айниқса, психологияга бўлган эътибор кучайди.

“Ёзувчи, аввало, ҳис-ғуйғуларини ишга солиб ўйлашга, сўнг лингвистик, яъни мос сўзларни танлаб, ижод қилишга киришади. Ёзувчининг индивидуал идрок эса унинг ўй-фикрлари, кашфиёти, кузатувлари натижасидир. Ўз навбатида, тип сифатида ёзувчининг шахсияти, хусусиятлари, кўникмалари, эътиқоди, муносабатлари, қадриятлари, хатти-ҳаракатлари, мослашувчанлиги ва темпераменти, ташқи кўриниши инobatга олинади, яъни уни бошқалар томонидан англашилиши ва уларга таъсири таҳлил қилинади ва одатда, бу тушунча Э.Спренгер талқини билан айтганда “scheme of understanding (тушуниш схемаси)” тарзида умумлаштирилади” [13].

“Адабиётшунослар адабиёт психологиясига турлича таърифларни келтиришади. Масалан, араб адабиёти профессори Сангиду “адабиёт психологияси инсон ҳаётининг баъзи воқеаларини уйдирма қаҳрамонлар ёки ҳатто фактик персонажлар томонидан ижро этилишини ўз ичига олган бадий асарларни кузатадиган фан сифатида таърифланади”, дея шарҳласа, Р.Уэллек ва О.Уорренлар тадқиқот субъектига кўра адабиёт психологияси турлича изоҳланиши мумкин, деб ҳисоблаб, қуйидагиларни санаб ўтишади:

1. Муаллиф психологиясини индивид сифатида ўрганадиган адабиёт психологияси. Ёзувчи шахс, уни хоҳиш-истак ва ҳиссиётларидан ажратиб бўлмайди. Ўз иштиёқи ва ҳиссиётларига асосланиб бадий асарлар яратиши мумкин.

2. Ижодий жараёни ўрганадиган адабиёт психологияси. Бунда ишнинг яхлит бадий асарга айланиш жараёни назарда тутилади.

3. Психология турлари ва принципларининг бадий асарда қўлланилишини ўрганадиган адабиёт психологияси. Психологик мавзулар ва ҳолатларнинг бадий асар қаҳрамонларида ишлатилишига эътибор қаратилади.

4. Бадий асарнинг ўқувчига таъсирини ўрганадиган адабиёт психологияси. Бадий асарнинг ўқувчи ҳаёти ва ўй-фикрларига таъсири инобатга олинади” [14].

Хулоса ва Таклифлар (Conclusion/ recommendations).

Умуман олганда, таржима ва таржимашунослик илми ўтган асрдан ривожлана бошлаган бўлса, у умумфилологик фан тарзида эътироф қилинди. Таржима назарияси ҳақида баҳс-мунозаралар узок давом этишига қарамай, лингвистик тамойиллар пешқадамлик қилди ва кейинчалик таржима асарларга бўлган талабнинг ортиши баробарида адабиётшунослик ва психология фанларида сезиларли ривожланиш намоён бўлди. Бу албатта муаллиф аслият тилида берган асар қаҳрамони ҳис-туйғуларини таржима тилидаги китобхон мутолаа қилаётган қандай идрок этишида кузатилади. Шундай экан, таржиманинг ўз ўрни сезилиб бораётган бир пайтда, у “коммуникатив восита” сифатида дунё халқлари ва цивилизациясида янада муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР:

1. *Arab World English Journal, Special Issue on Translation No.3, 2014.* – 266 p.
2. *A Cognitive-Pragmatic Model for Translation Studies Based on Relevance and Adaptation. Canadian Social Science Vol.5 No.1 February 2009.*
3. *Comparative study of a Writer's and Translator's Psychology in the English translation of "Kecha va Kunduz" // VI. Uluslararası Türklerin Dünyası Sosyal Bilimler Sempozyum. Moldova, 13-15 may, 2022.*
4. *Christiane Nord. Text Analysis in Translation. Theory, Method, and Didactic Application of a Model for Translation-Oriented Text Analysis. Translated from the German by Christiane Nord and Penelope Sparrow. Amsterdam/Atlanta GA, Rodopi, 1991, 250 p. ISBN: 90-5183-311-3.*
5. *Gutt. E. A. Translation and Relevance: Cognition and Context. Oxford: Basil Blackwell. Manchester: St. Jerome, 1991.*
6. *Juliane House-Translation as Communication across Languages and Cultures-Routledge (2015)*
7. *Kasimova R.R., Ziyadullayev A.R., Ziyadullayeva A.A. The Nature of the Culture Bound Words and Problems of Translation // International Scientific Journal Theoretical and applied science, MA.USA. – Published: 31.03.2021. – P. 401-405.*
8. *Ochilov E., Xodjayeva N. Tarjima nazariyasi (O'quv qo'llanma). – Toshkent, 2020. – B. 8-9.*
9. *Reamer, Frederic G. (November 2014). "Prima Facie and Actual Moral Duties in Social Work". Social Work Today.*
10. *Reisigl, M. Rhetoric of Political Speeches. In R.Wodak and V. Koller (Eds), Handbook of Communication in Public Sphere (pp. 243–269). Berlin/New York: Mouton de Gruyter, 2008. Collombat, Isabelle. «Skopos Theory as an Extension of Rhetoric». *Poroi 13, Iss. 1 (2017): Article 3.* <https://doi.org/10.13008/2151-2957.1236>*
11. *The Nature of the Culture Bound Words and Problems of Translation. - International Scientific Journal Theoretical and applied science, MA.USA. – Published: 31.03.2021. – P. 401-405.*
12. *The Distinctive Writing Style of Arthur Conan Doyle // International Journal on Integrated Education. Volume 5, Issue 4, Apr 2022. - P. 197-201.*
13. *Касимова Р.Р. Адабиёт психологияси // Сўз санъати халқаро журнали 4 жилд, 4- сон Б.59.*
14. *Касимова Р.Р. Психология, адабиётшунослик ва таржимашунослик узвийлиги // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2021. – №1/6/2. – Б.248-251.*
15. <https://benjamins.com/catalog/babel>
16. <https://ziyouz.uz/suhbatlar/tarjima-nazariyasi-va-tanqidi-muammolari-davra-suhbati>
17. *the Expression Of A Social National Word Within The English Interpretation Of The Work Of Tahir Malik" Devildom"*
18. *Kadirova, N. A. Similarities in Addressing the Complex Nature of Love and Devotion in Metamorphosis by Kafka and in ghazals of Mir Alisher Navoiy. IJITEE ISSN: 2278-3075, Volume 8, Issue 9S3, July 2019. P-1542-1545.*
19. *Ruzimurodova Zarifa. (2022). In english lessons, methods for improving speaking skills. Yosh Tadqiqotchi Jurnal, 1(2), 245–250. Retrieved from <http://2ndsun.uz/index.php/yt/article/view/101>*

LITERARY CRITICISM

20. Kadirova Senior Teacher, Nargiza. "Poetic functions of the transformation motif in written literature" *Philology Matters* 2020.2 (2020): 17-31.

21. G'afurovna, R. Z. ., & qizi, M. N. K. . (2022). *In english lessons, methods for improving speaking skills. Ijtimoiy fanlarda innovasiya onlayn ilmiy jurnali*, 29–33. Retrieved from <http://www.sciencebox.uz/index.php/jis/article/view/1485>

22. Jasur Laziz ugli Latipov, Jahongir Yunus ugli Ergashev, & Muzaffar Muradovich Raximov. (2021). *The Influence of Turkic Khaghanate Rule on the Political Life of the Khitan Tribes. Central Asian journal of social sciences and history*, 2(3), 81-90. Retrieved from <https://cajssh.centralasianstudies.org/index.php/CAJSSH/article/view/86>

23. R.Z. Gafurovna, *Detective genre and its peculiarities. International Engineering Journal For Research & Development*, 2021, https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=ifolPZsAAAAJ&citation_for_view=ifolPZsAAAAJ:u-x6o8ySG0sC

THE ARTISTIC CONCEPTS OF "HOMELAND" AND "NATION" IN THE WORKS OF SIRAJ UD-DIN SIDKI

Khudayberdiyev Akram Akbarovich,

Doctoral student of Andijan State University, Uzbekistan

akromandijoniy@gmail.com

Abstract:

Introduction. The article explains the introduction of the concepts of "homeland" and "nation" into Uzbek modern literature at the beginning of the 20th century, their use with different meaningful words, and the artistic concepts they represent, on the example of the poetry of Sidki Khandayliki. Within the themes of homeland, freedom, and independence, which became more relevant in this period, the concepts of "homeland" and "nation" are expressed differently in different places in the poet's work. It was concluded that the artistic concepts of the concept of the homeland in connection with the nation and the territory where the nation lives have not reached the level of the updated concept.

Research methods. Siraj ud-din Sidki's poems were analyzed in order to study the issue of the genesis and development of the concepts of "homeland" and "nation", which are among the most active artistic concepts, in Uzbek poetry of the 20th century. In article were used cultural-historical and comparative-typological analysis methods.

Results and discussions. The originality of the works of Uzbek artists belonging to the generation of modern literature of the beginning of the 20th century, the fact that they were created on the basis of a system of new concepts suitable for the time, has been noted many times by literary critics and critics. However, we cannot say that the objective and subjective factors that created the uniqueness and formation of the system of new concepts suitable for the era were created. In particular, the special study of the concepts of "homeland" and "nation", which are among the most active artistic concepts in 20th century Uzbek poetry, and their genesis and improvement are still relevant.

The formation of a system of new concepts appropriate to the era in the Uzbek poetry of the 20th century is a process that took place under the influence of certain reasons. On the example of the work of the poet Sidki, we will consider the issue of the genesis and improvement of the concepts of "homeland" and "nation" in connection with the influence of the conditions of the time.

Conclusion. The conclusion is these researches are a process that was directly influenced by the traditional Islamic concepts that existed in the national thinking, secondly, by the fact that Turkestan was in colonial conditions, and finally, thirdly, by the ideas of Modernism. The special study of this issue allows to create a correct idea about the genesis and development of one of the most active artistic concepts in the Uzbek poetry of the 20th century.

Key words: Homeland, territory, nation, folk, crowd, tribe, raiyyat (historical designation of a folk), Turkestan, liberation.

Introduction. From the beginning of the 20th century, the activity of the Jadidism movement under the slogan of national liberation also increased in the colonial Turkestan and began to spread rapidly. Modernism, a social, political, and cultural movement, had a strong influence on Uzbek literature. Along with this movement, modern literature was also formed. A new era has begun in modern Uzbek literature. This new era and new literature served as the basis for the formation of "new thinking" and the renewal of concepts and views. The themes of homeland, freedom, and independence, which have been sung in all times, became more relevant in this period. The concepts of "nation" and "homeland" entered the literature. Enthusiasm for national poems has increased. The representatives of Modern literature reflected these renewals and changes in their works.

Materials and methods. We can see this in the example of different artistic interpretations of the concepts of "homeland" and "nation" in the work of Siraj ud-din Sidki Khandayliki, one of the bright representatives of Modern literature. His poems from several poetry collections written in 1915-1917 and the epic "Rusiya inqilobi" (Russian Revolution) provide rich material for thinking about the issue of interest to us.

Sidki's creative heritage connects our colorful traditional poetry with new Uzbek poetry in a unique way. Sidki's work is also significant for its open expression of social issues of his time in harmony with traditional poetry. Especially his epic "Rusiya inqilobi" (Russian Revolution) is a vivid example of this. It is

the first work depicting the revolutionary events in a broad epic plan. The work describes the Russian liberation movement and its history, dynamics of development over the years, and its spread to other regions.

Results and discussions. The saga skillfully describes the fierce struggle between the supporters of the "eski hukumat" (old government) and the "yangi hukumat" (new government), the folk's dream goals and self-sacrifice on the way to freedom. Events are given daily in the play. The poet considers the people's "conflict" on February 23, 1917 to be the result of hunger, scarcity, famine and destruction that shook the country.

*Yigirma uchinchi februl aro,
Banogoh qo'zg'oldi bu mojaru.
Qiyomat ishi anda barpo bo'lub,
Hujum ahlidin ko'b alolo bo'lub.
Sig'ishmay to'lub ko'chau ko'y aro,
Kelur o'ylakim xalqlar to'y aro. [3,147]*

Meaning:

*February twenty-third,
This conflict broke out suddenly.
The work of doomsday is now established,
There was a lot of noise from the people of the attack.
without fitting into the street, like the folks coming to a wedding.*

This "mojaru" (conflict) that started was a wedding for "xalqlar" (folks). The word "nation" is used instead of the word "xalq" (folk) and the term "xalq" (folk) means "rus xalqi" (russian folk) in a narrow sense, and "Rusiya xalqlari" (folks of Russia) in a broad sense. During the epic, words such as, "xaloyiq" (crowd), "el" (tribe), "raiyyat" (historical designation of a folk) are also used as synonyms for this term, and we can see that they express different meanings in different places.

*Bu kunda xaloyiqqa non yetmayin,
Emas non, bir ovuchcha don yetmayin.*

Meaning:

*There not be enough bread for the people on this day,
No bread, just a handful of grain.*

Here again, the word "xaloyiq" (crowd) is used to express the concept of nation, which creates a false first impression that it was used to describe the chaotic crowd during the revolution. But the fact that its synonyms such as "el" (tribe), "xaloyiq" (crowd), "raiyyat" (historical designation of a folk) are used interchangeably during the poem shows that the word "people" does not mean a chaotic crowd, but means the total population - the people.

*Nonvoyxona oldida ko'b o'lturub,
Qilurdi fig'on non debon qichqurub.
Bu kun bu kabi bas o'sub inqilob,
Xaloyiq o'z uyig'a qildi shitob.*

Meaning:

*By sitting in front of the bakery
He used to scream like crazy.
Today is a revolution like this.
The people hurried to their homes.*

Here, too, it is not so correct to say that the term "xalq" (folk) is used only in relation to the crowd who returned "to their homes" after the riots. Because this term is used both throughout and at the beginning of the work, which represents the people, not the chaotic crowd during the revolution:

*Jafo aylama elg'a, ey zo'rmand,
Ki nogah falak aylag'ay mustamand.*

Meaning:

*Do not persecute, O tyrant!
The sky can suddenly make you poor.*

This "zo'rmand" (tyrant) described by the poet is the "Eski hukumat" (Old government). He caused a lot of suffering, oppression and injustice. This is especially vividly expressed in the poem "Eski hukumat zulmi" (Old Government Tyranny):

*Mehru shafqat bitdi-yu, yo'q bo'ldi elning ko'nglidan
Kim topilmas parcha non, Eski Hukumat dastidan. [3,116]*

Meaning:

*Compassion is over, it has disappeared from the hearts of the people
Nobody can find a piece of bread, because of the Old Government.*

The "el" (tribe) who couldn't find a piece of bread from the old government's bread are the "xaloyiq" (crowd) who killed a lot of people in front of the bakery and screamed for bread. It seems that the words "xaloyiq" (crowd) and "el" (tribe) mean the same thing - people.

*Dedim, nazm bo'lsa bu zo'r inqilob,
Xaloyiq ko'zig'a bo'lur bas ajob.*

Meaning:

*I said, If I write this revolution in a poetic way,
it will be interesting to the eyes of the crowd (for people).*

If the event of the revolution, which the poet wants to describe, is written in verse, i.e. poetically, it will be wonderful "xaloyiq ko'zig'a" (to the eyes of the crowd). Therefore, the reality of the revolution, which was intended to be described, was written for the "xaloyiq" (crowd) in the poem. But this is not a chaotic crowd that went out on the streets calling themselves "xaloyiq" (crowd), none, revolution. As the poet creates for the "xaloyiq" (crowd), he must be known and heard among the people. This enthusiasm of the poet is not applauded or glorified by them. We see the same confession in "Bir baxil qissasi" (The story of a stingy):

*Sidqi, bu so'z yalg'on emas, barcha chin,
Kim dedilar sanga xaloyiq chunin.
Xalq deganicha bo'lub qissasoz,
Bo'ldung ajab bo'yla fasonanavoz. [3,214]*

Meaning:

*Sidki, this word is not a lie, everything is true,
Therefore, the people said to you:
You are a storyteller as the folk say,
you are such a great storyteller.*

The word spoken by the poet for "xaloyiq" (crowd) is never a lie, it is all true. And "xalq" (folk) value him accordingly. We can see that the words "xaloyiq" (crowd) and "xalq" (folk) that express the concept of nation become contextual synonyms in the clause and mean the same thing. The above word "xaloyiq" (crowd) also meant a part of the "xalq" (folk) and not a group of people who came out for the revolution. "Xaloyiq" (crowd) is a part expressed through the whole. "Xaloyiq" (crowd) who demanded rights for the revolution, "el" (tribe) who were oppressed by the "Eski hukumat zulmi" (Old Government Tyranny), and "xalq" (folk) who glorified the poet who expressed these things with sincere words, have the same meaning.

*Sarosar xaloyiqqa yetdi jafu,
Magar yondi ko'kdin alarga balo.
Baloeki, yo'qtur davosi aning,
Xaloyiq bo'lub muhtalosi aning.
Chidolmay munga yig'lab el hoy, hoy,
Der erdiki, rahm aylag'il, ey Xudoy!*

Meaning:

*All the people suffered,
Calamity rained down on them from heaven.
He was an incurable scourge,
The people were exposed to it
The people could not bear it and wept.
They asked God for mercy.*

Here, too, the words "xaloyiq" (crowd) and "el" (tribe) in the verses are used in the same sense, signifying the concept of nation.

The epic also describes the events that took place in "Tavrisheski nom o'rda qopusinda" ("at opposite of the residence named Tavrishesky"; the name of one of the chapters of the epic). Several high-ranking officials of the old government were arrested and imprisoned there. The description of these events is given in the "Suxo'mlinef" (the name of the chapter) part of the epic:

*Suxo'mlinef keldi to ushlanib,
G'ulu bo'ldi saldatlar ichra ajib.*

Meaning:

*When Suxo'mlinef was caught and brought
A commotion broke out among the soldiers.*

Among those arrested was V.A.Sukhomlinov², who was the Minister of War in 1909-1915, and who also came to Turkestan in 1912 [3,15]. He is found guilty of treason.

*Chu daryo urub jo 'sh saldatlar,
U dam anga: "La'nat!" – dedi sarbasar.
"Qaroqchi! Vatanni sotuvchi!" – debon,
Hama qichqirishti qo 'porib fig'on. [3,153]*

Meaning:

*The soldiers rushed like a river,
At that time, he repeatedly shouted "Damn!" they said.
"Robber! A traitor to the homeland!" – saying,
Everyone screamed and shouted.*

The "Homeland" sold by Sukhomlinov, the general of the cursed Russian tsarist government, is obviously the country of Russia.

The chapter "Maqbul qurbonlar" (Acceptable Victims; the name of the chapter) begins with a description of liberation movements in the history of Russia. In it, the poet turns to the history of the Russian liberation movement and describes the "ixtilol" (uprising) – the "Pugachyov qo'zg'oloni" (Pugachev Rebellion)³ in 1772.

*Pug'och o'f zamonida bu ixtilol
Qo'zulg'on edi, xalq o'lub poymol.
Ki, ya'ni qo'zulg'on edi mojaro
Ming yetti yuz yetmish ikki aro.
O'shal kunda bo'ldi to'la tortishuv,
To'kuldi xaloyiqni qoni chu suv.
To'la el hurriyat uchun berdi jon,
Vale qo'lg'a kelmadi bu ish ravon.*

Meaning:

*The folk saw oppression and revolted
It was a rebellion during Pugachev's time.
This uprising happened in 1772.
There was a lot of controversy that day.
People's blood was shed.
The people died for liberation,
But they did not get it.*

The oppressed rebels for liberation, who came out to fight demanding liberation – the tribe ("el") who died for it, the folk ("xalq") whose rights were violated, and the crowd ("xaloyiq") who shed their blood; they could not get the liberation, could not achieve their goal. The terms "el" (tribe), "xalq" (folk) and "xaloyiq" (crowd) used here also mean the same thing.

*Necha ming dohiy, aziz xonadon,
Vatandin kechib bo'ldilar benishon. [3,158]*

Meaning:

*Many geniuses, dear families,
They have left their homeland.*

The struggle for liberation was contended for the Homeland, for its bright future. But liberation did not win in this conflict. Tribe who fought for freedom were shot dead and hanged. "Homeland" in this place can also mean a place of residence, a certain region, that is, the city or village where one was born, grew up. In addition, against the background of the struggle for freedom, this term means their country, their homeland for all whose "tribe", "folk", "crowd". This is made clear in the following verses:

*Hurriyat yo'linda qurilg'on pulon
Hama yo'mrulub bo'ldi, bas, benishon.
Hurriyat elin otmoq, osmoq bilan
Davom etti zulm ahli, ey nuktadon.
Butun Rusiya davlatida mudom
To'kuldi to'la qon, o'lub xosu om.*

² Vladimir Aleksandrovich Sukhomlinov was a Russian general of the Imperial Russian Army who served as the Chief of the General Staff from 1908 to 1909 and the Minister of War from 1909 to 1915.

³ Vosstaniye Pugachyova; also called the Peasants' War 1773-1775 or Cossack Rebellion.

Meaning:

*A plan was made for freedom,
But they all failed, disappeared without a trace.
The oppressors continued to shoot and hang those who fought for liberation.
For a long time, a lot of blood was shed in the whole Russia state,
all strata of the people died.*

It seems that the above term "homeland" refers to the country of Russia. But it is not the Tsarist Russia at all. In the verse above "left their homeland" was leaving "New Russia – a new life" (one of the chapters in the epic is also called by this name). This meant that the plan had failed. Now, when viewed from this point of view, it is understood that the concepts of "nation" and "homeland" are interrelated in the background of the struggle for freedom plan.

Years later, in February 1917, the result of this "pulon" (plan) came to light. The struggle for liberation in Russia has spread to all regions of the country, especially to Turkestan.

*Hurriyat tilab hech zarar ko'rmag'on
Shahr bo'lsa, ul erdi **Turkiston**.*

Meaning:

Turkestan was a city that was not harmed by the desire for wanting liberation.

The poet sheds light on the struggle for liberation in Turkestan on the example of the 1916 uprisings against the unjust policy and tyranny of the Tsar's government.

*Banogoh Eski hukumat shahi
Buyon zolimona jaf o ayladi.
Ki farmoni olisin e'lon etib,
Xaloyiqni xor etti sarson etib.
Yetib zulm **islom elin** jonig'a,
Qo'shuldi hurriyatchilar sonig'a. [3,159]*

Meaning:

*Suddenly the king of the Old Government
He planned to transfer the tyrant to Turkestan.
The decree declared,
this reason humiliated the people.
Oppression has come to the people of Islam too.
They also fought for liberation.*

Above, we said that the terms "el" (tribe), "xalq" (folk), "xaloyiq" (crowd) that express the concept of nation mean the same thing, that these expressions meant "the Russian people" in a narrow sense, and "Rusiya xalqi" (the folk of Russia) in a broad sense. When the liberation movement moved to Turkestan "hurriyat tilab hech zarar ko'rmag'on" (seeking liberation and doing no harm), we can see that the above term "xaloyiq" (crowd) now means "xalq" (folk), "el" (tribe) in a certain area - "islom eli" (the tribe of Islam). In this case, we can witness that the content of the national part is limited according to two aspects. The first is that the word "xaloyiq" (crowd) is limited by religion and means "islom eli" (the tribe of Islam), and the second aspect is that this term is limited by territory and means "Turkiston xalqi" (folk of Turkestan). Also, it should be emphasized that the term "islom eli" (the tribe of Islam) does not mean all Muslims, but "Turkiston musulmonlari" (Muslims of Turkestan). "islom eli" (the tribe of Islam) used here is different from the traditional concept. After all, according to our traditional concept, "nation" ("tribe of Islam", "nation of Islam") means all Muslims - "the nation of Prophet Abraham, peace be upon him". And the concept of "nation" in this verse means Muslims living in Turkestan, limited by territory. The word "xaloyiq" (crowd) here is no longer "rus xalqi" (russian folk), that is, all "Rusiya xalqlari" (folks of Russia), but a territorially limited concept - "shahr" (city) means the people of Turkestan, "islom eli" (tribe of Islam) means the Muslims of Turkestan.

In the following paragraph, we observe that the term "xalq" (folk) is expressed differently from the above:

*U zolimni farmonida ushbu so'z
Bor erdi. Ani angla, ey dilfiro'z.
"Raiyyatlarim o'n to'quz yoshidan
Ki qirq uchg'acha mardikor olaman!"
Bu farmon ila soddadil **xalqni**
Ajab qildi aftodadil **xalqni**. [3,160]*

Meaning:

He is under the command of a tyrannical king

there were such words: "I call on raiyyat (historical designation of a folk) between the ages of 17 and 43 to mobilize behind the war (to the front)".

With this decree, he torments the simple, depressed folk.

On the eve of the First World War, on June 25, 1916, Nicholas II ordered the mobilization of men of the non-Russian population of the Empire for the construction of defense structures and military communication routes in the regions where the army is in action, as well as for any other work necessary for the defense of the state. On decree was announced [6,143]. According to the decree, 250,000 workers between the ages of 19 and 43 will be recruited from Turkestan.

Since the execution of the decree is aimed at the "g'ayrirus aholi" (non-Russian population), the concepts "raiyyat" and "xalq" (folk) in this place mean the same thing - the total non-Russian population of Tsarist Russia. As we have witnessed, we have seen that the terms "xalq" (folk), "xaloyiq" (crowd), "el" (tribe), "raiyyat" (historical designation of a folk) have different meanings in different places. In one place, these terms refer to "rus xalqi" (russian folk) in a narrow sense, in a broad sense to all "Rusiya imperiyasi xalqlari" (folks of the Russian Empire), in another place to "g'ayrirus aholi" (non-Russian population), and in another place to "Turkiston musulmonlari" (Muslims of Turkestan). " has come to mean.

Conclusion. During the epic, terms that express the concept of nation, such as "tribe of Shash" (tribe of Tashkent), "musulmon eli" (tribe of muslim), "ahli islom" (population of Islam), "Turkiston ahli" (population of Turkestan), "millat ahli" (population of nation) are used, which, as we noted above, refer to two aspects - religious and territorial we will witness that ra means.

We conclude from the analysis of the activation of the concepts of "homeland" and "nation" and his artistic concepts in Sidki's work within the current topics of the period, such as homeland, freedom, independence and development, that the poet did not reach the level of expression research at the level of an updated artistic concept in the interpretation of these concepts. This is especially noticeable when the concept of "nation" is used in different contexts. In addition, the connection between them is seen only in a certain region or religion. However, it is hardly observed that the concepts of "homeland" and "nation" represent updated concepts in relation to each other. This shows that interpretations of the concept of the homeland in connection with the nation and the territory where the nation lives have not reached the level of the updated concept.

REFERENCES:

1. Asilov A. (1981). *Sidqiy Xondayliqiy//Guliston. [Sidki Khandayliki// Gulistan]. №10.*
2. Hamdam U. (2012). *Yangi o'zbek she'riyati: Ilmiy maqolalar/U.Hamdami. [New Uzbek poetry: Scientific articles]. Tashkent.: "Adib" nashriyoti. –P.304.*
3. Khandayliki Sidki. (1998). *Tanlangan asarlar [Selected works]. Tashkent. "Spirituality". P.304.*
4. "Oyina" jurnali. [Journal "Oyina"]. 1914 y, №43, №44; 1915 y, №11.
5. Olimjon H. (1960). *Tanlangan asarlar. 3-tom [Selected works. 3rd floor]. Tashkent. Uzbek State Fiction Publishing House. P.256.*
6. Qosimov B. (2002). *Milliy uyg'onish: jasorat, ma'rifat, fidoyilik [National Awakening: Courage, Enlightenment, Sacrifice]. "Ma'naviyat". Toshkent. P.400.*
7. Quronov D. (2018). *Adabiyot nazariyasi asoslari [Basics of literary theory]. –Tashkent.: Akademnashr. – P.480.*
8. Quronov D., Mamajonov Z., Sheraliyeva M. (2013). *Adabiyotshunoslik lug'ati [Dictionary of literary studies]. –Tashkent.: Akadenashr. –P.408.*
9. Xolid Adib. (2022). *"O'zbekiston tavalludi: ilk SSSR davrida millat, imperiya va inqilob" [Birth of Uzbekistan: Nation, Empire and Revolution in the Early USSR]. Toshkent: "Akademnashr". P.424.*
10. O'zbekim. (1992). *"Vatan" seriyasi. [Homeland]. "Sharq", –Tashkent.: P.204.*
11. Kuranov D. <https://cajipc.centralasianstudies.org/index.php/CAJLPC/article/view/515/495>

**“EAST OF EDEN” ROMANIDA QAХRAMONLAR ХУЛҚ-АТВОРИГА ЖАМИЯТ
ФИКРИНИНГ ТАЪСИРИ**

Ganieva Orzigul Khayriddinovna,
Associate professor of the
English Literary Criticism department, BSU
11 Muhammad Ikbol street, Bukhara, Uzbekistan
(e-mail: ganieva_orzigul@mail.ru)

Аннотация Жорий йилда етмиш йиллиги нишонланаётган Жон Стейнбекнинг “East of Eden” романи инсоний фазилатлар билан бирга одамлараро зиддиятларни моҳирона ёрита олган асарлардан бири сифатида бир неча йиллардан бери адабиётшуносликда кўплаб тадқиқотларнинг объектига айланди. Мазкур мақолада романда жамиятнинг кичик бир бўлаги ҳисобланган оила мисолида инсонларнинг бир-бирига ижобий ҳамда салбий таъсири таҳлилга тортилади. “East of Eden” романида жамиятнинг инсонга таъсирини ёритишида асосий жиҳатлардан бири ота ва фарзанд орасидаги ҳамоҳанг муносабатлар тасвиридир. Асарда ижобий муҳитли оилалар носозлом муҳитга эга оилаларга қарама-қарши қўйилади. Бу билан муаллиф ижтимоий муҳит фарзандлар тарбиясида нақадар муҳим эканини, келгусида баркамол шахс сифатида камол топишида аҳамиятли эканини таъкидлайди. Жон Стейнбек романдаги образларининг турфа дунёси орқали турли ижтимоий муаммоларни акс эттирди. Муаллиф ушбу асарига ўзгача ёндашганини унинг композицияси, воқеалар ривожига ҳар бир образнинг тадрижида намоён бўлади.

Калит сўзлар: Жон Стейнбек, роман, реал, образ, адабиётшунос, жамият, қаҳрамон, инсонийлик, ижтимоий, муносабат.

Аннотация Роман Джона Стейнбека «К востоку от рая», отмечающий в этом году своё семидесятилетие, на несколько лет стал объектом многих литературоведческих исследований как одно из произведений, умело освещающих межличностные конфликты наряду с человеческими добродетелями. В данной статье анализируются положительные и отрицательные воздействия людей друг на друга на примере семьи, которая в романе рассматривается как небольшая часть общества. В романе «К востоку от рая» одним из главных аспектов в освещении влияния общества на человека является изображение гармоничных отношений между отцом и сыном. В романе семьи с позитивным окружением противопоставляются семьям с нездоровым окружением. Этим автор подчёркивает, какое значение в воспитании детей имеет социальная среда, и насколько важно для них в будущем развиваться как совершенная личность. Джон Стейнбек отразил различные социальные проблемы через многообразный мир своих персонажей в романе. Уникальный подход автора к этому произведению отражён в его композиции, развитии каждого персонажа по ходу событий.

Ключевые слова: Джон Стейнбек, роман, реальность, образ, литературовед, общество, персонаж, человечество, социальное, отношение.

Abstract John Steinbeck's novel “East of Eden”, celebrating its 70th anniversary this year, has been the subject of many literary studies for several years as one of the works that skillfully illuminates interpersonal conflicts along with human virtues. This article analyzes the positive and negative impacts of people on each other on the example of a family, which in the novel is considered as a small part of society. In the novel “East of Eden”, one of the main aspects in highlighting the influence of society on a person is the image of a harmonious relationship between father and son. In the novel, families with a positive environment are contrasted with families with an unhealthy environment. By this, the author emphasizes the importance of the social environment in the upbringing of children, and how important it is for them to develop as a mature person in the future. John Steinbeck reflected various social problems through the diverse world of his characters in the novel. The author's unique approach to this work is reflected in his composition, the development of each character in the course of events.

Keywords: John Steinbeck, novel, reality, image, literary critic, society, character, humanity, social, relation.

Кириш. Ҳар бир бадий асар муаллифнинг ички туғени, кечинмалари, орттирган ҳаётий тажрибаси маҳсули бўлиб дунё юзини кўрар экан, табиийки, унда ҳаёт ҳақиқати мужассам бўлади. Чинакам бадий асар ҳаққониятни тасвирлаш билан бир қаторда, инсон, унинг тақдири, руҳиятидаги жараёнлар, қалбининг тубидаги туйғуларини ҳам теран гавдалантира олади. Адабиётшунос М.Бахтин ҳақиқий бадий кучга эга асарлар мазмуни ҳақида фикр билдириб, шунчаки адабий контекстда “олам” сўзига тегишли, аммо олам билан алоқаси бўлмаган асарлар мавжуд эканини қайд этади. Бундай ижод намуналари замонавий даврий нашрлар саҳифаларида туғилади, яшайди ва ўлади, дея баҳо беради мунаққид [1; 35]. Йиллар, асрлар ўтса ҳам, бадий қимматига путур етмайдиган, инсонларга тўғри яшаш, инсонийликга содиқ қолиш сингари хулосаларга келишида таянч бўла оладиган асарлар ўлмасдир. Жорий йилда етмиш йиллиги нишонланаётган Жон Стейнбекнинг “East of Eden” романи инсоний фазилатлар билан бирга одамлараро зиддиятларни моҳирона ёрита олган ана шундай сўз санъати намуналари сирасига киради.

“East of Eden” романи америкаликлар ҳақида ҳикоя бўлиб, воқеалар 1860 йилдан то 1918 йилгача даврни қамраб олади. Муаллиф макон сифатида ўз она юрти Салинасни танлайди. Асарда Самуэль Хэмилтон (она тарафдан бобоси) ва Адам Траск оилаларининг ҳаёти, уч авлод вакиллариининг тақдири акс эттирилади. Жон Стейнбек ҳаёт мазмуни, инсон табиати ҳақида фикр билдириб, умри давомида вужудга келган “бахтли яшаш тарзи” билан боғлиқ саволларга жавоб топишга интилади. Роман мажозий маънода “East of Eden” деб номланади. Инжилдаги Одам атонинг ўғиллари орасидаги зиддият туфайли жаннатнинг шарқий қисмига қувғин қилинган фарзанд ҳикояси асосида ёзилган асар бош қаҳрамонининг номи ҳам мажозий маънода Адам (Одам ато) деб аталади. Ёзувчи инсониятни бирлаштириб турадиган боғлиқлик мавжуд экани, барча бир ота ва онанинг фарзанди эканини тушунтиришга ҳаракат қилади. 1952 йилда нашрдан чиққан асарни икки жаҳон уруши боис юзага келган салбий оқибатларнинг гувоҳи бўлган муаллифнинг чин маънода инсониятга қарата муружаатномаси дейиш мумкин.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар. “East of Eden” романи Жон Стейнбекнинг беш йил давомида олиб борган тинимсиз ва машаққатли меҳнати самараси бўлди, асар унинг ҳақиқий романнавис сифатида мавқеъини мустаҳкамлади [3; 234]. Муаллиф йиллар давомида тўплаган тажрибасидан келиб чиқиб, ўзининг ҳаётга бўлган фалсафий муносабатини романда қаҳрамонлари тақдири мисолида ифодалади. Одам зоти яралган кундан бери эзгулик ва ёвузлик орасида борадиган кураш ўртасида экани, умри давомида қайси йўлни танлаши, ҳақ йўлга киришида куч топа олиши ўз қўлида экани моҳирона тасвирланди. Яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги муросасиз баҳсда қурбон бўлган, ғолиб чиққан, чин инсоний фазилатини асрай олган одамлар қисмати Хэмилтонлар ва Трасклар оиласи мисолида гавдалантирилди. Романга теран назар ташласак, уни панднома десак муболағага йўймасангиз ҳам бўлади, чунки асарнинг сўнгги қисмларида бош қаҳрамонга айланувчи Калэб (Caleb) ва Аарон (Aaron) орасидаги ака-укаларга хос рақобат тасвирланар экан, ёзувчи икки ўғли учун ҳаёт йўлида маёқ вазифасини ўтовчи сабоқ беришга интилди.

Романи инсон тақдири ҳақида ҳикоя дейиш мумкин. Жон Стейнбек асарида инсонлар орасида йўқолиб бораётган одамийлик хусусиятларини сақлаш муҳим экани уқтирди, ўзаро садоқат, ишонч ва самимий ришталар ҳаётда аҳамиятли эканини таъкидлайди. Бундай фазилатлар ижобий муҳитда ривож топиши, аксинча салбий жамиятда ёвузлар кўпайиши қаҳрамонлар тақдири мисолида кўрсатиб берилди. “East of Eden”да Самуэль Хэмилтоннинг Лиза Хэмилтон билан бахтли турмуши, самимий муносабатлар асосига қурилган оилада виждонли фарзандларнинг вояга етиши, уларнинг жамиятга келтирган нафи аҳамият касб этади. Аксинча, Сайрэс Траскнинг қаллоблиги, манфаатпарастлиги фарзанди Чарльзга “мерос” бўлиб ўтиши намоён бўлади.

Натижалар ва таҳлил. “East of Eden”да жамиятнинг инсонга таъсирини ёритишда асосий жиҳатлардан бири ота ва фарзанд орасидаги ҳамоҳанг муносабатлар тасвиридир. Романда ижобий муҳитли оилалар носоғлом муҳитга эга оилаларга қарама-қарши қўйилади. Бу билан муаллиф ижтимоий муҳит фарзандлар тарбиясида нақадар муҳим эканини, келгусида баркамол шахс сифатида камол топишида аҳамиятли эканини таъкидлайди. “East of Eden”да Трасклар шажарасидаги уч авлод, яъни Сайрэс Траск – Адам Траск – Калэб Траск ҳаёти ёритилади. Роман бошида Сайрэс Траскнинг ўғиллари Чарльз ва Адамга бир хил муносабатда бўлмаслиги, Адамга кўрсатилган фарқли эътибор Чарльзнинг ғазабини келтиради. “*Adam’s father Cyrus was something of a devil – had always been wild*” [8]. Сайрэснинг шафқатсизлиги, ўз манфаатлари йўлида ҳар қандай инсонни қурбон қилиши, худбинлиги асар бошиданок китобхонга етказилади. Буни унинг нафақат ҳаракати, атрофидаги одамларга муносабатида, балки муаллифнинг унга нисбатан билдирган фикридан ҳам англаб олиш

мушкул эмас. Ёзувчи оилавий ришталар инсон ҳаётида муҳим экани, кишини эътибор, меҳр каби хислатлар яхши йўлга етаклаши, ёвузликдан сақлаб қолиши мумкинлигини Чарльз тақдирида акс эттиради. *“His dark face took on the serious expressionlessness of a man who is nearly always alone. He missed his brother more than he missed his mother and father. He remembered quite inaccurately the time before Adam went away as the happy time, and he wanted it to come again”* [8]. Сайрэс Траскнинг худбинлиги, ўз фикридан қайтмаслиги, фарзандлари фикри билан қизиқмаслиги, Чарльздек қўпол ва жаҳлдор табиатли кишини янада шафқатсиз ва меҳрсиз одамга айлантириб қўяди. Ёлғизликга маҳкум қилинган қаҳрамоннинг қалбида илиқ ва самимий туйғу борлиги унинг акасини эслаганида намоён бўлади. Шунингдек, унинг энг ёвуз ҳаракатлари ҳам ҳамқишлоқларининг нафратига сабаб бўлмаслиги меҳнатқашлиги ва матонатига, она ерга бўлган муҳаббатига, фермадаги ишларда моҳирлигида таъкидланади. Муаллиф отанинг эътиборсизлиги ёки қўпол муносабати фарзанд тақдирини бир умрга ўзгартириб юборишини Чарльзнинг бесамар ўтказган ҳаёти мисолида тасвирлайди.

Адам Траск оиланинг тўнғич ўғли, юмшоқ табиатга эга бу қаҳрамон кўнгилянчилиги, аммо жуда ёр ва тажрибасизлиги боис романдаги энг шафқатсиз аёл Кейтининг маккорлиги, ваҳшийлигининг қурбонига айланади. Асарнинг биринчи қисмида бош қаҳрамон сифатида тилга олинган Адам меҳрибон, аммо нуқсонли экани, бир неча ўта муҳим дақиқаларда нотўғри қарорлар қабул қилиши акс эттирилади. Унинг энг катта нуқсони – жуда ишонувчанлиги, одамларнинг ҳақиқий табиатини англаб етмаслигида қўринади. Шу боисдан, отаси Сайрэснинг қаллоблигини, турмуш ўртоғи Кэйтнинг манфаатпараст ва худбинлигини фахламай озор чекади. *“Young Adam was always an obedient child. Something in him shrank from violence, from contention, from the silent shrieking tensions that can rip at a house. He contributed to the quiet he wished for by offering no violence, no contention, and to do this he had to retire into secretness, since there is some violence in everyone. He covered his life with a veil of vagueness, while behind his quiet eyes a rich full life went on. This did not protect him from assault but it allowed him an immunity”* [8]. Адам болалигидан итотли, атрофидаги шафқатсизликлардан ўзини олиб қочадиган, оиласидаги қўпол муносабатлар қурбони сифатида улғаяр экан, келгусида меҳрли ва бахтли оила бошлиғи бўлишга, меҳрибон фарзандлар тарбиялашга уринади. Гарчи ҳаётининг аввалида отаси ва укаси, кейинчалик турмуш ўртоғидек бағритош инсонлар таъсирига тушса ҳам, романнинг бошидан охирига қадар инсонийлигига хиёнат қилмай, ўзлигини сақлаб қолади. Муаллиф Адам мисолида инсон тақдирнинг ҳар қандай синовини матонат билан енгиши, одамийлик ва ҳалоллик сингари хислатларини асраши лозимлигини таъкидлайди.

Жон Стейнбек романдаги образларининг турфа дунёси орқали турли ижтимоий муаммоларни акс эттирди. Гарчи *“The Grapes of Wrath”* муаллифнинг шоҳ асари дея баҳоланса-да, *“East of Eden”* унинг қалбига яқин ижод намуналаридан бири бўлгани, мазкур роман адибнинг иккинчи етук ижодий маҳсули экани кўпчилик мунаққидлар томонидан қайд этилади [4; 238]. Ҳақиқатда, Жон Стейнбек ушбу асарига ўзгача ёндашганини унинг композицияси, воқеалар ривожига ҳар бир образнинг тадрижи, асарнинг ўзгача тилида гувоҳ бўламан. Уч авлод тақдири тафсилотларини тасвирлаш жараёнида ёзувчи асосан инсонларни яхшилик ва ёмонлигига ўзи сабабчи бўлиши, қай йўлни танлаши кўпроқ унинг ўзлигини топиш йўлидаги машаққати эканига ишора қилади. Жон Стейнбекнинг мураккаб образлари китобхонни мушоҳада қилишга ундайди. Аммо унинг ижобий тимсоллари ҳатто салбий қаҳрамонлари билан ёнма-ён ҳаракатланса ҳам чин инсоний фазилятларини сақлаб қолиб, уларга ҳам таъсир кўрсатишга уринади. Ҳэмилтонлар оиласи Трасклар билан қўшни яшаб, Адам Траск ва унинг фарзандлари хулқ-атворида кўп жиҳатдан таъсир кўрсатишади. Адамнинг шафқатсиз аёли Кэйтнинг гўдақларидан воз кечганида ҳам, Адамнинг ёнида бўлиб, унинг ҳам ота, ҳам она бўлиб уларни вояга етказишида ҳамдард ва ҳамнафас бўлишади.

“East of Eden” романида Самуэль Ҳэмилтон образи Сайрэс Траск тимсолига қарама-қарши қўйилади. Унинг барча разил ҳатти-ҳаракатлари Самуэльнинг эзгу ишлари билан бирин-кетин тасвири келтирилади. Сайрэс авлодига ўғрилиқ оқибатида қўлга киритилган улкан гуноҳни мерос қилиб қолдирганида, ҳеч қачон моддий бойликни қўлга киритмаган, чин инсоний фазилятлар соҳиби бўлган Самуэль эса садоқат ва яқин оилавий ришталар билан боғлиқ муҳаббатни фарзандларига тақдим этади. Муаллиф ҳам бу оила ҳақида ўз муносабатини қуйидагича ифодалайди: *“All in all it was a good firm-grounded family, permanent, and successfully planted in the Salinas Valley, not poorer than many and not richer than many either. It was a well-balanced family with its conservatives and its radicals, its dreamers and its realists. Samuel was well pleased with the fruit of his loins”* [8]. Самуэль ҳамда Лиза Ҳэмилтон чиройли ва фаровон оила барпо этишадики, унда турли табиатли фарзандлар камол топишади. Аммо уларнинг бариси Америкадаги кичик бир ижтимоий қатлам вакиллари сифатида жамиятга наф келтириш билан бир қаторда, теварагидаги инсонларнинг тақдирида ҳам эзулик

йўлидаги ўзгаришларида сабабчи бўлишади. Муаллиф уларнинг тимсолида масъулиятли, ғамхўр ва меҳрибон фарзандлар намунасини гавдалантиради.

“East of Eden” романини мутолаа қилган зукко китобхон муаллиф бор ижодий салоҳиятидан фойдалангани, бадий етук асар яратганига ишонч ҳосил қилади. Аввалги ижод намуналаридан бирмунча фарқли шакл ва мазмун касб этган роман ёзувчи умри давомида ҳаёт ҳақиқатини тасвирлаш мақсадида эгаллаган барча билимларини амалда татбиқ этганлигини кўрсатади [2;98]. Беш қисм ва эллик беш бобдан иборат “East of Eden” романида шу қадар кўп қаҳрамонлар тақдири қамраб олинадики, унда оддий меҳнаткаш инсондан тортиб, муваффақиятга эришган, зафар нашидасини сурган одамнинг масрур ва ғамнок дамларига қадар тасвирланади. Муаллиф Салинас водийсида яшовчи аҳоли мисолида бутун мамлакатда ҳукмрон вазият, маънавий муаммоларни акс эттира олди. Жон Стейнбек асар ҳолларида диалоглар, жест ва мимикалардан кенг фойдаланди, шунингдек, қаҳрамонлар ҳаракатларига бевосита ўз муносабатини ифодалаб боради. Айниқса, аёл қаҳрамонларининг ботиний ва зоҳирий олами тасвирида бунинг гувоҳи бўлиш мумкин. “*It is my belief that Cathy Ames was born with the tendencies, or lack of them, which drove and forced her all of her life. Some balance wheel was misweighted, some gear out of ratio. She was not like other people, never was from birth. And just as a cripple may learn to utilize his lack so that he becomes more effective in a limited field than the uncrippled, so did Cathy, using her difference, make a painful and bewildering stir in her world*” [8].

Романдаги энг мураккаб образлардан бири Кэйти бўлиб, у ўзи тегишли жамиятга мислсиз даражада салбий таъсир этади. У яшаган оила парокандаликка юз тутса, унга меҳр кўрсатган одамлар бундан жабр кўришади, ҳатто жазо ҳам олишади. Онаси тирик бўла туриб, унинг фарзандлари онасиз улғайишади. Муаллиф қаҳрамонига муносабатини очикчасига билдирар экан, бундай инсонлар ёвузлигини англаган ҳолда ундан имкон борича кўпроқ фойдаланишга, теварагидаги одамлар ҳаётини издан чиқаришга уринишини эътироф этади. Аммо романдаги барча аёл қаҳрамонлар шундай тасвирланган дейишдан йироқмиз. Чунки фарзандларига ғамхўрликда тенгсиз Лиза Хэмилтон, уруш даврида лоқайд бўлмасдан, ўз ҳиссасини уруш ортида қўшган Олайв, меҳрибон ва самимий Абра каби аёл образлари реал ҳаётдаги меҳнаткаш ва танти қаҳрамонларга бир мунча яқин туради.

Жулоса. Гарчи ўзга маконда яратилган бўлса ҳам, Жон Стейнбекнинг “East of Eden” романида инсонийлик, ўзаро самимий муносабатлар ҳамда уларда меҳр, эзгуликни сақлаб қолиш каби умумбашарий ғоя илгари сурилади. Муаллиф эзгулик ва ёвузлик орасида борадиган курашда инсон тўғри йўлни танлаши, инсонийлигига хиёнат қилмасдан яшаши муҳим эканини уқтиради. Асарда тасвирланган Трасклар ва Хэмилтонлар оиласи мисолида фарзанд ва ота-она, қўни-қўшничилик муносабатларида ўзаро таъсир масаларининг аҳамиятини тасвирлади. Бундай ҳаётий ҳақиқатни тасвирлаган роман умри боқий, у ҳали-ҳануз ўз бадий залворини йўқотмай, жаҳон дурдоналари сафида колмоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1. Бахтин М. *Вопросы литературы и эстетики.* – М.: Художественная литература, 1975. – С.35.
2. Hinds, Maurene J. *John Steinbeck: banned, challenged, and censored.* – USA: Enslow Publishers, 2008. – P. 98.
3. Howard L. *The Novels of John Steinbeck. A Critical Study.* – USA: University of Missouri Press, 1974. – P.234.
4. Kordich, Catherine J., Bloom, Harold. *Bloom’s how to write about John Steinbeck.* – NY: Bloom’s Literary Criticism, 2008. – P. 238.
5. Khamdamova, Sitora Bakhshilloeyvna. "Mythological Themes and Motives in William Butler Yeats' Poetry." *Spanish Journal of Innovation and Integrity* 6 (2022): 147-150.
6. Rakhimovna, Radjabova Dildora. "American Toponymy as Reflection its History and Culture." *Middle European Scientific Bulletin* 22 (2022): 34-37.
7. Sadullaev, Feruz. "Раъшнинг бир даража кўрсаткичи хусусида" *Центр научных публикаций (buxdu. uz)* 8.8 (2021).
8. <https://adonisebooks.blogspot.com/2017/09/east-of-eden.html>

KALAMBUR SEMANTIK XUSUSIYATLARINI TARJIMADA AKS ETTIRISHDAGI O‘ZIGA XOSLIKLAR (U.SHEKSPIR PYESALARI MISOLIDA)

Mizrabova Jeren Ismailovna,
Buxoro davlat universiteti dotsenti, (PhD)
mizrabovajerenismailovna@mail.ru

Annotatsiya. Mazkur maqola Uilyam Shekspir ijodidagi kalamburning o‘ziga xos semantik xususiyatlari va ularning tarjimada aks ettirilish murakkabliklari muammolarini o‘rganishga bag‘ishlangan. Kalamburni tadqiq etish, mazkur stilistik vositaning nazariyasi muammolari, uning tarjimasida qo‘llaniladigan bir nechta tarjima usullari va U.Shekspir asaridan so‘z o‘yini tarjimasida tahlillari keltirilgan. Kalamburni rus va o‘zbek tillarida qayta yaratish jarayoni bilan bog‘liq murakkabliklar va tarjima usullari o‘rganilgan.

Ilmiy maqolada Uilyam Shekspir uslubiga xos kalamburning semantik xususiyatlari, jumladan, omonimik, polisemik, paronimik yoki antonimik kalamburlari lingvopoetik jihatlarining rus va o‘zbek tarjimalarida qayta yaratilishining o‘ziga xos muammolari o‘rganilgan. Asliyat kalamburida voqelangan obrazlar, konnotatsiyalar, fon, muallif uslubi yoxud muallif kalamburining shakli, fonetik va grafik xususiyatlarining tarjimada qayta yaratilishdagi muammolari o‘rganilgan.

Kalit so‘zlar: Shekspir, kalambur, tarjima, asliyat, omonim, polisemiya, antonimiya, paronimiya, omoforma, semantika, fonetik hususiyatlar, muallif, mutarjim, asliyat matni, tarjima matni.

Аннотация. Настоящая статья посвящена изучению своеобразных семантических особенностей каламбура в творчестве У.Шекспира и способов его воссоздания в переводе. Обобщить основные направления факторов выявления в изучении каламбура и проблему перевода данного стилистического приёма, рассматриваются некоторые способы перевода, приводится анализ перевода игры слов из произведения У. Шекспира, рассматриваются сложности и основные приёмы связанные с передачей каламбура на русский и узбекский языки.

В научной статье изучаются свойственные проблемы воспроизведения лингвопоэтических аспектов каламбуров построенных на омонимии, полисемии, паронимии или антонимии в узбекских и русских переводах. Также, исследованы проблематика воспроизведения своеобразия образов, коннотаций, фона, стиль автора или формы каламбура автора, фонетических и графических свойств оригинала в переводе.

Ключевые слова: Шекспир, каламбур, перевод, оригинал, омоним, полисемия, антонимия, паронимия, омоформа, семантика, фонетические свойства, автор, переводчик, текст оригинала, текст перевода.

Abstract. This article is devoted to the study of the specific semantic features of the pun in the works by W.Shakespeare and ways of recreating it in translation. The main directions of the factors of identification in the study of a pun and the problems of translation of this stylistic device, some methods of translation, an analysis of the translation of a play on words from the plays by W. Shakespeare, the difficulties and basic techniques associated with the transfer of a pun into Uzbek and Russian are considered. The scientific article studies the inherent problems of reproducing the linguo-poetic aspects of puns built on homonymy, polysemy, paronymy or antonymy in Uzbek and Russian translations. Also, the problems of reproducing the originality of images, connotations, background, the style of the author or the form of the author's pun, the phonetic and graphic properties of the original in translation are investigated.

Keywords: Shakespeare, pun, translation, original, homonym, polysemy, antonymy, paronymy, homoform, semantics, phonetic properties, author, translator, original text, translation text.

Kirish. Kalambur tarjimasida muammosi tarjimashunoslikning tor sohasini tashkil etasa-da, uni tadqiq etish qiziqarli va istiqbolli vazifalardan bo‘lib shu bilan bir qatorda ancha murakkab amaliyotdir. Kalambur tarjimasida mutarjim eng avvalo muallifning niyati yoki vositaning shaklini asrab qolish kabi muammolariga duch keladi. Aslida, muallifning kalambur yaratishdan asosiy maqsadi bu - mazmun va ifoda usulining nomutanosligi yordamida tinglovchining e’tiborini jalb etish yoki uni kuldirishdan iboratdir. Kalambur o‘girmasi jarayonida mazkur vositaning tarjima matnidagi mazmuni va shaklini asrab qolish mushkul,

hattoki, ba'zida ilojsiz ham. Chunki mutarjim tarjima tilida asliyatda keltirilgan so'z o'zining leksik birliklardagi ma'noviy tovlanishlari va xilma-xilligi, ularning polisemik xususiyatlariga teng qamrovli ekvivalentini topish kabi juda murakkab vazifalarga duch keladi. Aslida, ular o'rtasidagi oddiygina farq ham tarjimada kalamburni to'g'ri qayta yaratishda to'siq bo'la oladi va bu holat mutarjimni boshqa vositalarni qidirib topishga undaydi. Agarda mutarjim kalamburning faqatgina so'z shaklini aks ettirishni maqsad qilsa unda tarjimada so'z o'yini g'oyib bo'lishi tabiiy, shuningdek, muallif niyati ham, ya'ni tinglovchini kuldirish maqsadi ko'rinmay qoladi. Kalambur tarjimasi jarayonida asliyat shakli va ma'lum matndagi so'z o'yinining o'girmasida mutarjim nafaqat ekvivalent kalambur, balki muallif niyatini ham inobatga olishi so'z o'yinidagi har bir so'zning nozik qirralarini bilishi zarur.

Ma'lumki, kalambur termini tasnifi muammosiga oid ko'plab izlanishlar amalga oshirilgan. Bu kabi tadqiqotlar bir-biridan kalamburga oid tafsilotlari, batafsil tekshiruvlari bilan birmuncha ajralib turadi. Shuningdek, olimlar kalamburning turli ya'ni semantik jihatdan (polisemiya, omonimlar, omoformalar) yoki fonetik jihatdan (masalan omofonlar) kabi ko'rinishlarini o'rganadilar. Masalan: Leksik "bazaviy" hodisalarga muvofiq A.P. Skovorodnikov kalamburning keyingi turlarini ajratib bergan: polisemik, omonimik, antonimik, paronimik, "mualliflik etimologiyasiga" asoslangan leksemalar [1; c. 234].

Aksariyat hollarda serma'no so'zlarning turli ma'nolari asosida favqulodda, o'ziga xos kalamburlarning yaratilishi kuzatiladi. Odatda, so'z o'yining asosini to'g'ridan-to'g'ri ko'p ma'noli so'zlar emas, balki bir xil o'zakli leksik birliklar tashkil etishi kabi holatlari ham kuzatiladi.

Omonimik kalamburlar (ko'p ma'noli so'zlarning turli ma'nolarida qurilgan so'z o'yinidan farqli) mazmunlar o'rtasidagi semantik uzviylik mavjud bo'lmagan (uzilgan) shuningdek, u yoki bu vositalar yordamida ma'lum bir matnda muallif tomonidan atayin yaratilgan holatlarda vujudga keladi.

Antonimiya asosida ko'plab mualliflar omonimik unsurlar, semantik siljishlar va tovlanishlar bilan uyg'unlikda o'zlarining ancha muvaffaqiyatli kalamburlarini yaratadilar. Holbuki, kalamburning vujudga kelishi uchun antonimiyaning o'zi yetarli emas. Kuzatuvlar natijasida mazkur vositaning tug'ilishida bir nechta qo'shimcha unsurlarning (ko'p ma'noli so'zlarning turli ma'nolari tovlanishlari, "tovush effektlari", usullar xilma-xilligi) ham zarurligi aniqlangan.

Shuningdek, o'ziga xos leksik birliklarda ya'ni terminlar, atoqli otlar yoki qisqartmalardan (abbreviatura) qurilgan kalamburlar ham mazkur vositaning leksik guruhiga mansubdir.

O'rganish metodlari. U. Shekspirning mashhur asarida Antoniy Kleopatraga Rimga ketishi to'g'risidagi qarori qat'iy ekanligi haqida aytganida rashkdan yonayotgan qirolicha ayollik makrini yo'lga solib hushidan ketadi. Ammo Antoniy u yerda mamlakatga xavf solayotgan Pompey bilan jangda qatnashishi shart ekanligi va rafiqasi Ful'viya vafot etganini tushuntirganda sevgilisining Rimga jo'nashiga rozi bo'lib darhol xushiga kelib o'zini yaxshi xis etadi. Shuningdek, Fulviyaning o'limi Kleopatraga qattiq ta'sir etsada, ammo Antoniyning bunga bo'lgan befarqligi uni jiddiy xavotirga soladi. Mazkur xolat ular o'rtasida biroz tortishuvga ham sabab bo'lib Kleopatra Antoniyga agarda Ful'viya o'rnida men bo'lganimda uni ham shunchalik tez va oson unutishi mumkin ekanligi to'g'risidagi ta'nalarini keltiradi.

Bu yerda Shekspir kalamburi ikkita "quickly ill, and well" – "osongina kasal bo'lish va tez sog'ayish" kabi antonimlarida qurilgan. "I am quickly ill, and well, So Antony loves." (Men Antoniyning sevgisiga o'xshab osongina kasal bo'lib, tez tuzalib qolayapman. So'zma – so'z tarjima J.I. Mizrabova). Shuningdek, keltirilgan kalamburda ikkita "quickly" – "tez-tez" (ro'y beradigan soxta kasallik) va "yolg'on, o'zgaruvchan" (sevgi) kabi omonimlari ma'nolari mujassam etilgan va bu yerda ham dramaturg antonimiya va omonimiyani muvaffaqiyatli uyg'unlashtira olganligini kuzatishimiz mumkin.

CLEOPATRA

Cut my lace, Charmian, come;
But let it be: I am quickly ill, and well,
So Antony loves. [2; el.m.]

Клеопатра

Распусти шнуровку.
Не надо, Хармиана, все прошло.
То обмираю я, то оживаю,
Как преданность Антония. [3; el.m.]

Клеопатра

(Храмианага)
Чизмачани бўшат, иссик. Тегма керакмас!
Дам бўшатар, дам терлатар лоҳаслик мени,
Антонийнинг севгисидек.

[4; 429. Б.]

Клеопатра

Ёкам ипин бўшатгил сал. Кетдим буғилиб.
Йўқ, керакмас. Тобим қочиб, кўз тиниши ҳам
Бирдан келиб, бирдан кетар, қарори йўқ ҳеч,
Антонийнинг ишқи мисол. [5; 278.6.]

Odatiy matn tarjimasida ma'lum bir mutarjim oldida asliyat mazmunini (ya'ni obrazlar, konnotatsiyalar, fon, muallif uslubi kabilar) yangi til shakliga solish kabi vazifasi tursa, kalambur o'girmasida esa tarjimon nafaqat mazmun, balki asliyatning shaklini (ya'ni fonetik yohud grafik) ham qayta voqelantirish muammosiga duch keladi. Kalambur tarjimasida mazmun va shaklni birdek asrab qolish mushkul ba'zida esa imkonsiz ham. Chunki, asliyatdagi poetik uyinda qatnashgan so'zlari mavqeidagi ikki yoki undan ortiq mazmunlari doirasini qamray oladigan teng ekvivalentlar tarjima tilida kamdan kam uchraydigan xodisadir.

Yuqorida keltirilgan misolda Kleopatra o'z gapini o'tkazish maqsadida ba'zida qo'llaydigan makrini ham Antoniyning beqaror sevgisiga qiyoslaydi. Mazkur kalambur stimulyatori "quickly" so'zi bo'lsa, xulosaviy qismi esa "love" leksik birligida mujassamlashgan. Shuningdek, asliyat matnida qo'llanilgan polisemik birliklarining aksariyat tillarda parallel semantik unsurlarning mavjudligi tarjimani ancha osonlashtiradi va xattoki, asliyat mazmuni doirasidagi ma'lumotga putur yetkazmagan holda so'zma so'z o'girmaga qulay zamin yaratadi.

Asar muallifi Kleopatranning ayollarga xos ayyorlik xususiyatini ifodalashda uning tez tez uzini kasalga solishini asos qilgan bo'lsa, o'zbek mutarjimi o'z o'girmasida Jamol Kamol esa o'zining tarjima usuliga xos asliyatning ma'noviy tovlanishlariga tayanib ish ko'radi. Misolda qattiq xayajondan tarang o'tirgan Kleopatra to'satdan Ful'viyaning vafoti haqida eshitib darhol bo'shashib terga botib qolagani sabab Xramianaga qomatini chiroyli saqlaydigan o'sha davrga xos kiyimining tortib bog'langan iplarini bo'shashtirishini buyuradi. Jamol Kamol o'girmasida ham asliyatdagi behuda sarosimaga tushib qolgan Kleopatranning kulgili ahvolini kuzatishimiz mumkin. Mazkur matn tarjimasida o'zbek mutarjimi nafaqat asar muallifining kalamburini qayta voqelantira olgan balki uni yanada to'ldirgan va boytgan. Ya'ni, asliyat matnidagi personaj nutqidagi kalamburga xos bo'lmagan so'zlarini ham semantik o'yinga kiritgan. Masalan, asliyatning birinchi qatoridagi "cut" – "bo'shat" deb tarjima qilib mazkur o'zbek tilidagi leksik birligining morfemasi asosida o'girmasining ikkinchi qatoridagi "bo'shatar" omofoni bilan davom ettirgan va o'girmadagi kompensatsiya qilingan kalambur asliyat mazmuniga hech ham putur yetkazmagan aksincha vositaning bo'yoqdorligini oshirgan va aqli o'tkir Kleopatraga nutqiga xos jaranglagan.

U. Shekspirning "Venetsiya savdogari" nomli mashhur asarining birinchi sahnasida Portsiya o'zining freylinasi (qirolicha yoki malikalar huzurida xizmatda bo'lgan dvoryan oiladan chiqqan ayol) Nerissaga dunyodan charchab ketganini aytadi. Shunda Nerissa, boylik insonni hayotdagi muammolardan xalos eta olmasligini tasdiqlaydi:

Asliyat matni	J.Kamol tarjimasida	T.Shepkina-Kupernik tarjimasida
<p>PORTIA. By my troth, Nerissa, my <i>little</i> body is <i>awearry</i> of this <i>great</i> world.</p> <p>NERISSA. You would be, sweet madam, if your <i>miserries</i> were in the same abundance as your good <i>fortunes</i> are: and yet, for aught I see, they are as <i>sick</i> that surfeit with too much as they that <i>starve</i> with nothing.</p>	<p>Порция. Ростини айтсам, Нерисса, шу кичик жоним шу каттакон дунёдан толиқди.</p> <p>Нерисса. Азизим сеньора, ана шу бахтингиз қадар бадбахтлингиз бўлганда ҳам, шубҳасиз, шундоқ бўлур эди. Аҳир овқатни ҳаддан зиёд кўп еган инсон худди очликдан қийналаётган кишидай азоб чекади.</p>	<p>Порция. Правду сказать, Нерисса, моя маленькая особа устала от этого большого мира.</p> <p>Нерисса. Так бы это и было, моя дорогая синьора, если бы у вас несчастий было столько же, сколько счастья. Но, видно, тот, кто слишком много ест, болеет точно так же, как тот, кто мучается от голода.</p>

Asliyat matnining so'zma –so'z tarjimasida:

Portsiya. Qasam ichaman Nerissa mening kichkina jussam bu katta ulkan dunyodan charchadim.

Nerissa. Agarda sizning tashvishlaringiz ham xuddi omadingiz kabi cheksiz bo'lganda unda haqiqatdan ham dunyodan charchagan bo'lardingiz. Ammo, shuni tushundimki demak, boy-badavlat yashaydiganlar keragidan ortiqcha non yeganidan, yo'qlikda zoriqqanlar esa ochlikdan kasal bo'lisharkan (J.I.Mizrabova).

Yuqoridagi misolda so'zlarning polisemantik xususiyatlari (masalan, "awearry" leksik birligi Portsiyaning nafaqat jismonan charchaganini balki uning ruhan tushkunlikka tushib qolganini anglatmoqda)

LITERARY CRITICISM

va antitezalardagi antonimik juftliklarida qurilgan murakkab kalamburlar keltirilgan: *little body-great world; miseries-fortunes; sick surfeit with too much – starve with nothing*. Portsiya sevmagan odam bilan turmush qurishi uning uchun katta baxtsizlik ekanligi to'g'risida gapirsa, Nerissa esa malikaning yuksak ijtimoiy mavqeyi bo'lib turib ham noliyotganin ko'rib o'zining "boylar nonning ortiqchaligi kambag'allar esa ochlikdan azoblanishi" to'g'risidagi chuqur falsafiy antitezasini keltiradi. Nerissa tomonidan keltirilgan kalamburida ikkita ya'ni, "boylikdagi ortiqcha to'qlik –kambag'allikdagi ochlik, yo'qchilik" kabi komponentlari bir-biriga qarama-qarshi qo'yilgan va bu yerda personajning o'ziga xos diskreditiv xususiyatga ega bo'lgan uslubiy vositasi yaratilgan. "Gapiruvchining o'z suhbatdoshiga bo'lgan agressiv munosabatini yoki "raqib"ini ayanchli, kulgili va arzimaydigan insonga aylantirishdagi xavfsiz hazil-mutoyiba shakli kalamburning diskreditiv vazifasi doirasida amalga oshiriladi"

Keltirilgan misolda Nerissa o'z malikasi Portsiyaning noilshlariga javoban qo'llagan kalamburidagi hazil yordamida o'zining g'azabini niqoblaydi.

Tahlilimizdagi kalambur "sick" (ya'ni, 1.toliqmoq, 2. Kasal bo'lmoq, 3. Azoblanmoq) kabi yadrosida qurilgan va mazkur leksik birligining semantik doirasi aksariyat tillarda o'zining leksik perallellariga ega bo'lib tarjima tilida qayta yaratilishida qiyinchilik tug'dirmaydi. Shuningdek, kalamburdagi yadro elementlarining faollashuvi uchun kerakli kontekst sharoitlarining asliyat matni va o'girma tilida teng keladigan bo'lsa unda so'zma-so'z tarjima usuliga qulay zamin yuzaga kelishi kuzatiladi.

Misolimizdagi dialogi davomida Portsiya, nasihat berish oson, ammo uning uddasidan chiqish esa juda qiyinligi haqida e'tiroz bildiradi va shunday deydi:

Asliyat matni	J.Kamol tarjimasini	T.Shepkina-Kupernik tarjimasini
It is a good divine that follows his own instructions: I can easier teach twenty what were good to be done, than be one of the twenty to follow mine own teaching.	Ўгитига амал қилган мулла – яхши мулла. Йигирма кишига юриш-туришни ўргатишим осон, ammo ўша йигирманинг биттаси бўлиб, ўз айтганларимга амал қилишим мушкул.	Хорош тот священник, который поступает по собственным поучениям. Мне легче научить двадцать человек, как надо поступать, чем быть одной из этих двадцати и следовать собственным наставлениям.

Bu yerda Shekspir yaratgan antitezasida ikki mazmun bir-biriga qarama-qarshi qo'yilib unda muallif odamlarning nima to'g'ri-yu, nima noto'g'ri ekanligiga osongina aqli yetishi, ammo ular uchun to'g'ri ish qilish yoki to'g'ri yo'l tutish esa ancha qiyin vazifa ekanligi shuningdek, doim ezgulikni targ'ib etuvchi aksariyat odamlar balki o'zlarining yaxshilik qilish navbati kelganida buning uddasidan chiqa olmasliklari kabi insoniyat tabiatiga xos haqiqatga ishora qiladi. Portsiya ham o'z navbatida ko'rsatmalarga itoat etish boshqalarga topshiriq berishdan ko'ra yigirma barobar qiyinroq ekanligini aytadi.

Portsiya. Darhaqiqat, men uchun yigirmata odamga to'g'ri yo'l ko'rsatishim oson, ammo o'sha yigirmataning bittasi bo'lib o'zim bergan nasixatlarga o'zimning amal qilishim mushkul (so'zma-so'z tarjima J.I.Mizrabova).

Tarjima jarayonida har bir mutarjim asliyatdagi birliklarni o'girma matniga ko'chirish maqsadida ma'lum bir o'zgartirishlar ya'ni, tarjima (tillararo) transformatsiyalardan foydalanadi. Ma'lumki, kalambur o'girmasida qo'llaniluvchi asosiy tarjima transformatsiyalari ko'rinishlari bular: kalkalash, tushirib qoldirish va kompensatsiya kabi tarjima usullaridir. Shuningdek, asliyatdagi leksik birliklarining tarkibiy qismlarining tarjima matnida o'rini bosuvchi unsurlar ya'ni, morfemalar yoki so'zlar (turg'un birliklar xodisasi)ning tarjima tilidagi mutanosib leksik birliklar bilan almashtirish bu – kalkalash transformatsiyasi usuli bo'lib xisoblanadi. Kalkalashning asosiy mohiyati asliyatdagi leksik birligining tuzilishi xususiyatlarini nusxalash asosida tarjima tilida yangi so'z yoki turg'un birlikning qayta yaratishdan iboratdir. Yuqoridagi jadvallarda keltirilgan Shekspir antitezalari misolidagi leksik birliklarining tarjima tilida ham to'liq ekvivalentlariga ega bo'lishi mutarjimlarning kalkalash usuli orqali asliyat matni tarkibiy qismlarini o'z o'girmalarda mutanosib ravishda aks ettirishiga ko'maklashgan.

MENAS

All men's faces are **true**, what some'er their hands are.

DOMITIUS ENOBARBUS

But there is never a fair woman has a **true** face.

MENAS

No slander; they **steal** hearts. [2]

Shekspirning yuqoridagi “Antoniya va Kleopatra” asaridan keltirilgan kalamburi “true” (“to‘g‘ri” va “insof”) va “steal” (“moddiy narsalar o‘g‘risi” va “yurak o‘g‘risi”) kabi so‘zlarining polisemantik xususiyatlarida qurilgan. Keltirilgan misolda Menas odamlar o‘g‘ri bo‘lsalarda ularning bu xususiyati yuzida aks ettirilmaganligi haqida, keyingi personaj esa ayollarning yurak o‘g‘risi ekanligi ularning chiroyli yuzlarida ma’lum ekanligi to‘g‘risida gapiradilar.

Менас

Кўли булганган билан кишининг юзи топ-тоза туравераркан

Энобарб

Фақат гўзал хотинларнинг юзимас.

Менас

Топиб сўзладинг. Хотинлар худди юзлари билан қароқчилик қилишади. [4; 474 b.]

J.Kamol tarjimasida asliyatning birinchi qatori shakli saqlangan (ya’ni, odamlarning to‘g‘ri yuzi < > egri, o‘g‘ri qo‘llari) va mazkur satrdagi muallifning aniq obrazlari generelezatsiya usulida tarjima qilingan. Ya’ni, asliyatdagi “o‘g‘ri qo‘llar” tarjimada “bulg‘angan qo‘llar”ga va “to‘g‘ri yuzlar” esa “top-toza yuzlar” deb o‘g‘irilgan. Natijada, asar muallifining aniq obrazlari abstraktlashib qolgan.

Keltirilgan misoldagi asar muallifining ikkinchi va uchinchi satrlari tarjimasida o‘zbek mutarjimi tushurib qoldirish kabi tarjima usulidan foydalangan.

DOMITIUS ENO BARBUS

But there is never a fair woman has a **true** face.

MENAS

No slander; they **steal** hearts. [2]

Энобарб

Фақат гўзал хотинларнинг юзимас.

Менас

Топиб сўзладинг. Хотинлар худди юзлари билан қароқчилик қилишади. [4; 474 b.]

Ya’ni, yuqoridagi asliyatning ikkinchi satrini va o‘zbek tarjimasini taqqoslasak chiroyli ayollar yuzlariga nisbatan qo‘llanilgan “true face”. O‘zbek millatida erkaklar tomonidan go‘zal ayollarga nisbatan “qarashlari jonimni oldi” yoki “hayolimni o‘g‘irladi” kabi idiomatik birliklar juda tanishdir. Shekspir matnida esa chiroyli ayollar o‘z yuzlari bilan behtiyor “steal hearts” - “yurak o‘g‘rilari”ga aylangan. Shuningdek, asliyat kalamburida “moddiy boyliklar o‘g‘risi” bilan “behtiyor yuraklar o‘g‘rilari” qarama-qarshi qo‘yilib kitobxon uchun kutilmaganda zavqli vaziyatni taqdim etgan. O‘zbek tarjimasida “hearts” – “yuraklar” so‘zi tushurib qoldirilgan va generalizatsiya usulida “qaroqchilik” deb o‘g‘irilgan. Rus tiliga amalga oshirilgan tarjimasida mazkur xususiyatlarning asrab qolinganligini kuzatishimiz mumkin.

Менас: У всех людей **честные лица**, что бы ни делали их руки.

Энобарб: Кроме хорошеньких женщин.

Менас: Ничего удивительного. Лицами они **воруют сердца** [3].

Менас: Хамма odamlarning ko‘li egri bo‘lsada, yuzlari to‘g‘ri bo‘ladi.

Enobarb: Ammo biron bir chiroyli ayol yuzida insof yo‘q.

Menas: To‘g‘ri. Chunki ular o‘sha yuzlari bilan erkaklarning yuragini o‘g‘irlyadilar.

(so‘zma-so‘z tarjima J.I.Mizrabova)

U.Shekspirning “Love’s labours lost” (“Sevgining unumsiz xafsalasi” J.I.Mizrabova) asarining birinchi sahnasida qirol Ferdinand nomini olamga yoyish maqsadida o‘zining uch yillik maktabi dasturini ishlab chiqqanligi va rejalashtirgan maktabining qat’iy tartib qoidalari bilan tanishtirish uchun Biron, Longvily va Dyumen kabi do‘stlarini atrofida yig‘ib ulardan belgilangan tartiblarga bo‘sunishiga roziligi sifatida o‘quv rejasidagi nizomni imozalashni so‘raydi. Shunda, Longvily ozib ketsa-da kechayu-kunduz o‘qib ilm olishga ko‘nadi. Dyumen esa falsafadan saboq olish yo‘lida o‘zining shon-sharafi va sevgi-muhabbatdan ham kechishga rozi bo‘ladi. Biroq Biron uch yil davomida xotin-qizlardan voz kechib ilm olish, bir kunda bir marta ovqatlanish yoki kechasi uch soatlik uyqu kabi bema’ni qoidalarga qattiq e’tirozlarini keltiradi va bunday uqubatlar bilan o‘qishning maqsadi nimada deb Shekspir o‘z personajlari nutqining davomida kalamburlar oqimini keltiradi:

Asliyat matni	So‘zma-so‘z tarjima (J.Mizrabova)
BIRON: ...What is the end of study? Let me know .	Biron: ...O‘qishdan maqsad nimada o‘zi? Menga tushuntirsangiz.
FERDINAND: Why, that to know , which else we should not know .	Ferdinand: Bu nima deganingiz? Niyatimiz, bilmaganlarimizni bilib olish albatta.
BIRON: Things hid and barr’d, you mean, from	Biron: Sog‘lom aqlga begona narsalarni hammi?

LITERARY CRITICISM

<p>common sense? FERDINAND: Ay, that is study's godlike recompense. BIRON: Come on, then; I will swear to study so, <i>To know</i> the thing I am forbid <i>to know</i>: [6; el.m.]</p>	<p>Ferdinand: Ха, aslida, ilm olishning benazir imtiyozi xam aynan shundadir. Biron: Juda yaxshi, unday bo'lsa; O'qiyman deb qasam ichaman. Bilishim taqiqlangan narsalarni qanday bilib olishni o'rganaman.</p>
--	---

Yuqoridagi misolda Biron do'stalarining maktab to'g'risidagi rejasining aqlga muvofiq bo'lmagan mantiqsiz bir ish deb biladi va bunday tarzda ilm olish haqida skeptiklarcha o'zining kinoyali fikrlarini keltiradi. Ya'ni oddiy inson uchun qaysidir olimlarning o'z shon-shuhrati uchun yozgan kitoblardan olingan bilimdan ko'ra o'z hayotiy tajribasidan o'rgangan bilimlari afzalroq ekanligi to'g'risidagi istehzoli pichinglarini keltiradi. Shuningdek, "to know" so'zining omonimik munosabatlarida qurilgan leksik kalamburida nafaqat kitobdan olingan ilm balki, hayotiy tajribadan o'rganilgan bilim ko'nikmalar va tushuntirish kabi ma'nolari anglashilgan va keltirilgan kontekstda bir-biriga qarama-qarshi qo'yilgan. Mazkur asarning o'zbek tilidagi tarjimasi mavjud bo'lmaganligi rus tilidagi tarjimalarini keltiramiz:

Yu.Korneyev tarjimasi	M.Kuz'min tarjimasi
<p>Бирон: О, если так, то в шутку дал я слово. В чем цель ученья – мне <i>узнать</i> нельзя ли? Король: <i>Знать то</i>, чего мы до сих пор не <i>знали</i>. Бирон: И то, что ум обычный не поймет? Король: Да, уж таков ученья дивный плод. Бирон: Тогда клянусь усердно изучать Все, что устав мне запрещает <i>знать</i>: Как тягостную клятву обойти И все же верность слову соблюсти. Вот если смысл трехлетнего ученья В том, чтоб мне дать <i>такие наставленья</i>, Я принесу обет без промедленья [7; el.m.].</p>	<p>Бирон: Нельзя ль <i>спросить</i>, какая цель ученья? Король: <i>Знать то</i>, чего не <i>знаем</i>, без сомненья. Бирон: И то, что скрыто от простых умов? Король: Да, сладкий плод учения – таков. Бирон: Ну, если так, клянусь я изучать, Как мне <i>узнать</i>, чего нельзя мне <i>знать</i>: ...Да, ежели ученья смысл таков: То <i>знать</i>, чего не <i>знали</i> до сих пор, - Я, слово дав, держать его готов [8; el.m.].</p>

Asliyatdagi "to know" leksik birligining tarjima tillarida ekvivalentining mavjudligi o'girmaga qulay zamin yaratgan. Mazkur so'zning asliyatda vujudga kelgan ko'chma ma'nolari har ikkala rus tilidagi tarjimalarida ham yaqin assotsiativ mazmun doiralari qamrab olgan.

Keyingi misolda qiroli Ferdinand Bironning gaplariga javobini keltirib uning so'z o'yinida qurilgan nutqini yanada davom ettirishiga asos bo'ladi. Shuningdek, Shekspir davrida "eyes"- ko'zlar ko'rish qobiliyatiga xizmat qiluvchi o'zidan nur yoki yorug'lik taratishiga ishonganlar. Mazkur misol qilib keltirigan Bironning nutqi kontekstida ham "eyes" – ko'zlar va "sight" – ko'rish, ko'z nuri; light – ilm, nur, ko'rish, haqiqat kabi ma'nolari faollashgan.

Asliyat matni	So'zma-so'z tarjima (J.Mizrabova)
<p>FERDINAN These be the stops that hinder study quite And train our intellects <i>to vain delight</i>. BIRON Why, all <i>delights are vain</i>; but that most <i>vain</i>, Which with <i>pain</i> purchased doth inherit <i>pain</i>: As, <i>painfully</i> to pore upon a book To seek <i>the light</i> of truth; while truth the while Doth <i>falsely blind the eyesight</i> of his look: <i>Light</i> seeking <i>light</i> doth <i>light of light</i> beguile: So, ere you find where <i>light</i> in darkness lies, Your <i>light</i> grows dark by losing of your <i>eyes</i>. Study me how to please <i>the eye</i> indeed By fixing it upon a fairer <i>eye</i>, Who dazzling so, that <i>eye</i> shall be his heed And <i>give him light that it was blinded by</i> [6].</p>	<p>Ferdinand Bunday jismoniy ehtiyojlar ilm olishimizga to'siq bo'ladi va miyamizni maqsadsiz vaqtichog'lik vasvasasiga boshlaydi. Biron Demak, barcha ermaklar ham maqsadsiz emasmi? Sizning maqsad qilgan, azob va mashaqqatlar bilan erishiladigan ya'ni bunday uqublatlar bilan kitobdan haqiqat nurini qidirish kabi ishingiz ham eng befoyda mehnatdir aslida. Ko'zlarinigizni yolg'on va g'aflat bosgan; odatda, ilm izlovchining ko'zlari haqiqatni ko'rish qobiliyatidan o'z o'zini mahrum etadi. Shunday qilib, siz o'sha mavhum ilmini tushuniga ko'nikma xosil qilguningizga qadar sizdagi idrok etish qobiliyatinigiz umuman g'oyib bo'ladi va</p>

LITERARY CRITICISM

	ko'zlarinigiz ko'rishdan to'xtaydi. Yaxshiroq, men ko'zlarimga roxat bahshida etish ilmini o'rganishimga ijozat etsangiz, ya'ni go'zal ayolning ko'zlariga boqsam-da ko'r bo'lsam, maqsadim faqat o'sha chiroyli ko'zlar bo'lib qolsayu ko'rish qobiliyatimni qaytarib bersa.
--	---

Yuqorida keltirilgan misolning ruscha varianlarini keltiramiz:

Yu.Korneyev tarjimasi	M.Kuzmin tarjimasi
<p><i>Король</i> Пусты все эти плотские утехы, Чинящие учению помехи! <i>Бирон</i> Они пусты, и все ж пустей куда – Трудиться ради одного труда. Чтоб правды <i>свет</i> найти, иной корпит Над книгами, меж тем как правда эта <i>Глаза</i> ему <i>сиянием</i> слепит. <i>Свет, алча света, свет</i> крадет у <i>света</i>. Пока отыщешь <i>свет</i> во мраке лет, В твоих <i>очах</i> уже <i>померкнет свет</i>. Нет, научись, как услаждать свой <i>взгляд</i>. Его <i>в глаза</i> прелестные вперяя, Которые твои <i>зрачки слепят</i>, Их тут же снова <i>светом озаряя</i> [7].</p>	<p>КОРОЛЬ Но эти вещи замедляют труд И лишь к пустым забавам ум влекут. БИРОН Забавы пусты, но всего пустее - Трудиться, только труд за цель имея. Корпит, корпит над книгами иной, Ища <i>свет</i> правды, правда же <i>сияет</i> Ему <i>в глаза</i>, а он меж тем, <i>слепой</i>, <i>Сиянья</i> этого не замечает. Пока мы <i>света</i> ищем в нетерпенье, Весьма возможно – <i>потеряем зренье</i>. Нет, лучше научись сплестать свой <i>взор</i> <i>Со взором</i> и прекрасным и горячим; Тот, <i>ослепив</i> тебя, на помощь скор И <i>возвращает свет очам незрячим</i> [8].</p>

Bu yerda U.Shekspir kalamburi “blind the eyesight”, “give him light”, “that it was blinded by” kabi antonimiyasi shuningdek, “light” va “eye” kabi polisemik so'zlarning takrorlanishlarida qurilgan. Yu.Korneyev tomonidan “в очах померкнет свет”, “зрачки слепят”, “светом озаряя” va M.Kuz'min tomonidan “потеряем зренье”, “ослепив”, “возвращает свет очам незрячим” kabi izohlarning qo'llanilginligi o'zida asliyat matni ta'siri va implisit mazmunni (gapiruvchining gapi tagmatnida yashiringan qo'shimcha noverbal ma'lumot) tarjimada ham asrab qolgan. Rus tilidagi tarjima matnlarida kitobxon e'tiborini tortadigan asliyatning antonimik munosabatlaridagi kinoyaviy xususiyatlar ham aks ettirilgan.

Biron saroydagi do'stlaridan gapga zarifligi va zakovati bilan yaqqol ajralib turadi va uning ta'lilm olish to'g'risidagi gaplari atrofida qattiq hijolatga solib quyidagi izohlarga sabab bo'ladi:

Asliyat matni	So'zma-so'z tarjima (J.Mizrabova)
<p>FERDINAND How well he's read, to reason against reading! DUMAIN Proceeded well, to stop all good proceeding! LONGAVILLE He weeds the corn and still lets grow the weeding. BIRON The spring is near when green geese are a-breeding [6].</p>	<p>Ferdinand Ilm-fan bilan bahslasha oladigan darajada ilimli ekan bu! Dyumen Uning e'tirozlarida jon bor va bizning ta'lim olishimizga ham monelik qilmoqda. Longvil U bug'doyni o'rib, begona o'tlarni esa o'sishni davom etishi uchun qoldirmoq da. Biron O'rdaklarning tuxum bosishi esa bahordan darakdir</p>

Aslida, kalamburning yaratilishida nafaqat polisemantik so'zlarning turli mazmunlari balki bir hil ildizga ega bo'lgan leksik birliklar ham asos bo'lishi mumkin. Shuningdek, ko'p ma'noli birliklardan ko'ra teng ildizli so'zlar o'rtasidagi mazmuniy ixtiloflar ancha keng bo'lib, xattoki, ular o'zaro antonimik munosobatlarda ham namoyon bo'lishi mumkin. Vaholanki, ma'lum bir kontekstda bir hil ildizli birliklarning mazmuniy tafovutlari kalamburning vujudga kelishida xizmat qiladi. Yuqorida U.Shekspirning

LITERARY CRITICISM

“Love’s labours lost” – “Besplodnyye usiliya lyubvi” (“Sevgining unumsiz xafsalasi”) asridan keltirilgan misolida ham: read – reading, proceeded – proceeding, weeds – weeding kabi teng ildizli birliklar bo‘lib va bunday asosda qurilgan kalamburni biron bir tilga tarjima qilish oson vazifa emasdir.

Yu.Korneyev tarjimasi	M.Kuz'min tarjimasi
<i>Король</i> С ученостью трунит он над ученьем!	КОРОЛЬ Вот рассудил, рассудок презирая!
<i>Дюмен</i> Стремится он мешать благим стремленьям!	ДЮМЕН Он движется, движенье отвергая.
<i>Лонгвиль</i> Он полет рожь, перед польньюю струся.	ЛОНГВИЛЬ Пшеницу полет, плевел оставляя.
<i>Бирон</i> Весна подходит, коль плодятся гуси [7].	Бирон Идет весна – гусей выходит стая [8].

Yuqorida keltirilgan misolning birinchi o‘rnida “is read” – “ko‘p kitob o‘qigan yoki puxta o‘qib o‘rgangan” va “reading” – “ilm fan” ma‘nolari qo‘llanilgan. Misolimizning ikkinchi qatorida avval kelgan “proceeded” birligi “baxslashmoq” ma‘nosida qo‘llanilgan bo‘lib o‘ndan keyingisi “proceeding” – “ilmiy daraja olmoq” mazmunida ishlatilgan asliyatdagi “proceed” birligi bilan birgalikda so‘z o‘yinini keltirib chiqarmoqda. Keyingi qatorda ham huddi shu tarzda avval kelgan “weeds” “bug‘doy xosilining eng yaxshi qismini “sug‘urib olmoq” va “weeding” “begona o‘tlar”ni esa o‘sishiga qoldirmoq” mazmunlaridagi so‘z o‘yiniga asoslangan kalamburi keltirilgan. Asliyatdan keltirilgan dialogi davomida Biron boshqalarning oldingi qatorlardagi gaplariga aloqador bo‘lmasa-da, suhbatdoshlarining nutqlari davomidagi qofiyadoshlik ketma-ketligini ta‘minlash maqsadida o‘zining istehzoli izohini “breeding” so‘zi bilan tugatadi. Ya‘ni, tahlilimizdagi misolda “reading”, “proceeding”, “weeding” va “breeding” so‘zlarining o‘zaro qofiyadosh ekanligini kuzatishimiz mumkin.

Bu yerda so‘zma-co‘z tarjima usulini qo‘llaganda ham kutilgan natijaga erishmoqlik qiyin. Shuning uchun rus mutarjimalari o‘z o‘girmalarida asliyat matnidagi birliklarga “kalambur juftliklar”ni keltirishga harakat qilganlar. Ikkala tarjimonlar ham to‘g‘ri yondashuvga tayanganlar ammo, M.Kuz'min keyingi satrlar tarjimasida tanlagan variantlari muvaffaqiyatli chiqmagan ya‘ni, asliyatdagi “proceeded” birligining referentlari qatoridagi “dvijенье” kabi denotantini qo‘llagan: ДЮМЕН Он движется, движенье отвергая.

Vaholanki, asliyatdagi birliklar 157emant mazmunlarga ega “proceeded” – “baxslashmoq”, “proceeding” – “ilmiy daraja olmoq” bo‘lib, mazkur omonimlar mazmunlari o‘rtasida sezilarli farq borligini kuzatishimiz mumkin va ular o‘rtasidagi 157emantic aloqadorligi ham asar muallifi tomonidan kalambur yaratish maqsadida atayin uzoqlashtirilgan.

Shuningdek, asar muallifining teng ildizli so‘zlar birikmalari asosida qurilgan kalamburini so‘zma-so‘z tarjima qilish imkoni topilmagach rus mutarjimalari Shekspir uslubiy vositasiga ma‘lum bir jihatlari bilan o‘xshash yoki yaqin ammo, o‘zgacha vositalar asosida o‘zlarining so‘z o‘yinlarini keltirganlar. Agarda, asliyat va rus tarjimalarni so‘zma-so‘z solishtirsak unda asliyat matnidagi “ko‘p kitoblar o‘qigan va puxta o‘zlashtirgan”, “baxslashmoq”, “ilmiy daraja olmoq” kabi iboralari ko‘rinamasada muallif matnidagidek tarjima variantlarida ham Biron xarakteridagi skeptiklarcha xususiyatlari aks ettirilgan. Asar muallifi o‘z kalamburini fonologik o‘xshashliklar mutarjimalar esa ko‘roq assotsiativ mutanosibliklar va ikkalasi ham polisemik xususiyatlarga asoslanib o‘z kalamburlarini yaratganlar.

Xulosa. Ma‘lumki, U.Shekspir asar personajlari nutqi yoki umuman pyesalari tagmatnida yashiringan implitsit ma‘lumotni uzotishda yumoristik xarakterdagi kalamburlardan mohirona foydalangan.

Darhaqiqat, kalambur tarjimasi amaliyotida ba‘zida yengib bo‘lmas bo‘lib ko‘ringan to‘siqlarga qaramasdan asliyat matnining ta‘siri, undagi implitsit ma‘nolar, polisemik, omonimik va antonimik xususiyatlarni o‘z tarjimalarida qayta yaratishga harakat qilganlar. Modomiki, ishimizda tahliliga tortilgan yumorga boy tarjimalaridagi so‘z o‘yinlari o‘ziga kitobxon e‘tiborini jalb eta olgan ekan ularni stilistik jihatdan o‘xshash deb ayta olamiz.

ADABIYOTLAR:

1. Сковородников А.П. *Игра как приём текстопорождения*. Красноярск: Мир. 2010. 341 с.
2. <http://shakespeare.mit.edu/cleopatra/full.html>
3. <https://predanie.ru/book/218129-antoniy-i-kleopatra-per-boris-leonidovich-pasternak/>

LITERARY CRITICISM

4. Шекспир В. Танланган асарлар. 5- жилдлик / Тўпловчи Ж.Камол. Сўз боши акад. В.Зоҳидов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981-1985. 3-жилд. 1984. – 472 б.
5. Шекспир В. Танланган асарлар. Беш жилдлик. Ҳамлет / Рус тилидан Мақсуд Шайхзода таржимаси. 3-жилд. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983.– 640 б.
6. <http://shakespeare.mit.edu/lll/full.html>
7. <http://william-shakespeare.ru/books/item/f00/s00/z0000017/st005.shtml>
8. <http://kuzmin.lit-info.ru/kuzmin/shekspir/besplodnye-usiliya-lyubvi/akt-i.htm>

ABDURAHMON TAMKIN BUXORO ADABIY MUHITINING YIRIK VAKILI

Choriyeva Mehriniso Qiyomiddinovna

BuxDU izlanuvchisi

BEKOVA.NAZORA@MAIL.RU

Annotatsiya: Mazkur maqola XIX asr oxiri va XX asr boshlarida yashab, ijod etgan sermahsul ijod namoyondasi, zabardast shoir va zamonasining peshqadam olimlaridan biri Abdurahmon Tamkinning hayoti hamda adabiy merosi haqidadir. Uning aksariyat asarlari tojik tilida yozilgan, biroq uning o'zbek va arab tillarida yozilgan ayrim she'rlari ham borki, bular Tamkin har uchala tilni ham mukammal bilganligidan dalolat beradi.

Калит сўзлар: Abdurahmon Tamkin, XIX asr oxiri, XX asr boshlari, tazkiralari, Mulla Abduxoliq, Buxoro madrasalari, qasida, g'azal, "Rubouyot" asari, mufradod, chiston, muammo.

Annotation: This article is about the life and literary heritage of Abdurahmon Tamkin, a prolific poet, poet and one of the leading scholars of his time, who lived and worked in the late XIX and early XX centuries. Most of his works are written in Tajik, but there are some poems written in Uzbek and Arabic, which show that Tamkin is fluent in all three languages.

Keywords: Abdurahmon Tamkin, late XIX, early XX centuries, tazkira, Mulla Abdukholik, Bukhara madrasas, qasida, ghazal, "Rubouyot", mufradod, chiston, problem.

Аннотация: В статье рассказывается о жизни и литературном наследии Абдурахмана Тамкина, плодовитого художника, великого поэта и одного из ведущих ученых своего времени, жившего и творившего в конце 19 - начале 20 веков. Большинство его произведений написаны на таджикском языке, но есть и стихи, написанные на узбекском и арабском языках, что свидетельствует о том, что Тамкин в совершенстве владеет всеми тремя языками.

Ключевые слова: Абдурахман Тамкин, конец XIX века, начало XX века, тазкиры, мulla Абдухалик, бухарские медресе, касыда, газель, произведение «Рубуйот», муфрадад, чистан, проблема.

Kirish. Har bir xalq o'z tarixini avaylab keladi. Bu tarix ne'matlari bo'lmish madaniy va adabiy meroslaridan kelajak sari ildam yo'l bosish uchun kuch- quvvat oladi. Tarix bu ko'hna dunyo demakdir. Davrlar, xalqlar va o'sha zamoni jonlantirish, tilga kiritish esa tarixning burchidir. Ajdodlarimiz tabbarruk xotirasini abadiylashtirish esa bugungi va kelgusi avlodlarning muqaddas vazifasidir. Zero, "tarixidan bexabar xalq mazlum, tarixi yolg'on yozilgan xalq mahkum; tarixini asragan va bilgan xalq qudratli va tenglar ichra teng xalqdir", - deb aytgan yurtboshimiz nechog'li haq.

Ilmiy ishda ana shunday tarix zarvaralarida o'z o'quvchisini kutib yotgan ijodkorlardan biri haqida qarashlar bayon etiladi.

Abdurahmon Tamkin Buxoriy XIX asr oxiri XX asr boshlarida yashab, ijod etgan sermahsul ijod namoyondasi, zabardast shoir va zamonasining peshqadam olimlaridan edi. Bu haqda zamonasining ma'rifatparvar olimi Ahmad Donish Tamkinni ulug' shoirlar qatorida sanab, uning ijodiga yuqori baho bergan: "Bilchumla dar on zamone ki mo budem, bozori fazlu hunar naroiyu kasod bud. Shohin, Muhtarib va Tamkin az shuaro muqaddami on nzamon budand".

Asosiy qism. Tamkin ijodini o'rganish uchun quyidagi 3 manbani nazardan o'tkazish lozim:

- 1) XIX asrda yaratilgan tazkiralari;
- 2) Tamkinning o'z asarlari;
- 3) shogirdlari yozib qoldirgan xotiralar.

Birinchi manbaga diqqat qaratadigan bo'lsak:

"XIX asrda yashab o'tgan Afzal Maxdumi Pirmastiy va Xoji Ne'matullo Muxtaram kabi tazkiranavislarning asarlarida buxorolik zullisonayn shoir Tamkin haqida mavhum ma'lumotlar, aniqrog'i, haqiqatni buzib ko'rsatuvchi noto'g'ri ma'lumotlar uchraydi", - deb yozadi tojik olimi Asqar Jon Fido [6, 3].

Darhaqiqat, ushbu tazkiralari Tamkin haqida aniq ma'lumot bera olmaydi. Chunki o'zbek adabiyotida Tamkin ijodi hali o'rganilmagan. Biz imkon qadar shu masalaga yechim berishga harakat qilamiz.

Ikkinchi manba- Tamkin asarlariga murojaat etsak, ularda shoir o'zi haqida ayrim ishoralar qilgan. Ana shu ishoralarni diqqat markazimizda saqlab, shoirning shogirdlari xotirasini varaqlasak, o'xshashlik va yaqinlikni uchratamiz. Ushbu muvofiqlik tufayli shoirning hayoti va ijodi haqida aniqlikka erishish mumkin.

A.Tamkinning hayoti va ijodi haqida aytilgan har xil fikrlarga chek qo'yishda shoirning shogirdi Ja'farovning xizmati katta bo'ldi.

Ja'farovning yozilmalarida: "Dar sanai 1905 melodi (barobari 1322 hijriy) baroi tahsili ulum ozimi Buxoro gardida ...dar hovli Hoji Maxdum sokin gardidam. Alassaboh bo Hoji Maxdum ba hovlii domullo Abdurahmoni Tamkin raftem. Domullo bisyor odami xoksor va halim bud. Sinni sharifi eshon karib boi panjohu se rasida bud...",-degan fikrlar uchraydi. Bu ma'lumotdan shu narsa aniq bo'ladiki, agar shoir 1905-yil 53 yoshda bo'lsa, demak u 1851-1852-yillar atrofida Buxoro shahridagi Bo'yrafofi dahasida tavallud topgan.Otasi Mulla Abduxoliq degan kishi bo'lgan.Tamkinning umri Buxoroda o'tgan. U Buxoro madrasalarida tahsil olgan va ona-shahrida yashab, ilm o'rganganidan g'oyatda mamnun bo'lgan hamda tinch-osuda hayotini quyidagicha ifodalagan:

*"Bihisht joi tu, Tamkin chi joi reb dar o'
Ki monda bog'chaye yodgor az padar ast".*

Tarjimasi: "Jannat joying sening Tamkin, eshiging jannat eshigi,
Shu joydagi bog' otangdan yodgordir".

Abdurahmon Tamkin yashagan Bo'yrafofon mahallasi Buxoro shahridagi eng katta guzarlardan biri hisoblangan . Bu mahalla 1846- yil tashkil topgan. Lekin unda guzar nomi Bo'riyobofon deyilib, u yerda Hoji Qurbon nomida machit ham bo'lgan. Bo'yrafofon mahallasi Besh kappa deb ham yuritilgan. Keyinchalik bu yerdagi xalq bo'ya to'qish bilan shug'ullangani uchun guzar ham shundabo'ly nomlangan.

Bo'yrafofon mahallasi katta bo'lib, aholisi ham ko'p bo'lgan. Ular turkcha so'zlashgan. Mahalla aholisi ikkiga bo'lingan: mahallaning janubiy tomonida xorazmlik o'zbeklar, shimoliy tomonida esa chorjo'ylik turkmanlar yashagan. Ular Shoh Murod buyrug'i bilan ko'chib kelishgan. Shoh Murod Xorazm xoni bilan urishib g'alaba qozongan va xorazmliklarning bir qismini shahar markaziga olib kelgan, lekin joy bo'lmagani, aholi zichligi uchun ularga ana shu yerdan joy bergan. Bir qism turkmanlar esa joy yo'qligidan Qorako'l tumaniga ketishgan. Xorazmlik va turkman Xidir – Ellinlar avval birgalikda yashashgan. Lekin Amir Olimxon davrida har bir elat o'zining oqsoqolini tanlab, ikkiga bo'linishgan. Ikki guruh ham bo'yrafoflik kasbi bilan shug'ullangan. Guzarda ularning o'z bozorchalari ham bo'lgan. Shuningdek, mahalladagi anchagina aholi sobungarlik ham qilishgan.

1927-yilgi hisobotlarga ko'ra, guzarda 107 xo'jalik bo'lib, unda 420 kishi istiqomat qilgan.1929-yili esa u qo'shni Chorbaqqoli darvozai Samarqand, Olim xo'ja guzarlari bilan birlashib, Samarqand guzari deb nomlana boshlangan.

Hozir bu guzar yana avvalgidek o'zining eski nomi – Bo'yrafofon nomini oldi [1,28-30]. Abdurahmon Tamkin Buxoriy ana shu mahallada butun umr yashab, ijod etib, xalqimizga go'zal asarlar va ibratli hayot yo'lini meros qilib qoldirdi.

Tamkin Buxorodagi "Dorushshifo" madrasasida dars bergan. Shoir asarlaridan ma'lum bo'ladiki, mudarris bo'lganiga qadar imom bo'lgan va davlat ishlarida ishlagan. Bu haqda shoir o'zining "Mo'liston" asarining muqaddima qismida ishora qilib, aytadi: "Dar tarixi gurrai sha'boni muazzam sanai 1315 bud, ki hazrati Zillil olamin (Amir Abdulahad) –ro dar oinai xotir chande uvari jam'iyati ahli fazlu kamol jilvapazir gardid, yake az on jumla bandai hejmadon hamagi sahv u nuqson ... muddate se moh kamyobii in davlati bekaroni farovon ba mehrubonii maliki mannon bo hama vusuli ne'mat va ehsoni kasir ba qatori sar karda va amoratpanohon muvojjib va at'ima az noni ehsoni kasir bo shahdu shirini nomzad va maxsus megardid"[2, 8-9]. "Mo'liston" 17 baytdan iborat, u Buxoro amiri Abdulahadxonga madhiya tarzida bitilgan bo'lib, qit'a janrida yozilgan. Bundan tashqari, Tamkinning yana bir madhiyasi ham Abdulahadxonga bag'ishlangan. U xonni "Chunin shohi diloso-yu dilorum"- deb ko'klarga ko'taradi [3, 39]. Bu asar 71 baytdan iborat bo'lib, "Ganji shoygon" ("Shohlar duri") deb nomlangan. U masnaviyda yozilgan, tarkibida uchta ruboiy ham uchraydi.Tamkin 1898-1901-yillarda Amir Abdulahad saroyida eshikbonlik qiladi. Mana shu yillarda shoir barcha zulm va jaholatning sababchilari amirning tevaragidagi amir-u umarolar deb biladi. U amir Abdulahadni ularga ishonmaslikka, diyonatli bo'lishga chaqiradi.

*Ashkam az mijgon ba ro'yam obro'yam rext –rext,
Obro' barbod shud, durri nako'yam rext-rext [4, 11].
(Ko'zlarimdan yoshlarim shashqator to'kildi,
Obro'yim yakson bo'ldi, orzularim yerga to'kildi).*

Amir Abdulahadning ham shoirga e'tibori kuchli edi. Biroq g'alamis odamlarning ig'vosi tufayli shoir asta-sekin amirning nazaridan qoladi. Shoir qanchalik marhamat kutmasin, amir u kutgan narsani ravo ko'rmaydi. Oxir oqibat Tamkindagi ishonch va iltijo o'rnini cheksiz nafrat egallab, saroydan uzoqlashadi. Uning saroy ahlidan shunchalik ko'ngli qoladiki, hatto ular bilan duch kelib qolishni istamaydi. Bu istakni hatto "Mo'liston" asarida keltirilgan hikoyat orqali ham yaqqol ifodalagan.

Tamkinning bu nafrati haqqoniy va to'g'ri bo'lgan. "Navodiri Ziyoiya" asarining muallifi Sharifjon Maxdum ham Buxoroning nodon va belayoqat qozikaloni mulla Burhoniddin haqidagi Tamkin fikrlarini tasdiqlab buning to'g'riligini aytadi: "Mullo Burhoniddin valadi arshad Mullo Badriddin qozikaloni Buxoro Sharif dar zamoni amir Abdulahad va amir Olimxon ba libosi qozikalon mulabbas ba masnadi shariat az judoyei mulabbas bud ... ba zammi qozikaloni bo in xari ba nodoni sharm nokarda, dars ham meguft va az hama g'aribtar ba duxtari yake az generalhoi rus oshiq shuda bo mahkama kashida shud..., ki in bar hamoqat va sifohatashon daleli mujassam ast".

Mana shu fikrlardan aniq bo'ladiki, bir guruh riyokorlar Abdulahadxon atrofini zich o'rab olgan, ular tama va ochko'zlik bilan xalqni aldab keladilar. Tamkin bu fitna-yu fasod va badkirdorlik qobig'iga o'ralib qolgan kimsalardan uzoqroq ketgani uchun Ollohga shukrona o'qiydi:

Sinasofam zohiru botin maro yakson buvad

Pust to mag' zam ba rangi naxlai rayhon buvad

Shukr lillah shud xamiram xoli az tuxmi fasod

In ham az lutfi amimi ezidi mannon buvad [5,32].

Tamkinning bu gaplari uchun qozikalon mullo Burhoniddin uni mudarrislikdan ham bekor qiladi. Bu voqeadan keyin Tamkin majburan uzlatni ixtiyor qildi. Shoir "Jaroid" nomli asarining muqaddimasida hayotining bu davri (1914-yillar) haqida gapirib o'tadi.

Tamkinning adabiy merosi boy va sermahsuldir. U barcha janrlarda ijod qilgan. Chunonchi, qasida, g'azal, muxammas, qit'a, fard, chiston, muammo va hajv kabi janrlarda barakali ijod qilgan. Uning aksariyat asarlari tojik tilida yozilgan, biroq uning o'zbek va arab tillarida yozilgan ayrim she'rlari ham borki, bular Tamkin har uchala tilni ham mukammal bilganligidan dalolat beradi.

Shoirdan juda boy adabiy meros qolgan. Bular: "Devoni qasoid-u g'azaliyot", "Ganji shoygon", "Ruboiyot", "Jaroid", "Mo'liston", "Matole' ul-foxira va matolib uz-zahira". Yana shoirning ayrim she'rlari o'sha davrda yaratilgan tazkira va bayozlardan o'rin olgan.

Shuningdek, "Tazkirat ush-shuaro" asarining muallifi Hoji Ne'matulloh Muhtaramning xabar berishicha Tamkinning "Junaydi laoli" degan asari ham bo'lgan. Lekin bu kitob va u haqdagi aniq ma'lumotlar bizgacha yetib kelmagan.

Tamkin devoni 6764 misradan iborat bo'lib, shundan 356 misrasi qasida va 6408 misrasi g'azaldir. "Ruboiyot" asarida esa 488 ruboiy, 1468 mufradod, 7 chiston va 6 muammo bor.

Shoir g'azallarini mazmun jihatidan 3 qismga bo'lish mumkin:

1) an'anaviy g'azallar;

2) amaldorlarni tanqid qilgan, hasad, kibr-g'urur, zararli xislatlar haqidagi g'azallar;

3) pand-u nasihat mavzusidagi g'azallar.

Shoirning "Jaroid" asari 1168 misra bo'lib, 305 qit'adan iborat. Bu asarning mavzusi pand-u nasihatdan iboratdir. Shoirning diqqat markazida muhim hayotiy masalalar turadi.

"Mo'liston" Sa'diyning "Guliston" iga payrov tarzida nazm-u nasrda bitilgan bo'lib, maxsus boblarga bo'linmagan. Bu asar 4 qit'a va 76 hikoyatdan iborat. Qit'a va hikoyatlar bir-biri bilan chambarchas bog'lanib, bir-birini to'ldirib boradi.

"Ma'ole'-ul-foxira va matolib -uz zohira" asari shoir umrining oxirgi yillarida yozilgan. Ushbu asar ham adabiy, ham tarixiy manba hisoblanadi. Tamkin biror bir shoir yoki olim haqida gapirar ekan u yashagan sharoit va geografik hayot haqida keng ma'lumot beradi. Bu asarda u Buxoro tarixi haqida, me'morlik san'ati haqida, madaniy yodgorliklari haqida keng to'xtaladi. Chunonchi, masjid, xonaqoh, ark, madrasalar va boshqa imoratlar haqida batafsil tasvir beradi.

Shuningdek, unda sayyoralarining harakati va ularning odamlarga ta'siri tabiatning o'zgarishi, daryolardagi iqlim, nabotot olamining xususiyatlari haqidagi sharhlarni ham uchratish mumkin.

Xoji Ne'matulloh Muhtaram tazkirasida Tamkin vafotini hijriy 1334-yil (melodiy 1915) deb qayd qilgan. Professor A.A.Semyonov esa Tamkin vafotini 1917-1918-yillar deb ko'rsatadi. Tamkin vafoti to'g'risidagi bu har xillikka ham shoirning shogirdi Ja'farov aniqlik kiritadi:

"Dar soli 1915 dar Buxoro bo domullo Tamkin az nav muloqot kardam. Vay az davrai piriash zaboni shikoyat kushoda guft: "Piri ham monandi davrai tufuliyat ast. Aknun qarib ba 63 daromadnam, sihat va salomatiam az dast rafta, kasali tobu tavonamro rabuda, imkoni tavonash roh raftanam namondaast"... Pohoi domullo minavisad, Ja'farov, varam karda bud, hatto agar ba devor takya namekard, ba no xestan

nametavonist”. Ana shu fikrlar ko’rsatadiki, Ne’matulloh Muhtaramning xulosasi haqiqatga yaqindir. Zero, shoirning shogirdi Ja’farovning ko’rsatmasi ham shuni tasdiqlaydi. Demak, Tamkin 1915-yil dunyodan ko’z yumgan.

Xulosa qilib aytganda, vaqt bizdan hayoti va ijodi o’rganilmagan fors-tojik tilida qalam tebratgan, ma’lum va mashhur Buxoriylarga oid manbalarni qaytadan ko’rib chiqishni hamda ularni bugungi kitobxonga tarjima orqali yetkazishni taqozo etmoqda. Buxoriylar asarlarini o’zbekchaga ag’darish davr talabi. Tarjima nafaqat bir xalqni ikkinchisiga tanishtirish, balki bir xalqning ulug’lari, donishmandlari, olim-u fozillari yaratgan qadimiy merosni o’ziga qaytarish san’ati hamdir.

Demak, Tamkin Buxoriy ijodini xalqimizga yetkazish, bu ma’naviy buloqdan ularni bahramand etish, ajdodlarga ehtirom va avlodlar oldidagi burch sanaladi. Zero,

*Adabiyot sohira tuyg’ular makoni,
Unda millat yashar, unda xalq yashar...*

Har qanday shoir asarlari tahliliga diqqat qaratadigan bo’lsak, mumtoz adabiyotning asosiy ijod shakli she’riyat ekanligini va uni ilmiy o’rganadigan soha mumtoz adabiyotshunoslik ekanligini, klassik adabiyot namunalari esa shu nuqtayi nazardan o’rganilishi kerakligini diqqat markazimizda saqlamog’imiz lozim.

Tamkin lirik shoir sifatida ham gavdalanadi. U o’z g’azallarida nozik xayol, sinchkov nigoh, baland did egasi ekanligini namoyish etadi. Betakror o’xshatishlar, go’zal, esda qoladigan tashbehlar, kutilmagan mubolag’ali tasvirlar bilan ma’shuqaga iltijo qiladi. Shoirning ishqiy mavzudagi she’rlarida, asosan, real yor, dunyoviy ishq, ya’ni insonning insonga bo’lgan ishqini ko’rish mumkin. Biroq shoir she’rlarida yana botiniy va zohiriy ishq uyg’unligi qorishiq holatlar ham borki, shoir jism va ruh, shakl va mazmun birligini istagan.

Shoirning: *“Anqitar xush bo’yini dil yayratar gul bir tomon,*

Gul ufori bir tomon, nola-i bulbul bir tomon” matla’li g’azali 15 hijoli bo’lib, aruzning ramali musammani mahzuf yoki maqsur bahrida yozilgan.

G’azalning ikkinchi baytining ikkinchi misrasi ramali musammani solimda yozilgan. Ya’ni 16 hijodan iborat bo’lib, ruknlardagi hijolar soni teng, ya’ni solim. Bu g’azalning uch vaznda yozilganidan dalolat beradi.

Bu g’azal oshiqona g’azal hisoblanib, unda rindona ruh ham sezilib turadi.

G’azal eng ko’p uchraydigan yetti baytli g’azallar qatoriga kiradi: 7 bayt, 14 misradan iborat.

Qofiya tizimi quyidagilardan iborat: gul, bulbul, sunbul, g’ul-g’ul, tag’oful, qul-qul, ko’ngul, tajohul. Shoir g’azal qofiyasida so’zlar tuzilishidagi rang-baranglikka erishgan va bu g’azalning va jozibadorligini oshirishga xizmat qilgan. Masalan: gul, sunbul, ko’ngul, tag’oful, tajohul- sodda so’z hisoblansa; g’ul-g’ul, qul-qul tuzilishiga ko’ra takror so’z hisoblanadi.

Qofiyadosh so’zlar turkiy, forsiy va arabiy so’zlardan iborat. Masalan: gul, qul-qul, g’ul-g’ul, so’zlari turkiy so’zlar bo’lsa, tag’oful, tajohul so’zlari arabcha so’zlar hisoblanadi.

Qofiyadagi tirgak tovush, ya’ni raviy “l” undosh tovush bo’lib ohandorlikni saqlab turibdi. G’azal qofiyasi raviy bilan tugaganligi uchun muqayyad qofiyaga misol bo’ladi.

G’azaldagi “bir tomon” sintaktik birligi radif sifatida qo’llanib, shoirning maqsadi va mashuqa ta’rifi ta’sirini yanada oshirishga xizmat qilgan. Shoir taxallusi maqtada beriladi. G’azal uch asosiy qism: matla’, begona bayt va maqta’dan tashkil topgan.

G’azal tili jonli xalq tiliga yaqinligi bilan yanada go’zallashadi. Bu go’zallikni shoir matla’da saj usulini qo’llash, ya’ni ichki qofiyadan foydalanish bilan yanada oshiradi. Badiiy ijod namunalari yaratishda tabiat, borliq shoirga ilhom manbai hisoblanadi. Shuning uchun shoirlar tabiatning yoki borliqning gul, bulbul, sunbul, lola, qushlar kabi obraz va unsurlaridan o’rinli foydalanadilar.

Bir qaraganda, go’yo shoir gul sha’niga bag’shlangan ushbu she’ri orqali muhim bir falsafani ilgari suradiki, bu mumtoz adabiyotda o’zgacha ma’no-mazmun kasb etadi. Ya’ni gul obrazi mumtoz adabiyotda yor, mashuqa, timsoli bo’lib, uni sunbul, lola kabi obrazlar xilma-xilligi yanada, go’zallashtiradi. Bulbul obrazi esa shu gul, ya’ni yor ishqida nola chekkan oshiq-ishqqa muhtalo bo’lgan kishi timsoli hisoblanadi.

Tasavvufiy nuqtayi nazardan esa gul-yor obrazi – butun borliqni, tabiatni yaratgan Olloh timsoli ekanligi bizga ma’lum.

A. Tamkinning ushbu g’azalining matlasida shoir: *“yoqimli iforini taratayotgan bu gul ko’ngullarni yayratmoqda, lekin uning hidi dilni yayratgani yetmaganday, uni ishq tushgan bulbul nolasi butun olamga g’avg’o solmoqda”*, - deydi:

*Anqitar xush bo’yini dil yayratar gul bir tomon,
Gul ufori bir tomon, nolai bulbul bir tomon.*

Shoir bu baytda ayni paytda bahor fasli xushbo’y hid taratayotgan gullar hididan sarxush bo’lgan bulbul xonishi kabi hayotiy holatni ham bera olgan. Demak, tabiatdagi evrilish bir qaraganda ko’zga

tashlansa-da, aslida, yor go'zallikda mutaassir bo'lgan oshiq uning chiroyidan shunday holga tushganki, go'yo mashuqaning chiroyidan tashqari, undan taralayotgan xush bo'y oshiqni gangitib qo'ygan.

Shoir matla'da qaytarish san'atining go'zal namunalariidan har bir baytda juda o'rinli foydalangan.

Masalan: matla'da radd-ul-aruz il-al-hashvdan mahorat bilan foydalanilgan:

1-misraning oxiridagi "bir tomon" so'zi 2-misraning o'rtasida yana qaytarilgan

Matla'da 2 tomon timsoli yoki ramziy obrazdan foydalanilgan – gul va bulbul obrazlari. Shoir o'z fikrini shu ikki timsol vositasida bera olgan. Shu ruh g'azal oxirigacha yetakchilik qilib, silsila tarzida o'sib borgan.

Matla'da shoir intoq san'atidan mohirona foydalangan. Ya'ni, bulbul oshiq dil izhorini ochib bergan-gulning betakror ifori bulbulni so'zlatib yuborganday taassurot hosil qiladi.

Shuningdek, matla'da mulamma san'atidan ham, ya'ni forsiy va turkiy so'zlarni teng qo'llash san'atidan ham mahorat bilan foydalanilgan.

Masalan: xush – yoqimli,

Bo'y – hid.

Ikkinchi baytga diqqat qiladigan bo'lsak, shoir unda gul va bulbul timsolini rivojlantirib, go'yo gullar bilan bezangan chaman ichida sunbul o'zgacha chiroy kashf etgan: u xumor ko'z-u, shirin tilini chiqarib zulfiga oro berib ko'zni quvontirmoqda deydi. Sunbul shunchalik betakror, gulzor ichra o'zi bir tomon hisoblanadi, go'yo. Ayni paytda, bu bayt mohiyati dunyo bir chamanzor, unda turli gular yaxshi amalli odamlar o'zgacha chiroy hisoblanishi, bunday xislat egasi borliqning – chamanzorning eng yagona "guli" ekanligi ta'kidlanadi. Aslida ham shoir bu timsollar orqali dunyoni chamanzorga qiyoslab, shirinzabon xushxulq va xushamal insonlar uning "sunbuli" ekanligini aytmoqda. Baytda tanosub san'atidan o'rinli foydalanilgan. Masalan: 1) zabon, ko'z, zulf so'zlari bir guruhni hosil qilsa; 2) sunbul, nargiz so'zlari ikkinchi guruhni hosil qilgan.

Ayni paytda "sunbul" obrazi o'ziga xos usulda shaxslantirilgan, ya'ni tashxis san'atidan o'rinli foydalanilgan.

Shoir sunbul tarifini keltirar ekan, uning husn-u malohatda tanholigini ishora qiladi.

Uchinchi baytda esa oshiqning- shoirning tariff-u oshiqdari yana o'zgacha yolqin bilan jilolanadi, dard bilan ta'kidlanadi.

Bir tomon sog'ar cho'zibdur lola mast gullar sar,

Mayparastlar bir tomon, har turfa g'ul-g'ul bir tomon.

Endi shoir lola ta'rifini keltirar ekan, uni chamanzordagi gullarning betimsoli deb ta'riflaydi. Shuning uchun o'zining chiroyiga o'zi maftun, o'z chiroyidan lol-u hayratda, lolaning bu holati, chamanzorda g'avg'o qo'pdi, ya'ni barchani sarosimaga soldi. Baytda "mayparastlar" degan so'z borki, tasavvufiy jihatdan oshiqdar-ishqparastlar nazarda tutilmoqda. "Mast", "mayparast" so'zlarini qo'llash g'azalning rindona ruhidan darak beradi.

"Lolaning mast" holati esa ilohiy ishqqa muhtalo bo'lgan kishi timsoli sifatida gavdalanadi. Baytda "lola mast" birligi istiora san'atini ham yuzaga keltirgan va baytda qaytarish san'atining "rad-ul-sadr il-al-hashv" turidan ham foydalangan.

Umumiy planda shoir yorning o'z husnidan behad g'ururli ekanligini, shu g'urur tufayli yakka-yolg'iz ekanligiga ishora qiladi va 4-baytda yorni o'z g'ururidan voz kechib oshiq bilan gul-u gulshanda sayr qilishga undaydi, noz-u istig'nolar va kibr zararli deb uqtiradi:

Gullibosim, tur ketaylik gul-u gulshan bag'riga,

Bir tomon qolsin g'ururing, ham tag'oful bir tomon.

Shoir, mashuqani endi "Gullibosim" deb ataydi va nido san'atidan o'rinli foydalanadi. Uni o'z sitamlaridan voz kechib, bechora oshiqqa marhamat ko'rsatib, u bilan bu dunyo huzur-halovatini kechirishga chaqiradi. Biroq o'z chiroyidan behad g'ururlangan yor g'urur deb atalgan "nafsni" yenga olarmikan, oshiqqa marhamat qilarmikan?!

Shoir 4-baytda ishtiqoq san'atidan juda chiroyli foydalangan: gullibosim, gul-u gulshan.

Oshiq yorga nechog'lik o'tinib murojaat etmasin, u iddaoli dilbar ro'yxush bermaydi. Oshiqning chorlovlari esa 5-baytda yanada kuchayadi:

Bir tomon gulro' jamoling, bir tomon gulning hidi,

Ham sharob tug'yoni bir yon, shisha-yu qul-qul bir tomon.

Oshiq yorga qay tomonga nigoh solmay sening gulday jamoling va gul iforing meni ishq dardiga yanada muhtalo etmoqda, ishq qalbimga misoli shishadagi maydek "qul-qul" to'lmoqda deb nola qiladi. Shoir bu baytda tamsil san'atidan foydalangan: "shisha-yu qul-qul". Shuningdek, "rad-ul-sadr il-al-ajuz"ni ham hosil qilgan. Baytda sharob so'zi ishq ma'nosida qo'llangan bo'lib, "shisha" so'zi esa ko'ngil ma'nosida berilgan. Ya'ni "ishq sharobidan qonib ichgan" ko'ngul behad masrur. Bu holat 6-baytda yaqqol ko'ridadi:

*Bir tomon qushlar fig'oni, bir tomon nuq-u kabob,
Jom-u ko'za kulgusi-yu zavqli ko'ngul bir tomon.*

Ishq bilan to'lgan ko'ngul zavq bilan qushlar fig'oni va barra kaboblarning bo'yidan mast-u bexud bo'lganki, butun borliq uning ko'ziga yanada jilvakor ko'rinmoqda. Ya'ni ilohiy, pok ishq bilan limo-lim qalb endi yomonliklarga o'rin qoldirmaydi, ularga parvo qilmaydi, yorning borligining o'zi, u uchun ulug' mukofot, ulkan kashfiyot hisoblanadi. Oshiq yor timsolida o'zini o'zligini kashf etdi. Shuning o'zi unga yetarli. Begona baytdagi ana shu xulosa maqtada yakun topadi.

Oshiq endi yorning jabr-u jafolariga sitamlariga peparvoligiga qayg'urmaydi. Chunki uning diliga yo'l topish oson ish emas, u bemuruvvat unga nazar qilmasa-da, oshiq baribir baxtli.

*Yor diliga yo'l topmoq Tamkino, oson emas,
Bir tomon ishva-yu naz-u ham tajohul bir tomon.*

Shoir ushbu g'azalda bir qator badiiy san'atlarni "erkalik" bilan qo'llay olgan. Ayni paytda, g'azalning boshidan oxir "laff va nashr" san'atidan ham katta mahorat bilan foydalangan

Tamkin g'azallarining o'ziga xos xususiyati shundaki, u qaysi tilda yozmasin, xalqona ruh va xaq tiliga yaqinlik, soddalik va ohangdorlik yetakchilik qiladi.

O'zbek mumtoz adabiyotining ko'p vakillari ijodida bo'lgani kabi Tamkin lirikasining ma'lum bir qismini ishqiy g'azallar tashkil etadi. A. Tamkin ham o'zining lirik asarlarida insonga xos bo'lgan yuksak fazilatlarini, his-tuyg'ularni ifodalashga intildi.

Shoir ishqni, oshiqlik mayllarini kuylash timsolida kishilar qalbida hayotga va insonga muhabbat, vafodorlikni, sadoqat, do'stlik va fidokorlik tuyg'ularini tarbiyalashni orzu qilgan. Uning ajoyib fazilatlarga ega lirik qahramoni hayotning ham oshig'idir. Yoinki, butun mavjudotni bino etgan "Xalqo'lam" ning oshig'idir.

Xulosa. G'azalda oshiqning ruhiy halovat, ruhiy orom, ruhiy lazzat, ruhiy hujjat, ruhiy rohat, ruhiy ulfat, ruhiy quvvat va madad istab, oqibat ruhiy minnatni topgani g'azalning rindona ruhidan darak beradi. Ayni paytda shoir ishq mavzusi fonida ijtimoiy hayotdagi halovatsizlik, o'zi yashagan davrning o'g'riqli nuqtalariga ham ishora qilgan. Oqibatda, shoir ruh xotirjamligiga ilohiy ishq, poklik, to'g'rilik, halollik, yurtsevarlik va sadoqat tufayli erishish mumkinligini bildi hamda umr yo'llarida bunga amal qildi.

Demak, 1851-1852-yillar atrofida tug'ilib, 1915-yilgacha yashab ijod etgan buxorolik shoir Abdurahmon Tamkin hayoti va ijodi haqidagi ma'lumotlar va u yaratgan asarlar hali o'zbek adabiyotida mukammal holda o'z xulosasini topgan emas. Shoirning hayot yo'li, u yashagan tarixiy sharoit va adabiy muhit hamda ijodiy olami haqidagi savollarga javob topib, uni o'quvchiga yetkazish lozim.

XIX-XX asr boshlaridagi Buxoro adabiy muhitining yorqin vakili A. Tamkin ijodi orqali bilish mumkinki, bu davr adabiyoti zullisonayin adabiyot sifatida maktab darajasiga chiqqan desak xato bo'lmas.

ADABIYOTLAR:

1. Viloyat davlat arxivi, 37-fond, opis 1, delo 9; delo 254..
2. Navodiri Ziyoiya. Dastxati raqami 183, Gajinai dastxathoi sharqii AFRSS Tojikiston.
3. Tamkin. Mo'liston. Dastxati tahti raqami 337. II III. O'z-n. varaq 8-9.
4. Tamkin. Devon. Qo'lyozma nomeri. 111. .
5. Tamkin. Ruboiyot. Var. 32.
6. Fido A.J. Tamkin. – Dushanbe, 1974.

УДК [821.512.133:821.111]-312.2].06

ТАРБИЯ РОМАНЛАРИДА ГОТИК РОМАН ЭЛЕМЕНТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Сафарова Зилола Толибовна,

Бухоро давлат университети Хорижий тиллар факультети

Инглиз адабиётишунослиги кафедраси катта ўқитувчиси

safarovaenglishteacher@gmail.com

Аннотация: Жаҳон адабиёти ўз тараққиёти давомида роман жанрининг турли даврларда ўзгариб, бадиий тузилмаси бойиб боргани, янгича кўриниш ва шаклларда яратилганининг гувоҳи бўлди. Чунки ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши, ўрта қатлам вакиллари сонининг ошиши ва уларнинг китобхонлик савияси ортиши билан ижодкорлар фақатгина аслзодаларга манзур бўладиган, мураккаб тилда ёзиладиган асарлар эмас, балки кенг оммани қизиқтирадиган, халққа яқин қаҳрамоннинг ҳаётини акс эттирадиган жанрлардаги романларни ёза бошладилар. Аммо, янги пайдо бўлган роман шакли ўзидан аввалги жанрларнинг маълум хусусиятларини ҳам акс эттирганлиги кузатилади. Аниқроқ қилиб айтганда, амалдаги жанр ўзидан кейинги жанр яралishi учун туртки вазифасини ўтаган. Шу ўринда, тарбия романларининг ҳам бир қатор роман турлари билан узвий боғлиқлиги кўринади. Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек тарбия романларининг готик роман турлари билан алоқадорликда тараққий этганлиги масаласи муҳокама қилинади.

Калим сўзлар: роман, жанр, готик роман, тарбия романлари, ёзувчи услуби, макон.

Abstract: During the course of its development, world literature witnessed the changes in novel genre, its artistic structure was enriched, and new forms and styles appeared. Because, the increase in the number of representatives of the middle class required the authors to write novels reflecting the life of a hero who is close to the common people, and not works written in complex language, which appeal only to the nobles. However, it is observed that the new form of the novel also reflects certain characteristics of the genres that preceded it. At this point, it can be seen that bildungsromans are inextricably linked with a number of novel types. This article discusses the development of English and Uzbek bildungsromans in connection with Gothic novel types.

Keywords: novel, genre, gothic novel, bildungsroman, writer's style, setting.

Аннотация: В ходе развития мировой литературы наблюдалась смена жанра романа в разных периодах, который обогащался художественной структурой и создавался в новых формах и стилях. Исходя из изменений в общественной жизни, увеличения числа представителей среднего класса и повышения их уровня начитанности, авторы стали писать не только произведения, написанные сложным языком, которые нравятся только аристократам, а также романы в жанрах, отражающих жизнь близкого народу героя. Однако, отмечается, что новая форма романа также отражает некоторые особенности предшествующих ей жанров. Точнее говоря, текущий жанр выступил толчком к созданию последующего жанра. На данный момент наблюдается неразрывная связь воспитательных романов с рядом типов романов. В данной статье рассматривается развитие английского и узбекского воспитательных романов в связи с типами готического романа.

Ключевые слова: роман, жанр, готический роман, роман воспитания, писательский стиль, пространство.

Кириш. Роман – муайян шахс ёки бир неча шахснинг шаклланиш ва камол топиш жараёни бадиий макон ва замонда тасвирланган асар бўлиб, шу муайян шахс тақдирининг оилавий-маиший, миллий, ижтимоий, маданий ва тарихий муҳит билан ўзаро узвий алоқада тасвирланиши роман жанрининг кўлами ва ғоявий-бадиий қимматини намоиш этади[15]. Тарбия романлари учун танланган ёш болалар образлари орқали таълим-тарбия масаласи ҳамда катталар ва болалар муносабатларининг нафақат қаҳрамоннинг, балки бутун бир миллатнинг, жамиятнинг тақдирида муҳим роль ўйнаши ёритиб берилади. Айтиш жоизки, кўпгина тарбия романларида ёзувчи пикареск ва готик роман турлари элементларидан фойдаланганлиги эътиборни тортади. Жумладан, инглиз ёзувчилари Марк Твен, Шарлотта Бронте, Чарльз Диккенс, ўзбек ёзувчилари Тохир Малик, Ғафур Ғулом ва бошқаларнинг қаламига мансуб бир қатор асарларда санаб ўтилган жанрларга хос белгилар борлиги кўзга ташланади. Айниқса, таҳлиллар натижасида Марк Твен қабристон ва кимсасиз

оролнинг сирли тасвирларида, Шарлотта Бронте Жейн Эйр қамаб қўйилган совук “қизил хона” ваҳимаси ва жаноб Роджестер қасридан чиқадиган номаълум товушларда, Чарльз Диккенс ботқоқликдаги қочоқ маҳбус образида, Тоҳир Малик Асрорни тинч қўймаган Қаюм аканинг руҳи ва шарпаларида, Фафур Фулом “ўликни тикиш” ва “хўкизни сўйиш” сахналарида готик услубга хос элементлардан моҳирлик билан фойдаланганлиги кузатилади.

Асосий қисм. Готик адабиёт биринчи марта Европада 1700 йилларнинг охирида машҳур бўлган бадиий адабиётнинг бир тармоғидир. Одатда, уларда воқеалар қўрқинчли, сирли ва романтик элементларнинг комбинацияси асосида ҳикоя қилинади. Айниқса, сирли ва ваҳимали макон тасвирига алоҳида эътибор берилади. Воқеаларнинг аксарияти сирли ва салобатли қалъалар ичида бўлиб ўтади. Улар, одатда, муҳим ғайритабиий сирларни ўз ичига олади ёки кейинчалик ғайритабиий ҳодисалар содир бўлишига ишора қилади. Адабиётшунослик терминларига оид изоҳли луғатда готик романларининг маъноси “дахшатлар романи” тарзида келтирилган. Унга кўра готик романлар – XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошларида Ғарбий Европа ва Америка адабиётида ғайритабиий кучларни ва дахшатли воқеаларни тасвирлаган романлардир [1,59].

Готик романларнинг яна бир асосий хусусияти шундаки, унда нарсалар вақт ўтиши билан ўзгаришларга учраши мумкин ва бугунги кунда сирли қалъалар сингари анъанавий элементлардан ҳар доим ҳам фойдаланилмайди. Шундай бўлса-да, ёзувчилар қоронғи, ташландиқ уйлар, бинолар ёки ваҳимали кийинган ноодатий характерли образлар ёрдамида готик романларга хос сирлиликни ҳосил қилишади.

Марк Твен (1835-1910) жаҳон болалар адабиётида роман жанри ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли ёзувчидир. Уильям Фолкнер уни “*Америка адабиётининг отаси*” деб атаган. Марк Твеннинг болалар ҳақида ёзган энг машҳур романлари “Том Соьернинг саргузаштлари” (1876) ва “Геклберри Финнинг саргузаштлари” (1884) бўлиб, айниқса, иккинчи асар кўплаб китобхонлар қалбидан жой олди ва “*Американинг буюк романи*” номига сазовор бўлди.

Асар давомида катталарнинг даққиларию насихатларига тоқат қилишни истамаган уч болакай – Том, Жо ва Гекнинг уйларида қочиб кетишлари ва уларнинг Жексон оролидаги саргузаштлари ҳикоя қилинади. Болаларнинг бу оролда ва ундан кетгандан сўнг бошларидан кечирадиган воқеаларида авантюра романи хусусиятлари намоён бўлиб боради. Онаси урушгани учун уйдан кетаётган Жо ўзича бирор ғорга кириб, қотган нонлар еб, совуқдан, муҳтожликдан, қайғу-кулфатлардан ўлиб кетишга рози бўлади. Лекин Томнинг бундай ишдан кўра жиноят йўлига кириш анча фойдалироқ, деган маслаҳатига қулоқ солиб, қароқчи-ўғри бўлмоқчи бўлади.

Қаҳрамонлар ўзларига Қора қасоскор, Қонли қўл, Денгизлар дахшати каби “қароқчиларча” лақаблар ҳам танлаб олишади.

Муаллиф хазина кидириб қабристонга келган Гек ва Томнинг ўликларнинг чиқиб келиши, жинлар ва девлар ҳақидаги суҳбатларини готик жанр белгиларидан фойдаланган ҳолда янада сирли ва ваҳимали қилиб кўрсатади. Болалар бундай нарсалар борлигига ишонишади ва тасавурларида кўргандай бўлишади.

Инглиз адабиётида алоҳида ўринга эга бўлган аёллар ҳақидаги биринчи тарбия романи (“*Female Bildungsroman*”) “Жейн Эйр”да ҳам ёзувчи Шарлотта Бронте худди шундай авантюра ва готик услуб қоришмасидан моҳирона фойдалангани аёнлашади. Романда готик хусусият, даставвал, қизил хона мисолида намоён бўлади. Қизалоқ Жейннинг тасавури орқали бу хона сир-асрорли, қамоқхонасифат кўринади ва дахшат ҳиссини уйғотади. Бу хонага камалган асар қаҳрамони қизалоқ Жейн қизил хонани тўқ қизил қалин матодан қилинган пардалари бор хона сифатида тасвирлайди: ... *hung with curtains of deep red damask, stood out like a tabernacle in the centre; the two large windows, with their blinds always drawn down, were half shrouded in festoons and falls of similar drapery; the carpet was red; the table at the foot of the bed was covered with a crimson cloth.* [6,14]– Унга тўқ қизил тусли дамаск пардалари осилганидан марказда ибодатхона сингари ажралиб турарди; панжаралари доим ёпик иккита катта деразанинг пардаси ярмигача туширилган; хонадаги гилам кип-қизил, қаравот этагидаги стол ҳам унга ҳамоҳанг қирмизи мато билан қопланган эди. (Таржима ўзимизники – З.С.)

Кўриниб турибдики, хонада қизил ранг устувор. Муаллиф томонидан рамзий маънода қон ва ўлимни ифодалаш учун ишлатилган. Чунки шу хонада Жейннинг амакиси оламдан ўтган бўлиб, қиз бу ерда унинг руҳи айланиб юришига ишонади. Жейннинг тасавуру хона ҳақида аввалдан мавжуд бўлган кўрқувини янада оширади ва китобхонда ёш қизалоққа нисбатан ачиниш туйғусини уйғотади.

Хонада ҳукм сурган ёқимсизлик ва файзсизликболанинг содда тилидан ёрқин тасвирларда ифодаланади: “*This room was chill, because it seldom had a fire; it was silent, because remote from the nursery and kitchen; solemn, because it was known to be so seldom entered*”. [6,14]– Бу хона совуқ эди, чунки, у ерда камдан-кам ўтин ёқиларди, тинч эди, чунки бошқа хоналардан узоқда эди, ёлғиз эди,

унга деярли ҳеч ким кирмас эди. (Таржима ўзимизники – З.С.) Бу ерда муаллиф ёш қизнинг кўркувларини, қалбидан кечаётган ваҳимали ўй-хаёлларни маҳорат билан ёритиб берган.

Асар қахрамони Жейн улғайгач, Ловуд мактабидан кетиб, Торнфилдда жаноб Роджестернинг уйдан иш топади. У ерда Роджестернинг асранди қизи Аделага губернантика, таълим-тарбия берувчи аёл сифатида яшай бошлайди. Бу уйнинг бўш турган хоналарининг бирдан Жейнга ғалати шовқинлар ва кулги овозлари эшитилади. Муаллиф келтирган тасвирлардан китобхон уйда қандайдир арвоҳлар бўлса керак, деган хулосага боради. Бир куни кечкурун Жейннинг кўзлари эндигина уйқуга кетганида, қаттиқ шовқиндан уйғониб кетади. Бу гўёки унинг шундоққина тепасида бўлаётганек ғалати, ноаниқ ғўнғирлаш эди. Бу тасвирлар баёни қахрамон тилидан келтирилади: *“I wished I had kept my candle burning: the night was drearily dark; my spirits were depressed. I rose and sat up in bed, listening. The sound was hushed. I tried again to sleep; but my heart beat anxiously: my inward tranquillity was broken. The clock, far down in the hall, struck two. Just then it seemed my chamber-door was touched; as if fingers had swept the panels in groping a way along the dark gallery outside. I said, “Who is there?” Nothing answered. I was chilled with fear”*. [6,174]– “Қанийди шамни ёниқ қолдирганимда: тун зим-зиё эди; руҳим сесканиб кетди. Мен ўрнимдан туриб ўтирдим ва тингладим. Овоз жим бўлди. Мен яна ухлашга ҳаракат қилдим; лекин юрагим хавотирдан дукилларди: ички хотиржамлигим бузилди. Залда анча пастда турган соат иккени урди. Шу пайт менинг хонам эшигига кимдир тегиб кетгандай туюлди; гўё ташқаридаги қоронғи галерея бўйлаб бармоқлар панелларни пайпаслагандек. Мен: “Ким бор?” дедим. Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Мен кўркувдан музлаб қолдим.” (Таржима ўзимизники. – З.С.)

Кўриниб турибдики, бу тасвирлар готик романлардаги ёвуз руҳлар изғиб юрадиган қоронғи қасрларда юз берадиган ҳодисаларни эсга солади. Асарда пайдо қилинган шубҳа ва кўркув ҳисси адиб томонидан янада кучайтириб борилади.

Бироз сукунатдан сўнг яна иблисона кулги овози Жейннинг тинчини бузади. Бу паст, лекин ёқимсиз кулгу гўёки унинг эшиги тирқишларидан келаётгандек эди. Кейинги жумлалар китобхон қалбида чиндан ҳам ваҳима уйғотади: *“The head of my bed was near the door, and I thought at first the goblin-laughter stood at my bedside – or rather, crouched by my pillow: but I rose, looked round, and could see nothing; while, as I still gazed, the unnatural sound was reiterated”*. [6,174]– “Ётоғимнинг бош томони эшик ёнида эди, мен аввалига кулаётган иблис тўшагим ёнида, тўғрироғи, ёстигимда чўккалаб ўтирибди деб ўйладим. Ўрнимдан туриб атрофга қарадим, лекин ҳеч нарсани кўрмадим. Мен тикилиб турар эканман, ғайритабиий овоз яна такрорланди.”

Бу қандай шовқин бўлганини муаллиф анча кейин ошкор қилади. Жейн ва жаноб Роджестер бир-бирларига кўнги қўйиб, турмуш қуришга аҳд қилишади. Афсуски, тўй куни куёвнинг ақлдан озган хотини шу уйда яшаши ва ўша кунги шовқину кулги овозлари унга тегишли эканлиги маълум бўлади. Булардан хабар топган Жейн уйдан қочиб кетади. Айтиш мумкинки, китобхон кўпгина готик романларда бўлгани каби мавҳум ўтмишга эга образ, яъни чердакда қулфланган ақли паст аёл – Берта Роджестер билан юзлашади. Унинг ғайриоддий шовқинлари ва ёввойи қилиқлари романда шубҳа-гумонларни оширади.

“Жейн Эйр” асаридаги жаноб Роджестер ҳам сирли ўтмишга эга готик образдир. Готик образлар баъзан мағрур, кайфиятсиз, кўпол, қошлари баджаҳллик билан чимирилган, қалбида бахтсизлик, аммо кучли ва буюк севгига қодир шахслар қиёфасида яратилади. Жейн ҳам биринчи учрашувда унинг “қора юзини, жаҳлдор пешонасини” пайқайди. Унинг ўтмиши ва Париждаги тартибсиз ҳаёти сирлили ва нафрат ҳиссини юзага келтиради.

Асар унинг кейинги макони ва саргузаштлари билан давом этади. Муаллиф асарда ишлатган тасвирий воситалар шунчалар жонли чикқанки, гарчи асарда ҳеч қандай арвоҳлар бўлмаса-да, китобхон воқеаларнинг бошидан охиригача арвоҳлар мавжуддай, ғалати туйғуларни ҳис қилиб туради.

Инглиз ёзувчиси Ч. Диккенс ўзининг илк асарлариданок романларига готик асарларга хос адабий хусусиятларни олиб кирган. У китобхонларини қизиқтириш учун бу анъаналарнинг бой тематик ва метафорик усуллари билан фойдаланган. Шу билан бирга, кўркинчли ва сирли муҳит яратиш орқали “Британия жамиятининг қора сахналари”ни ҳам акс эттиришга муваффақ бўлади. [2] Адибнинг “Катта умидлар” романи сўзимизнинг яққол исботидир. Тадқиқотчи Жон Бовен “The Gothic in Great Expectations Portraits” (“Катта Умидлар тасвирларида готик услуб”) номли мақоласида бу асарни “готик роман” деб атайди. [5] Бунинг сабаби асар кўплаб ғайритабиий, мавҳум ва сирли тасвирлар билан бойитилганидир.

Ч. Диккенс роман бошланишида келтирган ваҳимали ва сирли муҳит тасвири асар охиригача ҳукмронлик қилади. Ботқоқликдаги қишлоқча тасвири, туманли кун, ёш Пипнинг черков ёнига, ота-

онаси ва беш ака-укалари қабрига келиши, черков олдида пайдо бўладиган кўпол ва кўрқинчли одам образи китобхонни даҳшатга солади. Асар қаҳрамони болакай Пип ўшанда қабрдан ўлик чиқиб, уни ушлаб олгандай кўрққан бўлса, худди шу нарса китобхоннинг ҳам кўнглидан ўтади. У одам йўғон ва кўпол овоз билан Пипга: “Қимирласанг, бўйнингни узиб ташлайман”, – дейди. Унинг ташки кўриниши ҳам ғайриоддий эди: *“A fearful man, all in coarse grey, with a great iron on his leg. A man with no hat, and with broken shoes, and with an old rag tied round his head. A man who had been soaked in water, and smothered in mud, and lamed by stones, and cut by flints, and stung by nettles, and torn by briars; who limped, and shivered, and glared and growled; and whose teeth chattered in his head as he seized me by the chin”*. [7,3]– “Кўрқинчли одам дағал, кулранг матодан кийим кийган, оёғида йўғон кишан бор эди. У бош кийимсиз, бошмоқларининг увадаси чиқиб кетган, пешонасига эски латта ўраб олганди. Кийимлари ивиб кетган, ҳамма ёғи лой, қичитқи ўт куйдириб юборган оёқларини тошлар яралаган, тиканак тилиб ташлаганди. У чўлоқланар, титраб-қақшар, кўзларини олайтириб, хирилларди. Кутилмаганда, нотаниш кимса тишларини тақиллатиб менга ташланди, кейин даҳанимдан ушлади. [8,4] Муаллиф китобхонни асар охиригача бу одам билан боғлиқ турли тахминлар гирдобада қолдиради. Пип ўзининг саховатпешаси деб, узоқ йиллар танишишни кутган сирли ҳомийси мана шу қочоқ маҳбус Абель Мэгвич бўлиб чиқади. Роман тасодифий ва кутилмаган воқеалар асосига қурилган бўлиб, кишини чуқур мулоҳаза қилишга ва ўз хулосаларини чиқаришга чорлайди.

“Катта умидлар”даги яна бир сирли образ мисс Хевишем бўлиб, у истиқомат қиладиган Сатис-Хаус ҳам арвоҳлар ин қурган ва сир-асрорга тўла макон сифатида намоён бўлади ва готик романлардаги эски қалбалардек тасаввур уйғотади. Пип бу ерга биринчи бор ташриф буюрганида, совуқ шамол гўёки янада совуқроқ эсгандек туюлади. Мисс Хевишемнинг яшаш тарзи, шахсияти, унинг қичқириқлари, соч турмаги, бўяниши, кийимлари – барчаси готик услубида ғайриоддий ҳолатда тақдим қилинади: *“She was dressed in rich material’s satins and lace and silks all of white. Her shoes were white. She had a long white veil dependent from her hair, but her hair was white. Some bright jewels sparkled on her neck and on her hands, and some other jewels lay sparking on the table. Dresses, less splendid than the dress she wore, and half-packed trunks, were scattered about. I saw that everything within my view, which ought to be white, had been white long ago, and had lost its luster, and was faded and yellow. I saw that the bride within the bridal dress had withered like the dress, and like the flowers, and had no brightness left but the brightness of her sunken eyes”*. [7,78-79]

Кўриниб турибдики, бу ерда қимматбаҳо матолардан келин кўйлаги кийган аёл қиёфаси тасвири келтирилган, аммо унинг бир вақтлар оқ бўлган либоси сарғайиб кетган, сочлари оқариб кетган, бошига таққан гуллари худди аёлнинг ўзидек сўлиб қолган, илгари чиройли коматига ёпишиб турган кўйлаги, ҳозирги териси суягига ёпишиб кетган гавдасида осилиб қолган ҳолатда тасвирланяпти. Гўёки бу аёл учун вақт тўхтаб қолгану, у узоқ йиллардан бери қимирламай тургандек. Ҳақиқатдан ҳам, у барча соатларни ўзи ташлаб кетилган вақтда тўхтатиб қўйган эди. Чириган, вайронага айланган Сатис-хаус эса аслида мисс Хевишем ички дунёсининг кўриниши сифатида келтирилган. Бу вайрона уй мисс Хевишемнинг руҳий таназзулини, тўзиб ётган хона эса унинг қалбидаги тартибсизликни ифодалайди. Муаллиф уни ҳамма нарсани, айниқса, вақтни назорат қилмоқчи бўлган аламзада аёл қилиб яратади. Тўйи куни ташлаб кетилгани учун у ўзини жамиятдан ажратиб қўяди ва ўч олиш ҳақида режалар тузади. Шу мақсадда Эстелла деган чиройли қизни боқиб олиб, эркакларнинг қалбини синдирувчи инсон қилиб тарбиялайди. Эстелла исми “юлдуз” маъносини билдириб, бу ерда у қўл етиб билмас совуқ юлдуз тимсолида намоён бўлади. Катта шаҳарга келганида Пипнинг назарида Лондон ҳам худди шундай хунук ва жозибасиз кўринади. Бу билан муаллиф ўша даврдаги ижтимоий ҳаётнинг салбий иллатларини очиқ беради.

Ўзбек адаби Тоҳир Маликнинг “Алвидо болалик” асарида ҳам ёзувчи китобхонни ваҳимага солувчи баъзи тасвирларни усталик билан келтиради. Аниқроғи, романда арвоҳ мотивидан жуда ўринли фойдаланилган ва қаҳрамоннинг кўрқувлари тўлалигича очиқ берилган. Тоҳир Маликнинг “Алвидо болалик ёхуд тўрт тақдирнинг тўлиқ баёни” асарида Тошкентнинг Қорақамиш даҳасида содир бўлган бир жиноят туфайли бир қатор ўсмирларнинг жиноят оламига кириб келиши хусусида фикр юритилади. Ёзувчи бу асари орқали йўлдан адашган ёшларни тўғри йўлга солишни ҳамда уларга жиноят кўчасига киришнинг аянчли оқибатларини кўрсатиб беришни мақсад қилади. Муаллиф томонидан асарнинг сўзбоши қисмида келтирилган *“Аллоҳ тарбияга доир қилаётган ишларимизнинг хайрли оқибатини бериб, барча ҳаловатли ва файзли хонадонларни бу қора оламнинг чангалидан асрасин”* [9,4] жумлалари унинг ёшлар тарбиясига бағишланган роман эканлигидан далолатдир. Асар қаҳрамонлари ўғрилик, қотиллик ва нарқобизнес каби одатларни қасб қилиб олган ёш йигитлар бўлиб, ўзларига “Акула”, “Граф”, “Бўрон” дея исмлар қўйиб олишларидан улар ўзларини зўр деб ҳисоблашларини англаш мумкин. Улар ўз манфаатлари йўлида қанчадан-қанча ёш йигитларни қора

дорига ўргатиб, ўзларига тобе қилиб олишади. Қармоқларига илинган ўлжалари дорисиз тура олмайдиган бўлишгач, хоҳлаган буйруқларини сўзсиз бажарадиган “югурдак”ларга эга бўлишади. Тўдабоши кўл остидаги болага шундай дейди: “ ... сен бу оилага бизнинг талабимиз билан кирмагансан. Ўз оёғинг билан кирдингми, энди, бизнинг хоҳишимизга қараб яшайсан. Мен чизиб берган йўлдан бир энлик нари-бери юрганнинг – ўлганинг! ... ”[9,11] Бундан аён бўляптики, ушбу йўлдан ортга қайтиш амримаҳол, ҳатто бу йўлнинг оқибати аянчли бўлиши ҳам мумкин. Қамалиб чиққан Қамариддиндан кўрққан Асрор у нима деса ҳам, хоҳламаса-да буйсунади. Бир куни кечкурун дўсти Ғайрат ва Қамариддиннинг қистови билан дискотекага келган бу йигит билиб-билмай жиноятга шерик бўлиб қолади. Пивохона яқинидаги кўприкда бир одамдан сигарет сўраб, айтганини ололмаган ва дакки эшитган Ғайрат у киши билан жанжаллашиб кетади, оқибатда оёғидан пичоқ еган дўстини химоя қилиш мақсадида Асрор ҳам қўшилиб, одамни дўппослай кетадилар. Уни ўлдириб қўйганларидан сўнг, Қамар икки югурдаги билан ўликни анҳорга кераксиз буюмдай улоқтириб юборишади. Бундай фожеани кутмаган Асрор ўзига кела олмай кечалари алаҳсираб юради. Кўзи уйқуга кетди дегунча, ўлик хонасига шошилиб кириб уни бўғадигандек, кўчага чиқса, ҳар бир кўзи тушган одам унга “кечаги қотил сенмисан” деяётгандек бўлаверади. Ёзувчи бадий таъсирчанликни ошириш мақсадида туш мотивидан фойдаланиб, Асрорнинг ички безовталиги ва кўркувларини китобхонга етказиб беради: “Ширга тикилиб ётиб, кўзига уйқу илинди. Қуш уйқуси беш дақиқага ҳам бормади. Кечаги ўлик хонасига шошилиб кириб келди-ю, бармоқларидан қонлар оқизиб, уни бўға кетди. ... Асрор “дод” деб юборди. [9,180]

Ўлдирилган Қаям аканинг арвоҳи кейинги кун ҳам Асрорнинг хонасига кириб келади. Бу сафар жаҳл қилмасдан Асрорга маънос тикилиб суҳбатлашади. Уларга қилган яхшиликлари, Асрорни елкасига кўтариб ўйнатганлари ҳақида гапиради. Нега ўлдиришганини сўрайди, болалари ёш қолганидан, ҳозир ҳаммаси эзилиб ўтирганини айтади. “Кўрқма, кел сени ўйнатаман” деган Қаям акага эргашган Асрор деразадан тушиб кетишига сал қолади. Бу овоз Асрорни доимий таъкиб қилаётгандай бўлади. Яна бир ўринда шундай тасвир келтирилади: “Кейин ўша одамнинг овозини яна эшитди: “Той бола, мен сени елкамга кўтариб катта қилган эдим. Шу елкамга тендинг. Жуда-жуда оғрияпти”. [9,209]

Бир куни ўша жанжал бўлган кўприкдан ўтаётганида анҳор суви юзида мурда кўринади ва тўлқинлар узра ёнбошлаб олиб: “Бу ёққа келсанг-чи... Сен менга кераксан. Жуда-жуда кераксан ...”, [9,253] – дейди. Бу сўнгги жумла Асрорнинг қулоғи остида қайта-қайта жаранглайди. Арвоҳ билан боғлиқ бундай ҳолатлардан фойдаланиш орқали ёзувчи китобхонда ўзига хос кўрқув ҳиссини уйғотади. Асрорга кўринаётган барча нарса китобхоннинг кўз олдида ҳам беихтиёр гавдаланади. Бу, ўз навбатида, асарнинг бадий қийматини оширишга хизмат қилади.

Хулоса. Таҳлиллардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, тарбия романларида ёзувчи готик роман хусусиятларига тез-тез мурожаат қилади. Бу хусусият айниқса, ёш қахрамонни жазолаш тасвирларида, унинг ёшлик хотираларида, тасаввурий кўркувларида намоён бўлади. Баъзан эса, қахрамон ўз хатолари ва виждон азоби таъқибидан қутула олмаётганини ёритиб бериш учун ҳам готик роман элементларидан фойдаланилади. Бу усул билан асарнинг янада қизиқарли бўлиши ҳамда жонли тасвирлар яратилишига эришилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўраева Д, Қувватова Д. Жаҳон адабиёти атамаларининг изоҳли лугати. – Тошкент: “Турон замин зиё”, 2015. – 163 б.
2. Robert Mighall. “Gothic Criticism”. A New Companion to the Gothic (2000). – P.265-287.
3. Safarova, Z. (2022). Ch.Dickensning "Devid Kopperfield" asarida "Tarbiya romanlari"ga xos xususiyatlar tahlili. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 22(22). *извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/8019*
4. Safarova, Z. (2022). J.K. Roulingning "garry potter va afsonaviy tosh" asarida etim obrazlar tasviri. *центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 14(14). *извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/6682*
5. Zakir Ullah, Ahmad Ullah, Haroon Iqbal, Zohaib Zahir, Akbar Zaman. Great Expectations: A Manifestation of Gothicism and Romanticism. *International Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD) Volume 4 Issue 5, August, 2020 Available Online: www.ijtsrd.com e-ISSN: 2456 – 6470*
6. Charlotte Bronte. *Jane Eyre*. Smith, Elder and Co., Cornhill, Third Edition, 1857. – P.14.
7. Charles Dickens. *Great expectations*. Planet Ebook.com. (2008). – P. 3.

8. Чарльз Диккенс. Катта умидлар. Ш.Миноваров таржимаси. – Тошкент: “Нихол” нашриёти, 2017. – Б. 4.
9. Малик Т. Алвидо болалик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б.4.
10. Niyazova M. *Interpretation of sabai sayyor epic poem in khamsa* //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2022. – Т. 10. – №. 10.
11. Niyazova M. *The classifications and functions of poetonyms in literary text* //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2022. – Т. 10. – №. 10.
12. Kurbanova Nodira *The Adventures of Huckleberry Finn is the first realistic novel in American literature. Modern Journal of Social Science and Humanities MJSSH June, 2022, p.584-587.*
13. Qurbonova N.H., Sodiqova Sh. “*Problems of women and society in the novel of Charlotte Bronte*” *International scientific and practical Conference: “Youth, science, education: Topical issues, achievements and innovations” 2022, Prague, Czech P.69-71.*
14. Izatilloevna K. D. *Lexicographic analysis of linguistic terms (on the basis of materials of explanatory dictionaries of the English, Russian and Uzbek languages)* //International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – 2020. – Т. 1. – С. 15.
15. Khodjaeva D. *Терминология в узбекском языке: развитие, обогащение и характеристика* // Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
16. <https://qomus.info/uz/encyclopedia/r/roman/>

**XX АСР АҚШ МОДЕРН АДАБИЁТИНИНГ ТАРИХИЙ ҲАМДА
ИЖТИМОИЙ НЕГИЗЛАРИ****Садуллаев Феруз Бахтиёрович***Инглиз адабиётишунослиги кафедраси катта ўқитувчиси, БухДУ
feruz.sadullaev@mail.ru*

Аннотация. XX аср АҚШ модерн адабиёти асарларининг мазмунидаги салмоғи, шаклий ўзига хослиги ҳамда муаллифларнинг моҳирона ёндашуви билан янги чўққиларни забт эта олди. XX аср Америка адабиёти мазкур даврнинг муҳим тарихий воқеалари, ижтимоий ҳамда маданий ҳаётдаги ўзгаришларни акс эттира олгани билан аҳамиятлидир. Жумладан, асрнинг биринчи ярмида содир бўлган иккала Жаҳон урушлари, унинг салбий оқибатлари ҳамда иқтисодий таназзул каби зиддиятли ҳолатлар миллат адабиётига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Адиблар ижод намуналарида даврнинг эътиборга молик илмий ютуқлари билан бир қаторда, иқтисодий ва ижтимоий жабҳадаги, маънавий ва ахлоқий масалаларга диққатларини қаратишди. Бу эса, ўз навбатида, нафақат асарларнинг мавзуларида, балки ёзувчиларнинг услубида ҳам намоён бўлди. Ижодкорлар асрлар давомида шаклланган анъанавий адабий қадриятлардан бирмунча чекиниб, ҳаётни кенгроқ қамраб олишига, давр муаммоларига чуқурроқ сингиб боришига уринишди. Гарчи аср бошидан ўз устунлигини қўлдан бермаган реализм ҳамда натурализм оқимларининг таъсир кучида сусайиши сезилмаган бўлса ҳам, аммо асрнинг дастлабки ўн йиллигидан кейин уларнинг бошқа адабий оқимлар билан кесишуви, чатишиб кетиши, ўзаро сингиши сезила бошланди.

Мазкур мақолада модернизм, унинг бадиий адабиётда шаклланиши, Америка модерн адабиётини юзага чиқарган тарихий ҳамда ижтимоий сабаблар, маданий омиллар сингари масалаларни ёритишига уринамиз.

Калит сўзлар: модернизм, реализм, натурализм, Америка адабиёти, ёзувчи, оқим, роман, ҳикоя, асар.

Аннотация. XX век смог достичь новых высот весомостью содержания, оригинальностью формы и умелым подходом авторов произведений современной американской литературы. Американская литература XX века знаменательна тем, что может отразить важные исторические события этого периода, изменения в общественной и культурной жизни. В частности, конфликтные ситуации, такие как две мировые войны, их негативные последствия и экономический спад, имевшие место в первой половине века, не оставили своего следа и в отечественной литературе. Наряду со значительными научными достижениями того периода писатели уделяли внимание в своих произведениях социально-экономическим, духовно-нравственным вопросам. Это, в свою очередь, проявлялось не только в тематике произведений, но и в стиле писателей. Писатели несколько отступили от сложившихся веками традиционных литературных ценностей, стремясь шире осветить жизнь, глубже проникнуть в проблемы времени. Хотя влияние течений реализма и натурализма, не потерявших своего господства с начала века, не уменьшилось, но после первого десятилетия века стало ощущаться их пересечение с другими литературными течениями.

В этой статье мы пытаемся обсуждать такие вопросы, как модернизм, его формирование в художественной литературе, исторические и социальные причины и культурные факторы, создавшие современную американскую литературу.

Ключевые слова: модернизм, реализм, натурализм, американская литература, писатель, течение, роман, повесть, произведение.

Abstract . The twentieth century was able to reach new heights with the weight of content, originality of form and skillful approach of the authors in their works of modern American literature. American literature of the 20th century is significant in that it can reflect important historical events of this period, changes in social and cultural life. In particular, conflict situations such as the two world wars, their negative consequences and the economic downturn that took place in the first half of the century left their marks in the national literature either. Along with significant scientific achievements of that period, writers paid attention in their works to socio-economic, spiritual and moral issues. This, in turn, manifested itself not only in the subject matter of the works, but also in the style of the writers. The writers somewhat

retreated from the traditional literary values that have developed over the centuries, trying to illuminate life more widely, to penetrate deeper into the problems of the time. Although the influence of the movements of realism and naturalism, which had not lost their dominance since the beginning of the century, did not decrease, after the first decade of the century, their intersection with other literary movements began to be felt.

In this article, we attempt to discuss issues such as modernism, its formation in fiction, the historical and social causes, and cultural factors that have created contemporary American literature.

Keywords: *modernism, realism, naturalism, American literature, writer, trend, novel, short story, work.*

Кириш. Ҳар бир миллат адабиётида бўлганидек, Америка адабиётида ҳам турли адабий оқимлар, жанрлар хилма-хиллиги, адиблар услубидаги турфалик кузатилади. АҚШ адабиёти ўзининг тўрт асрлик тарихи давомида айнан йигирманчи асрга келиб мисли кўрилмаган эврилишларни бошидан кечирди. Зотан, мазкур давр адабиёти янгича руҳ ва кўриниш касб этди. Л.Толстой ҳар қандай санъат асарининг фазилати учта хусусият орқали белгиланишини қайд этиб, улар сирасига асарнинг мазмунини, яъни мазмуннинг салмоғини; ташқи гўзаллиги, яъни унинг маҳорат билан яратилиши; самимият билан, яъни муаллиф тасвирлаётган нарсасини ўзи жонли тарзда ҳис қилиши билан эканини таъкидлайди [2:179]. XX аср АҚШ модерн адабиёти ҳам асарларининг мазмунидаги салмоғи, шаклий ўзига хослиги ҳамда муаллифларнинг моҳирона ёндашуви билан янги чўққиларни забт эта олди. Мазкур мақолада модернизм, унинг бадиий адабиётда шаклланиши, Америка модерн адабиётини юзага чиқарган тарихий ҳамда ижтимоий сабаблар, маданий омиллар сингари масалаларни ёритишга уринамиз.

XX аср Америка адабиёти мазкур даврнинг муҳим тарихий воқеалари, ижтимоий ҳамда маданий ҳаётдаги ўзгаришларни акс эттира олгани билан аҳамиятлидир. Жумладан, асрнинг биринчи ярмида содир бўлган иккала Жаҳон урушлари, унинг салбий оқибатлари ҳамда иқтисодий таназзул каби зиддиятли ҳолатлар миллат адабиётига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Хусусан, бу таъсир уни юқори чўққиларга олиб чиқгани эътиборлидир.

XX аср Америка модерн адабиётида реализм, натурализм, регионализм (минтақавий реализм), психологик реализм каби бир қатор адабий оқимлар бир-бири билан ҳамоҳанг тарзда ривожланди. Шунингдек, XIX аср сўнгидан бошланиб, XX асрнинг доғули жараёнлари давомида жамият ҳақсизликларини бадиий адабиётда реал тасвирлашга ундаган реализм, натурализм сингари адабий оқимлар билан тенгма-тенг бир гуруҳ адабиёт вакиллари “Америка орзуси”, ижтимоий ҳамда маданий ҳаётга нисбатан муносабатларини ифодалашда “янгилик” тарафдори эканликларини асарларида акс эттиришга урина бошлашди.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар. Ҳ.Каримов ҳар қандай янгиликнинг асоси тафаккур, ҳаётни идрок этиш иқтидори ва давр эканини таъкидлайди. [3:117] Модернизм ҳам ўз-ўзидан вужудга келмади, балки адабиёт вакиллари пухта билимлари, узоқ ҳаётий кузатувлари ва тажрибалари замида ҳосил бўлди. Гарчи Америка модерн адабиёти 1914-йилларга қараб кириб келган бўлса ҳам, модернистик қарашлар Европа адабиётини XIX аср ўрталарига келиб шаклланиб улгурган эди. Илғор фикрлайдиган бир қатор адабиёт намояндлари воқеликни анъанавий тасвирлашдан секин-асталик билан чекиниб, жадал ривожланиш йўлидан бораётган реал ҳаётдаги техникавий инқилоб ҳамда З.Фрейд таълимоти таъсирида янгича қарашга эга бўлишди. Мазкур авлод борлиқни нафақат ақл ва тафаккур билан, балки эндиликда қалблари билан ҳис қилиб, идрок эта бошлашди. Натижада, бадиий асарларда турфалик, бетакрорлик ва турли хил ёндашувлар вужудга келди. Айтиш мумкинки, реализмдан фарқли ўлароқ, модернизмнинг мақсади реал ҳаёт тасвири эмас, балки муаллифнинг тасаввурида гавдаланган воқелик десак, хато бўлмайди.

Аслида “модернизм” қандай луғавий маънога эга ва у адабиётда бошқа оқимлардан қандай адабий хусусиятлари билан ажралиб турди?

Ж.Каддоннинг “Dictionary of Literary Terms & Literary Theory” луғатида “модернизм”га қуйидагича таъриф келтирилади: “*Modernism is a comprehensive but vague term for a movement (or tendency) which began to get under way in the closing years of the 19th century and which has had a wide influence internationally during much of the 20th century. The term pertains to all the creative arts, especially poetry, fiction, drama, painting, music and architecture.*

As far as literature is concerned modernism reveals a breaking way from established rules, traditions and conventions, fresh ways of looking at man’s position and function in the universe and many (in some cases remarkable) experiments in form and style. It is particularly concerned with language and how to use it (representationally or otherwise) and with writing itself” [4; 515]. Юқоридаги таърифдан кўриниб

турибдики, модернизм кенг камровли оқимлардан бири, аммо мавҳум тушунча сифатида қаралади; барча санъат турлари, хусусан, шеърят, наср, драма, рассомчилик, муסיқа ва архитектурада устуворлик касб этади. Бадиий адабиётда қатъий белгиланган адабий қондалар, анъаналар ва меъёрлардан чекиниб, инсоннинг борликдаги ҳолати ва функциясига янгича қараш, шакл ва услубдаги тажрибалар мажмуидир. Хусусан, бадиий тилдан моҳирона фойдаланиш, умуман ўзига хос ёзиш ва яратишга оид масалаларни қамраб олади.

Ўзбек адабиётшунослигида ҳам “модернизм”нинг сифатлари ҳамда хусусиятлари ҳақида етарлича маълумотлар келтирилади. Айниқса, Д.Қуронов “модернизм”ни XIX аср охири – XX аср бошларида оммалашган термин, санъат ва адабиётда декадансдан кейин майдонга чиққан нореалистик оқимларнинг умумий номи сифатида тушунилишини қайд этади. [8;176] Адабиётшунос мазкур оқим тўсатдан пайдо бўлмагани, унинг куртаклари азалдан мавжуд бўлгани, модернизмни реалистик ва нореалистик йўналишлар орасидаги зиддиятнинг муайян ижтимоий-тарихий шароитда қуюклашиб, кескин намоён бўлиши, янгиланган назарий асосларга эга бўлиши ва оммалашishi сифатида қараш мумкинлигини таъкидлайди. Эътиборлиси шундаки, модернизм ижодий дастурлари ва ижод амалиёти жиҳатидан турли-туман адабий мактаб ва йўналишлар (экспрессионизм, импрессионизм, символизм, акмеизм ва б.) асосида вужудга келиб, умумий бир эстетик тизим ҳамда ижодий метод сифатида тушунилади. Гарчи мазкур йўналишлар ўзаро фарқлансада, уларнинг кесишадиган умумий нуқталари борки, ана шу ҳамоҳанглик модернизмнинг моҳияти десак, хато бўлмайди. Хусусан, **символизм**нинг инсоннинг ҳиссиёти, қалб кечинмалари, ботиний оламига чуқур кириб бориш; **абсурд**нинг сабаб-оқибат муносабатларини инкор қилиш; **импрессионизм**нинг лаҳзалик таассуротлар ҳамда ассоциацияланиш; **сюрреализм**нинг реаллик чегараларидан ташқаридаги моҳиятни, инсоннинг онг ости қатламларида яширин оламга қадар кириш; **акмеизм**нинг номукамал ҳаёт ҳодисаларини бадиий ўзгартиришга бўлган уриниш; **экспрессионизм**нинг нафақат воқелик, балки ижодкорнинг ҳам эмоционал ҳолати ифодаланиши сингари хусусиятлар модернизмда ўз аксини топди. Шунингдек, адабиётшунос “*ижодда субъективликнинг олдинги ўринга чиқарилиши, мантиқий билишдан интуитив билишнинг юқори қўйилиши*” [8; 177]; онг оқими, яъни қаҳрамон руҳий оламига кириб бориш – психиканинг тажриба, уюшма, хотира каби турли кўринишларини вербал қайд этиш; муаллифнинг хаёлот олами ҳамда гавдалантирилган воқеликнинг такрорланмас ҳодиса сифатида тушунилиши; маънавий, ахлоқий ва сиёсий чекловларсиз фикри ҳамда ҳис-туйғуларини ифодалай олиши ҳам модернизмнинг ўзига хослиги эканини қайд этади.

Юқорида келтирилган таърифлардан англашиладики, гарчи “модернизм” атамаси “янгилик” маъносини билдирса ҳам, унинг моҳиятини “янгича ёндашувлар мажмуи” деб тушуниш, воқеликни ифодалашда аввалдан мавжуд муносабатларнинг тизимлар умумлашмаси, бадиий адабиётда қаҳрамонлар тасвири ҳамда талқинида кўп қиррали назар сифатида қараш мақсадга мувофиқ саналади. Демак, оқимларнинг уйғун шакли деб санаш мумкин бўлган модернизмнинг замирида одам ва олам муносабатларининг моҳиятини теран англаш ётиши, шубҳасиз.

XX аср Америка адабиётида кескин аксини топди, бу бадиий асарлардаги реал ҳаёт тасвирида яққол намоён бўлди. Юқорида таъкидлаганимиздек, XIX асрда бошланган реалистик анъаналар XX асрда ҳам давом этди. Адиблар ижод намуналарида даврнинг эътиборга молик илмий ютуқлари билан бир қаторда, иқтисодий ва ижтимоий жабҳадаги, маънавий ва ахлоқий масалаларга диққатларини қаратишди. Бу эса, ўз навбатида, нафақат асарларнинг мавзуларида, балки ёзувчиларнинг услубида ҳам намоён бўлди. Ижодкорлар асрлар давомида шаклланган анъанавий адабий қадриятлардан бирмунча чекиниб, ҳаётни кенгроқ қамраб олишга, давр муаммоларига чуқурроқ сингиб боришга уринишди. Гарчи аср бошидан ўз устунлигини қўлдан бермаган реализм ҳамда натурализм оқимларининг таъсир кучида сусайиш сезилмаган бўлса ҳам, аммо асрнинг дастлабки ўн йиллигидан кейин уларнинг бошқа адабий оқимлар билан кесишуви, чатишиб кетиши, ўзаро сингиши сезила бошланди.

Натижалар ва таҳлил. Адабиётшунослар янги давр, янги кайфият туғилиши билан оҳори тўқилмаган жавобларга эҳтиёж сезилиши, аслида янги жавобнинг моҳияти эскирдан ҳеч фарқ қилмаслиги, жавобни ҳар бир давр ўз тушунчалари, белгилари билан безашини таъкидлашади [7; 142]. XX аср АҚШ адабиёти вакиллари ҳам тарихий воқеликга муносабатларини ифодалашга, фалсафий ҳамда диний негизлари жиҳатидан қамрашга ва изоҳлашга уринишди. Улар эндиликда шунчаки соф реалистик ёндашув билан қониқишмади, икки жаҳон урушлари, улардан илгари ва кейин бўлиб ўтган тинимсиз сиёсий аёвсиз урушлар ёзувчиларнинг инсон сифатида безовта қилишдан тўхтамаган ажралмас бир қисмларига айланди.

XX аср Америка адабиёти ривожининг асосларидан бири тарихий шарт-шароит экани юқорида санаб ўтилган омилар экани аёнлашади, дунё миқёсида шиддат билан ривожланаётган саноат ва иқтисоднинг, асоратли урушларнинг таъсири нафақат оддий инсонлар, балки миллатнинг пешқадами саналган ижод аҳлининг ҳам норозилигига сабаб бўлгани яққол кўриниб турибди. Яна бир жиҳат, шубҳасиз, жанг майдонларида, сарсон-саргардонлик йилларида орттирилган жароҳатлардир. Биринчи жаҳон уруши бошланганда, адабиёт дарғаларидан Эрнест Хемингуэй ўн олти, Жон Дос Пассос ўн саккиз, Эдвард Эстлин Каммингс йигирма, Уильям Фолкнер ўн етти ёшда эди. Уларнинг бари ҳали етарлича шахс сифатида Ватан, она диёр ҳақида фикрлари шаклланмай туриб, уруш кечаётган дахшатли ўчоқлари ваҳшатининг гувоҳи бўлишди. [1; 11] Малкольм Коули ўзининг “Exile’s Return: A Literary Odyssey of the 1920’s” асарида мазкур давр, адабий оқимлар, уларнинг тарихий асослари, XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида ижод қилган ҳамда юқорида аксарининг номлари қайд этилган ёзувчилар тақдири ва ижод йўлини ўзаро боғлаган уруш, ижод вакилларининг ҳолати, Гертруда Стайн уларни “йўқотилган авлод” вакиллари деб атаганига муносабатини бундай тасвирлайди: “Whatever the doctrines we adopted during our college years, whatever the illusions we had of growing toward culture and self-sufficiently, the same process of deracination was continuing for all of us.... Normally the deracination would have ended when we were graduated; outside in the practical world we should have been forced to acquire new roots in order to survive. But we weren’t destined to have the fate of the usual college generation, and instead of ceasing, the process would be intensified. Soon the war would be upon us; soon the winds would tear us up and send us rolling and drifting over the wind land.” [5; 36] Муаллиф таълим олган йилларида ўзлаштирган билимлари, ўзини идора қилиш ва маънавий-маданий тасаввурлар нечоғлик бўлмасин, сафдошларининг ҳаммасида бир хил денационация жараёни кечгани; яъни таълим даргоҳидан ташқарида тамоман ўзга олам уларни кутиб турганини таъкидлайди. Мазкур авлод вакиллари бу оламга мослашишга мажбур эдилар. Бутун авлод уруш сабабли ўз туғилиб ўсган юртидан бегона маконларда турфа воқеликнинг гувоҳи бўлишди. Яққол англашиладики, янги ҳаёт остонасида турган навқирон авлоднинг пок ва самимий туйғулари атрофда мавжуд иқтисодий, маънавий ҳамда мафкуравий таъсирлар остида тубдан ўзгарган, улар кўрган хавф ва зўравонликларни кескин тасвирлаш йўлидан борадиган ижод аҳли сифатида шаклланишди.

XX аср Америка адабиётининг бир қатор забардаст намояндалари насрга янги шакл ва мазмун бериш йўлида бирлашишди. Бу даврда яратилган асарларнинг қамрови ҳам анча кенгайгани диққатга сазовор. З.Фрейднинг таълимоти ва психологларнинг инсон ички кучи, иштиёқ ҳамда руҳий оламга оид қарашлари таъсири сезиларли даражада кўрина бошланди. Биринчи Жаҳон урушида қатнашиб, илк ҳаётий тажрибаларини уруш майдонларда ўтказган адабиёт вакиллари шу қадар катта масштабда асарлар яратишдики, натижада АҚШ миллий адабиётида тематик жиҳатдан бой ва кенг кўламли ҳикоя, қисса ва романлар вужудга келди. Айниқса, 1920-йилларда бу ривожланиш чўққисига чиқди. 1920-йилларни “The Jazz Age” (“Жазз Асри”) ёки “The Era of Wonderful Nonsense” (“Ажабланарли Абсурд Даври”) деб аташади. [1; 15] Ф.Л.Алленнинг “Only Yesterday” (1931), М.Салливаннинг “The Twenties” (1935), И.Клейтон, А.Клейтонларнинг “Books and Battles” (1937) асарларида бу ўн йилликнинг ижтимоий тарихи атрофлича тасвири ҳамда таҳлили келтирилади. Мазкур даврнинг бетакрор тасвири Ф.Скотт Фитцджералд насрий асарларида энг ёрқин аксини топди. Унинг биринчи романи “This Side of Paradise” (1920) унга етарли шухрат келтиргани боис ёзувчи Нью-Йоркга кўчиб ўтди ҳамда Жазз асри воқеликларини жиддий кузатувлар асосида ҳикоя, роман ва қиссаларида гавдалантирди. Адибнинг роман ва ҳикоялари бир неча характерли жиҳатларни қамраб олди: мустақил фикрлайдиган ва эркин аёллар, уларнинг жамиятдаги ўрни тасвири; муваффақиятга эришган бой инсонлар, ижтимоий мавқеъ ва инсоний фазилатлар таназзули; азалдан мавжуд ижтимоий ва иқтисодий анъаналарга янгича ёндашув; умуман олганда, мазкур авлод гувоҳи бўлган, маълум муддат асоратлари сабабли барқарор руҳий ҳолатга қайта олмаган психологик тарангликлар. Айниқса, “The Great Gatsby” (1925) 1920-йилларни энг тиниқ ижтимоий акс эттира олган ҳамда энг сара замонавий Америка романларидан бири бўлди. Унда муаллиф америкаликлар шахсиятига мулкнинг психологик таъсирини таҳлил қилди, ўта тежамкор услуби билан жамиятнинг чуқур қатламларига қадар тасвирда аниқликка эриша олди.

XX аср модерн адабиёти ривожиди Х.Л.Мэнкен ҳамда С.Льюисларнинг ижоди ўзига хос ўрин эгаллади. Ижоди Биринчи Жаҳон урушидан кейинги йилларга тўғри келган бу адиблар ҳам ўз замондошлари каби умидсизлик, лоқайдлик, хусусан, “Америка орзуси”га бўлган ишончсизликни тасвирлашди. С.Льюис ўзининг пародия, мимесис ва сатирик реализм борасидаги ўзига хос иқтидори билан миллат адабиётини янада бойитди. Ёзувчи сафдошлари каби ўзининг “Main Street” (1920), “Babbitt” (1922) сингари асарларида жамиятнинг ўрта қатлами вакилларининг муғамбирликлари

хамда иккиюзламачиликларини шафқатсиз сатира орқали танкид қилади. “Arrowsmith” (1925)да, эса, хатто фанда ҳам қабоҳат аралашгани қаламга олинади.

Шунингдек, бу даврда аёл ижодкорларнинг ҳам ижоди эътиборга молик. Э.Уортон ва Э.Глазгоуларнинг насрий ижод намуналарида мамлакатнинг шарқи ва жанубида содир бўлган ижтимоий ўзгаришлар киноя орқали тасвирланди. Гарчи Э.Уортон ижоди Х.Жеймс насрининг эстетик қуввати жиҳатидан сустроқ туюлса ҳам, аммо ҳар иккала носирлар асарларида жамиятнинг юқори қатламига мансуб қаҳрамонлар чизгиларида хоҳиш ва мақсад йўлида мослашувни мураккаблаштирадиган одоб-ахлоқ меъёрларининг такомиллашуви нақадар ўнғайсиз вазиятларни келтириб чиқаришини ифодалашди. “House of Mirth” (1905)да оналар ҳукмрон жамиятда қаҳрамон таназзули акс этирилса, “Ethan Frome” (1911) and “The Custom of the Country” (1913) ахлоқий меъёрларнинг шиддат билан суствлашувидан хавотири боис китобхонни огоҳликка чақиради, аммо “The Age of Innocence” (1920) Францияда, ватанидан узоқда яшаган йилларида яратилган бўлиб, ёзувчи ҳаётининг дастлабки йилларининг хавф-хатарларини гўзал дамлари билан бирга соғинч билан тасвирлайди. Э.Глазгоунинг энг сара “Barren Ground”, “The Romantic Comedies” (1926), “They Stooped to Folly” (1929) сингари ижод намуналари мазкур жараёнда янги мазмун ҳамда шакл касб этгани эътиборни тортади.

XX асрнинг биринчи ярмида Э.Хемингуэй нафақат Америка адабиётида, балки жаҳон адабиётида энг таниқли ёзувчилардан бирига айланди. Кўплаб ҳикоялар, бир қатор диққатга сазовор роман ва қиссалар муаллифининг ўз ёзиш қолипи мавжуд эди. 1940-1950-йилларда ўнлаб ижод вакиллари унинг бу услубини ўрганишга уринишди, аммо бесамар бўлди, чунки бу бадиий усул ва воситаларни бевосита Э.Хемингуэй ўзи яратгани туфайли, ўзгалар уларни тушуна олишмасди.[6;24] Биринчи Жаҳон уруши инсониятни ишончидан айирди, кундалик ҳаётни мазмунсиз қилиб, уни бўшлиқга айлантирди, шу жиҳатдан олиб қараганда услуб, яшаш тарзи аҳамият касб этдики, “йўқотилган авлод” вакиллари учун ҳам воқеликни ижодда тасвирлаш ҳаётларининг мазмунига айланди. Даврнинг парчаланган инсонлари типик тасвирини Э.Хемингуэйнинг “In Our Time” (1925) ҳикоясида Ник Адамс, “The Sun Also Rises” (1926) романида Жек Барнс ҳамда “A Farewell to Arms” (1929) романида лейтенант Фредерик Генри мисолида кўриш мумкин.

XX аср Америка шеърияти Э.Паунднинг “Make it new” (“Янгиланг”) деган чақириғи остида тубдан ўзгаришга юз тутди. Т.С.Элиот, Э.Паунд, Г.Стайн, Э.Э.Каммингс, М.Мур сингари модернист шоирларнинг шеърий асарлари туфайли Америка шеър санъати ўзгача моҳият ҳамда кўриниш касб этди. Айнан шу ижодкорларнинг XX аср модерн насрига ҳам ҳиссаси салмоқли бўлди. Т.С.Элиот, Г.Стайн ва бошқа намояндлар қўллаган бадиий усул ҳамда техникалар насрга ҳам кўчди. Коллаж, ассоциацияли фикрлаш, сўз ўйини ҳамда насрдаги дадил тажрибаларни романдаги модернизмнинг характерли жиҳатлари сифатида санаш мумкин.

Модернизмнинг ёрқин аксини Ж.Д.Пассоснинг “One Man’s Initiation” (1917), “Three Soldiers” (1921) ҳамда муваффақиятли “Manhattan Transfer” (1925) романларида кўриш мумкин [6; 31] “Three Soldiers” романи мавжуд анъаналарни давом эттиради, китобхон юксак қизиқиш билан уч қаҳрамоннинг саргузаштларини кузатади ва асар тасвирида мутаносиблик устунлиги сезилиб туради. Ж.Д.Пассоснинг уруш асоратлари ва ғайриинсонийликга нисбатан нафрати диққатни тортади, асарнинг тўлиқ ҳамда етарли баёнга эга сюжет воқеалари давомида ҳиссиётга берилувчан навкирон Гарвард битирувчисининг лоқайд инсонга айланишининг гувоҳи бўлиш мумкин. Асар ачинарли якун топади. Ёзувчи “Manhattan Transfer” романида ўзгача ёндашув, услубини кўрсата олди. “Three Soldiers” романи марказида уч қаҳрамон тақдири турса, “Manhattan Transfer”да деярли саккиз бош қаҳрамон ва олти ёрдамчи образлар тақдири асар марказини ташкил этади. Романда қаҳрамонлар ҳаётининг бир-бири билан моҳирона кесишуви эътиборни тортади, асар китобхонга услублар аралашмаси сифатида тортиқ қилинади. Воқеалар ўтмиш, ҳозир ва келажак билан боғлансада, асар замони 1920-йилларни қамраб олади.

Ж.Д.Пассоснинг энг муваффақиятли асари сифатида кейинчалик ёзувчи жамлаб, битта минг бетли китобга айлантирган, “The 42’nd Parallel” (1930), “1919” (1932), “The Big Money” (1936) романларини ўз ичига олган “U.S.A” трилогиясини санаш мумкин. Мазкур кенг қамровли трилогия Америка ҳаётини 1905-йилдан 1935-йилгача даврни тасвирлайди ва унда кўплаб муҳим тарихий қаҳрамонлар акс эттирилади. Бу романда ҳам образлар ҳаёти ўзаро кесишади. Асар қаҳрамонлари – саноатчилар, инкирозга учраган ва муваффақиятли тадбиркорлар, интилувчан актрисалар, жамоат ташкилотчилари, мухбирлар, матбаачилар, дайдилар, меҳнаткашлардан чикган лидерлар, хор кўшиқчилари, иш ташловчилардир. Асарда нафақат тўқима образлар, балки реал қаҳрамонлар ҳам мавжуд: социалист лидер ва беш марта президентликга номзоди қўйилган Ю.В.Дебс; селекционер ва боғбон Л.Бёрбанк; пўлат магнати Э.Карнеги; ака-ука Райтлар; архитектор Ф.Л.Райт; раққоса

И.Дункан; газета магнати У.Р.Херст; актёр Р.Валентино; автомобиль ишлаб чиқарувчи Г.Форд; президент Т.Рузвельт; шоир ва журналист Ж.Рид ва бошқалар. Ж.Д.Пассос ўзининг модернистик услубини реаллик ҳамда тўқима ҳаёт тасвири ўртасидаги кесишувни олиб ташлаганида намоён қилади, яъни бутунлай реал ҳаёт ёки тўлиқ тўқима ва ҳаммаси ўзаро боғлиқ. Бошқача айтганда, роман реал ҳаёт ҳамда муаллиф ижодий ҳаётининг аралашмасидан иборат.

Хулоса. XX аср Америка модернизмини тарихий шароит ҳамда ижтимоий муҳит вужудга келтирди. Мазкур жараёнда ёзувчилар янги услуб йўлидан бориб, шакл ҳамда мазмун жиҳатидан ўзига хос асарлар яратишди. Хусусан, носирлар Э.Хемингуэй, Ф.Скотт Фитцджералд, Х.Л.Мэнкен, С.Льюис, Э.Уортон, Э.Глазгоу, Ж.Д.Пассосларнинг ҳиссаси беқиёс бўлди. Улар қамрови кенг, услублар қоришмасидан иборат, сермазмун асарлари билан нафақат XX аср АҚШ, балки жаҳон адабиётида ўчмас из қолдиришди.

АДАБИЁТЛАР:

1. *Ahmed N.H.M. Techniques of Psychological Novel in 20th Century American Literature as Exemplified by the works of Henry James and William Faulkner. – A Thesis Submitted in Fulfillment of the Requirements for Ph.D. Degree in English Language (Literature), 2015. – P. 186.*

2. *Жаҳон адаблари адабиёт ҳақида. (Озод Шарафиддинов таржималари). – Т.: Маънавият, 2010. – Б. 392.*

3. *Каримов Х. Адабиёт назариясининг илмий асослари. – Т.: Янги нашр, 2010. – Б. 135.*

4. *Cuddon J.A. Dictionary of Literary Terms & Literary Theory. – E: Penguin Books, 1999. – P. 991.*

5. *Cowley M. Exile's Return: A Literary Odyssey of the 1920's. – N.Y.: Penguin books, 1976. – P.342.*

6. *Lathbury R. American Modernism (1910-1945). American literature in its historical, cultural, and social contexts. – N.Y.: Facts on File, 2006. – P.96.*

7. *Норматов У., Ҳамдам У. Дунёни янгича кўриш эҳтиёжи. - Жаҳон адабиёти, № 12, 2002. – Б. 206.*

8. *Қуронов Д. ва б. Адабиётшунослик лугати. – Т.: Академнашр, 2013. – Б. 408.*



Navoiy gulshani

“АЗАЛ ҲАМ СЕН, АБАД ҲАМ СЕН...”

Бекова Назора Жўраевна,

*Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти,
филология фанлари доктори (DSc)*

Асмои хусна - Оллоҳ таолонинг гўзал исмлариدير. Бу ҳақда Қуръони каримнинг бир қанча оятларида хабар берилган. «Аъроф» сурасининг 180-оятда шундай дейилади: «Оллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Уни ўша исмлар билан чорланг (ёд этинглар). Оллоҳ деб чорлангиз ёки Раҳмон деб чорлангиз, қандай чорласангизда (жоиздир). Зеро, У зотнинг гўзал исмлари бордир» [5, 107].

Ҳақнинг исм ва сифатлари чексиздир. Алишер Навоий ҳам ҳар бир ҳамд ғазалида Оллоҳнинг исм ва сифатларини тўлиқ санаб тугатиб бўлмаслигига ишора қилади. Чунки Ҳақни билиб бўлмайди.

Ваҳдат ул-вужуд таълимотининг асосий масаласи зот-сифат ва Аллоҳ–Олам муносабатидир. Алишер Навоийнинг ҳамд ғазаллари ваҳдат ул-вужуд таълимоти асосида талқин этилган. Ваҳдат ул-вужуд таълимоти орқали эса Инсон Аллоҳнинг буюклигини ва ўзининг ожизлигини идрок этади. Улуғ шоир баъзи ҳамд ғазалларида яширин ширкдан ҳақиқий тавҳидга эришишни, баъзиларида эса махлуқотга Ҳақнинг тажаллийлари сифатида раҳму шафқат билан муомала қилиш ва исму сифатларнинг мазҳари бўлган борлиқни, табиатни ўрганиш воситасида Аллоҳнинг мислсиз куч-қудратини ҳис қилиш, рухий-маънавий риёзат туфайли илоҳий сифатларга эга бўлиш каби ғояларни илгари суради.

Нақшбанд ҳазратлари айтганидек: «Тавҳид сиррига етса бўлур, маърифатнинг сиррига етиб бўлмас»[3, 264].

Оллоҳнинг биру борлигига, яккаю ёлғизлигига, азалий ва абадийлигига иймон келтириш тавҳиддир. Шунинг учун "Аллоҳнинг 99 исми бор", "Аллоҳнинг 1001 исми бор" деган фикрларни нисбий ҳукм сифатида қабул қилиш керак. Шунинг учун улуғ шоир ҳайрат мақоми ҳамдларида Оллоҳга ҳамд айта олмай, исм ва сифатларининг беҳад кўплигини кўриб, ҳайронликдан тили "гунгу лол" қолганлигидан ҳайратланади.

Демак, асмои хуснани ҳар ким ўз маърифий-рухий даражасига кўра идрок этади. Рухий-маънавий даража юксалиб борган сайин, киши Оллоҳнинг янги-янги исм ва сифатларини англайди. Қуръони каримда "асмои хусна"нинг мухтасар рўйхати ҳам мавжуд: ар-Раҳмон, ар-Раҳим, ал-Малик, ал-Қуддус, ал-Салим, ал-Мўъмин, ал-Азиз, ал-Холиқ, ал-Мусаввир [5, 406]. Асмои хусна пайғамбарлар томонидан кўйилган. "Исми Жалолни Одам алайҳиссалом, қавий, Азиз ва Маннонни Идрис алайҳиссалом кашф айлаганмиш", – дейилади "Тасаввуф сабоқлари" китобида [6, 109].

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, Биогеометрия соҳасидаги бу фанни ривожлантирувчи патентларни ишлаб чиққан машҳур олим, Шведсария университети доктори Ибраҳим Карим буюк бир кашфиёт қилди. Аллоҳ таолонинг гўзал исмларида буюк бир куч, қувват борлигини аниқлади. Улар инсон организмидаги кўзга кўринмас жараён орқали жудаям кўп касалликларни даволайди. У шуни кашф этдики, Аллоҳ таолонинг гўзал исмларида ҳар бири шундай кучга эгаки у инсон танасида иммун тизимини маълум бир аъзода янада яхшироқ ишлашга мажбур қилади. У резонанс – илми воситасида Аллоҳ таолонинг гўзал исмларида бирини тилга олиш биланок инсон организмида энергик оқимларни ҳаракатланишини яхшиланишини аниқлади. 3 йил машаққат ила тадқиқот қилиш натижасида у қуйидаги хулосага келди:

1. Қулоқ касалликлари учун

السَّمِيعِ Ас-Самииъ (ҳар бир нарсани эшитувчи) –211 марта.

2. Умуртқа поғоналари касаллиги

الْجَبَّارِ Ал-Жаббаар (олий қадар, улуғ, Унинг олдида ўзгалар ўзини хор тутади)

3. Соч касалликлари учун

- البَدِيْعُ Ал- Бадийъ (ўхшаши йўк нарсаларни келтирувчи) –117 марта.
4.Аъзолар мушаклари.
القوي Ал-Қовий (қувватли Зот) –147 марта.
5.Юрак мушаклари касалликлари
الرَّزَّاقُ Ар-Роззаак (кўплаб ризқ берувчи) –339 марта.
6.Артерия ва венадаги касалликлар
الجَبَّارُ Ал-Жаббаар (олий қадар, улуғ, Унинг олдида ўзгалар ўзини ҳор тутуди) –237 марта.
7.Бурун бўшлиғидаги касалликлар.
اللَطِيفُ Ал-Латиф (ўта лутф кўрсатувчи. Барча нарсаларнинг нозик ва дақиқ жойларигача билувчи) – 16 марта.
الغني Ал-Ғоний (Беҳожат. Унинг ҳеч ким ва ҳеч нарсага ҳожати тушмайди) – 1091 марта.
الرَّحِيمُ Ар-Роҳийм (латиф нематларни берувчи,қиёмат куни фақат мўминларга раҳм қилувчи) – 289 марта
8.Суяк касалликлари.
النَّافِعُ Ан-Наафиъ (манфаат берувчи) – 232 марта.
9.Тизза-бўғин касалликлари
الرَّءُوفُ Ар-Роууф (ўта шафқатли ва меҳрибон) 318 марта.
10.Юрак артерияси касалликлари
الْوَهَّابُ Ал-Ваҳхааб (кўплаб неъматларни беҳисоб берувчи зот)
11.Асаб касалликлари
المُغْنِيُ Ал-Муғний (ҳожатларни раво қилувчи) 1131 марта.
12. Бош касалликлари
الغني Ал-Ғоний (Беҳожат. Унинг ҳеч ким ва ҳеч нарсага ҳожати тушмайди) – 1091 марта.
13.Кўз касалликлари
النُّورُ Ан-Нуур (осмонлар ва ерни ёритувчи) – 287 марта.
البَصِيرُ Ал-Басийр (ҳар бир нарсани кўрувчи) – 333 марта.
الْوَهَّابُ Ал-Ваҳхааб (кўплаб неъматларни беҳисоб берувчи зот) 45март
14. Қалқонсимон без касаллиги
الجَبَّارُ Ал-Жаббаар (олий қадар, улуғ, Унинг олдида ўзгалар ўзини ҳор тутуди) – 237 марта.
15. Ошқозон касалликлари
الرَّزَّاقُ Ар-Роззаак (кўплаб ризқ берувчи) – 379 марта.
16. Буйрак касаллиги
الْحَيُّ Ал-Ҳай (азалий ва абадий барҳаёт) 49 марта.
17. Ичак касалликлари
الصَّبُّورُ Ас- Собуур (ўта сабрли) 329 марта.
18. Ошқозон ости беши (қанд) касалликлари
النَّارِيُّ Ал-Баари (йўқдан бор қилувчи) 245 марта.
19. Бачадон ва бефарзандлик касалликлари.
الْخَالِقُ Ал-Хоолик (Яратувчи) 762 марта
20. Ревматизм (бод)
المُهَيِّمُنُ Ал-Муҳаймин (назорат қилувчи) 176 марта.
21.Буқоқ беши
القوي Ал-Қовий (қувватли Зот) –147 марта.
22. Кўз-нерв касалликлари
الظَّاهِرُ Аз-Зоҳир (борлиги очиқ-ойдин) 1137 марта.
23.Юқори қон босими
الْحَافِضُ Ал-Хофиз (Пасайтирувчи) 1512 марта.
24. Бел касалликлари
الرَّافِعُ Ар-Роофиъ (Кўтарувчи) 283 марта.
25. Кўз капеляр касалликлари
المُنْتَعَالِيُ Ал-Мутааълий (нуқсонлардан пок зот) 572 марта.
26. Ҳалқали ичак касаллиги
الرَّءُوفُ Ар-Роууф (ўта меҳрибон) 318 марта.
27. Жигар касалликлари
النَّافِعُ Ан-Наафиъ (наф берувчи) 232 марта.
28.Простатит касаллиги
الرَّشِيدُ Ар- Рошийд (тўғри йўлга йўлловчи) 545 марта.

29. Аёл кишининг жинсий аъзосидаги ўсма киста (жировик, липома)

النَّافِعِ Ан-Наафиъ (наф берувчи) 232 марта.

30. Сийдик пуфаги (қовук) касалиги

الهَادِي -Ҳаадий (ҳидоят қилувчи) 51 марта.

31. Гуддасимон (Шишкавидная железа) без

الهَادِي -Ҳаадий (ҳидоят қилувчи) 51 марта.

32. Ўпка касалликлари

الرَّزَاقِ Ар-Роззақ (кўплаб ризқ берувчи) –339 марта.

Аллоҳнинг исм ва сифатларини айтиб, уни зикр этишнинг хосияти ҳақида шундай қудсий ҳадис бор: «Эй, одам боласи! Сен ғайримни унутган бир қиёфада Мени зикр этки, Мен ҳам сендаги хижобни қолдирмоқ сувратила сени зикр этаман. Қалбингла зикр этсанг, сени ликом (Аллоҳга етишиш) ила зикр этаман» [2, 35]. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий деярли ҳар бир ҳамд ғазалининг мактаида Оллоҳ ҳамдини фақат тилда юзаки макташни эмас, балки Уни бевосита таниш иштиёқидан туғилган кўнгил зикрини, сидқидил имонни улуғлайди ва «ҳамд боғи»да «булбулигўё каби нағмасарой» бўлишни орзу қилади. Шоир мазкур йўналишдаги ғазалларда ҳам Қуръони Карим ғояларига ишора қилади. **Фикримизнинг далили сифатида шундай ғазаллардан бирини таҳлил қиламиз:**

Не сунъунгдан ажаб юз минг жаҳон бўлмоқ яна пайдо,

Не мулкунгга халал юз минг жаҳондек бўлса нопаидо.

Не поёни жалолу кибриёдурким тафовут йўқ,

Агар юз минг жаҳондек бўлса нопаидо ва ё пайдо [4, 8].

Шоирнинг фикрича, Оллоҳ яна юз минг жаҳонни яратишга кодир. Унинг хазинаси шу қадар бемислу беҳисобки, юз минг жаҳон йўқолса, пинҳон бўлса ҳам, унинг мулкига халал бермайди. Мазкур байтда Ҳақнинг мўъжизавий яратувчанлик қудрати ва Ал-Фонийй (жуда бадавлат ва ҳар кимсадан мустағи), Ал-Бадиъ (мислсиз нарсаларни яратувчи), Малик ул-мулк (мулкнинг абадий соҳиби), Ал-Барр (Эҳсон этувчи), Зул жалали вал икром (жалолу кибриё, буюклик, фазлу карам соҳиби) каби сифатлари улуғланган.

Иккинчи байтда эса Қуръоний ғоя тафсир қилинган («Жосия» сураси 27-ояти): «Ва лахул кибриёу фис самовоти вал арз. Вал хувал азизул ҳақим» [1, 537]. Худонинг жалол сифати эса «Раҳмон» сураси 78-оятда берилган: «Ва ябко важху раббика зулжалоли вал икром».

Азал ҳам сен, абад ҳам сен, не аввал бирла охирким,

Анга йўқ ибтидо пайдо, мунга йўқ интиҳо пайдо.

Парвардигори каримнинг айни сифатлари “Ҳадид” сурасининг 3-оятда келган: “Хувал аввалу вал охиру ваз зохиру вал ботин. Ва хува бикулли шайъин алийм”.

Қуръоннинг ўзбек тилидаги мазмунини берган Алоуддин Мансур ўша ояти каримани қуйидагича шарҳлайди: «Ушбу ояти каримада ҳар бир мўмин Оллоҳ таолонинг бор ва бирлигига имон келтириш билан бирга эътиқод қилиши лозим бўлган тўрт илоҳий сифати баён этилди: Оллоҳ аввалдир, яъни У азалий зот бўлиб, Ундан аввал бирон замон ўтган эмас; Оллоҳ охирдир, яъни у абадий-мангу зот бўлиб, барча нарса йўқ бўлур, лекин унинг интиҳоси йўқдир, Оллоҳ зоҳирдир, яъни коинотдаги ҳар бир нарса Унинг борлигига очиқ-зоҳир далолат қилиб туради; Оллоҳ ботин-махфийдир, яъни Унинг зотини кўз билан идрок этиб бўлмас ва Унинг моҳият-ҳақиқатига ақл билан етиб бўлмас». Алишер Навоий “Ғаройиб ус-сиғар” девонининг 5, “Наводир уш-шабоб”нинг 3-, 4-, 364-ғазаллари ҳам Оллоҳнинг ана ўша сифатлари таърифига бағишлангандир.

Бу орқали шоир Оллоҳнинг ҳамиша тирик ва абадийлигини таъкидлаган. Ҳақнинг бу улуг сифатлари ҳақида эса «Бақара» (255-оят), «Фурқон» (58-оят), «Қасас» (88-оят), «Ар-раҳмон» (27-оят), «Тоҳо» (7-8-оят), «Наҳл» (19, 23-оят), «Ҳашр» (22-24-оят) сураларида ҳам гувоҳлик берилган.

Фалак ҳам ожиз, ахтар ҳам забун сайру сукун ичра

Ки сендиндур не бўлса анжуму афлок аро пайдо.

Бутун «анжуму афлок» Ҳақнинг қонуниятига бўйсунди ва у белгилаган қатъий чегара доирасида ҳаракат қилади. «Худонинг қудрати олдида фалак ҳам», «ахтар ҳам забун»,-дейиш орқали шоир осмон жисмлари сиру синоати ва уларнинг ҳаракат чегараси, яратилиш сабабларига ҳам ишора қилган. «Фуссилат» (53-оят), «Ваз-зориёт» (20-21-оят), «Наҳл» (12, 16-оят), «Раҳмон» (6-оят), «Анъон» (97-оят), «Аъроф» (54-оят), «Ҳаж» (18-оят), «Соффот» (88-оят), “Тур” (49-оят), “Воқеа” (75-оят), “Мурсалот” (8-оят), «Таквир» (2-оят), «Анбиё» (33-оят), «Ёсин» (40-оят) оятларида эса Ҳақнинг сиру синоати ишончли далиллар орқали асосланган. Шоир бу асослар орқали Оллоҳнинг Ан-Нур (оламларни нурлантирувчи), Ал-Муҳсий (зарралардан курраларга қадар ҳар нарсанинг ҳисобини билгувчи), Ал-Ҳолик (коинотни яратувчи ва бор этувчи) сифатларига ҳам ишора қилган.

Нечаким баҳр ила кон бўлса сендин тарбият етмай,

Эмастур мумкин ўлмоқ дурру лаъли бебаҳо пайдо.

«Баҳр»даги бебаҳо «дурру лаъли»–барча-барчаси Ҳақнинг беқиёс кудрати ва санъаткорлигидан далолат беради.

Дарё, денгиз, унинг бағридаги дафиналар ва улар фақат Оллоҳнинг кудратига бўйсунуши ҳақида Илоҳий китоб ўз ояти карималарида гувоҳлик беради: «Бақара» (20, 106, 109, 148, 259, 284-оят), «Оли имрон» (26, 28, 189-оят), «Нисо» (133, 149-оят), «Моида» (17, 19, 40, 120-оят), «Анъом» (17, 37, 65-оят), «Анфол» (41-оят), «Тавба» (39-оят), «Худ» (4-оят), «Наҳл» (45-оят), «Фурқон» (54-оят), «Анкабут» (20-оят), «Рум» (54-оят), «Фотир» (1, 2-оят), «Ёсин» (81-оят), «Шўро» (9, 19, 50-оят), «Ахкоф» (33-оят), «Фатҳ» (21-оят), «Мулк» (1-оят), «Маориж» (40-оят), «Қиёмат» (4, 40-оят), «Мурсалот» (23-оят), «Торик» (8-оят).

Чу баҳри раҳматинг мавж урса, пайдо бўлмағай хасча,

Неча журм аҳлидинким бўлса юз кўҳи хато пайдо.

Оллоҳнинг қаҳру лутфининг сири фақат ўзигагина аён. Бизнинг наздимизда гуноҳкор бўлган кишини У ўз раҳматига олиши мумкин ва акчсинча умрини тоат-ибодат билан ўтказганлар Унинг қаҳридан эмин бўлолмастлиги мумкин. Чунки исломий ақидага кўра, Аллоҳ таолонинг илми, кудрати, иродаси, эшитиши, кўриши ва Унинг гапи махлуқотларининг сифатларига ўхшамайди ва ҳар бир мусулмон бунга эътиқод қилиши керак. Шоирнинг фикрича ҳам, Оллоҳнинг назаридан ҳеч нарса пинҳон қолмайди, У ҳамма нарсани билгувчидир. Мазкур байт орқали Оллоҳнинг Ал-Алим (барча нарсани билгувчи), Басир (ҳамма нарсани кўрувчи), Сомеъ (ҳамма нарса эшитувчи) каби сифатлари мадҳ этилган. Унинг бу сифатлари эса Қуръони Каримнинг куйидаги оятларида васф этилган.

Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчи: «Бақара» (29, 33, 231, 255, 282-оят), «Оли имрон» (29-оят), «Моида» (7, 99-оят), «Анъом» (3, 73-оят), Худ (5-оят), Раъд (8, 10-оят), Мўминун (92-оят), “Қасас” (69-оят), “Анкабут” (45, 52-оят). Оллоҳ ҳамма нарсани кўрувчи (Басир): «Бақара» (96, 110, 233, 237-оят), “Оли имрон” (15, 20-оят), “Нисо” (58, 134-оят), “Ал-Исро” (1, 17, 30, 96-оят), “Ҳаж” (61, 75-оят), “Сабаъ” (11-оят), “Фотир” (31, 45-оят), “Ғофир” (20, 44, 56-оят), “Ҳадид” (4-оят), «Мужодала» (1-оят), «Мулк» (19-оят), “Иншиқоқ” (15-оят).

Аллоҳ ҳамма нарса эшитувчи (Сомеъ): «Бақара» (127, 137, 181, 224, 227, 244, 256-оят), “Оли имрон” (34, 35, 38, 121-оят), “Нисо” (58, 134, 148-оят), “Анъом” (13, 115-оят), “Аъроф” (200-оят), “Анфол” (61-оят), “Фуссилот” (36-оят), “Мужоқала” (1-оят).

Навоийнинг тилин шукрунгга гўё айлаким, бўлғай

Анга ҳамдинг гулистонида ҳар дам юз наво пайдо.

Шоир мақтада сидқидил иймонни, банданинг чин кўнгилдан қилган зикрини улуғлайди ва Унинг «ҳамди гулистонида» «ҳардам юз наво пайдо» билишини истайди, яъни Ҳақнинг исм ва сифатларини қалбан ҳис қилиб, илҳому завқ ила Уни таниш руҳан юксалишнинг асоси эканлигини таъкидлайди.

Кўринадики, бу ғазалда Оллоҳнинг бир нечта исм ва сифатлари улуғланган. Ғазалда ифодаланган ғоянинг асосий илдизи эса Қуръони Карим, Ҳадиси шариф ва ақоиди исломиядир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ал-Қуронул Карим. Мадинаи Мунаввара: Мужаммаъ ал-малий Фаҳд ли тибоати мусҳафи Шариф, 1985.
2. Асма-и ҳусна. –Тошкент: Камалак, 1991.
3. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 17-том.-Тошкент: Фан, 2001.
4. Навоий Алишер. МАТ. 20 томлик. 5-том.-Тошкент: Фан, 1990.
5. Қуръони Карим (таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). –Тошкент: Чўлпон, 1992.
6. Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. -Бухоро: Бухоро Давлат университети, 2000.

A CASE STUDY ON INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND TECHNOLOGICAL COOPERATION BETWEEN CHINA AND UZBEKISTAN**Zang Hongyan,**

*Director of Center for Science and Technology Diplomacy Research,
School of Politics and International Relations, Lanzhou University; PhD Candidate,
the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
zanghongyan@vip.163.com*

Abstract:

Introduction. Using case studies of bilateral collaboration between China and Uzbekistan, this study illustrates how political, financial, economic, and cultural connections relate to each of these cooperation priorities. The researcher, who also identified any shared interests and potential future chances for bilateral cooperation between the target countries, assessed each cooperative agreement. This article is devoted to a case study on international scientific and technological cooperation between China and Uzbekistan.

Research methods. The terms of technology, the meaning of terms, the essence of international scientific and technological cooperation, technical regulations, all regulations include requirements for labelling and mandatory - methods of control (tests) and provisions governing the implementation of state control.

Results and discussion. In China, the form of the certificate of conformity established by for carrying out certification "CCC-mark". Contents of all studied forms of certificates of conformity are almost similar: they identify the name and brand (type) of products, name and address of the applicant and manufacturer; designation standard, and compliance with which is confirmed by a certificate.

The certificate of conformity used in Uzbekistan contains also information about the certification scheme and the period of the inspection control of certified products, as well as information about the evidence compliance, based on which the decision on compliance is made.

An analysis of the above agreements showed that ten of them include independent provisions on technical barriers to trade and/or sanitary and phytosanitary measures which, in their turn, establish the intentions of the parties to accept and/or recognize results of conformity assessment procedures. The nine agreements include provisions, which, among other things, include questions on technical barriers to trade and/or sanitary and phytosanitary measures, and mutual acceptance and/or recognition of the conformity assessment results.

Conclusion. Agreement provisions relating to non-tariff measures regulations, in most cases provide for:

- interaction between the regulatory authorities of countries on issues of information exchange (including those related to technical regulations, standards, conformity assessment procedures);
- ensuring transparency and not taking measures if they entail creates unreasonable additional barriers to mutual trade between countries;
- use of international standards and guidelines for assessment compliance as a basis for the development of national technical rules;
- the possibility of developing agreements on mutual recognition and other technical cooperation to facilitate market access each of the countries.

Preferential agreements concluded by the Republic Uzbekistan with third countries are absent. Currently between the governments of Uzbekistan and Turkey are negotiating the terms signing of a bilateral agreement on preferential trade in order to expansion of bilateral trade and economic cooperation.

Key words: cooperation, scientific cooperation, technological cooperation, agreements.

Introduction. Especially in the 21st century, knowledge is an important force driving economic development. However, knowledge is only created through well-educated people. In the era of knowledge-based economy, higher education is an important place for the country to train talents and has a profound impact on various fields such as economy, politics, society, culture, and national security. If education thrives, then the country thrives. If education is strong, the country is strong. Education is an important form of social production. If education does not flourish, social production will struggle, economic development will be difficult, and a chain reaction of systems will result.

The country will enter a vicious circle. So, the proliferation of old and new problems will inevitably leave the government overwhelmed and in a permanent quandary. The development of people-centred higher

It should be noted that such functions of the certification body (defined by the Product Certification Rules, approved by order of the Agency "Uzstandard" dated February 25, 2005 No. #59) contradict the provisions of the international standard MS ISO 17065 "Assessment compliance. General requirements for product certification bodies, processes and services.

In China, the form of the certificate of conformity established by for carrying out certification "CCC-mark" (Figure 1). Contents of all studied forms of certificates of conformity are almost similar: they identify the name and brand (type) of products, name and address of the applicant and manufacturer; designation standard, and compliance with which is confirmed by a certificate.

The certificate of conformity used in Uzbekistan contains also information about the certification scheme and the period of the inspection control of certified products, as well as information about the evidence compliance, based on which the decision on compliance is made.

As part of the Digital Silk Road, Beijing focuses on cooperation with Uzbekistan and Kazakhstan, which is noticeable in the number of joint ICT projects carried out by them. Kyrgyzstan and Tajikistan attract China mainly as transit countries, but Chinese technology corporations are also leading the way there, participating in the creation of "smart cities" and the deployment of telecommunications networks for the new generation.

Currently, in the People's Republic of China (PRC, China), there are more than ten free trade agreements, including themselves provisions on trade facilitation, which, inter alia, include the removal and/or avoidance of unnecessary technical barriers to trade.

The purpose of the study is to explore the best solutions to the difficulties of higher education, and then to better strengthen the foundation of national cultural soft power, so as to help cultural diplomacy. Therefore, through the analysis, it is recognized that the development of higher education should adhere to people-centered thinking, promote educational equity, build high-quality higher education, and moderately promote the marketization of higher education, mastering the relationship between government regulation, market allocation and schools.

In accordance with the objectives defined in the agreements, the parties should strive to strengthen economic cooperation, diversify trade, remove barriers to trade, and simplification of procedures for the cross-border movement of goods.

An analysis of the above agreements showed that ten of them include independent provisions on technical barriers to trade and/or sanitary and phytosanitary measures which, in their turn, establish the intentions of the parties to accept and/or recognize results of conformity assessment procedures. The nine agreements include provisions, which, among other things, include questions on technical barriers to trade and/or sanitary and phytosanitary measures, and mutual acceptance and/or recognition of the conformity assessment results.

Discussion. In general, all agreements are of a framework nature, apply and/or incorporate the provisions of the WTO agreements on technical barriers into trade and on the application of sanitary and phytosanitary measures, as well as establish the intentions of the parties to strive for simplification of procedures mutual trade through the use of mechanisms, including such as elimination of unnecessary technical barriers to trade, exchange relevant information, application of relevant international standards, ensuring transparency, and not the application of measures that entail unreasonable unnecessary barriers in mutual trade.

The Republic of Uzbekistan has about 40 agreements concluded with various countries, and concerning issues of cooperation in the field of standardization, metrology and certification. Among them:

- 12 interdepartmental agreements on cooperation in the field of standardization, certification, accreditation and conformity assessment (Spain, China, Slovakia, Afghanistan, Great Britain, Greece, Poland, Singapore, France, Germany, Hungary, Czech Republic);
- 1 intergovernmental agreement on cooperation in trade, economic, scientific and technical spheres (Kuwait);
- 10 intergovernmental agreements on cooperation in the areas of standardization, metrology and certification (Azerbaijan, Republic of Belarus, Georgia, Kyrgyz Republic, Latvia, Lithuania, Moldova, RF, Turkmenistan, Ukraine);
- 1 intergovernmental agreement on holding coordinated policies in the field of standardization, metrology and certification CIS countries;
- 1 intergovernmental agreement on mutual recognition test results in order to approve the type of metrological certification, verification and calibration of measuring instruments (CIS countries);
- 9 memorandums of understanding (Egypt, India, Vietnam, Indonesia, Iran, Republic of Korea, Hungary, Kazakhstan, Turkey);

ECONOMICS

- 1 intergovernmental agreement on exemption from payment customs duties, taxes and issuance of special permits (between CIS countries);
- 2 free trade agreements (Kazakhstan, Ukraine);
- 1 interdepartmental protocol on cooperation in the field of technical regulation (Turkey).

The main objectives of the above agreements are elimination of technical barriers in economic and trade relations, ensuring compatibility, interchangeability of products between countries, promoting the development and strengthening of the economic cooperation, laying the foundation and developing appropriate measures for closer cooperation in mutually beneficial areas, minimization and removing barriers to trade.

The analysis of the above documents showed that the indicated agreements are of a framework nature, citing the provisions of the WTO Agreement on TBT, and do not contain specific mechanisms and conditions for eliminating technical barriers to trade. Mechanisms for recognition of evaluation results these agreements do not match.

Conclusion. Agreement provisions relating to non-tariff measures regulations, in most cases provide for:

- interaction between the regulatory authorities of countries on issues of information exchange (including those related to technical regulations, standards, conformity assessment procedures);
- ensuring transparency and not taking measures if they entail creates unreasonable additional barriers to mutual trade between countries;
- use of international standards and guidelines for assessment compliance as a basis for the development of national technical rules;
- the possibility of developing agreements on mutual recognition and other technical cooperation to facilitate market access each of the countries.

Preferential agreements concluded by the Republic Uzbekistan with third countries are absent. Currently between the governments of Uzbekistan and Turkey are negotiating the terms signing of a bilateral agreement on preferential trade in order to expansion of bilateral trade and economic cooperation.

REFERENCES:

1. Alzghool M. (2019). *China's "Belt and Road" Initiative and its impact on the global economy*. Retrieved May 05, 2020.
2. Aripov E. (2019, November 18). *Development Strategy Center*. Retrieved from <https://strategy.uz/index.php?news=693&lang=en>
3. Buranelli F. C. (2018, January). *One Belt, One Road and Central Asia: Challenges and Opportunities*. In S. L.
4. Cheng (Ed.), *The Beelt and Road Initiative in the Global Arena: Chinese and Europwan Perspective* (pp. 207-230).
5. Dadabaev T. (2018, July/August). *The Chinese Economic Pivot in Central Asia and Its Implications for the Post-Karimov Re-emergence of Uzbekistan*. *Asian Survey*, 58, P.754-769.
6. Wen Wen, Wang songdi, Wang Lizhou: *American higher education crisis and its development trend under the epidemic, educational research of TsinghuaUniversity*, Vol. 42, No. 4, August 2021.
7. *Zhong jingxun: Institutional stratification and student isolation: an analysis of inequality in American higher education, higher education research*, March 2012, Vol. 33, No. 3.
8. *Iran is a key access point to the Middle East*. *South China Morning Post*.
9. *Kazakhstan-Kyrgyzstan Row: A Spat Between Friends Or A Parting Of Ways?*
10. *Kyrgyzstan to plug Silk Route gap*. *Railway Gazette*.
11. *Can China Fix Central Asia's Soviet Rail Legacy?* *The Diplomat*.
12. *Controversial Railway Projects in Kyrgyzstan and Mongolia*. *Eurasia Daily Monitor*.
13. Devonshire C. *Uzbekistan Looks To China's Belt & Road And Pakistan's CPEC To Connect Through To Gwadar & Karachi Ports // Silk Road Briefing*. 2020. May, 12. URL: <https://www.silkroadbriefing.com/news/2020/05/12/uzbekistan-looks-chinas-belt-road-pakistans-cpec-connect-gwadar-karachi-ports/>
14. HofmanI. *Politics or profits along the "Silk Road": what drives Chinese farms in Tajikistan and helps them thrive?* // *Eurasian Geography and Economics*. 2016. No. 57. Issue 3.
15. Işık A.F. *Iron Silk Road: Turkey-China ties grow stronger* // *Daily Sabah*. 2020. December, 29.

16. Jardine B. *China's Surveillance State Has Eyes on Central Asia* // *Foreign Policy*. 2019. November, 15. URL: <https://foreignpolicy.com/2019/11/15/huawei-xinjiang-kazakhstan-uzbekistan-china-surveillance-state-eyes-central-asia/>
17. Lin L. *A State Visit by Kazakhstan's President Demonstrates China's Increasing Influence in Central Asia* // *The Jamestown Foundation*. 2019. November, 19.
18. Sciorati J. *Central Asia: One of China's Favourite Peripheries* // *Italian Institute for International Political Studies*. 2019. October, 3.
19. Shakhanova G. *Central Asia and the Belt and Road Initiative: Inside Out Reflections and Restrained Optimism from Kazakhstan* // *CEIAS – Central European Institute of Asian Studies*. 2019. June, 10.
20. *Summary of Imports and Exports (In USD) B: Monthly* // *General Administration of Customs of PRC*. 2021. January, 18
21. “一带一路”圈粉中亚，收获清单一览. 乌国商务资讯.
URL: <http://www.zykjfwz.com/index.php?m=content&c=index&a=show&catid=849&id=2090>. 2019.12.17
22. “一带一路”给中亚带来了什么. 人民画报.
URL: http://www.rmhb.com.cn/zt/ydyl/201811/t20181113_800147954.html. 2018.11.13
23. “中国+中亚五国”外长视频会议联合声明. 新华社
URL: <https://baijiahao.baidu.com/s?id=1672390277798120921&wfr=spider&for=pc..> 2020.7.17
24. [US] Robert M. Hutchins: *American Higher Education* [M], Zhejiang University Press, December 2002.
25. Wen Wen: *American higher education crisis and its development trend under the epidemic* [J], *educational research of Tsinghua University*, August 2021.
26. Chen Bin: *The Swinging Pendulum_Distress and Choice in the Development of Higher Education in the United States - Reflections Based on the Study of For-Profit Universities in the United States* [J], *Educational Development Research*, Vol. 13, 2020.

XX АСРНИНГ 30-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИНИНГ ҚАТАҒОН ЭТИЛИШИ

*Рашидов Ойбек Расулович,
Бухоро давлат университети
доценти, т.ф.д (DSc)*

Аннотация: Мазкур мақолада большевикларнинг ўзбек зиёлиларига қарши мафкуравий кураши ва қатагонлик сиёсати масалалари ёритилган. Муаллиф томонидан диний уламолар, эски мактаб ўқитувчилари ва мударрис домлалар большевиклар томонидан “диний хурофотчи” деб номланиши ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинган. Шунингдек, уларни обрўсизлантирилиши, сохта айблар билан айбланиши ҳамда совет ҳуқуқ тартибот органларининг кучли босимлари остида қолганлигига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: инқилоб, совет, большевик, партия, миллий зиёлилар, совет зиёлилари, мафкура, комсомол, коммунизм.

Аннотация: В данной статье освещена идеологическая борьба большевиков против системы образования и интеллигенции в Узбекистане. Автор анализирует сведения о том, что религиозоведы, учителя старой школы и учителя медресе были названы большевиками “религиозными суевериями”. Также обращалось внимание на то, что они были дискредитированы, ложно обвинены и подвергались сильному давлению со стороны советских правоохранительных органов.

Ключевые слова: революция, советская, большевик, партия, национальная интеллигенция, советская интеллигенция, идеология, комсомол, коммунизм.

Abstract. This article deals with the ideological struggle of the Bolsheviks against the education system and intellectuals in Uzbekistan. The author analyzes the information that religious scholars, old school teachers and teachers were called “religious superstitious” by the Bolsheviks. It also draws attention to the fact that they were discredited, falsely accused, and subjected to strong pressure from Soviet law enforcement.

Keywords: Revolution, Soviet, Bolshevik, party, national intelligentsia, Soviet intelligentsia, ideology, Komsomol, communism.

Кириш. XX асрнинг 30-йилларида Ўзбекистонда миллий зиёлиларни миллатчиликда айблаш кескин авж олди. Ҳолбуки, миллатчиликнинг аниқ чегаралари мавжуд, уни вужудга келтирадиган шарт-шароитлар бор эди. Миллатчилик сиёсий оқим бўлиб, бир миллат иккинчисини тобе қилиб олганда, унинг устида ҳукмбардорлик қилган шароитда туғилади. Миллатчилик ҳукмрон халқнинг шовинистик сиёсатига қарши мазлум халқнинг акс реакцияси сифатида туғилади. Шундай қилиб, миллатчилик билан шовинизм эгиз оғайни, бир дарахтнинг икки шохидир. Ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ, ўз-ўзича, бесабаб пайдо бўладиган миллатчиликни тасаввур қилиб бўлмайди. Миллатчиликнинг моҳияти шуки, унда муқаррар тарзда бир халқ бошқа бир халққа қарама-қарши қўйилади, бир халқни камситиш ва таҳқирлаш эвазига бошқа халқ кўқларга кўтарилиб мақталади, ҳатто унинг ирқий устунликлари ва бошқа афзалликлари ҳақида сафсата сотилади[1]. Миллий зиёлилар ижодида ўзбек халқини идеаллаштириш, уни бошқа халқлардан устун қўйиш учрамайди. Шунинг учун қатъий айтиш мумкинки, миллатчилик миллий зиёлилар ижодининг моҳиятини, асосий ғоявий йўналишини ташкил қилмайди. Шу ўринда зиёлилар ижодида миллатни севиш, уни эркин ва бахтиёр кўриш ғоялари илгари сурилган.

Асосий қисм. Қатагонлик сиёсатининг шафқатсиз даври, яъни катта тўлқини 1937–1938 йилларда содир этилган бўлиб, бу унутилмас жиноят тарихий адабиётларда “катта террор” ёки “Сталин таъқиблари” деб юритилади. Бу даврга келиб иттифоқдош республикалар сингари Ўзбекистон ҳам сиёсий қатагоннинг энг юқори босқичи – мудҳиш фожиаларни бошидан кечирди. Республика жамиятнинг ҳамма табақаларига ёйилган ҳибсга олиш тўлқини остида қолди. Давлат арбоблари, олимлар, муҳандислар, шоиру ёзувчилар, маорифчилар, санъаткорлар, журналистлар, ҳаттоки ишчи ва деҳқонлар ҳам таъқиб остига олинди ва қатагон қилинди. Ғоясига кўра социализмда ҳам, коммунизмда ҳам қамоқхона бўлмаслиги керак эди [2]. Бироқ социализм жамиятида сургун, қийноқ ва қатагонлар авж олдирилди. Қатагон қурбонлари тушунчаси тарихчи олим Р.Шамсуддинов томонидан “коммунизм қурбонлари” сифатида ҳам талқин қилинади.

Сталин қатағонларининг кенг қулоқ ёйишига қуйидаги омиллар сабаб бўлган:

- эркин фикрлилар пайдо бўлиб, ҳокимиятни қўлга олганларнинг “инқилоб” деб атаганлари “давлат тўнтариши” эканлигини пайқаб қолишга йўл қўймаслик;
- мулоҳаза қилмасдан, бетиним ишлайдиган ва қулдек муте бўлган тоифа аҳолини шакллантириб бориш;
- халқ орасида обрўли, таникли йўлбошчилар–лидерлар бўлмаслигига эришиш;
- халқни қўрқувда ушлаб туриш эвазига иродасини синдириш ва оддий бўйсунувчиларга айлантириб, уларни бошқаришни осонлаштириш [3].

Совет давлатида сиёсий вазият йил сайин мураккаблашиб, яқка партия ҳукмронлигининг мустақамланишига олиб келди. Шу аснода большевиклар мафкуравий курашидаги принципларда кескин бурилиш ясаб, қизил террор томонга ўтдилар. И.В.Сталин 1937 йил мартада ВКП (б) Марказий Комитетида “Партиявий ишдаги камчиликлар ҳақида троцкийчилар ва бошқа иккиюзламачиларни йўқотиш тадбирлари тўғрисида” нутқ сўзлаб, синфий курашнинг тобора кескинлашиши ҳақида “илмий назария”ни қиёмга етказди. “Иккиюзламачилар” деб, у Бухарин, Риков, Томскийни кўзда тутганлигини эса барча яхши тушунарди[4].

1936 йилнинг 19–24 август кунлари Москвада “Троцкий – Зиновевчилар” деб аталган 16 киши устидан суд бўлиб ўтади ва уларнинг барчаси ўлим жазосига маҳкум этилган эди. Улар орасида Зиновев, Каменев, Смирнов, Бакаев ва бошқалар каби Октябрь инқилобининг машҳур сиймолари бўлган. Зиновев билан Каменев Лениннинг энг яқин сафдошлари бўлган. Ленин большевик партиясини улар билан биргаликда қурган ва Октябрь инқилобини ҳам улар билан бирга ҳозирлаган эди. Улар “Ленин сиёсий бюроси” (яъни бутун ҳокимиятни қўлида тутган муассасанинг – диссертант) аъзолари эдилар. Бу бюрога улардан бошқа Лениннинг ўзи, Троцкий, Томский, Риков, Бухарин ҳамда Сталин аъзо эдилар. Ленин 12 йил олдин вафот этган бўлса, Троцкий 10 йилдан бери сургунда бўлиб, мамлакатни тарк этган эди. Зиновев ва Бухарин “Троцкий – Зиновевчиликда”, яъни ғарб билан боғланишда айбланадилар. Шу аснода Ленин билан биргаликда большевиклар партиясини тузган мафкурачилардан ёлғиз Сталин қолади [5].

Троцкийчи-Зиновевчилар “виждонсиз ёлғончилар”, “олчоқлар”, “халқ душманлари”, “тескаричилар”, “фашизм итлари”, “провакаторлар” деб аталди. Шундай қилиб, Сталин режими “Буюк октябрь”ни туғдирувчи “қизил инқилоб оталари” Зиновев, Каменев ва бошқаларни “фашизм итлари”, “бандитлар” деб атади ва уларни жисмонан йўқ қилди [6]. Энди навбат уларнинг “думлари”ни йўқотиш кераклиги айтилиб, миллий республикалардаги кадрлар, зиёлиларга қарши жинорий ишлар очилиб, тергов ва қатағонлик авж олдирилди.

1937 йил 5 июлдан бошлаб Бутуниттифоқ Коммунистик партиясини Марказий Комитети Сиёсий бюросида “антисовет элементларни текшириш бўйича учликлар” таркиби муҳокама қилина бошлади. Шу куни Ўзбекистон ССР бўйича Икромов, Болтабоев, Загвоздиндан иборат “учлик” таркиби тасдиқланди. Улар 1489 кишини отиб ўлдириш ва 3952 кишини сургунга жўнатиш режасини маъқуллаганлар. Шу йили 30 июлда СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги томонидан “Собиқ кулоқлар, жиноятчилар ва бошқа антисовет элементларни репрессия қилиш операцияси тўғрисида”ги №00447-рақамли оператив буйруқ қабул қилиниб, унга асосан Иттифоқ миқёсида террор бошланиб кетди[7].

Ўзбекистонда большевиклар томонидан миллий зиёлилар ҳамда раҳбар кадрларни таъкиб қилиш 1929 йилдан бошлаб кучайган эди. “Ёш Туркистон” журналида берилган маълумотга кўра, Ўрта Осиё бюросининг бош котиби Зеленскийнинг таклифи бўйича Тошкент фирқа фаоллари томонидан ўтган 1930 йил 14 ноябрда чиқарилган қарорномада Боту, Манон Рамз ва бошқа инқилобга тескари миллий буржуа ташкилот аъзоларининг қамоққа олинганлари ёзилади: “Боту ва Манон Рамз сўнгги замонгача совет ҳукумати фойдасига жиддий суратда хизмат этиб келган шахслардан саналар эдилар. Энди булар ҳам Московнинг қизил “ялмоғизларига” ёқмасдан “миллий буржуа” қаторига киргизилиб қамоққа олинганлар...” [8]

1930 йил Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлиги учун ниҳоятда оғир келган. Аввал шоир Боту – комиссарликнинг биринчи ўринбосари Маҳмуд Ҳодиев ҳибсга олинган. Боту қамалганидан сўнг орадан кўп ўтмай Олтой ҳам ҳибсга олинади. Уни ҳам бошқалар қатори Обид Саидовнинг ўлимида “Миллий истиқлол” ташкилотига аъзоликда айблашади. Боту ва Олтойдан бошқа Носир Саидов, Қаяом Рамзон, Абдуқаяом Миралимов, Собир Қодиров, Саидахмад Назаров, Хайрулла Алавий, Абдурахмон Ғоибийлар тергов қилиниб, бирга юрган дўстларига бўҳтон қилишга мажбур қилинганлар[9].

1937 йил 26 декабрда шоир Ботунинг рафиқаси В.П.Васильева Ўзбекистон ХКС раиси Султон Сегизбоев номига ариза[10] билан мурожаат қилади. Ушбу мурожаатнинг мазмуни қуйидагича эди:

“1930 йил Боту Ходиев менинг (ҳозир собиқ) эрим ҳисбга олинди. Мен “Икромовчилик гуруҳи”га Ботунинг мансублигини ва “Ботучилик” деб аталган миллатчилик ҳаракати раҳбари Икромовлигига гувоҳлик бердим. Шундан сўнг менинг атрофимда “Ботунинг хотини Икромовга тухмат қилапти” деган жамоатчилик фикри пайдо бўлди. Менга “ҳеч кимга ҳеч нима дема” дейишди ва партия билети беришди. Менга давлат органларига ишлашга рухсат бермадилар ва мен вақти-вақти билан жамоат айбловларига дуч келдим. Мен кўпинча ишсиз юрар эдим (бир қатор кийинчиликларни гапирмасак ҳам бўлади). Ушбу тўсиқлар туфайли мен 1930 йили 2 ой, 1933 йили 4 ой, 1934 йили 4 ой, 1935 йили 3 ой, 1936 йили 5 ой, 1937 йили 6 ой ишсиз ва маошсиз яшадим” [11].

Ботунинг рафиқаси В.П.Васильева ҳам кейинчалик “аксилинқилобчилик”да айбланади. У ўзини оқлаш учун 1936 йил 1 сентябрда Сталин номига, 1937 йилнинг январидида СССР бош прокурори Ежов номига мактуб йўллади. Мактубида матбуотда уни “ҳалқ душмани” деб ёзилаётгани, НКВД ходимлари унга “Мая Васильева халқ душмани эмас” деган маълумотнома бермаётганини билдирган [12].

Шунданг сўнг Ўзбекистон ССР ХКС котиби Сологуб Халқ комиссарлар совети раиси вазифасини бажарувчи Айтметовга Ботунинг рафиқаси В.П.Васильева иши тўғрисида қуйидаги хулосани такдим этган: В.П.Васильева партиянинг собиқ аъзоси, илгари давлат жамоат кутубхонасида ишлаган. “Ўзбекистон комсомоли” газетасининг 1937 йил 24 сентябрдаги сонидида “ҳалқ душмани” сифатида айбланган. У миллатчи Ботунинг турмуш ўртоғи ва троцкист Роземблум билан алоқада бўлган. Васильева бу масала бўйича реабилитация қилиш учун суд органларига мурожаат қилиши керак деб ҳисоблаймиз” [13].

Бу пайтда ҳисбда сақланаётган Боту турли қийноқ ва азоблар туфайли қайта тергов қилинаётган бўлган. Ботунинг Сталин номига 1938 йил 21 июнда ёзган мактубида қуйидаги сўзлар келтирилган: “Ғалабаларимизнинг ташкилотчиси ва жаҳон пролетариатининг доҳийси Иосиф Виссарионович, мени олдин “миллатчи”, “шўроларга қарши” деб 10 йилга кесишган эди. Бу муддат мен учун сохта ва тухмат эди. Ҳа майли, бунга яраша жазомни олдим. Муддат тугаши арафасида мени такрор тергов қилишиб, иккинчи бор муддат беришмоқчи. Бу нарса ҳам мен учун тухмат. Мен ҳеч қачон миллатчи бўлмаганман ва бўлмайман. Ахир, менинг оилам рус аёли-ку, қандай қилиб миллатчи бўлай?!... Бу мактубни “доҳийга юбориш ўрнига “иш”нинг 291-саҳифасига тиркашиб, унинг отиб ташланганлиги тўғрисидаги гувоҳномага ёпиштириб қўйилган” [14].

Олтой ҳисбда сақланса-да, пролетар мафкурага қарши курашни давом эттиради. 1932 йил 14 июлда “Махсус бўлим”нинг тергов қисмига қуйидаги аризани беради: “Менинг оғир яккалаш (изолятор) да ўтирганимга икки йил бўлди. Дунёда барча нарса ўтиб бормоқда, ўзгармоқда, менинг аҳволим бир совуқ, музлаган нуқтада ўзгармай турибди. Ўсиб бораётган ёш коммунистик зиёлиларга қаратилган бундай заҳарлаш маъносиздир. Ушбу шароит, қамоқхонанинг деворлари мияни ёйди, сўнги оби ҳаёт шарбатини сўриб ташлайди, инсоннинг барча қобилиятини сиқиб олади. Сайрсиз, қуруқ ўтиришдан иборат бўлган бу ҳаёт ақлли инсон мавжудотини савдони, жиннига айлантириб қўяди. Далил, менинг икки йиллик аҳволим – мен учун фақатгина партиявий ўлим эмас, балки фуқаролик, ижодий ўлимдир. Буни тушуниш керак. Мен учун келажак йўқ, таранг тортилган торлар узилди, тоқатга бошқа куч қолмади. Ўзимни ўлдириш керак, деган бир фикрга келдим. Шу сабабли менга сайр қилиш учун рухсат, қоғоз-қалам, сиҳатга оид китоблар беришингизни сўрайман. Илтимос, ишни қўришни тезлаштирсанглар, қанчалик тез бўлса, шунчалик яхши. Олтой” [15].

Ўзбек зиёлиларидан бири Каримжон Раҳимжонов ҳам “троцкийчи”, “зиновевчи” ларнинг ғояларини аксилинқилобий ташвиқот қилганликда айбланиб, қамоққа олинган. У 1923 йилдан коммунистик партия аъзоси (билет рақами № 565646) ҳисобланган [16]. Унга қарши Ш.Матрасулов, А.Лебедев, Ю.Машарипов, К.Маткаримов, Р.Қутлибаев ва Н.Юсуповлар гувоҳ сифатида кўрсатма берганлар [17].

Ш.Матрасуловнинг кўрсатмаси бўйича К.Раҳимжонов 1937 йил март ойида Й.Охунбобоев ҳақида гапириб, уни қулоқ боласи бўлса-да Ўзбекистоннинг марказида қатта қилиб қўйилгани, Троцкий яхши одам бўлгани, лекин унинг партиядан четлаштирилгани, олтин берилиб чет мамлакатга чиқариб юборилганини келтирган [18]. Каримжон Раҳимжоновга суд раиси сўз берганида у шундай деган: “Мен ўзимни иш бўйича айбсиз деб биламан. Мен ҳақимда айтилган бутун сўзлар ёлғон. Мен аксилинқилобий ташвиқот қилганим йўқ. Мени совет ҳукумати билан адоватим йўқ” [19].

Суд ҳайъати қарори билан Каримжон Раҳимжоновга ЎзССР Жиноят Кодексининг 66-моддаси 1-қисми билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган [20]. Шунингдек, Худойберганов Матюсуф ҳам собиқ қулоқ эканлиги ва аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда ҳамда совет тузумига қарши бўлганликда айбланиб қамоққа олинган [21].

Совет назорат органлари томонидан матбуот ходимлари, журналистлар, ноширлар, тилшунослар, адабиётшунослар, ёзувчилар, шоирларнинг ҳар қадами қаттиқ назоратга олинган. Бухоро пролетариати газетасининг муҳбири Насриддин Раҳимий миллатчилик руҳидаги “аксилнқилобий”, “аксилшўравий” жиноятни содир этганликда айбланиб, Ўзбекистон ССР ЖКнинг 60–67-моддалари билан иш қўзғатилган. Унинг сўроқ материалларида қуйидаги сўзлар келтирилган: “Фитратни мен таниқли жаҳид ва Ф.Хўжаев яқиндан қўллаб-қувватловчи “улуғ” ўзбек шоири сифатида биламан. Фитрат 1927 йилда Самарқанд шаҳрида миллий аксилнқилобий гуруҳ ташкил қилган эди. Унинг аъзоларидан хабарим бор. Гуруҳ таркибига 8 киши кирган. Улар орасида босмачилик даврида Афғонистонга қочиб кетган, кейинчалик қайтиб, ҳозирда институтда ишлаётган Ҳикмат Неъматов ҳам бор. Фитрат гуруҳ аъзоларини уйига зиёфатга чақириб, улар орасида миллий аксилнқилобий ғояларни ташвиқот қиларди. Оқибатда гуруҳ аъзолари совет ҳукуматининг ашаддий душманларига айланардилар...” [22]

1937 йили “Илгарига” газетаси муҳаррири Ҳакимжон Азимжонов ҳам қамоққа олинган [23]. Унинг қамоққа олинишида унга қарши ёзилган бўҳтонлардан иборат фельетон [24]сабаб бўлган. Журналист, ёзувчи, шоир ва зиёлиларни синфий душман сифатида айблаш кескинлашган. Натижада баъзи инсонлар тўхмат, чақимчилик, ёлғон маълумотлар тўплаш ва уни совет жазо органларига етказиш каби “фазилат”ни ўзларига касб қилиб олганлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тергов материалларида, архив хатлари ва оператив ҳужжатларда беистисно бир далилга рўбарў келинади – ОГПУ ходимлари Бухоро Халқ Жумҳурияти раҳбарлари, собиқ жаҳидлар, миллий арбоблар, таниқли ёзувчи ва олимлар иштирок этган йиғин, зиёфат, “гап”ларнинг ҳаммасини уларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганмай, “махфий”, “яширин”, “хуфия” деб айтган. Фитрат раҳбарлик қилган гуруҳга Абдулла Қодирий, Ғози Юнусов, Ғулом Зафарий, Чўлпон, Жалол Иқромий (Тожикистондан), Буюк Каримов, Мукамил Бурхонов, Ҳикмат Неъматов ва бошқа (34 ёзувчи, шоир ва олим) ларнинг номлари келтирилган [25]. Большевиклар томонидан бу зиёлилар уюшмаси террорчилик гуруҳи деб аталган.

Хулоса. Ўзбекистонда мавжуд тузумни ислоҳ қилиш ва бошқарувга замонавий илм-фан ютуқларини жорий қилишга қаратилган миллий зиёлилар фаолияти большевиклар томонидан буржуамиллатчилиги деб баҳоланган. Шўролар большевизмнинг ўлкада ҳукмрон партиёга айланишида миллат манфаати йўлида курашувчи зиёлиларни асосий ғов деб билдилар. Большевикларнинг миллий зиёлиларга қарши олиб борган кураши оқибатида кўплаб маърифатпарварлар қатағон қилинди ва баъзилари ўз юртларини ташлаб муҳожирликка жўнаб кетишди.


Маҳмудхўжа Бехбудий, А.Фитрат, А.Чўлпон, А.Қодирий, Элбек, Боту, Олтой, Усмон Носир, Санжар Сиддиқ каби миллат етакчилари, зиёлилар илгари сурган истиқлол мафкураси билан большевикларнинг пролетариат мафкураси ўртасида тўқнашув содир бўлди. Истиқлол мафкураси халқни уйғонишга, жаҳолат ва нодонлик, бидъат ва хурофот исканжаларидан қутулиб, ҳур фикр билан яшашга, ўзликни танишга даъват этди. Аксариат миллий зиёлилар пролетариат мафкурасига хизмат қилмаганлиги учун ноҳақ танқидлар ва тазйиқларга учраганлар. XX асрнинг 30-йилларида ўзбек халқининг минглаб зиёлилари И.Сталин қатағонларининг беғуноҳ қурбони бўлдилар. Зиёлиларни таъкиб этиш, номларини қоралаш, улар қатағон этилгандан кейин ҳам тўхтамади. Уларнинг фарзандлари “миллатчи”, “халқ душмани”, “ёт унсурнинг боласи” каби номлар билан камситилди. Қатағон этилган зиёлиларнинг асарларини ўқиш, ҳатто номларини тилга олиш таъқиқланган эди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Шарафиддинов О. Чўлпон. Шоир ҳақидаги ривоятлар ва ҳақиқатлар. – Тошкент: “Чўлпон”, 1991. –Б.27.
2. Раҳмонов Т. Сиз билган ва билмаган тарих. – Бухоро: “Дурдона”, 2021. –Б.218.
3. Қиличев Ф. Зулматдан садолар. – Тошкент: “Адолат”, 1994. –Б.8-9.
4. Наимов. Н Мен яшашни истайман! – Бухоро: “Бухоро”, 1994. –Б.308–309.
5. Совет қушхоналари. Мустафа Шоқай. Шығармаларынын толық жынағы. 12 томдық. Том IX. – Алматы: “Дайк-Пресс”, 2014. –Б.172.
6. Совет қушхоналари. Мустафа Шоқай. Шығармаларынын толық жынағы. 12 томдық. Том IX. – Алматы: “Дайк-Пресс”, 2014. –Б.173.
7. Ерметов А. Ўзбекистонда ички ишлар органлари фаолияти (1925 – 1991 йиллар). – Toshkent: “Adabiyot uchqunlari”, 2018. – Б. 78.

HISTORY

8. Туркисон хабарлари // “*Yaş Türkistan*”. 1930 йил декабрь, 13-сон. –Б.38; *Нашрга тайёрловчи Ayaz Tahir. 1-cild (1-13 sayilar).* – Istanbul. 1997.
9. Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейининг жорий архиви, 71-йигма жилд, ягона варақда.
10. Ўз МА, 837-фонд, 32-рўйхат, 1336-йигма жилд, 171-174-варақлар.
11. Ўз МА, 837-фонд, 32-рўйхат, 1336-йигма жилд, 172-варақ.
12. Ўз МА, 837-фонд, 32-рўйхат, 1336-йигма жилд, 173–174-варақлар.
13. Ўз МА, 837-фонд, 32-рўйхат, 1336-йигма жилд, 170-варақ.
14. Узоқов Х. Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихи 1900 – 1940 йиллар (Журналистлар фаолияти мисолида). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.,1996. –Б.14.
15. Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейининг жорий архиви, 71-йигма жилд, ягона варақда.
16. Ўз МА, 1714-фонд, 7-рўйхат, 80-йигма жилд, 26-варақ.
17. Ўз МА, 1714-фонд, 7-рўйхат, 80-йигма жилд, 31-варақ.
18. Ўз МА, 1714-фонд, 7-рўйхат, 80-йигма жилд, 39-варақ ва унинг орқаси.
19. Ўз МА, 1714-фонд, 7-рўйхат, 80-йигма жилд, 43-варақ.
20. Ўз МА, 1714-фонд, 7-рўйхат, 80-йигма жилд, 43-варақнинг орқаси.
21. Ўз МА, 1714-фонд, 7-рўйхат, 133-йигма жилд, 27-варақ.
22. Муртозаев Ж. Қизил империянинг “Қизил” терговчилари // “Жаҳон адабиёти” журнали. 2021 йил 12-сон. –Б.168–169.
23. Ўз МА, 1710-фонд, 11-рўйхат, 98-йигма жилд, 41-варақ.
24. Фельетон. Ҳимоячилар паноҳидаги жиноятчилар // “Илгарига” газетаси. 1936 йил 15 июнь. 50-сон; Ўз МА, 1710-фонд, 11-рўйхат, 98-йигма жилд, 42-варақ.
25. Муртозаев Ж. Қизил империянинг “Қизил” терговчилари // “Жаҳон адабиёти” журнали. 2021 йил 12-сон.-Б.169.



**"SCIENTIFIC REPORTS
OF BUKHARA STATE
UNIVERSITY"**

The journal was composed
in the Editorial and
Publishing Department of
Bukhara State University.

Editorial address:

Bukhara, 200117
Bukhara state university, main
building, 2nd floor, room 219.
Editorial and Publishing
Department.
[https://buxdu.uz/32-buxoro-
davlat-universiteti-ilmiy-
axboroti/131/131-buxoro-davlat-
universiteti-ilmiy-axboroti/](https://buxdu.uz/32-buxoro-davlat-universiteti-ilmiy-axboroti/131/131-buxoro-davlat-universiteti-ilmiy-axboroti/)
e-mail:
nashriyot_buxdu@buxdu.uz

Printing was permitted
29.10.2022 y. Paper format
60x84,1/8. Printed in express
printing method. Conditional
printing plate – 35,30.
Circulation 70. Order №647.
Price is negotiable.
Published in the printing house
"Sadridin Salim Buxoriy" LLC
Address: Bukhara,
M.Ikbol street, 11